

Ф. ЖУМАБОЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚЛАРИ
ТАРИХИ**

Ф. Б. ЖУМАБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кечки, сменали ишчи ёшлиари мактабларининг VII — XII синфлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.



43060206000 - 80

96 100 - 0000000002
353(04) - 02

(C) • Стартовый интернет-магазин - 1992

ISBN 5 - 045 - 01755 - 2

КИРИШ

Мамлакатимизда бошланиб кетган қайта қуриш жараёни маориф ишларини ҳам, таълим-тарбия ишларини ҳам, шу жумладан ўқитилаётган фанларни ҳам қайта қуриб чикиш, уларни замон рухига мос келадиган даражага кўтариш, жамиятимизда рўй берган ва рўй бергаётган ўзгаришларни янгидан яратилаётган дарслик-ларда, ўкув қўлланмаларида акс эттириш каби бир қатор масалаларни кечиктириб бўлмайдиган муаммолар сифатида кун тартибиға қўймоқда. Эндиликда тарих фанларининг янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Худди мана шу боисдан кечки, сменали ишчи ёшлар мактаблари учун ҳам дарслик ва ўкув қўлланмалари яратиш зарурияти келиб чиқди. Шуни алоҳида уқтирмок-чимизки, кечки мактаблар учун Ўзбекистон халқлари тарихидан махсус дарслик ёки ўкув қўлланмаси яратилмаган. Кечки мактабларга кундузги мактаблар учун нашр қилинган дарсликлардан, қўлланмалардан учдан бир ҳисобида дарс ўтишга рухсат берилар эди, бу хол жойларда кечки мактаблар ўқитувчилари учун қўшимча кийинчиликлар келтириб чиқарар, мавзуларга соат беришда айрим чалкашликларга олиб келар эди. Мана шу ахволга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон халқлари тарихидан илк тажриба тарзида ушбу қўлланма яратилди.

Қўлланма кечки, сменали ишчи ёшлар мактабларининг VII – XII синфлари учун мўлжалланган. Ҳар бир синф учун олинган давр ва материал ҳажмлари бир-биридан фарқ қиласди. Бунга амалдаги тарих фанлари дастуридаги ҳар бир синф учун берилган давр ва материаллар асос қилиб олинди. Масалан, VII синф учун энг қадимги даврдан то XVIII асрнинг охирига қадар бўлган давр берилган. Мана шундай катта давр тарихи учун факат 7 соат ажратилган, холос. VIII синф учун 3 соат ажратилиб, бутун XIX асрни ўз ичига олади. IX синф учун ҳам 3 соат ажратилган бўлиб, XX аср бошларидан то 1917 йил февраль инқилоби галабасига қадар бўлган даврни

Учашнига олади. X синф учун 6 соат берилиб, 1917 йилдаги Млут Октябрь социалистик йиқилоби ғалабасидан то 1939 йилданча бўлган давр тарихи ўрганилади. Нихоят, XI – XII синфлар учун ҳам 6 соат ажратилиб, 1939 йилдан то 1990 шига кадар бўлган тарих ўрганилади.

Чибукулланмани яратинидаги мураккаблик шундаки, беришни оз ишга ишта жуда катта тарихий даврни Узбекини керак. Хар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий, иктисолий, сиссий ва маъданий хусусиятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқарини кучларнинг ривожланиши, синфлар, синфий курашилар, инқилоблар, жамият алмашувлари каби жуда кўп тарихий воеа ва ҳодисаларни оз миқдордаги соат ичида умумлаштириб бериш лозим. Мавзуларнинг номларини ўзгартирганимиз ва давр хусусиятини саклаб қолганимиз ҳолда ўқувчилар диккатини бош масалага қаратиш керак эди. Қўлланманни яратиш жараёнида ана шу вазифаларни бажаришга харакат килинди. Уни яратишда тарих фанларнинг ривожланиши ва ҳозирга келиб тарихий ҳақиқат аникланаётганлиги, тарихимизнинг маълум даврларига бошқача мазмун берилганини масалалари ҳам назарда тутилди.

Муаллиф қўлланманни яратишда берган маслаҳатлари, йул-йўриклари учун Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Б. А. Аҳмедовга ҳамда тарих фанлари доктори, профессор Т. С. Сайдкуловларга миннатдорчилик билдиради.

I-§. ҲОЗИРГИ ЎЗБЕКИСТОН ЕРЛАРИДА ИБТИДОИЙ ЖАМОА ТУЗУМИ

Тарихчилар ибтидоий жамоа тузумини тахминан 800 минг йил илгари пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар. Бу даврни археологлар палеолит, геологлар эса тўртинчи (Ер тараққиёт тарихидаги тўртламчи) давр деб атайдилар. Бу даврда Альп, Қавказ, Ҳимолай, Тибет, Помир, Тянь-шань каби энг баланд тоғ тизмалари пайдо бўлди. Европа, Осиё ва Американинг катта қисмини муз коплаб ётар эди. Ҳозир Ўрта Осиё музликлари денгиз сатҳидан 3200 м пастда эримагани ҳолда у вактларда музлик 1800 м га қадар тушилар эди. Бу ўша вактдаги иклимининг ҳозиргидан анча паст эканлигини тасдиқлайди. Намгарчилик ва мўътадил иклим эҳтимол бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби Ўзбекистон ерларида хам ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ривожланишига сабаб бўлган бўлса керак. Тешиктош, Омонқўтон, Хўжакент, Обираҳмат манзилгоҳларидан айик, қоплон, тоғ эчкиси ва бошка ҳайвон суюклари колдиқларининг топилиши фикримизнинг далилидир.

Агар ҳайвонлар табиат инъом этган тайёр маҳсулотларни ейиш билан яшасалар ва шунга мослашсалар, инсонлар эса меҳнат билан табиатни ўз мақсадларига бўйсундиришга ҳаракат қиласади. Мана шу ҳаракат инсонни одамсимон маймунлар тўдасидан ажралиб чиқишига, унинг одамга айланишига олиб келди. К. Маркс айтганидек, ибтидоий одамлар тарихга ярим ҳайвон сифатида кириб келади. Бу вактда одам меҳнати ҳали ўзининг примитив ва инстинкт шаклидан ҳоли бўлмаган эди.

Ибтидоий одамларнинг меҳнат куроллари қолдиқлари Жанубий Қозогистоннинг Коратог этакларидағи Бўриқазиган, Танурқазиган манзилгоҳларидан, Норин дарёсининг Онареа ирмоғидан, Фарғона водийсидаги Исфайрамсойнинг Хўжахайр қишлоғи, Хоразмдаги Шўркўл ва Қайроқкум, Вахш дарёсининг Кизилқалъа ирмоғи, Туркманистоннинг Красноводск шаҳри шимолроғидан топилган. Демак, юкоридаги далиллардан маълум бўладики, ҳозирги Ўзбекистон ерлари энг қадимги вактларданоқ инсонлар яшаган манзилгоҳлардан бири бўлган.

Эрамиздан олдинги 40 минн йилдан таҳминан 12 минг йилгача давом этган палеодит дарига келганда бу ерларда уруғ жамоаси пайдо бўлди. Бу даврга келиб меҳнат ва ов қуроллари анича такомиллашиди, овчилик ривожланди. Ўсимлик илдиз ва меваларини йигини ва истеъмол килиш оддий нарсага айланди. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви, меҳнат турларининг кўпайиб бориши билан ибтидоий одамнинг киёфаси ҳам ўзгариб борди. Ҳозирги одамларники каби тик турадиган гавда ва юз тузилиши пайдо бўлди. Улар қишини манзилгоҳлар қуриб оладиган, турли бўёклардан фойдаланиб коя тошларга ҳайвонлар расмларини соладиган, ҳайкаллар ясайдиган бўлдилар. Жамоада она уруғи келиб чиқди.

12—15 минг йил аввал ибтидоий жамоа тарихида янги давр бошланди. Музликлар шимолга силжий бошлади. Ўсимлик ва ҳайвон турлари ҳам кўпайди. Бу ўзгаришлар тош аспи одамларининг ҳам турмуш тарзини ўзгартириди. Үзокка отадиган сонқон, ўқ-ёй кашф қилинди. Шеробод тог қояларида расмлар, Бойсун тоғидаги Мачай горидан, Зораутсойдаги Қўхитоғ горидан топилган суюк қуроллар, ҳайкаллар, расмлар бу вактдаги одамларнинг турмуш тарзини, маданиятини ифода этади.

Эрамиздан аввалги 5 мингинчи йил бошларида ибтидоий одамлар чорвачилик, овчилик, шунингдек ўсимликлар илдизи ва мевасини йифишдан бевосита уларни маданийлаштиришга, дастлабки деҳқончиликка ўта бошлидилар. Марказий Фарғона ерларида топилган манзилгоҳлардан турли ов қуроллари, қармоклар, пичок, болта, жез ўқлар, куракча, парма, бигиз, суюқдан ясалган арра ва бошқа жуда кўп уй-рўзгор буюмлари топилди. Қўйи Зарафшон, Моҳандарё, Замонбобо жойларидан топилган археологик материаллардан шу нарса аникландик, эндиликда одамлар ҳайвонларнинг маълум турларини қўлга ўргатдилар. Даъварзин, Чуст, Андижон, Термиз яқинидаги Кучуктепа, Оҳангарон дарёси воҳасидаги Қўхисим, Кухинан, Сўҳ дарёси бўйндаги Чунгара, Сариккўргон каби манзилгоҳлардан ойна, ўрок, пичок, қайчи, узук, зирақ, от юганин тортмаси ва бошқа металл буюмлар топилди. Бу даврга келиб уругда ота хукмронлик қила бошлаган. Деҳқончилик майдонлари кенгайди, сунъий сугорини ишиштазлари курилди. Болалар эндиликда ота меросини оладиган бўлдилар. Дастьлабки диний эътиқодлар пайдо бўлди.

Ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичида Ўрта Осиёда ҳам синифий жамиятнинг пайдо бўлиши учун зарурӣ шарт-шароитлар яратилди. Лекин бу ердаги кулдорлик Рим ва Грециядаги каби ўзининг энг юкори чўққисига чиқмади. Чунки бу ерда жамоалар катта роль ўйнайдики, К. Маркс айтганидек, улар «Осиёча ишлаб чиқариш усулида» эди. Эрамиздан олдинги VI — IV асрларда курилган катта-катта ирригация иншоотларида шубҳасиз қуллар меҳнатидан фойдаланилган.

К. Маркс таъкидлаганидек, Шарқ мамлакатлари ҳукмронлари уч вазифани бажариш учун: ўз кўл остидаги халқлардан солиқ йигиб олиш, бошқа халқларни талаш ва ариқ-каналлар қазиш, янги ерларга сув чиқариш, мудофаа қалъаларини, ровотларни қуриш учун ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлар эдилар ва бу жараён қулдорликни янада мустаҳкамлаш ва қулларнинг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда олиб борилар эди. Шаҳарлар мустаҳкам қалъалар, деворлар билан ўраб олинар эди. Дехқончиликнинг ривожланиши билан аҳоли далаларга чиқа бошлади. Ўша ерлар ҳам деворлар билан ўраб олинар эди. Масалан, Чуст (Фарғонада), Далварзин (Сурхондарёда), Қўзилиқир (Хоразмда), Говурқалъа (Марвда), Ёзтепа (Туркманистонда), Афросиёб (Самарқандда), Қаланмир, Қабадиён (Жанубий Тожикистонда) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тарихчи Геродотнинг хабар беришича, эрамиздан олдинги минг йилликларда ҳозирги Ўзбекистон ерларида яшаган халқлар мис ва темир қазиб олишни, ундан ҳарбий ва меҳнат куроллари ясашни ўрганганлар, Шунингдек, кулолчилик, заргарлик, тўқимачилик, курувчилик хунарларини эгаллаганлар. Қоратоғ, Манғишлиқ, Нурота, Қизилкум, Зарафшон, Сўғд, Чотқол, Фаргона ерларида олтин қазиб олиш ва ундан ажойиб зебу зийнат буюмларини ишлаб чиқариш Ўрта Осиёга ҳали эронийлар келмасдан олдин ҳам маълум эди. Оҳангарон, Олмалиқ, Ҳўжанд, Жанубий Қорақалпоғистон ерларида темир ишлаб чиқариш ривожланган. Одамлар нефтдан ҳам фойдалана билганлар.

Аҳоли зардуштийлик динида бўлиб, унга кўра ўлганларни ерга кўммас, сувга оқизмас, оловда ёндирилас, балки баланд тошли қояларга чиқариб ташлашар эди. Аҳолининг маълум кисми қуёшга, сувга, дарёга, оловга, шамолга ҳам сифинишган. Авесто деб аталадиган, халқ қаҳра-

мопликлариниң күйловчи эпос бутун Ўрта Осиёга жуда кенг тарқалған. Күчмалчилар маданияти билан үтрок халқ маданияти тобора үзаро якнилашиб, үзига хос маданият пайдо бұла бошлаган.

Грекларнинг
Ўрта Осиёга
бостириб кириши

Махаллий қабила бошликларининг сот-
кинлиги, зодагон синиф вакилларининг
хониллиги Эронни босиб олиб, Ўрта
Осиёга келаётган македониялык Искан-

дар юришларини осонлаштируди. Спитамен бошчилигіда махаллий халқларнинг қаттық қаршиликлариға қарамай, 329—327 йилларда греклар сак ва массажет кабилаларини тор-мор қилиб, бутун Ўрта Осиёни босиб олди. 323 йилда Искандар ўлгач, бу ерда бир канча кичик-кичик давлатлар пайдо бұлды.

Грекларнинг Ўрта Осиёга келиши ва бир неча аср мобайнида бу ерда қолиши Ўрта Осиё маданий ҳаётида катта силжишларга турткы бўлди. Грек маданияти махаллий маданият билан арадашиб, бу ерда үзига хос грек-бактрия маданиятини пайдо қилди.

Илк феодал
давлатлар

Эрамизнинг I—IV асрларида бутун
Ўрта Осиё ва Хиндистанни босиб олиб,
Эрон, Кавказ, Миср орқали Африка

мамлакатлари билан, Шимолий Каспий орқали Европа мамлакатлари билан савдо муносабатларини үрнатган Кушон подшолиги бу даврда энг курдатли давлатга айланди. Кушон подшолигига онд маданий ва ирригация ёдгорликлари Ўрта Осиёнинг барча жумхуриятларида топилган. Вахш, Ҳисор, Дарғом, Занг каналлари, Ҳоразм воҳасидаги каналлар шулар жумласидандир. Яван, Далварзин, Қарши, Қитоб, Еркўргон, Тупроккалъа, Говуркалъа — кушонлар давридаги шаҳар колдикларидир. Кушонлар даври Ўзбекистон халқларининг сиёсий ҳаёти ўта мураккаблашган, яъни жамоалар эмирилиб, унинг аъзолари камбағаллаша бошлаган, бойликлар эса қулдорлар қўлида тўплана бошлаган даврга тўғри келади.

Кушон маданияти үзидан олдинги асрларда барпо этилган махаллий маданият, айникса грек-бактрия маданиятининг сақланиб колинган жиҳатлари устида пайдо бўлди. Хитой ва Хинд маданияти бу маданиятга сингиб яшада ривожлантирилди.

V—VI асрларда Орол бўйлари, Чаганиён, Тохаристон, Гиссаршон, Кобуд, Панжаб, Кашигар, Кучу, Хотан ва Шарқий Туркестон сирарини босиб олиб, үзларининг бозорларини тұзап алған шини подшолик даврида ҳам

ирригация ишлари давом эттирилди. Бу даврда сув тегирилмөнлөр, чигирлар, уғитлар билан ерии ишләни, алмашылаб экиш усулларидан фойдаланилди. Эфталитлар феодаллашиб келаётган күлдорлар аристократияси билан күчмәнчи ва ярим күчмәнчи кабилалар аристократиясининг үзига хос келишувчилик воситасынга айланиб борди

Ахолининг асосий қисми дәхқончилик ва чорвачилик билан шугулланган.

VI – VII асрларда **Түрк хоконлиги** VI аср ўрталарида Олтой, Еттисув, Марказий Осиё районларидаги турили кабила, уруғ-аймокларнинг бирлашма сидан Түрк хоконлиги номи билан күчмәнчилар давлати пайдо бўлди. Лекин бу давлатнинг зиддиятлари кучли эди. Урушлар оқибатида кулларнинг сони кўпайиб борди. Давлатда 25 харфдан иборат алфавит мавжуд бўлиб, чандан ўнгга караб ёзиш, болаларни 6 ёндан бошлаб ўқитиш тартиби амал килган. Беркуткалья, Тешнеккалья Варахса, Панжикент, Чагониён маизилгоҳларидан тошилган ёдгорликлар бунинг далилларидир. Кушон маданияти Эрон, Хиндистон, Шаркий Туркистон, Урал ва атрофдаги кенг даشت қипчоқ халқларига, шунингдек Түрк хоконлиги давлатига хам ижобий таъсир килган.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарни муҳокама қилиш керак?

1. Ҳозирги Ўзбекистон ерларидаги ибтидоий одамлар яшаган жойлар номини аникланған ва уларни контур харитага туширинг.
2. Буржуа тарихчилари нима сабабдан ҳозирги Ўзбекистон ерлари да ибтидоий одамлар яшамаган леб даъво киладилар?
3. Уруғ жамоалари қандай пайдо бўлган?
4. Ибтидоий жамоа тузумининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
5. Ҳозирги Ўзбекистон ёрлари – кулдорлик тузуми пайдо бўлган маконларидир.
6. Кулдорлик тузумининг үзига хос хусусиятлари

Нималарни ўқиши керак?

1. Ф. Бойназаров. Бобокалонларимиз ватанпарвар бўлганини Фан ва тўрмуш, 1989, 11-сон.
2. Т. Қодирова. Суғдиёнада ҳалқ ҳаракатлари. Шарқ юлдузи, 1982 2-сон.
3. Ҳ. Ҳасанов. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан Тошкент, «Фан» 1965.

2-3- §§. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ АРАБЛАР ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

Тарих саҳнасига чиққанга қадар араблар ижтимоий, иқтисодий ва маданий тафаккурнинг турли босқичларида туар эди. Аҳолининг кўпчилиги кўчманчи, баъзилари чорвадор бўлиб, саҳрода корамол ва қўй эчкilar бокар, бир-биридан узоқ бўлган кичик-кичик воҳаларда эса асосан савдогарлар яшаб, улар кўчманчилар билан ўзаро савдо муносабатларини олиб борар эди. VII аср ўрталари га келиб, Мадина шаҳри сиёсий воқеалар марказига айланди.

Катта-катта ўлжалар олишдан манфаатдор бўлган йирик зодагонлар араб кабилаларини уюштириб, уларни отлик (асосан ўзларнга тўқ араб савдогарларидан) ва пиёда лашкарларга бўлиб (асосан камбагал қатламлардан), пул ва арзимаган совғалар бериб, улар ёрдамида атрофдаги қабила, уруғ, аймоқ, бошқа давлатлар ерларини ҳам босиб ола бошладилар. 651 йилда Сурия, Фаластин, Ироқ, Эрон ерларини босиб олган араблар ўша замоннинг энг бой, маданий қўркам, йирик иқтисодий маркази ҳисобланган Марв шаҳрига етиб келдилар. Деярли ҳеч қандай қаршилика учрамаган араблар бу шаҳарни ҳам босиб олдилар.

704 йилга қадар араблар Ўрта Осиёга гоҳ-гоҳ хужумлар уюштирап, бу хужумлар аксарият ҳолларда ҳеч ким кутмаган жойларда қўққисдан амалга оширилар, натижада улар қўлга киритилган катта ўлжалар билан ўз юртларига қайтиб кетар эдилар. 706 йилдан бошлаб араблар Ўрта Осиёни узил-кесил босиб олишга киришди. Бу орада Ўрта Осиёга ноиб килиб тайинланган Кутайба ибн Муслим (704) тезда уруш ҳаракатларини бошлаб, 709 йилда Бухоро, 710 йилда Кеш, Шуман, Насаф, 712 йилда Самарқанд, Шош, Фарғона, Кашғар, Хоразм ерларини босиб олди. Ўрта Осиёда яшаб турган турқ, корлик, тургаш, сўғд ва бошқа халқлар эса ҳали сиёсий жиҳатдан ўзаро бирлашмаган, иқтисодий муносабатлари ўта заиф, таркօқ ҳолда эди. Модомики шундай экан, арабларнинг ҳарбий муваффакиятлари уларнинг кучлилигида эмас, балки маҳаллий халқларнинг босқинчиларга қарши курашда ўзаро бирлаша олмаганилигида, арабларнинг маҳаллий қабила бошликларини, турли зодагон, савдогарларни, эл ичида катта таъсиргага эга бўлган йирик мулк эгаларини сотиб олиб, уларга пул ва катта-катта ер

майдонларини совға килиб, шу йўл билан махаллий кабилалар қаршиликларини осонгида бўлди.

Ўрта Осиёни босиб олиш ишини нисбатан осонлаштирган яна бир сабаб шуки, араблар ислом динини кабул килиб, мачитга бориб номоз ўқиганларга икки дирҳамдан шул берар, улардан хирож (ер солифи) ва жузъя (жон солифи) олинмас эди, динни қабул килган кишиларнинг ер, сув мулклари уларнинг ўзида колар эди. Бу ўрнатилган тартиб ва коидалар Ўрта Осиёни босиб олишнинг дастлабки вактларига тўғри келади.

Араблар ўрнатган феодал тартиб ва тўлов мажбуриятлари улар томонидан босиб олинган ўлка халкларининг айрим норозиликларига сабаб бўлди. 730 йилда Хорис ибн Сурайж, Шимолий Хурносон, Қандахор, Тус, Нишопур, Кобул, Қермен, Форс атрофларида Ҳамза ибн Атрок, бироз кейинроқ, яъни 806 йилда бутун Сўғд ерларида Рофе ибн Лайс, Хурносон ва Шимолий Хиндистонда Махди бошчилигига дехконлар қўзғолонлари бўлиб ўтди Қўзғолонлар бутун Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига ҳам ёйилди.

Халқ ҳаракатлари ичидаги каттаси Муқанна қўзғолони бўлиб, у 776—783 йилларда давом этди. Қўзғолон бутун араб халифалигини даҳшатга солди. Ҳошим ибн Ҳаким (Муқанна) бошчилигидаги бу қўзғолон Марв, Кеш ва Сурхондарё воҳаларига ёйилди. Бирок, Арабистондан келтирилган жуда катта ҳарбий куч қўзғолонни зўр қийинчиликлар билан бостириди. Қўзғолонлар бостирилгандан кейин ҳам Ўрта Осиёда, Хурносон, Эрон ерларида арабларга қарши халқ ҳаракатлари давом этиб турди.

Хуллас, арабларнинг келиши маълум даражада вайронгарчиликларга, ариқ ва тўғонларнинг бузилишига ва бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлган бўлса ҳам уюшмаган, ўзаро иктисадий, сиёсий муносабатлари бўлмаган халклар тарқоклигига барҳам берилди, ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини тараққиётдан тўхтатиб турган ўзаро феодал можароларга чек кўйилди, халклар бирлаштирилди, марказлашган хокимиётга бўйсундирилди. Бу эса ўз павбатида ўлкада иктисадий жонланишга, савдо, дехкончилик, хунармандчиликнинг тез тикланишига, тарақкий этишига олиб келди. Ҳатто бу ерда ташкил топган Сомонийлар давлатининг маданий, сиёсий ва иктисадий жихатдан ўша замоннинг энг кудратли давлати бўлиб колганлигини кўрамиз.

Узлуксиз давом этган халқ күзголонла-
ри, шубхасиз, халифалик марказий

хокимиятининг иқтисодий асосларини

заифлаштириди. Бундан фойдалаңған айрим улдар оны
махаллий зодагонлар аббосийлар билан яқинлашдилар ва
хокимиятдаги энг нуфузли кишиларга айланылар. Лекин
аббосийлар уларнинг фаоллашувидан ташвишга тушиди.
Халифа Хорун ар-Рашид (786—809) фаоллашиб борган
Балх ва унинг атрофларидан чиккан ҳамда бармакидлар
деб ном олган маҳаллий зодагонларга тұстадан кескин
зарба беради. Эндиликда уларнинг ўрнига Хуросондаги
йирик ер эгаларидан чиккан тохирийлар келдилар. Тохир
ибн Ҳусайн таҳт можароларидан Хорун ар-Рашид үгилла-
ридан бири бұлған Маъмунни химоя килиб чықади.
813 йилда Маъмун халифа булиб олғач, Тохир ибн Ҳусайн
халифаликдаги энг бой, обрули шахсега айланди. Моваро-
уннахрнинг ҳам жанубини, ҳам шимолини ўз таъсирига
олган Тохир ибн Ҳусайн ўз қароргохини Нишопурга
күчиради. Бу воқеадан бир йил үтар-үтмас, Тохир жума
намозида халифа номини хутбага құшиб үкимасликтин
талаб килади. Бу хол тұғридан-тұғри халифага қарши
чикиш демек эди. Кураш кучайиб борган бир вактда Тохир
сирли равишда кечаси үлиб қолади. У халифа одамларин
томонидан захарланиб үлдирилган эди.

Тохирдан сүнг унинг үгилларидан Абдулло ва Талха
вактида Хуросон ва Мовароуннахр Бағдоднинг вассалига
айлантырилди. Маҳаллий бойликлар тортиб олина бош-
ланди. Солиқлар күпайтирилди. Бунга қарши норозилк
харакатлари кучайиб борди.

874—907 йилларда Бұхоро таҳтига үтирган Исмоил
Сомоний даврида бутун Ўрта Осиё иқтисодий, сиёсий ва
маданий жиҳатдан маълум ривожланишга эга бўлди. Бу
давлат Шарқдаги энг йирик ва қудратли давлатга айланди.
Йирик феодаллар қўлига жуда катта ер майдонлари
тўпланган холда дехконлар тамомила ердан маҳрум
бўлдилар. Узил-кесил ўрнатилган ислом динига қарши
бошқа мазҳабдаги оқимлар диний никоб остида норозилк
харакатларини давом эттиради. Сомонийлар суоласи
билан марказий халифалик ўртасида турк кабилаларидан
тузилган лашкарлар бошликлари билан маҳаллий хокими-
ят ўртасида ўзаро келишмовчиликлар булиб туардикни,
шубхасиз бу воқеалар Сомонийлар давлатини ич-ичдан
заифлаштироқда эди.

**IX — X асрларда
кишлок хўжалиги,
хунармандчилик
ва савдо**

Сомонийлар замонида, айниқса тоҳирийлар сулоласи даврида Зарафшон, Сир ва Аму воҳалари дехкончилик, хунармандчилик ва савдо соҳасида бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ичидаги биринчи ўринга чикди. Шахар билан кишлок ўртасида, кишлок аҳолиси билан чорвадорлар ўртасида савдо ва айирбош ишлари жуда ҳам ривожланди. Суғориладиган ерларга буғдой, арпа, шоли, тарик, пахта, адирларга эса нӯҳат, мөш, кунжут, беда, канапа экилар, боғ-роғларда ўрик, олма, шафтоли, нок, беҳи, олхўри, гилос, узум, анжир, ёнғоқ, анор ва бошқа мевалар гарк пишиб ётар, полизларда ширин-шакар ковун-тарвуз ва бошқа хилмажил экинлар экилар, уларнинг поёни йўқ бўлиб, бир-бирига кўшилиб ётар эди. Бухоро, Хива, Тошкент ва Фарғонада хунармандчилик ривож топди. Бу ерлардан чет мамлакатларга жун, ёғ, пишлок, эгар, юган, жабдук, мис қозонлар, ёнғоқ, қофоз, тери, кўн, чит матолар (80 хилда), сукно, мовут, соч бўяйдиган турли ёғлар, бўёклар, оттерилари, қилич, совут, ўқ-ёй, тўн, ўйинчоклар, мўйна, шириналар, олтин, кумуш, турли ичимликлар каби ҳар хил нарсалар чиқарилар эди.

Ўрта Осиёдан Кавказ, Ирок, Миср, Византия, Болгария, Шарқий Европа, Хитой, Хиндистон, Мұгулистан каби мамлакатларга ҳар хил юклар ортилган катта-катта карвонлар борар, Ўрта Осиёга эса бу ерда йўқ буюмлар келтириларди. Карвон йўллари жуда узок эди. Масалан, бир кунда тахминан 25 км дан йўл босиб Шимолий Хитойга (Олтойга) олти ой деганда етиб борилар эди. Моллар бошга бош айирбошланарди. Ҳар бир карвонда 3 минг тия бўлиб, уларни 5 минг отлик ғуломлар куриқлаб борар эди.

Ўрта Осиё араблар томонидан босиб олингандан кейин Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, савдо ва маданий муносабатлар яна ҳам кучайди. Айниқса, ташки савдо ва хунармандчилик ўси. Шаҳарлар кенгайди. Шаҳарларга сиғмаган аҳоли шаҳар ташкарисига — равотларга чиқа бошладилар, айни вактда равотлар ҳам йўлдош шаҳарга айлана борди. Бозорлар шу қадар кенгайдики, тарихчи Наршахийнинг ёзишича, факат ~~Бухоро~~ бозорининг битта раастасида мингта дўкон бўлган. Расталарнинг узунлиги 10 км га етар эди.

Фан

Шундай килиб, X — XI асрларда Мовароуннахрда бўлиб ўтган ҳарбий-сиёсий

вокеалар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши учун имкон бермади. Мовароуннахрдаги машхур алломалар, тарихчилар, файласуфлар бошпана қидириб Хоразмга — Маъмун ибн Маъмун Абул Аббос саройига кела бошладилар. Ёу ерда улар тинчлик, ҳомийлик ва илмий фаолият учун имконият топдилар Аммо бу тинчлик ҳам кўпга бормади. Махмуд Фазнавий Хоразмдаги олимларнинг ўз саройига келишини талаб қилди. 1016 йилда Маъмун ўлгач, у Урганчи босиб олди. Боскинчи подшо қўлида хизмат қилишни истамаган илм ахлининг баъзи бирлари Эронга кетди, баъзи бирлари Фазнага мажбуран олиб кетилди. Ижтимоий ва сиёсий ахвол бу қадар кескинлашган бўлса-да, астроном ва географ Мусо Хоразмий, файласуф Форобий, буюк олимлар ибн Сино ва Беруний каби Ўрта Осиёнинг IX—XI асрлардаги фан ва адабиёт намояндадарининг номлари шухрат қозонди.

Мухаммад ибн Мусо Хоразмий (790—847) нинг «Китоб ал-жабр ва муқабала» китобида (тиклиш ва таққослаб кўриш) I ва II даражали алгебраик катталикларнинг ўзига хос ечиш усули баён қилинади. Унинг исми алгоритм атамаси сифатида, яъни масалаларни маълум усул билан ечиш маъносида сақланиб қолган. Мусо Хоразмийнинг «Астрономия жадваллари», «Қуёш соати ҳақида рисола» каби асарлари Шарқ ва Farb мамлакатларида ўрта аср илмий тафаккурининг ривожланишига сермаҳсул ҳисса қўшди.

Абу Наср Форобий (873—950) номи билан Шарқ фалсафасининг барча ютуқлари боғлиқдир. Унинг фан олдидаги хизмати шундан иборатки, у қадимги дунё фалсафий меросини саклаб қолди ва янгидан яратди. Аввал Бухорода таҳсил олган Форобий кейинчалик Бағдодга келиб ўзининг комусий билимини янада чукурлаштириди. Дунёнинг моддийлигини тан олган Форобий идеализмга, мистикага қарши ўлароқ, уни инсон томонидан билиш мумкин эканлигини тасдиқлади. Унинг бу таълимоти Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида табиий-илмий фанларнинг ривожланишига, илғор фикрли қишилар авлодининг етишиб чиқишига туртки берди.

Абу Али ибн Сино (980—1037) бошланғич маълумотни Бухорода олгач, билимини ошириш мақсадида яна кўп ўқиди, фаннинг турли соҳаларида тинимсиз мутолаа қилди. У 17 ёшидаёқ олим ва ҳаким сифатида элга

танилди. Айникса Бухоро амири Нух ибн Мансурни даволагандан кейин унинг обрўйи янада кўтарилиди. Унга амир кутубхонасидан фойдаланиш хукуки берилади. Ибн Сино «Канон фит-тиб» (Хакимлик илми конуни), «Китоб аш-шифо» (Даволаш китоби), «Донишнома» (Билим китоби) асарларида ўзининг илмий фалсафий дунёкарашини акс эттиради.

1000 йилда шимолдан корахонийлар, жанубдан ғазнавийлар хужуми хавфи туғилгач, ибн Сино Хоразмга кетади ва у ерда Абу Райхон Беруний билан 12 йил давомида хамкорликда ишлайди. Маҳмуд Фазнавий Хоразм шохи Абул Аббос Маъмунга (999—1016) мактуб йўллаб, ибн Синони Фазнага юборишни талаб килади. Бу бўйруқка бўйсунишни истамаган ибн Сино Урганчдан кетади ва умрининг охирига қадар Эрон шаҳарларида дарбарликда яшашга мажбур бўлади.

Абу Райхон Мухаммад ибн Аҳмад ал Беруний 973 йилда Хоразмнинг қадимий пойтахти Қиёт шаҳрида туғилди. У тарих, география, минералогия, геология, астрономия, тил, адабиёт ва яна бир канча фанлар бўйича 180 га яқин асарлар ёзди. Беруний ўз асарларини араб тилида ёзди. Лекин у араб алфавитининг жуда мураккаблигини каттиқ танқид килди. Ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» деган машҳур асарида Беруний шахсий кузатиш, ёзма манбаларни ўрганиш натижасида қадимги юононлар, римликлар, эронликлар, сўғдиёналиклар, хоразмликлар, христианлар, яхудийларнинг, исломга қадар бўлган арабларнинг урф-одатлари, эътиқодлари, математика ва географиядан тушунчалари, халқ оғзаки ижоди ҳакида маълумотлар беради, ажойиб илмий тадқиқотлар килади. Унинг «Минералогия», «Хиндистон», «Геодезия» каби асарлари бутун дунёда машҳурdir.

Мана шу вактда Мажиддин Адноийнинг «Тарихи мулуки Туркистон» деган 30 жилдлик, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» ва бошка муаллифларнинг бир қатор асарлари ҳам яратилди. Маҳмуд Кошғарийнинг ушбу асари факат турк тили ва адабиёти ҳакидагина бўлмай, унда ўша даврдаги иқтисодий ва сиёсий хаёт, давлатлар, давлат бошликлари ҳакида илмий таҳлил берилиб, иқтисодий ва маданий ҳаётни тиклаш, ривожлантириш учун нималар килиш зарурлиги ҳакида ҳам айтилади. Ўрта Осиё халқлари тарихини, иқтисодиётини, маданиятини ўрганишда бу асар бебаҳодир.

Табиат сирларини билмасдан туриб, унга қарши курашда инсоннинг ожизлиги эзилаётганларнинг эзувчи-ларга карши курашдаги ожизлиги қаби албатта илохий кучларга, мұъжизаларга, жин ва ажиналарга ишончни келтириб чикаради. Сомонийлар сулоласын инкиrozга юз тутгач, уннинг харобалари устида бунёдга келган корахо-нийлар сулоласы даврига келиб ислом дини яна ҳам мустаҳкамланды. Дәхқонларни, хунармандларни, шаҳар камбағалларини күпроқ әзиш мақсадида диний никоб остида турлы диний жохилликка асосланған оқимлар ҳам пайдо була бошлады. Бундай диний оқимлардан бири — сұфизмдір.

Әрамиздиннег VIII асрларидәң пайдо бұлған бу фалса-фий, диний таълимот XI — XII асрларда Мовароуннахрга Эропп орқали кириб келди. Уннинг асосчеси маҳсүдүз Юсуф Ҳамадонийдір. Бу таълимотта күра, ҳаётда үз үринин тополмай иқтисодий ва маънавий жиҳатдан жуда оғир ахволға тушиб қолған кишилар вазиятдан қутилиши учун әнг яқин ва ягона йүл деб ҳунар үрганиши, үша ҳунарни маҳсулоти билан тирикчилик килиб туриши мүмкін. Бу оқим үша давр адабиётіда ижобий роль үйнады.

Сұфизмдаги яна бир оқим Аҳмад Яссавий ва уннинг таълимотини давом эттирғанлардан Сулаймон Бокирғоний ва Саид ота таълимотидір. Аҳмад Яссавий үзининг фавқулодда чукур ва кенг иқтисодий, сиёсий, фалсафий билими билан үз замонасидағи турлы ахоли қатламларининг қандай яшаш, ишлаш, таъминланиш даражасини, дунёқараашларини ағло даражада билған. Шунинг учун ҳам үзининг идеалистик рух билан ёзилған «Хикмат» асарыда сұфизм таълимоти ҳақида гапириб, айш-ишрат қидирғанлар сүфи әмас, балки баҳтсизлик ва ғам-андухларини күзінде ёши билан худога илтижо килиб ғолиб чикқан одамлар сұфилардир дейди. Шунингдек асарда ислом динини, диний таълимотларни янада мустаҳкамлаш фикри илгари сурналды. Унда бу дүнё бевафо, вактінчалик мәҳмонона, ҳамма келиб кетаверадиган жой эканлиги, модомиқи, шундай экан, хасис, очқуз, ношукур булиш керак әмас, инсоннинг пешанағы ҳамма нарса азалдан ёзиб қўйилған, ҳамма воқеа ва ҳодисаларни норози булмасдан кутиб олиш, ҳукмронларга қарши курашмасдан сабр-токат билан кун үтказиш кераклиги, камбагалларнинг камбағалчиликка сўзсиз бўйсуниши даъват этилади. «Хикмат»да ҳукмрон синф вакиллари,

пораҳурлар, турли тепса-тебранмас, тўнка тўралар, шайхлар, халққа нохақ зулм қилувчи амалдорлар қаттиқ танкид қилинади ва улар инсофга,adolatga чакирилади.

Асар ўзининг пессимитик кайфият ва идеалистик гояларидан қатъи назар ўзбек адабиётида машхур адабий ёдгорлик ҳисобланади, у ўша замонининг фан, маданият, диний, ижтимоий, иқтисодий ҳаёт жабҳаларини ўрганишда бебаҳо манбадир. «Ҳикмат» ўша вакт ўзбек адабиётига қанчалик ижобий таъсир қилган бўлса, Аҳмад Яссавий ҳам бутун Ўрта Осиё тарихида ана шундай жуда катта роль ўйнади.

Х асрда ривож топган адабиёт XI срда

Адабиёт

ҳам ўз анъаналарини давом эттиради. Бу

давр адабиётида ҳам икки оқим бўлганлигини кўрамиз. Биринчи оқим вакиллари сарой адабиёти вакиллари бўлиб, улар ўз ҳукмдорларидан олиб турган моддий ёрдам эвазига уларнинг шахсини кўкларга кўтариб, ҳамду санолар ўқиб ғазаллар, рубоийлар битар эди. Шунинг учун ҳам уларнинг асарларида реал вокелик акс эттирилмас эди. Бизга Рудакий, Балхий, Абдузарра, Дақиқий, Фирдавсий каби кўплаб сарой шоирларининг асарлари стиб келган. Жумладан, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ана шундай асарлардан бўлиб, унда Ўрта Осиё ҳалқларининг босқинчиларга карши қаҳрамонона курашлари юксак ватанпарварлик руҳида ифода этилади.

Иккинчи оқим бўлган демократик адабиёт вакиллари ўз асарларида сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги воқеаларни, ҳалқ чекаётган азоб-уқубатларни, ҳукмдорларининг шафқатсизликларини ифода этар эди. Юсуф хос Ҳожиб унинг йирик намояндадаридан биридир. Унинг «Қутадғу биллик» (Бахти булиш ҳакида илм) асарида аҳоли турли табақаларининг ўзаро муносабати ҳакида, одоб, ахлок, ҳўжалик юритиш каби масалалар ҳакида ибратли фикрлар айтилади. Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик» асари ҳам фанни, тарбияни, ҳунарни, ижтимоий ва маданий ҳаётни мадҳ этувчи асарлардан бири эди.

Шаҳарлар, меъморчилик

Кораҳонийлар томонидан Ўрта Осиё нинг босиб олиниши бу ердаги ҳалқлар маданиятини, санъатини, меъморчилигини ҳам ўзаро яқинлаштиришга, яъни янги бир босқичга кутаришга сабаб бўлди. Сомонийлар сулоласи давридаги Самарқанд, Бухоро, Термиз каби шаҳарлар аҳолининг купайиниши билан қадимги шаҳар майдонларига сигмай колди. Кораҳонийлар даврига келиб аҳоли шаҳар четлари-

га — ровотларга чиқа бошлади. Шош, Урганч, Марв каби шаҳарлар ҳам кенгайди. Уларда савдо, хунармандчилик ривож топди. Бу аҳвол корахонийларга шаҳарларни янги режа билан кайта куришга, қурилиш санъатини ва меъморчилик услубларини янгича ҳал қилишга имкон яратди. Хоразмда XI—XIII асрларга оид кўпгина меъморчилик ёдгорликлари сақланиб қолган. Мана шундай ажойиб меъморчилик ёдгорликлари Туркманистон ва Қирғизистон ерларида ҳам учрайди.

X асрда Турк хоқонлиги

VIII асрда Фарғонада корликлар, Шошда — ўғузлар, Чимкентда — турклар, Шаркий Қаспий, Мургоб ерларида гузлар (ислом динини қабул қилгач улар ўзларини туркман деб атай бошлаган), Еттисӯвда — турклар, корликлар, тургашлар, Чу, Талас, Тукмак воҳаларидан то Хитой деворларига қадар сўғдиёналиклар, Қуий Сирдарё, Исфижоб, Баланджар атрофларида — туркман ўғузлари, Исиққўл атрофида турклар, яғмолар каби қабилалар, уруг-аймоқлар яшар эди.

X аср охириларида сомонийлар сулоласи анча заифлашди. 992 йилда корахонийлар уларга ҳужум қилиб, Бухорони босиб олди. Бу вақтда Шаркий Эрон ерларида ўз давлатини тузган Маҳмуд Фазнавий уруш ҳаракатларини кучайтириб, корахонийларга зарба берди. Сўнгра улар ўша замоннинг энг юксалган, қудратли, бой маданий давлати ҳисобланган Хоразмни ҳам эгаллади.

Маҳмуд Фазнавийдан озрок ер олиб Шимолий Эронда жойлашган Салжук туркманлари кўп ўтмасдан атрофдаги ерларни босиб ола бошладилар. Бу урушларда фазнавийлар енгилди. Салжуқлар Ирок, Эрон, Курдистон, Озарбайжон, Қўхистон, Багдод ерларини ҳам босиб олди. Ўз пойтахтини Ўзгандан Самарқандга кўчирган Корахонийлар давлатида бошланган ички қарама-каршиликлардан фойдаланган салжуқлар уларга ҳам зарба берди. Бу билан корахонийлар сулоласига барҳам берилди.

Ўзбек ҳалқининг ташкил топиши

Пировард натижада ўзбек ҳалки деб НОМ олган турк тилларида гаплашувчи халқларнинг ташкил топиши X—XI асрларга тўғри келди. Араб босқинчилиги арафасида Шош, Фарғона, Зарафшон, Қашғар, Сурхон воҳаларида, чап киргок қуий Амударё воҳаларида бутун Туркистоннинг иқтисодий-маданий хаётида жуда катта роль ўйнаган ва умумий турк тилида гаплашувчи Шарқдан кўчиб келган ва тезда маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган қабилалар

ташкил топди. Ўрта Осиёда феодал муносабатлар ташкил топа бошлаган вақтда Мовароуннахрда икки халқ — ўзбек ва тожик халқлари шаклланди. Ҳар иккала халқнинг ташкил топишида бир хил тарихий, иқтисодий шароит, этник таркиб ва алоқалар ҳал қилувчи роль ўйнади.

Шимолий Хурросон ва Шимолий Мовароуннахрнинг турклашиб бориши билан турк тилида гаплашувчи ўзбеклар, эрон тилида гаплашувчи тожиклар пайдо бўлди. Қорлик, ғуз, чигил, яғмо каби халқларнинг минг йиллар давомида ўтроклашиб бориши, маҳаллий халқларнинг кўчманчи турк қабилалари билан аралашиб кетиши факат кўчиб келган кўчманчиларнигина эмас, балки ўтрок халқларни ҳам ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий оқим гирдобига тортди. Ўзбек тили анча тарақкий этган ва сўз бойлигига эга бўлгани ҳолда турк тиллари туркумига кирав эди. Қадимги ўзбек тили Баба Мачи, Гарибий, Рабғузий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Қутбий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ асарларида намоён бўлди. Бу буюк шоирларнинг шу қадар гўзал, бой, ажойиб тили юз йилда пайдо бўлди деб айтиши хотүғридир. Бу гўзал тил ўз тараққиётида минг йилларни қамраб олади. Бинобарин, ўзбек номи ҳам, тили ҳам минг йиллик тарих билан боғлиқдир. Ўзбеклар халқ сифатида факат X — XI асрлардагина расмийлашди. Сўғдиёна, Тоҳаристон, Хурросон ерларида худди ўша даврда тожик халқи ташкил топди.

Нималарни ўйлаб кўриш ва нималарга жавоб бериш керак?

1. Хозирги Ўзбекистон ерларида дастлабки сугориш ишлари.
2. Эрамиздан олдинги минг йилликларда хозирги Ўзбекистон ерларида яшаган халклар.
3. Эрамиздан олдинги IV асрнинг биринчи чорагида босқинчиларга қарши олиб борилган халқ курашлари.
4. Эрамизнинг IX — XII асрларида яшаган халклар ва давлатлар. Маданият, санъат, фан.
5. Ўзбек халқининг ташкил топиши.

Нималарни ўқиш керак?

1. Бартольд В. В. Туркистонда маданий хаёт тарихи. Асарлар, 1963, I-жилд.
2. Беруний. Маколалар тўплами. С. И. Толстов таҳрири остида М., 1950.

3. Б. Аҳмедов. Тарихий манбалар тилга кирганда. Шарқ юлдузи, 1981, 5-сон.
4. Ҳ. Зиёев. Ўзбек халқининг шаклланиши. Гулистан, 1990, 8-сон.

4-§. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ МҮҒУЛ-ТАТАР БОС-КИНЧИЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИ

Хоразм шоҳи Муҳаммад ўз ерларини кенгайтириш билан банд бўлган бир вактда узок Мўғалистонда тез орада бутун дунёни ларзага соладиган харакатларга замин тайёрланмоқда эди. XII аср охири — XIII аср бошларида мўгул қўчманчи аристократлари — нўёнлар фойдасига мўгул қабилалари ўртасида ибтидоий уруғчилик емирилиб, илк феодал муносабатлар пайдо бўлмоқда эди. Мўгул сўзи сиёсий маънода бўлиб, халклар ўзларини татарлар деб атар эдиларки, уларга керситлар, найманлаф, маркитлар ва бошқа қабилалар ҳам кирап эди.

1206 йилда ярим қўчманчи қабилалардан йирик қўшин тўплаган ва Чингизхон деб ном олган Темучин ўз қўшинини яхши қуроллантиради, каттиқ интизом ўрнатади. У жуда катта қудратли давлат тузиб, бир қанча жойларни босиб олади. Чингизхон 1209 йилда Хитойга ва шимолий шарқдан чегарадош бўлган тонфутларга хужум қиласди. Уларни енгиб, катта үлжа билан ўз ерига кайтади. 1211 йилда у яна Хитойга юриш қиласди. Бу юришда унинг ўғиллари Жўчи, Чифатой, Уғадой, Тулуй ва икки қўшин бошлиғи Жабаа ва Субутойлар ҳам катнашади. Чингизхон 1215 йилда Шимолий Хитойга яна бостириб киради. Пекинни ишғол қилиб, у ердаги Чинь династиясини тугатгач, йирик бойликлар билан Мўғалистонга кайтади.

Хоразм шоҳи Муҳаммад ҳам Хитойни босиб олишни орзу килар, лекин бунинг учун Олтойда мавжуд бўлган ва ерлари Хутон, Ёркент, Қашғар, Еттисув ва Фарғонага кадар чўзилган Кучлук бошчилигидаги найманлар давлатини тор-мор қилиш лозим эди. Бу орада Чингизхоннинг Хитойни босиб олганлиги ҳакидаги хабар Муҳаммадга етиб келади. У хабарни аниқлаш ва Чингизхон давлатининг қандай давлат эканлигини билиш максадида Баҳоутдин Рози бошчилигига Мўғалистонга элчилар юборади. Элчиларни яхши кутиб олган Чингизхон Муҳаммадни Ғарб мамлакатлари сultonи, ўзини эса Шарқ мамлакатлари хокими деб курсатади. У хоразмлик Маҳмуд Ялавач бошчилигига ўз элчиларини катта совғалар билан Хоразмга юборади. Элчига Хоразм

давлатининг йўларини, дарёларини, ички вазиятини, лашкарларини, курол-анжомларини зимдан аниқлаш вазифасини юклайди.

1218 йилда Чингизхон 500 тужа мол-мулк, совғалар билан Хоразмга 450 киши ҳамроҳ бўлган катта карвон юборади. Карвон Ўтрор шаҳрига етиб келган вақтда унинг хокими Иналчик карвонни ушлаб колиб, унинг мол-мулкини талайди, элчиларни ўлдиради. Факат тужа ҳайдайдиган битта кишигина кутилиб қолади ва у бўлган воқеани Чингизхонга бориб айтади. Буни эшитиб каттиқ ғазабланган Чингизхон Муҳаммадга уч кишидан иборат элчи юбориб, ундан Иналчикни тутиб беришни, мол-дуйёсини қайтаришни талаб қиласди. Бунга жавобан элчи ўлдиради, икки шеригининг соқол-мўйлови олиниб, ҳайдаб юборилади. Шу муносабат билан ҳар икки давлат ўртасидаги савдо ва иқтисодий муносабатлар тұхтатилади. Уруш ҳиди кела бошлади. Ҳеч ким яқинлашиб келаётган даҳшатли урушда кучлар нисбатининг қандай бўлышини, натижада маданиятли, гуллаб-яшина бтурган Ўрта Осиёга, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига, Шаркий Европага кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган кулфатлар келишини билмас, сезмас, уйлаб ҳам кўрмас эди.

Буни тушуниш учун қиска тарзда бўлса ҳам XIII асрда Хоразм давлатининг типик феодал давлати эканлиги ҳақида бир неча сўз айтишга тўғри келади. Давлат тепасида шоҳ, қуи мансабларда шоҳга якин бўлган қабила бошликлари, кўшинда ҳам қабила бошликлари хукмронлик килар, саройда эса фиску фасод, фитна. Ҳар бир қабила ўз ворисини таҳтга ўтказиш учун курашар, сарой фитналарига лашкар ва қабила бошликлари ҳам аралашар, жойларда иқтидорлар (катта ер эгалари) хоҳлаган вақтда, хоҳлаган микдорда ўз фойдалари учун деҳқонлардан, хунармандлардан, шаҳар аҳолисидан шу кадар кўп солик олар эдиларки, бундан, шубҳасиз, ҳалқ оммасининг кучли норозилиги, шоҳ ва унинг сон-саноқсиз амалдорларига нисбатан битмас-туғанмас нафрати ошиб борар эди.

Шоҳ Муҳаммаднинг қўшини сон ва сифат жихатидан Чингизхон қўшинидан устун турар эди. Етарли даражада см-ҳашак, озик-овқат, дори-дармон, курол-аслаҳа бор эди. Аммо Муҳаммад хужум тактикасидан мудофаа тактикаси ни афзал кўриб, кучларни бирлаштиrmади, душманга рупара чикмади. Унинг фикрича, ҳар бир шаҳар ўзини ўзи химоя қилиши керак эди. Бу мутлақо нотўғри тактика эди.

1219 йилнинг баҳорида Олтой ва Еттисувда корликлар ва найманлар тор-мор килингач, Чингизхон учун Мовароуннахрга йўл очилади. Ўша йили Ўтрор шаҳри камал қилинади ва олти ойлик қамалдан сўнг шаҳар таслим бўлади. Қамал вактидаёқ қуи Сирдарё, Хоразм, Бухоро, Фарғона, Хўжанд шаҳарларига қарши кучлар юборилади.

Чингизхон ўз қўшинида қуидаги тартибни жорий килган эди. Биринчи отлик қўшиннинг вазифаси доим олға юриш, ёндириш, куч етмай қолган жойда қирилиб кетиш, лекин чекинмасликдан, иккинчи, яъни орқадан келаётган қўшиннинг вазифаси ўлжа тўплаш, талаш, жамғариш, уларни уюштирилган ҳолда Мўгулистанга юбориб туришдан иборат эди. Қўшинда ўнбоши, юзбоши, туманбошилар энг жасур кишилардан сайлаб қўйилар эди. Мабодо ўнликдан биттаси қочса, қолган тўққизтаси ўлдирилар эди. Туманбошилар фақат нўёнлардан сайланган. Шаҳарлар олингандан сўнг хунармандлар, ишга яроқли бақувват, соглом эркаклар олиб келинар, қолганлар эса кириб ташланарди. Шаҳарлар уч кун талангандан сўнг ёндирилар, кейин у ерлар омочда ҳайдалиб, арпа экилар эди. 1219—1229 йилларда босиб олинган Бухоро, Самарқанд, Сигнок, Барчинликент, Банокат, Жанд шаҳарлари худди шундай қилинди.

Эндиликда Шарқнинг энг бой, гўзал, маданий шаҳари бўлган Урганчни босиб олиш кун тартибига қўйилди. 1221 йилнинг қишида беш ойлик қамалдан сўнг Урганч ҳам олинди. Шаҳар таланди, ёндирилди, тўғонлар бузиб ташланиб, шаҳар сувга чуктирилди.

Мамлакат бошига оғир ташвиш тушган вақтда янгидан куч тўплаш баҳонаси билан Хурсонга кочиб кетган Мұхаммад катта ўғли Жалолиддинни мустакиллиги деярли тугатилган мамлакатга подшо деб эълон қилди. Жалолиддин, биринчидан, отасининг сөн-саноқсиз, хоин қабила ва лашкар бошлиqlарига қарши ва, иккинчидан, маккор, аёвсиз кучли душманга қарши тарқоқ кучларни тўплаш, янги кучларни сафарбар қилиш учун кураш бошлади. У қисқа жангларда душман лашкарларини енгиг Пандшир водийсига чекиниб борди. Парвона шаҳри ёнидаги жангда мўгуллар тўла тор-мор қилинади. Кучли душманга дуч келганини билган Чингизхон катта куч билан Жалолиддинга қарши чиқиб, 1221 йилнинг ноябринда Хинд дарёси бўйидаги жангда уни енгади. Яшириб қўйилган ўн минг кишилик мўгулларнинг отлик қўшин лашкари жанг тақдирини ҳал қилди. Душман қўлига

тushmanlik учун ўз оила аъзоларини дарёга чўктириб, ўзи от билан дарёнинг нариги томонига утиб кетган Жалолиддин бир неча йиллар давомида Қавказда уруш харакатларини олиб борди. Эндиликда уруш харакатлари озодлик урушидан босқинчилек урушига айланади. Ўз дўстларидан, яқинларидан маҳрум бўлган Жалолиддин 1231 йилда Курдистон тогларида ҳалок бўлади.

Шундай килиб, Мовароуннахр, Хурросон, Эрон, Қавказ, Шимолий Қавказ ерлари мўғул босқинчилари томонидан босиб олинди. 1224 йилда Калка дарёси бўйида жанубий рус князлари ҳам тор-мор килинди.

1227 йилда Чингизхоннинг ўлими сабабли Гарбга юриш вактинча тўхтатилди. Чингизхон ўлмасиданоқ ўз ерларини ўғилларига таксимлаб берган эди. Олтой, Уйғур ерлари, Олмалиқдан Амударёга қадар бўлган ерлар иккинчи ўғли Чигатойга, Хоразм, Амудан Қаспийга қадар бўлган ерлар биринчи ўғли Жўчига, Марказий Осиё, Мўғулистан, Хитой ерлари учинчи ўғил — буюк ҳоқоннинг вориси Уғадойга берилиди.

Бутун Ўрта Осиё ерлари хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавачга тегишли эди. У ўз кароргохини Хўжандга кўчириб, хеч қандай ислоҳотларсиз ўлкани эскича идора кила бошлади. Мусулмон зодагонлари, руҳонийлар мўгултатарлар билан биргалашиб, ҳалқ оммасини талай бошладилар. Даҳшатли зулм, чекланмаган солик системаси урушлар сабабли тинка-мадори қуриган ҳалқ оммасининг газабини уйғотди. 1238 йилда Бухорога яқин Тороб қишлоғида Маҳмуд Торобий бошчилигида ҳалқ қўзғолони келиб чиқди. Мўгуллар юборган куч қўзғолончилар томонидан тор-мор килинди. Бу галаба қўзғолончиларга куч-кувват, умид багишлади. Иккинчи марта юборилган кучлар ҳам қўнгиллилар томонидан мағлубиятга учради. Бу жангда ўн минг киши кирилди. Мўгуллар уч марта вилоятлардан кўшимча энг яхши кучларни тўплаб келиб қўзғолончиларга карши ташлади. Окибатда қўзғолончилар тўла тор-мор қилинди. Ҳар иккала тарафдан 20 минг одам ўлди. Торобий қўзғолони, биринчидан, мўгулларга маҳаллий ҳалқларнинг бўйсуниш нияти йўклигини кўрсатса, иккинчидан, мўгулларнинг ўзи ҳалқ оммаси газабидан кўркиб колдилар.

XIII асрнинг иккичи ярми — XIV асрда Мовароуннахр

1238 йилда Маҳмуд Ялавач қўзғолонни бостиришда «юмшоқ қўнгиллилик қилди» баҳонаси билан ҳокимиятдан четлаштирилди. У Уғадой олдига чакири-

либ олинди ва Пекинга ҳоким қилиб тайинланди. Унинг ўрнига ўғли Маъсудбек (1238—1289) таҳтга ўтириди. Умумий сиёсий вазият мӯғул истилолари ва Торобий кўзғолонидан кейин ҳам ўта мураккаб ҳолда қолаверди. 1248 йилда буюк хон Үғадой ўлгандан кейин уч йиллик музокаралардан сўнг, канча-канча таҳт даъвогарларининг ўлдириб юборилишидан кейин Қоракурумда чакирилган қурултойда Тулуйхоннинг катта ўғли Мунқа (1251—1259) ҳоқон қилиб кўтарилди. У жуда харакатчан, ишбилармон, уддабурон чиқди. Мунқа бошқарув органларини, солик системасини, пайса бёриш тартибини қайта кўриб чиқиб, уларни ихчамлаштириди.

Чигатойнинг набираси Олғұхон 1360 йилда 15 минг кишилик лашкари билан Мовароуннаҳрга кириб аҳолини талаётган Жұчи одамларини хайдаб юборади. Кейин у ўз пойтахтини Оҳонгарон воҳасига кўчирди. Олғұхон ўлгач, унинг ворислари Муборак шоҳ ва Баракхон ўлкани нисбатан тинчликда саклайди. Бу вактларда мӯғулларнинг жалойир ва барлос қабилалари Мовароуннаҳрга келиб жойлашади, ислом динини қабул қиласи. Жалойир қабиласи Оҳонгарон воҳасида, барлос қабиласи Қашқадарё воҳасида тирикчилик қила бошлади. Ҳар икки қабила ҳам турк қабилалари таркибиға киради ва ўтроклашиб кетади.

Сўнгги чингизий Қозогон ўлгандан кейин Ўрта Осиё ва Мовароуннаҳда майда-чуйда хонликлар кўпайди. Шахрисабз атрофларида Ҳўжа Барлос, Ҳўжанд атрофларида Баязид, Балх атрофларида амир Ҳусайн, Бадаҳшон атрофларида Кайхисравлар пайдо бўлиб, ҳар ким ўзини ўзи хон, бек, султон, шоҳ деб эълон қила бошлади. Ўлкада интизом йўқолди. Ким қандай босқинчиликни қила олса, шуни қила бошлади.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриши керак?

1. Мӯғулларнинг 1218 йилга қадар олиб борган юришлари.
2. Мӯғулларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши.
3. XIII — XIV асрлардаги сиёсий аҳвол.

Нималарни ўқиши керак?

1. Бартольд В. В. Туркистонда сугориш тарихига доир. Асарлар. 1965, 3-жилд.
2. Бартольд В. В. Туркистон мӯғул юришлари вактида. Асарлар. 1963, 1- жилд.

3. *Фуломов Я. F.* Хоразмда сугориш тарихи. Энг қадимги даврлардан хозирги даврга кадар. М. , 1957.

4. *Фуломов Я. , Исломов У. ва Асқаров А.* Зарафшоннинг куйи окимида ибтидоий жамоа тузуми ва сугориладиган дехкончиликнинг пайдо булиши. М. , Наука, 1965.

5-§. ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

XIV асрнинг 50—60-йилларида Мовароуннахрдаги ижтимоий-сиёсий вазият жуда мураккаб ҳолда қолаверди. Бир томондан, майда хонликлар кўпайиб улар ўзаро мерос, бойлик учун узлуксиз феодал урушларини бошлиб юбордилар, иккинчи томондан, мўгул хонлари бу тартиб-сизликлардан фойдаланиб ўлкани тамомила босиб олишга интила бошладилар. Мана шундай шароитда Темур ҳокимият учун кураш бошлади.

Темур барлос бекларидан бўлган амир Тарагай онласида 1336 йилда Кеш (Шахрисабз) яқинидаги Хўжаилғор кишлоғида дунёга келди. Ёшлигиданоқ ҳарбий машқлар қилган Темур ўзи каби ўсмирлардан отряд тузиб, савдо карвоиларига ва қўшни ерларга юришлар қилиб уларни талар эди.

Муғул хони Туғлук Темур Мовароуннахрга хужум килиб, ҳеч қаерда каршиликка учрамасдан Қашқадарёга қадар келиб колган вактда ҳоким Хўжа Барлос Хурносонга кочиб кетади. Темур Туғлук Темурга хизматга киради. Унинг жасурлиги, чакқонлиги халк орасида кенг ёйлади. Мўғуллар қайтиб кета туриб Кеш вилояти ҳокимлигини Темурга топширадилар. 25 ёшли Темур кичик, аммо жуда бой вилоят ҳокимига айланади.

Темур турк ҳокимларидан бўлган амир Ҳусайн билан якинлашади ва мўғулларга хизмат қилишдан бош тортади. Ҳусайн билан амалга оширилган навбатдаги чопкинлардан бирида у ўнг қўли ва ўнг оёғидан ярадор бўлади. Қўли кейинроқ ишдан чиқади, оёги эса оқсоқланадиган бўлиб қолади. Шунинг учун у «Оксок Темур», «Темурланг» лакабини олади.

Туғлук Темур ўлгач, 1365 йилда Илёсхўжа Мовароуннахрга караб юриш қилиб, Чиноз яқинидаги лой жангига Темурни енгади. Ҳусайн ва Темур аввало Самарқандга, кейин Хурносонга кочиб кетади. Самарқанд ҳокимсиз, қўшинсиз ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Мана шу вактда шаҳар мудофаасини Мавлонозода ва Абубакир Калави бош бўлган сарбадорлар ўз кўлларига оладилар.

Сарбадорлар ижтимоий ҳаракат сифатида XIV асрнинг иккинчи ярмида Хурросонда пайдо бўлди. Уларнинг режаларида мӯғул зулмидан ҳалкни озод этиш ёки бошни дорга осиш максали ётар эди. Қўрилган тайёргарликдан сўнг Илёсхўжага шаҳар аҳолиси зарба беради. У Мӯғулистанга қайтиб кетади. Бу воеа хабари Темур ва Ҳусайнга етиб келали. Улар сарбадорлар раҳбарларини шаҳар енидаги ўз чодиринга чорлаб, Мавлонозоладан ташқари ҳаммаларини хонона равишда ўлдиради, шаҳарни яна босиб олади.

Қўп ўтмасдан Темур билан Ҳусайн ўртасида муносабатлар ёмонлаша боради. 1370 йилда Балхни эгаллаган Темур Ҳусайнни ўлдиради, хазинани қўлга туширади.

Балхнинг олиниши, Ҳусайннинг ўлдирилиши Темур хаётида янги саҳифа очди. Туманбошилар қурултойида Темур якка ҳукмдор деб эълон қилинади, у тахтга «ҳакки борлигини» қонунлаштириш максадида Ҳусайннинг бева қолган хотининга уйланади. Тезда Самарқандга келган Темур мӯғуллар бузиб ташлаган шаҳар деворларини тиклашга, мустаҳкам қалъалар яратишга киришади. Унинг пойтахти мустаҳкам бўлиши керак эди.

Мӯғуллар Хоразмни иккига: Шимолий Хоразмни Урганч шаҳри билан биргаликда Олтин Ўрда таркибига, Жанубий Хоразмни Қиёт шаҳри билан бирга Чифатой улусига киритган эди. 60-йиллардаги можаролардан фойдаланган қўнғирот кабиласидан бўлган Ҳусайн Сўфи ҳар иккала Хоразмни бирлаштириб мустакил давлат ўрнатишга киришади. Темур бу воеа ғайриконуни деб билади ва 1372 йилда Хоразмга юриш килади. Ҳусайн Сўфи ўлиб қолгач, унинг ўрнига ўтирган укаси Юсуф Сўфи Темур талабига рози бўлади. Темур қайтиб кетгач, Сўфи ўз ваъдасидан воз кечиб, шартларни бузади. 1375—1379 йилларда Темур иккинчи марта Хоразмга юриш килади. Юсуф Сўфи тавба қилиб, Темурга катта совғалар юборади ва ҳамма шартларни бажаришга ваъда беради. Темур қайтиб кетгач, Юсуф Сўфи яна бош кўтаради. Темур учинчи марта Хоразмга (1388) юриш килади. Хоразм хонлари дорга осилади, мустакиллик тугатилади, Урганч таланади, ёндирилади, шаҳар аҳолиси Самарқандга ҳайдаб олиб кетилади.

Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда ўртасидаги можароларда Темур Тўхтамишни химоя қилади. Бироқ ҳоқимиятни мустаҳкамлаб олган Тўхтамишон Темурнинг Эрон урушларида юрганлигидан фойдаланиб, 1387—1388 йилларда

Мовароуннахрга ҳужум килади. Буни эшитган Темур урушни тұхтатиб, Тұхтамишга қарши чиқади. Уч марта юриш килиб, учинчи юришда Терек дарёсі бўйида Тұхтамишга узил-кесил зарба беради. Олтин Ўрда, унинг пойтахти Берка Саройи таланади, ёндирилади, жуда катта үлжа, сон-саноқсиз чўрилар, қуллар қўлга туширилади. Темур бутун Ўрта Волгадаги Олтин Ўрда шаҳарларини, Астрахань, Азов ва Крим шаҳарларини тамомила вайрон килади.

Мовароуннахрни мустаҳкамлаш ва Ўрта Осиёни бирлаштириб қудратли, ягона марказлашган давлат тузиш мақсадида (худди мана шу мақсадни Москванинг буюк княzlари тарихида ҳам кўрамиз: улар Москвага тобе бўлган ҳакиқий рус ерларидан ташқари яна қанча-қанча ерларни, халқларни, давлатларни босиб олдики, бу ишларнинг ҳаммаси марказлашган рус давлатини тузиш учун қилинди) Темур гарбдан Туркия ва Сурия, Миср, Иордания ерларини, шимолдан Олтин Ўрда ерларини босиб олиб, Олтин Ўрда хонлигини чала жон қилиб, унинг мол-мулкини талаб, шаҳар ва кишлоқларини вайрон қилиб ўзи билмаган ҳолда тарих олдида буюк ва холис хизмат қилди. Олтин Ўрда эндиликда ўзини ўзи тиклай олмас эди. У мажрух бўлиб қолган эди. Бундан фойдаланган рус давлати 2,5 асрлик Олтин Ўрда зулмини агдариб ташлади ва ўз мустақиллигини қўлга киритди. Демак, Темурнинг харакатлари натижасида Москва давлати Олтин Ўрда зулмидан халос бўлди.

Темур Эрон урушлари (1386 йилги уч йиллик, кейин беш йиллик ва 1399 йилги етти йиллик урушлар) натижасида Эронни, 1392—1397 йилларда Арманистон ва Грузияни, 1398—1399 йилларда Хинди斯顿ни босиб олди. 1400 йилда Миср, Сурия ерлари босиб олинди. 1402 йилда Анқара яқинида бўлган жангда турк армияси бутунлай тор-мор қилиниб, султон Боязид асир олинади. Бу билан Усмон туркларининг Константинополь шаҳрини ва Болкон славянларининг ерларини босиб олиш режалари 50 йил орқага суреб юборилади. Бу Темурнинг тарих олдидаги иккинчи катта холис хизмати эди.

1404 йилда Темур 200 минг кишилик қўшини билан Хитойга қарши юриш бошлади. Аммо 1405 йил 18 февральда у Ўтрор шаҳрида тусатдан вафот этади. Шу билан Хитой сафари ҳам тұхтатилади.

Темур юришлар қилиб, улардан факат үлжа, бойлик ортириш эмас, балки Шарқдан Фарбга ўтадиган савдо

йўлларини Олтин Ўрда ерларида ёки жанубдаги Эрон, Хурросондан эмас, балки Мовароуиннахр шаҳарлари оркали ўтишини максад қилар эди. Шу йўл билан Мовароуиннахрнинг халқаро иқтисодий, сиёсий, савдо муносабатларини юксалтиришга интилар эди. Темур босиб олинганд бепоён ерларни ўз ўғиллари, набиралари оркали суюргал, яъни инъом қилган ер шаклида (марказга сўзсиз бўйсунувчи вассал) идора қилар эди. У ўша замондаги уруш тактикасини мукаммал эгаллаган ва унга ўзгаришлар киритган, урушларда бирор марта ҳам енгилмаган (ҳолбуки бошқа ҳар қандай машҳур саркардалар енгилганлар), 27 мамлакат пойтахтини босиб олган машҳур саркарда эди. Темур мутлақо қаттиққўллик ва шафкатсизлик билан уруш олиб борар эди. Афғонистондаги Исфизар шаҳри олингандан сунг 2 минг кишининг тириклайнин деворга урдириб юборилиши, Исфаҳонни олишда 70 минг кишининг калласини кесиб, минора курдириши, Кичик Осиёдаги Сивас шаҳрини олгач, 4 минг кишининг тириклайнин куйдириб юборилиши ҳеч қандай ҳарбий зарурият эмас эди.

Темур чингизий эмас эди. Шунинг учун ҳам сўнгги чингизийларга оид вакилларни ўз саройида хон сифатида эълон қилар, аммо сиёсатда улар билан мутлақо ҳисоблашмас, мустакил ҳаракат қилар эди.

Темур турк, араб, Эрон халқлари тарихини яхши билар, ўз сиёсатида бундан усталик билан фойдаланар эди. У босиб олинганд халқларнинг факат бойлигинигина эмас, балки уларнинг энг яхши хунармандларини, наккошларини, олимларини, меъморларини ҳам Самарқандга олиб келар, унинг фикрича, гўзалликда бунга тенг келадиган бирорта шаҳар бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун ҳам Темур Самарқандда жуда катта иншоотлар, расталар, маҳаллалар, карвонсаройлар, усти берк бозорлар курдирди. Шаҳар атрофида Миср, Дамашқ, Бағдод, Султония, Шероз каби ўша замон йирик араб мамлакатларининг пойтахтлари номи билан аталувчи кичик-кичик кишлопклар ташкил қилди. Шунингдек, катта ва жуда гўзал bogлар барпо этиб, киска муддатли буш вактларини ўша bogларда сайр қилиш билан ўтказар эди.

Темур ўлгач, бу хабар яшин тезлигига бутун босиб олинганд улкаларга ёйилди. Ўғиллар ва набиралар, ноиблар ва вассаллар ўртасида феодал можаролар бошланди. Тахт даъвогарлари гўё ёмғирдан кейин униб чиккан кўзикориндек кўпайди. Темурнинг ўғиллари

Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳлар бир томондан, набиралари Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад, Иброҳим, Улуғбеклар иккинчи томондан енг шимарид, таҳт можаросини бошладилар.

Шоҳруҳ билан Гавҳаршодбегимнинг катта ўғли Улуғбек 1394 йил 22 марта Султонијада туғилди. У 10 ёшга тўлгач Муҳаммад Султоннинг қизи Ачабегимга уйланади. Ачабегим Олтин Ўрда хони Ўзбекхонга (1312—1342) она тарафидан мансуб эди. 15 ёшга тўлганда, яъни 1409 йилда Улуғбек Самарқанд ҳокими килиб тайинланади.

Улуғбек тарихда ҳоким сифатидагина эмас, балки буюк олим сифатида ҳам машҳурдир. Унинг «Қўрагоний астрономия жадвали» асари ўша замонда денгизда сузиш, янги ерларни кашф қилишга сабаб бўлди. Улугбекнинг билим олишда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳукуқлилигини ва мушоираларда хотин-қиз шоираларнинг ҳам иштирок этишини талаб килиши унинг дин пешволари билан, айниқса уларнинг ҳомийси ҳисобланган Хўжа Аҳрор билан муносабатларини кескинлаштириб юборди.

Улугбек ўзига қарши ўта реакцион кучлар тўпланаётганлигини ҳисобга олмай илм билан шугулланарди. Унинг кашфиётлари, динга бефарқ қараши, саройдаги базм ва мушоираларда аёлларнинг очик иштирок этиши — Улугбекнинг ўғиллари Абдулатиф ва Абдулазизларнинг Хўжа Аҳрор бошлиқ реакцион кучлар томонига ўтишига, фатво олган Абдулатифнинг шахсий буйругига кура урушда енгилиб ва таҳтдан ажралган Улугбекнинг 1449 йил 27 октябрда Макка сафарига ёкетаётганида хоинона ўлдирилишига сабаб бўлди. Кўп ўтмасдан Абдулатиф ҳам ўлдирилади.

Ҳокимият темурийлардан бўлган Абусаид қўлига ўтган йилларда (1469—1494) Мовароуннахрга шимолдан кўчманчи ўзбек кабилаларининг тўхтовсиз хужумлари бошланди. Абусаид бу хужумларни ҳам, таҳт можароларини ҳам тўхтата олмайди.

Эндиликда юзларча темурийлар сулоласидан Султон Ҳусайн олдинга ўтиб, бир канча урушлардан сўнг Хурросонни босиб олади. У 1469 йил 24 марта Хиротга ғолиб сифатида кириб келади. Абусаиднинг ўғиллари Султон Аҳмад, кейинрок Султон Муҳаммадлар Мовароуннахрда ҳокимлик қилишади.

Доимий урушлар мамлакатни вайрон қилар, ишлаб чиқариш кучларини ривожланишдан тўхтатар, дехқончи-

ликни издан чиқарар, савдо ва хунармандчиликни инкиrozга олиб келар эди. Яқиндагина обод бўлган шаҳарлар эндиликда кимсасиз, хароб бўлиб вайронага айланган эди. Мана шу ўлкани қайтадан тиклаш, можароларни тўхтатиш, янги каналлар қазиш, деҳқончилик районларини ташкил қилиш, мадраса, мактаб, карвонсаройлар қуриш, ўлка ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини қайта тиклаш учун олиб борилган кураш ишлари Алишер Навоий номи билан боғлиқдир.

Мовароуннахрга келган мӯғуллар вакт ўтиши билан маҳаллий халқ билан аралашиб кетдилар, ўз тиллари, динини ҳам унутдилар, турк тилига ўтдилар, ислом динини қабул қилдилар. Чингизхоннинг авлодлари даврида Дашти Қипчокда яшаган кўплаб кўчманчи қабилалар ўзларини ўзбеклар деб атай бошладилар. Улар Ўрта Осиёда минг йиллардан буён яшаб келган туркий халклар билан кўшилиб кетиб, ўзбек миллатини ташкил этишда қатиашди. Ўзбек қабилалари Жанубий Уралда, Тюменда, Тоболь, Иртиш, Ейик ҳавзаларида ўз давлатларини туздилар. Улуғбек ёрдами билан ҳокимиятга чиқкан Баракхон (1425—1428) козоқ кўчманчиларини бирлаштириб, козоқ давлатига асос солди. Ўзбек қабилаларини бирлаштирган Абулхайрхон (1428—1468) Сибирдан то Сирдарёга қадар бўлган ерларда ўз давлатини тузди. Абулхайрхон ўлгач, набираси Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидағи ўзбеклар унинг давлатини тиклаб, бутун Мовароуннахр ва Хурросон ерларини босиб олди

Бу вактда Эронда шоҳ Исмоил бошлиқ кудратли давлат пайдо бўлди. 1510 йил Марв ёнида бўлган жангда Шайбонийхон енгилади. Унинг калласи кесилиб, тантаналарда шароб ичадиган косага айлантирилади. Бошсиз тана Самарқандга олиб кетилади. Шу билан бутун чап кирғоқ Амударё ерлари Эронга ўтиб кетади.

Нималар ҳақида ўйлаб қуриш ва нималарга жавоб топиш керак?

1. Темурнинг марказлашган давлат тузиш учун курашининг аҳамияти.
2. XIV асрда Темур давлатининг халқаро муносабатлари
3. Темурйлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаёт

Нималарни ўқиши керак?

1. Шониёзов К. Ўзбеклар-корликлар Т., «Фан», 1964.
2. Б. Аҳмедов. Темур тузуклари ҳақида иккى оғиз сўз Шарқ юлдузи, 1989, 8-сон

3. *Б. Аҳмадов*. Амир Темур ҳакида ҳақиқат. Фан ва турмуш, 1990, 9-сон.
4. *Муҳаммад Солих*. Миллий ғуур ёки Европанинг Амир Темурга миннатдорчилиги. «Ёш ленинчи», 1991 йил, 18 январь.
5. *Х. Шукуров*. Мозий ва адолат. Темурнинг тарихда тутган ўрни ва унга муносабат. «Ёш ленинчи», 1989 йил 7 октябрь.
6. *Х. Ҳасанов*. Бобир сайёҳ ва табиатшунос. Тошкент, «Ўзбекистон», 1983.
7. *И. Низомиддинов*. Бобирийлар давлати. Тошкент, «Ўзбекистон», 1983.

6- §. XV — XVI АСРЛАРДА МАДАНИЯТ

1409 йилда таҳтга ўтирган Улуғбек ихтиёрида бобосидан қолган жуда катта бойлик — дунёдаги энг гўзал шаҳар Самарканд, унинг сон-саноқсиз расталари, карвонсаройлари, мадрасалари, ҳаммомлари, усти берк бозорлари қолди. Бу ерда уша замоннинг энг машҳур олимлари, меъморлари, наққошлари, мусиқашунослари, ашулачилари, раккосалари тупланган бўлиб, саройда тез-тез бўлиб турадиган мушоираларда ва базмларда улар албатта иштирок этар эдилар.

Улуғбек подшолик килган йилларда ўлкада фан ва санъат жуда тараккий этди. Фиёсиддин Қарши «Арифметика калити» рисоласида айтганидек, Улугбек замонида математика, астрономия, табобат, тарих фанлари жуда ҳам ривожланди. Улугбекнинг устози, «ўз даврининг Птоломейи» деб ном олган Қозизода Румий математика мактабига раҳбарлик килди. Меъморчиликда янги-янги бинолар кад кўтарди. Фиждувон ва Бухорода мадрасалар курилди. Самарканднинг Регистон майдонида ҳам Улугбек номи билан мадраса курилди.

Афросиёб яқинидаги Нақши Жаҳон тепалигида Улуғбек баландлиги уч қаватли бинога teng келадиган расадхона қурдирди. Расадхонада радиуси 40 метр келадиган доира шаклидаги секстант бўлиб, Улуғбек унинг ёрдамида 1820 тадан кўпроқ юлдузларни текширди, кузатди, ўрганди, уларнинг ҳаракат жадвалини катта аниклик билан ўлчаб чиқди. Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Кушчи каби олимлар, математиклар, астрономлар у билан биргаликда ишлади. Бобурнинг айтишича, расадхонада олиб борилган илмий ишлар Улуғбек томонидан ёзилган «Кўрағоний астрономия жадвали» да ўз аксини топган. Асар 1437 йилда ёзил тугалланган бўлса ҳам Улуғбек умрининг охирига қадар унга тузатишлар, қўшимчалар киритиб, тұлатиб борди.

Улуғбек ажойиб кутубхона яратди. Унда 15 минг жилдан кўпроқ энг нодир асарлар тўпланган эди. Аммо бу асарлар Улуғбек ўлиши билан талон-торож қилинди. Уларнинг кўпчилиги Истамбулга олиб кетилди. Улуғбек давлати Ғарб ва Шарқ мамлакатлари билан кенг қўламда савдо, дипломатик ва маданий муносабатлар олиб борди.

Улуғбек ўлдирилгач, Абу Саиднинг бефарқ қарашидан фойдаланган реакцион кучлар маданий бойликларни вайрон қилишга киришдилар. Жумладан, расадхона ҳам таланди, бузилди, асбоблар синдирилди, ўғирланди, китоблар ёндирилди. Реакция таъкиби остида Самарқандда яшаш имкони қолмаган Али Қушчи Улуғбек қўлёзмаларини ва бошқа нодир асарларни олиб, аввало Озарбайжонга, сўнгра Истамбулга кетди.

Мовароуннаҳда реакция сабабли олимлар турли мамлакатларга қочиб кетган, илм-фан, санъат, меъморчилик маълум даражада инқирозга юз тутган бир вактда Хуросонда Ҳирот шахри ўзининг маданий марказлари, олимлар, санъаткорлари, меъморлари ва умуман маданий ҳаёти билан машхур бўла бошлади. Бу ерда ўзбек халқининг буюк шоири, мутафаккири, давлат арбоби Мир Алишер Навоий (1441—1501) дунёга келди. У ўзининг жаҳон маданият ҳазинасига бебаҳо гавҳар булиб қўшилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр», «Чор девон», «Маҳбуб-ул, қулуб», «Муҳокаматул-лугатайин» каби шоҳ асарларида соғ севгини, меҳнатни, тенгликни, халқлар ўртасидаги дўстликни, инсонпарварликни, ҳамкорликни, ўзбек ва тожик тилларининг нағислиги, бойлиги, гўзаллигини куйлади, мадҳ этди. Навоий асарлари унинг замондошлиари Лутфий ва Жомий томонидан қанчалик юксак баҳоланган бўлса, бугунги авлод учун ҳам бу асарларнинг қиймати мутлақо йўқолмаган.

Алишер Навоий Хуросонда кўпгина ариқлар қаздирди, мадрасалар, мактаблар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, мачитлар, равотлар, кўприклар курдирди. Ҳиротда илмий ва маданий арбобларни тўплади, илм-фанинг ривожланиши учун бутун имкониятларни яратди.

Хуросонда Алишер Навоий раҳбарлигига ўзбек адабиёти ва санъати ривожланган бир вактда Нуриддин Абдураҳмон Жомий (1414—1492) раҳбарлигига форс-тожик адабиёти ҳам ривожланиб борди. Абдураҳмон Жомий факат шоиргина булиб қолмасдан, грамматика, мантиқ, юнон ва Шарқ халқлари фалсафаси, табиат

фанлари, математика, астрономия каби фанларнинг ҳам билимдони эди. Унинг адабий-фалсафий қарашлари ўта мураккаб бўлиб, бир томондан, буюк инсонпарвар шонр сифатида ўз даврининг илгор кишиси, иккинчи томондан, у реакцион сўғизм оқими таъсирида диний, фалсафий арбоб сифатида намоён булади.

Навоий ва Жомий замонида Хурросон ва Моваро-унихарда китобларни безаш, миннатюралар билан бойитиш, хусният, каллиграфия айниқса ривожланди. Бу ишлар ўзининг битмас-туганимас кобилияти билан «Шарқ Рафаэли» бўлган Камолиддин Беҳзод номи билан боғлиқдир. Беҳзоднинг Алишер Навоий, султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон суратлари акс этган асарлари, Бибихоним мадрасаси курилишини тасвирлаган миннатюралари, факат ҳукмрон синиғ хаётинигина эмас, балки оддий ҳалқ оммасининг ҳаёти, меҳнати кўринишларини ҳам ифода этган асарлари жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир.

Ўша замондаги энг машҳур ҳаттотлардан Султон Али Машҳадий, Мир Али котиб (уни Рафиқий деб ҳам атаганилар) Алишер Навоий китобларини безаш, кўчириш ишларида жуда машҳур эдилар.

XV асрда Ҳирот энг машҳур тарихчилар тўпланган марказ ҳам эди. Ҳофиз Абру, Абдураззок Самарқандий, Мирхонд, Ҳондамир, Давлат Шоҳ ва бошқалар ўша замон давлатлари тарихини яратдилар. Самарқандда яшаб ижод этган тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари ҳам ўша замон тарихини ўрганишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу давр ижтимоий-сиёсий ҳаётини, маданиятини, географиясини, ҳўжалик услубларини ўрганишда Захириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483—1530) машҳур тарихий-мемуар асари бўлган «Бобурнома»нинг ҳам роли бекиёсdir. Бобур факат давлат арбоби эмас, балки ноёб истеъодод эгаси ҳамdir. Унинг ёзган асарлари ҳанузгача эл меҳрига сазовор бўлмоқда. Тарихчилардан Шарафиддин Али Яздий, Зайниддин Восифийлар айрим воеа, подшолик тарихини, жангномаларини ёздилар. Ҳофиз Бухорийнинг «Абдулланома» асари XVI асрнинг иккинчи ярмида Бухоро ҳақиқатда ҳам фан, адабиёт, санъат маскаларини бўлганлигини тасдиқлади.

XVI аср давомида Самарқандда ва бошқа шаҳарларда кўпгина мадрасалар курилди. Шайбонийхон мадрасаси, Калон мачити, Мир Араб, Кўкалдош, Калабад ва Абдуллахон мадрасалари шулар жумласидандир. Шунинг-

дек шаҳарларда янги-янги карвонсаройлар, савдо расталари, кўприклар, равотлар, сардаболар курилди.

Тарихчиларнинг берган ҳабарига кўра, шаҳарлардаги ҳар бир мачит кошида мактаблар мавжуд бўлган. Болалар б ёшдан бошлиб ўқитилган. Мадрасалар уч босқичдан иборат бўлиб, талабаларга тўланадиган нафака ва бериладиган озик-овқат меъёри ўша босқичларга боғлик бўлган. Ҳар бир босқичда ўқиш муддати 8 йил бўлиб, талабалар мадрасани 24 йилда битириб чикишар эди. Ёш бола вактида мадрасага кирганлар уни сокол-мўйлови чиккан вактда битириб чикарди. XVI асрда ишланган бир исла миниатюраларда бу ҳолатлар ўз аксини топган.

Нима тарзи ўқита дашиб кириш ва нималарга жавоб бериш керак?

1. Узбекининг тарихи тұтқан үрин

2. XV—XVI асрлардан ижтимоий турмуш, фан ва маданият.

Нима тарзи ўқита керак?

1. А. Ахмедов. Ўзбеклар қандай келиб чиккан. Фан ва турмуш, 1983, 1 сон.

2. А. Дениёрөв. Ўзбекининг ёши. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил 1 март.

3. К. Шониёзов. Ўзбекининг ёши. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил 3 апрель.

4. У. Уватов. Ҳоразм — ўрта аср араб манбаларида. Ёш куч, 1991 йил, 5-сон.

5. Рустамов Э. Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963.

7-§. ЎЗБЕК ФЕОДАЛ ХОНЛИҚЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Бир қанча сарой тўнтаришларидан сўнг Бухоро таҳтига Имомқулихон (1611—1642) утирди. Шу билан Бухорода ўзбек хонлари сулоласи бошланди. Имомқулихон олдида Сибирь, Қашғар, Олтой этакларидан гарбга томон силжиб келаётган арлот, қалмик, қорақалпок қабилалари хужумларини тұхтатиши, мамлакатнинг шимолий ва шарқий чегараларини мустаҳкамлаш каби оғир вазифалар турар эди. Бу вазифалар маълум даражада бажарилди. Мамлакатда тинчлик ўрнатилиши феодал муносабатларининг яна ҳам мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

Нодир Муҳаммад (1642—1645), унинг ўғли Абдулазиз (1645—1680), кейин Субхонқулихон (1680—1702) подшолик қилган йилларда Бухоро ерларида феодал можаролар

тұхтамади. Ҳар учала подшо даврида Бухорога хивалықтарнинг 19 марта юриши уюштирилди. Ҳар сафар Бухоро ва унинг атрофдаги ерлари тұла таланди, вайрон қилинди, күлгә тушганлар асир сифатида олиб кетилди. Факат Маҳмудбий оталик бошлиқ Хурасон күчларидан ёрдам олингандан кейингина хиваликлар қувиб юборилди, хон үлдирилди. Хива эса вактінча Бухорога бүйсунадиган бўлиб қолди.

Убайдуллахон вактида (1702—1711) Бухоро ва Хурасонда феодал можаролар жуда ҳам кучайиб кетди. Ҳар бир шаҳардаги ҳоким үзини хон деб эълон қилиб, марказий ҳокимиятни тан олмай кўйди. Абдулфайзхоннинг (1711—1747) ўзи эса йирик феодаллар қўлидаги қўғирчоққа айланди. Кечагина бўйсундирилган Фарғонадаги ўзбекларнинг минг қабиласининг 2 тармоғи Шоҳрухбий бошчилигида қўзғолон кўтариб, ўзларини Бухородан ажралган деб эълон қиласиди ва пойтахти Ҳуқанд (хозирги Қўқон) бўлган мустакил давлатни ташкил этади.

Бу вактда Бадахшон, Хоразм, Балх, Термиз, Қарши ерларида яна зодагонларнинг ўзаро жанжаллари бошланди, уларнинг ҳам ҳар бири үзини мустакил деб эълон қиласиди. Худди мана шу вактда Усмон туркларига зарба берган Эрон шохи Нодиршоҳ Хурасонга, ундан Мовароуннахрга ҳужум бошлади. У шаҳар ва қишлоқларни вайрон қиласиди. Хоразм ҳам бу вактда үзини мустакил деб эълон қилиб, янги-янги ерларни босиб олиш, ўз ерларини кенгайтириш максадида эди. Нодиршоҳ Қаршини қамал килаётган вактда Хоразм хони Илбарсхон Мовароуннахрга қараб юради. Бу хабарни эшигтан Нодиршоҳ қамални ташлаб, тезда Амударёдан ўтиб, Хурасонга чекинади. Илбарснинг қайтиб кетганини эшигтан Нодиршоҳ яна ҳужум қиласиди. Тузилган битимга кўра, Бухоро амирлиги маълум вакт Эронга тобе бўлиб колади. Шу муносабат билан Бухорода аштархонийлар сулоласи тугатилиб, ўзбек қабилаларидан бўлган минг қабиласи ҳокимиятни ўз қўлига олади. Бу қабила сулоласи ҳукмронлиги 1920 йилда Бухоро ҳалқ инқилоби билан ағдариб ташланади.

Ҳалқ харакатлари 1605 йил Балхда маҳаллий ўзбек қабиласи вакилларидан бири бўлган Шоҳбек кўкалдошнинг ҳалқ оммасига ўтказган феодал зулми сабабли қўзғолонлар бошланиб кетди. Икки уртада бўлган отишувда ҳалқ оммасининг қўли баланд келди. Шоҳбек кўлга олиниб, дорга осилди.

Субҳонқулихон подшодигинин дастлабки ойларида Балхда яна халқ кўзголонлари көниб чиқди. Шунингдек 1681 йилда Зарафшон ноҳаси кишлокларида, 1708 йилда Бухоронинг ўзида энг катта халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Ўзаро феодал урушлари дехқонлариниң, хунармандлариниң, шаҳар камбағаллариниң тинка мадориниң куритган, уларнинг солиқ тूлаш учун хеч нарсаси колмаган эди. Буш колган хазинани тўлдириш учун мис танига оғирлигини ўзгартирган холда ўндаги мис миқдорининг 4 марта камайтирилиши ва унинг сотиб олиш қувватининг настлиги кўзголонга сабаб бўлди.

1712 йилда Самарқанд аҳолиси кўзголон кўтариб шаҳар ҳокимини ҳайдаб юборди. 1718 йилда Балхда очкўз шаҳар ҳокимиға, унинг раҳм-шафқат билмайдиган соисаноқсиз амалдорларига қарши кўзголон бошланди.

XVIII асрнинг 20—40-йилларида Кармана, Миёнкол, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятларда ҳам халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди.

**XVII — XVIII
асрларда Моварооннахр маданияти**

Бу даврда меҳнаткаш халқнинг маънавий ҳаёти диний ақидаларга сўзсиз бўйсунишни талаб қиласидиган, иносон кадр-қийматини хўрлайдиган хурофот

таъсирида эди. Кўчманчи ва ўтрок халқлар орасида турли туман дарвешлар изғиб юрар, улар ўзларининг маддохликлари билан халқни «у дунё лаззатларига» чакирар, бу дунёни ўткинчи, бемаъни дунё деб кўрсатиб, ҳамма ақлу идрокдан, маданият таракқиётидан, хўжалик ҳаётидан возкечишга, одамларни тарки дунё қилишга ўндар, халқ миясини заҳарлар эди. Аммо мана шундай зулмат ичидан ҳам шам ўз нурини ўчирмади. Сайидо Насафий, Турди каби халқ тилини, дилини, дардини, орзу-истагини тушунган ажойиб истеъодод соҳиблари мавжуд ижтимоий ва сиёсий тузумни танқид қамчиси билан калтакладилар, унинг астар-аврасини ағдариб танқид килдилар.

Амин Хўжа Ёдгор, Юсуф Корабош, Насриддин Бухорий, Муҳаммад Боди Самарқандий, Муҳаммад Балхий, Мир Муҳаммад Амин Бухорий каби зиёлилар фавқулодда мураккаб ва ўта оғир шаронтда реакция таъкибига қарамасдан ўзбек адабиёти анталогиясини туздилар. Улар фалсафа, мантиқ, физика, математика, тарих, география фанларидан ажойиб асаллар яратдилар. Сайидо Насафий, Қосим Хўжа, Малихон, Бобораҳим Маширб, Турди Фарғий каби ажойиб халқчил шоирлар

ўз асарлари билан бу телба замонга кучли норозилик билдирилар, эзилган халқ оммасини ҳимоя қилдилар.

Мирза Абдуқодир Бедилнинг (1644—1720) фалсафий таълимоти бутун XVIII — XIX аср файласуфларига амалий йўналиш берди. Унинг гоялари бутун Шарқ, Ўрта Осиё, Мовароунахрга шу қадар кенг ёйилдики, уша замоннинг илғор фалсафий таълимотига айланди.

xvi — xviii асрларда Ҳива хонлиги

жасида Хоразм анча илгариёқ ажralиб чиқнишга ва мустақил булишга ҳаракат қилар эди. 1505 йилда икки ойлик камалдан сўнг Урганч шаҳрини олган Шайбоний-хон 1510 йилда Марв яқинида Эрон шоҳи Исмоил билан булган жангда енгилади. Унинг калласи кесиб олиниб, Эронга олиб кетилади. Кўп ўтмай шоҳ Исмоилинг ўлими, Эрондаги феодал можаролар ўзбек қабилалари учун Хоразмда ўринашиб қолиш, хокимиятии қўлга олиш ва Хоразм мустақиллигини таъминлаш имкониятларини берди. Шимолий Хурросон, жанубий ва шимолий Туркман ерлари, Орол бўйларини босиб олиш билан кенгайиб борган Хоразм ерлари қўйи Амударё районлари ҳамда Конетдог этакларидан иборат бўлиб қолди. Ўзбек қабилаларидан кияр, қўнғирот, уйгур, найман, қанғли, қипчоқ, нукуз, мангит қабилалари катта имтиёзларга эга бўлиб, асосий ерлар ўшалар қўлида эди. Бугдой, арпа экиларди. Ипак кўп ишлаб чиқиларди. Дехқончиликда, чорвачиликда, ўй-рўзғор ишларида куллар меҳнатидан фойдаланилар эди. Куллар урушларда асир тушганлар бўлиб, микдор жиҳатидан улар донмо кўпайиб борар эди.

Шаҳарлар кичик-кичик бўлиб, ахолиси деҳқончиликдан ажralиб чиқмаган, ҳунармандчилик ҳам кенг кўламда ёйилмаган эди. Ўлкада диннинг таъсири кучли эди. Зулмдан, урушлардан норози халқ оммаси чиқишлиридан хукмрон синифлар ўз фойдаси учун фойдаланаар эди.

XVII асрнинг иккинчи ярмида Хоразмга қозоқлар, қалмиқлар, казаклар хужум килиб турса-да, ўз навбатида Хоразм хонлари ҳам уларга хужум қилиб турарди. Асфандиёрхон (1623—1643), Абдулгозихон (1643—1663), Анушахон (1663—1687), Шоҳ Ниёз (1687—1702), Араб Мұхаммад (1702—1714) подшолиги даврида Хоразм нисбатан мустаҳкамланди, аммо Шергози (1715—1728) даврига келиб, у яна инқирозга учради. Бу даврда

Шайбонийлар Бухоросидан масофанинг узоклиги, йўлнинг фавқулодда оғирлиги, узлуксиз урушлар сабабли карвои йўлларининг ҳам бекилиб қолиши натижасида

Рус давлати марказлаша бориб, Пётр I нинг талаби билан князь Бекович-Черкасский бошлигидаги 5000 кишилик экспедиция Ўрта Осиё орқали Хинди斯顿га борадиган йўлни топиш учун Хоразмга юборилган эди (1714—1717). Аммо экспедиция Хоразмга келган вактда Шергози томонидан кириб ташланади.

**XVIII аср охири
ва XIX аср бош-
ларида Ўрта**

Осиё

XVIII аср ўрталарида Бухорода манғитлар, Хивада қўнғиротлар, Қўконда минглар ўз давлатларини бирмунча марказлаштиришга ҳаракат килдилар.

У ерларда аҳоли сони нисбатан кўпайди, савдо, хунармандчилик, дехқончилик бирмунча жонланди. Бухорода 2 млн, Хивада 500 минг, Қўкон хонлигига 1 млн. га яқин аҳоли бор эди. Ҳар учала хонликда асосан ўзбеклар, айрим жойларда оз микдорда эронийлар, араблар, яхудийлар, хиндлар, яшар эди. Оролнинг жанубий ерларида корақалпоклар, айрим шаҳарларда тоҷиклар ҳам яшарди.

Кишлоқ хўжалиги Ўрта Осиёнинг дарё бўйлари ва пасттесисликлари асосан аҳолига гавжум булиб, улар жуда кадим замонларданоқ дехқончилик билан шуғулланганлар. Дехқонлар Амударё, Сирдарё, Чирчик ва Зарафшон дарёларидан каналлар қазиб, сунъий сугориш йўли билан дехқончилик қилганлар. Ўзбек дехқонларининг сунъий сугориш системаси, уларнинг меҳнатсеварлиги, аклий қобилияти бу ерга келган ажнабийларни ҳайратга солар эди.

**Шаҳар хунар-
мандчилиги**

Бу даврда шаҳарларда хунармандчилик анча ривож топди. Ипак, коғоз, духоба ишлаб чиқариш, тўқимачиларнинг, кулолларнинг, темирчиларнинг ишлаб чиқарган ажойиб маҳсулотлари ўзларининг пишиқ-пухталиги, куришни, сифати, чидамлилиги билан аклии ҳайратда қолдирар эди. Ҳар бир ўлка, шаҳар асосан хунармандчиликнинг бир хил тармоли бўйича ихтисослашган эди.

Савдо

Ўрта Осиё шаҳарлари Эрои, Хуросон, Хинди斯顿, Ўрта Шарқ, Якии Шарқ мамлакатлари билан кенг кўламда савдо муносабатлари олиб борар эди. XVIII асрнинг иккичи ярмидан бошлаб Россия билан бўладиган савдо устунлик кила бошлади.

Хуллас, ҳар учала хонлик чор Россияси томонидан босиб олингунга кадар феодал давлатлар сифатида колаверди. Уларда ишлаб чиқариш кучлари кам ривожланди, саноат йўқ эди. Шунингдек хонликлар ўзаро

дushman бўлиб, шаҳар билан қишлоқлар ўртасида иктисодий алоқалар ўрнатилмаган эди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт

Хар учала хонлик босиб олинини арафасида ҳам марказлашмаган бўлиб, Бухорода амир, Хива ва Кўконидаги давлат тепасида турар, уларнинг ҳар бир харакати худономи билан боғланар, ҳеч қандай конун билан чекланмаган мутлақ ҳоким эдилар. Қолган бутун лавозимлар ёки улар орқали таксимланар эди.

Хар учала хонликда ислом дини хукмрон бўлиб, реакцион кучлар унинг номи билан ҳар қандай илторғояларни йўқ қилас, ташаббусни бўғар, тараққиётга товушлар, ўлкани зулматда, ахолини жаҳолатда саклар, маданий тараққиётдан четда, фан, техника, саноатдан умуман узиб ташланган аҳвотда ушлаб турар эди. Суд ишлари гирт саводсиз муллалар (козилар), эшонлар, хўжалар қўлида бўлиб, шарнат ривоятлари асосида хукмчиқарилар эди.

Кўшин асосан сарбозлардан иборат бўлиб, улар тинчлик вақтида ўз-ўзини боқиши учун деҳқончилик қилас, уруш вақтида эса таёқ, чўқмор, ўрок, айрим ҳолларда қилич, найза, милтиқ билан жангга кирап эди. Отлик кўшин ҳам бўлар эди. Лекин хонликлардаги иктиносидий занифлик кўп кўшинни ушлаб туришга имкон бермасди. Кўшинда ҳак тўланмас, факат юзбоши, мингбошилар бир йилда бир марта, қўй, халат, танга, эгар, юган, чой олар эди, холос.

Хар учала хопликдаги солик системаси тахминан бир хилда бўлиб, у аҳолининг иктиносидий жиҳатдан ҳароб бўлишига олиб келар эди. «Хирож», «доруға», «закот», «даллали», «бож», «таноб пули», «алаф пули», «қўш пули» каби соликлар меҳнаткаш ҳалқ оммасини тобора қашшоқлантириб борар эди.

Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхон ўзбек ҳалқини ташкил этган 92 қабилани бирлаштириш, давлатни марказлаштириш учун умр бўйи (1753—1758) харакат қилди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Бир кўзголонни бостиrsa, иккинчиси бошланар эди. Амир Ҳайдар (1800—1826), Амир Насрулло (1826—1860) даврида ҳам ўлкада оммавий қўзголонлар, мустакиллик учун феодал можаролар авж олди.

Кўкон хонлигига ҳам худда мана шундай аҳвол кечмоқда эди. Норбутабий, Олимхон, Шералихон, Умархон каби хонлар мустакиллик учун курашаётган, марказга

бўйсунишни истамаётган вилоят хокимларига қарши кураш олиб бордилар. Ана шу қўзголонларни бостириш жараёнида Қўкон хонлиги нисбатан марказлашиб борди.

Хива хонлигида сиёсий аҳвол бундан ҳам баттаррок эди.

Хар учала хонлик ер талашиб, ўзаро урушиб туарар эди, аксарият бундай урушлар экинзорлар устида бўлиб, дехқонларни вайрон қилас, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини орқага сурар эди.

XVIII асрнинг биринчи ярми ва XIX

Маданият асъда Ўрта Осиёда маданий ҳаёт консерватив доираларнинг ва ҳукмрон синфларнинг таъсирида бўлди. Бу даврда аҳолига диний хурофотларни кўпроқ сингдириш, аҳолини жаҳолатда ушлаб туриш ва маърифатдан узоқ саклаш, ҳар қандай илғор фикрни синдириш ва таъқиб этиш кучайди.

Бир қанча тарихий асарлар юзага келди. Чунончи, Абдураҳмон Талеънинг «Абулфайзхон тарихи», Мухаммад Вафонинг «Хон тухфаси», Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдулланома», Мухаммад Шарифнинг шайбонийлар тарихига оид «Тафи от таварих» асарлари вужудга келди. Лекин бу асарларда хонлар шаънига ҳамду санолар ўқилиб, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ахволи, синфий кураш, хўжалик, савдо, хунармандчилик ва ҳоказолар ҳакида деярли ҳеч нарса айтилмайди.

Бу даврда машхур шоир Махмур ўзининг «Мухаммас» ва «Ҳапалак» шеърларида ўша замоннинг энг чиркин адолатсизликларини, фаргоналик шоир Гулханий эса ўзининг шеърларида ҳукмрон синф вакилларини, Қўконда яшаган шоир Гози ўз асарларида дин пешволарининг кирдикорларини, ҳиротлик шоир Хазиқ амир Насруллонинг конхўрликларини фош килди. Шаҳрисабзлик шоир Хиромий «Чор дарвиш»ни, «Туртнома»ни, шунингдек хинд-эрон эртакларидан таржима килди. Ҳалқ оғзаки фольклорида эса «Юсуф ва Зулайҳо», «Тохир ва Зухро», «Юсуф ва Аҳмад», «Гўрӯғли» каби достонлар пайдо бўлди.

Аҳмад Дониш ҳам ўз асарларида хонликлардаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қолоқликларни танқид камчиси билан калтаклади, уларда тұлдик билан ислоҳотлар ўтказиш лозимлигини талаб етишиб чиқди.

Мабек ҳадисининг омманий ҳикоялари, ашуаллари, ғашыллари, қашнечиллари кўчаларда кўгиричок ўйин

күрсатадиган сайёр артистлар томонидан ўлкама-ўлка олиб юрилар, халқ орасыга тарқатилар эди.

Меъморчилик соҳасида бу даврда йирик ҳашаматли саройлар, мадрасалар, карвонсаройлар, усти берк бозорлар, расталар, работлар, меҳмонхоналар, кўприклар, курилди. Лекин буларда безак, нафислик, улуғворлик Темур вактидаги дабдабали қурилишлардан фарқ килар эди.

xvi – xix асрларда қорақалпоклар

Қорақалпоклар ҳақидаги ёзма манбалар XVI асрга тўгри келади. Бунда Бухоро амири Абдуллахоннинг 1588 йилда Сиғнақ яқинидаги Зияуддин макбарасини қорақалпокларга бериши ҳақида гапирилади. Манбаларнинг гувоҳ беришича, улар Орол бўйларида яшаганлар ва тил жиҳатидан турк тиллари таркибига кирган. Дастроб массагетлар, кейнироқ кипчоклар, эрамизнинг бошларига келганда шарқдан келган хунлар, IV асрда эфталитлар, VI асрда турк қабилалари қорақалпокларнинг этногенезига таъсир кўрсатган бўлсалар, уларнинг халқ булиб шаклланишида қипчоклар, ўғузлар, дағити қипчокларнинг ҳиссаси бор.

Қорақалпоклар асосан кўчманчи булиб, «Қирққиз» нинг берган хабарига кўра, улар дехкончилик, бодорчилик билан ҳам шуғулланганлар.

XVII асрда қорақалпоклар Туркистондан Хивага қадар бўлган Орол бўйларини эгаллаган. XVII – XVIII асрларда улар казак хонларига, Зарафшон қорақалпоклари деб аталган маълум бир қисми эса Бухорага буйсунгани.

XVII асрда қорақалпоклар жунғарларнинг сикувига учраб иккига булиниб кетди. Уларнинг бир қисми Урал дарёси ҳамда Эмба кўли бўйларига, иккинчи қисми Ўрта Сирдарёга силжийди. 1743 йилда Жанидарё ёнидаги қорақалпоклар ихтиёрий равишда Хива хонлиги фукаролигини қабул килади.

XIX аср ўрталарида келганда қорақалпоклар асосан дехкончилик билан шуғулланди. Чимбой шахри аста-секин иқтисодий марказга айлана борди. Бу даврга келиб қорақалпоклар шаклланиб бўлади. Бу жараёнда уларнинг уругини ташкил қилган «Ўн тўрт улус», 8 қабила иштирок этади. Ер жамоалар кўлида булиб, у қабилаларга кўра тақсим қилинади, чорва эса қайси қабилага тегишли бўлишидан қатъи назар хусусий ҳисобланилар эди. Сув келтириш, ариқ қазиш ишлари жамоатчилик асосида олиб бориларди.

Қорақалпоқлар Хива хонлигига закот (чорвадан), салгут (ердан) каби солиқларни тұлаб туриши шарт эди. 1828 йилда улар хонларнинг зулмуга қарши құзғолон күттарди. Құзғолонга Олакұз лақабы Эрназар деган корақалпоқ бийи (бойи) бошчилик қилды. 1858—1859 йилларда Хива хонлари зулмуга қарши қорақалпоқлар яна құзғолон күттарди. Құзғолончилар рус подшолиги фуқаролигига ўтишни маъқул күрдилар. Бу ҳақда уларнинг икки марта мактуб юборганлари маълум. Лекин құзғолонлар шафқатсизлик билан бостирилди, экинзорлар пайхон қилинди, аҳоли күплаб қирилди. Бу қонли воқеалар қорақалпоқ адабиёти классиги Ажиниёзнинг «Бўз ўтов» поэмасида ўз ифодасини топган.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарга жавоб топшиш керак?

1. XVI — XVIII асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузум.
2. Ўзбек хонликларининг ташкил топиши.
3. XVI — XVIII асрларда ўзбек хонликларида маданият, савдо ва ҳунармандчilik.
4. XVI — XIX асрларда қорақалпоқлар.

Нималарни ўқиш керак?

1. Б. Аҳмедов. Кўчманчи ўзбеклар давлатининг ташкил топниши. Тошкент, «Фан», 1961.
2. Б. Аҳмедов. Хондамир. Тошкент, «Фан», 1965.
3. Ҳ. Зиёев. Сибирлик ўзбеклар (XVI—XIX асрлар). Тошкент, Ўздавнашр, 1958.
4. Ҳ. Зиёев. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент, «Фан», 1973.
5. К. Мақсудов. Қисмат. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 8 сентябрь.

8- §. ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИНИНГ ЧОРИЗМ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ

XIX асрнинг иккинчи чорагида чоризм халқ хўжалигида катта ўзгаришлар рўй берди; тўқимачилик саноати ривожланди, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш авж олди. Аммо рус товарларига юқори даражада бож белгиланиши уларни Ўрта Осиёга олиб келиш ишини бирмунча кийинлаштириди. Шу муносабат билан рус савдогарлари кукуматга тасир ўтказиб, Ўрта Осиё хонликларига

нисбатан қатъий харакат қилишни талаб қила бошладилар. Рус матбуотида шов-шувлар бошланды.

XIX асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиёга Англия саноатида ишлаб чиқилган маҳсулотлар кўплаб киритила бошлади. Маҳаллий бозорларда арzon ва сифатли инглиз товарларининг тез ўсиши рус товарларига бўлган эҳтиёжни камайтириди.

Боскинчилик харакатларининг бошланиши

XIX асрнинг 50-йилларига келганда чоризмнинг факат Европадагина эмас, Шарқда ҳам аҳволи ларзага келмоқда

эди. Чоризмнинг заифлашганлигидан фойдаланган инглиз ва турк айғокчилари Ўрта Осиёда фаоллашиб борди ва Россияга қарши курашмоқ учун ҳар учала хонликни бирлашишга чакира бошлади. Бу воқеалар чоризмни Ўрта Осиё масаласида жиддий шуғулланишга олиб келди.

Ўрта Осиё хонликларидан олиб кетилаётган паҳта рус тўқимачилик саноати учун беминнат манбага айланиб бормоқда эди, бинобарин, ҳукуматда ҳам Ўрта Осиёни босиб олиш долзарб ва кун тартибига қўйилган вазифалардан эканлигини тушуна бошладилар. XIX асрнинг ўрталарига келганда қозоқ даштларини босиб олиб, Раим, Оқ мачит, Туркистон, Авлиё Ота, Марки, Пишпек, Верное, Копал, Аягуз, Семипалатинск қалъаларини қуриб, Ўрта Осиёга қурол кучи билан бостириб кириш учун зўр ҳарбий, сиёсий тайёргарлик ишларини бажариб олган чоризм Чимкент, Авлиё Ота, Туркистон шаҳарларини босиб олиб 1864 йил баҳорида Тошкентга яқинлашди. Лекин бу йили уни ололмасдан Чимкентга чекинади. 1865 йилининг 14—16 майларида бўлган қаттиқ жанглардан сўнг Тошкент олинади.

Тошкентнинг босиб олинини халқаро муносабатларда чоризм ахволини оғирлаштирди. Бунинг устига Тошкентни Кўқон хонлигидан босиб олиш учун Бухоро амири йўлга чиқкан эди. Аммо 1866 йил 24 майда Хўжанд яқинида унинг қўшинлари тор-мор қилинади. Кўп ўтмай Ўратепа ва Жиззах ҳам босиб олинди.

1847—1867 йиллар давомида куйи Сирдарёдан Етти-сувга қадар босиб олинган ерлар хисобидан пойтахти Тошкент шаҳри бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Унинг генерал-губернатори килиб подшонинг яқин кишиси Кауфман тайинланди. Унга чекланмаган ваколатлар берилдики, бундан Ўрта Осиёни босиб олиш

ишини охирига қадар етказиш күн тартибига қўйилғанилигини тушуниш кийин эмас эди.

Бухорога қарши фаол ҳарбий ҳаракатлар бошлашдан олдин ўз оркасини мустаҳкамлаб олиш мақсадида Кауфман Кўкон хони Худоёрхон билан битим имзолади. Унга кўра, хонлик ерларида рус савдогарларининг эркин юриши, бож тўламаслиги, маҳаллий савдогарлар билан тенг ҳукукли бўлиши тан олинди. Чўпонота тепалигида Бухоро амири тула тор-мор килингач, 1868 йил 2 майда Самарканд таслим бўлди. 18 майда Каттақўргон олиши. Тузилган битимга кура босиб олингани ерлар Россияга ўтди, амир 500 минг сўм товои тўлайдиган бўлди.

Бухоронинг тор-мор қилиниши ва битим тузилниши Англия ҳукуматини ташвишга солди. Элчилар ўзаро учрашиб ораликда дахлсиз масофа колишилар.

1873 йил 29 майда Хива штурм билан олини. Кўлдан кетган ўнг кирғок Амударё ерлари Россиянини деб тан олинди. Шунингдек Хива хони 2200 минг сўм жарима — товои тўлайдиган бўлди. Бухоро ва Хива хонликларининг тор-мор қилиниши Кўкон хонлигини босиб олиш ишни тезлаштириди.

1873 — 1876 йиллардаги қўзғолонлар ва Кўкон хонлигининг босиб олиниши

Кўкон хонлигида сиёсий ва иқтисодий ҳукуксизлик, вилоят ҳокимларининг ўта золимлиги, сон-саноқсиз соликлар аҳолининг сабр косасини аллакачон тўлдирган эди. 1867 йилда Авлиё ота ва Чимкент казаклари, 1871 йил баҳорида

Сўх кирғизлари хон зулмига қарши қўзғолон кутарди. 1873 йилда Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли бошлилигида Пулатхон номи билан Марғилонда қўзғолон кутарилди. Бу қўзғолонга Мусулмонқулиниг ўғли Абдураҳмон Офтобачи ҳам қўшилди. 1874—1875 йилларда Пулатхон билан Худоёрхон ўртасида бир неча бор тўқнашувлар бўлиб турди. Қўшин бошликлари хонлилик килгач 1875 йил 22 июлда Худоёрхон сарой аҳли билан Ҳўжанд оркали Рус давлати паноҳига ўтиш учун Тошкентга кочади. Унинг ўғли Насриддинхон хон деб эълон килинади. Бир неча тўқнашувлардан кейин Насриддин ҳам енгилади, оқ подшо ҳокимиятини тан олади ва кочиб кетади. Мулла Исҳоқ эса ўз шериклари билан таслим бўлишни истамай курашни давом эттираверади. Бирор қўзғолонга тасодифан қўшилган Офтобачи бошлиқ феодал гурухлар сотқинлик килиб, қўзғолонлар кучини заифлаштиргач, 1878 йил 28 январга Угар кечаси Пулатхон лагерига ҳужум қилинади

ва құзғолончилар қириб ташланади. Қочиб кеттеган Шудат хон күп ўтмасдан ушлаб олинади ва февраль ойинин бошларида Марғилоннинг бозор майдонига түпшаптаған мингларча халқ олдида, барабан садолари остида дөргө осилади. Қолган құзғолончилар ҳам осилади, сурғун килинади, турмага ташланади. Құзғолоннинг тор-мор килиниши муносабати билан 1876 йил 19 февралдагы фармонга күра Құкон хонлиги тугатилади, унинг ерлари Туркестон генерал-губернаторлығига құшиб юборилади.

Шундай қилиб, чор армиясига карши қаратылған бу құзғолонларда мекнаткаш халқ оммаси асосий күч бўлиб қолаверди. Құзғолонларга қўшилған феодал аристократияси ва дин пешволари ҳамиша ўз фойдалариши кўзладилар, шу мақсадда хонлик қилиб турдилар. Чоризм эса уларни ўз томонига қаратиш мақсадида уларнинг мол-мулкларига тегмасдан катта-катта ер участкалари ва пул билан мукофотлаб турди.

Үрта Осиёдаги хонликларнинг чоризм томонидан енгилиши жуда күп сабабларга эгадир. Хонликлардаги ҳарбий кучлар замонавий куролларга эга эмас эди. Мамлакатда курол ишлаб чиқарадиган саноатнинг узи ҳам йўқ эди. Армия ўргатилмаган, замонавий уруш тактикасини билмас эди. Армия бошликлари ҳам ҳарбий билимда фирт саводсиз кишилар эди, уларнинг ҳарбий ташкилотлари йўқ эди. Шунингдек хонликлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, феодал можаролар уларни ягона күч бўлиб зўр душманга қарши бирлашиш имконини бермади.

Чоризм Үрта Осиёни мустамлакага айлантириш, халқларни қул қилиш, унинг тилини, маданиятини йўқ қилиш, битмас-туганмас бойликларини эгаллаш мақсадида босиб олди. Амалда ҳам худди шундай килинди. Эҳтимол, К. Маркс айтганидек, чоризм Үрта Осиё ҳалқлари учун маълум даражада ижобий роль ўйнаган бўлса ўйнагандир. Лекин буни ҳам чоризм факат ўз мақсади сари маҳаллий халқларни талаш, юлиш, хом ашё бойликларини олиб чиқиб кетиш мақсадида қилди. Масалан, Закаспий темир йўлларининг курилиши Үрта Осиё капиталини оча бошлаган экан, миллий бойликлар кейинчалик ўша йўллар ёрдамида ҳисобсиз равишда олиб чиқиб кетила бошланди.

Үрта Осиё ерлари босиб олингандан кейин бу ерларга Россиядан турли тоифадаги муттаҳамлар, порахурлар, юлғичлар, осонгина бойиб олишни истаган бетайин

нусхалар оқиб кела бошлади. Бу ерда пахта касаллигига жазманлик бошланди. Масалан, 1884 йилда 300 десятина ерга пахта экилган бўлса, 1889 йилга келиб 44 550 десятина ерга пахта экилди. Агар 1888 йилда 873 000 пуд пахта етиширилган бўлса, 5 йилдан кейин бу кўрсаткич 3 588 025 га етди. Шундай қилиб, пахта етишириш йилдан-йилга кўпайиб борди, 1914 йилга келиб, факат рус тўкимачилик саноати учун Ўрта Осиёдан 269 млн. сўмлик пахта толаси олиб чиқиб кетилди.

Хуллас, юкорида келтирилган далиллар битмас-туғанмас бойликка кон ва макон бўлган ўлкани куч ишлатиш, дарё-дарё кон оқизиш билан, қуролсиз аҳолини кўз кўрмаган, қулоқ эшишмаган ваҳшийликлар қилиш билан босиб олишга олиб келганлигини тасдиқлайди. Бу факат чоризмагина хос ваҳшийлик эди. Чоризм пахта, ипак, куритилган ва ҳўл мевалар, ер ости ва ер усти бойликларига ўта муҳтоҷ мамлакат эди.

Халқ ҳаракатлари Чоризмнинг феодал крепостнойлик ва мустамлакачилик сиёсатига қарши Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон ерларида халқ қўзғолонлари бўлиб турди. Чунончи, 1885 йилда Наманганд, Бухоро, Андижон, Ўш, Марғилон шаҳарларида қўзғолонлар бошланди. Булар ичida Фарғонада бўлиб ўтган Дарвишхон тўра бошлиқ қўзғолон чоризмни даҳшатга келтирган энг катта қўзғолонлардан бири эди. 1892 йилда Тошкентда «вабо бунти» деб аталган ва 1898 йилда Андижондаги Дукчи эшон қўзғолонлари ҳам шулар жумласидан бўлиб, бу қўзғолонлар чоризмнинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилик сиёсатига жуда катта зарба берди, уни иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан каттиқ заифлашириди.

1868 йилда Самарқанд олингандан кўп ўтмай бу ерда ҳам халқ қўзғолони келиб чиқди. Чоризм бу қўзғолонни ҳам дарё-дарё кон тўкиш билан бостириди. Ўша йили Бухоро олингач, шарқий ва тоғли Бухоро ерларини босиб олишга киришилди. Бу ерларда ҳам салгина каршилик кўрсатганлар қаршилик кўрсатмаганлар билан биргаликда қириб ташланади.

80—90-йиллардаги уруш ҳаракатлари билан жанубий тоғли ерларни босиб олиш ишлари якунланди. 1885, 1887 ва 1895 йилларда тузилган битимларга биноан Англия, Россия, Хитой ва Афғонистон чегара районлари ерлари аниқланди ва шундай қилиб чоризмнинг жанубга томон сийжини тұхтатилди.

Чоризм босиб олган ерларда маҳаллий халқлардан хамиша қўрқар, хавфсирап, шунинг учун уларнинг ҳар кандай ҳак-хукукларини йўқ қилиб, тилини таҳкирлаб, маданиятига кишан солиб, мактабларини тугатиб, уларни ижтимоий-сиёсий, маданий, иктиносий ва ҳарбий колокликда сақлаб туриш учун ўзининг бюрократик, чиновниклик, ҳарбий, мустамлакачилик бошқариш усулини жорий килдики, бунда энг қуи мансабдан энг юкори мансабга қадар бўлган ҳамма лавозимлар факат рус ҳарбий тўралари орқали идора қилинадиган бўлди. Ўрта Осиё босиб олингач маҳаллий халқлар ёт ахолига айлантирилди. «Буюк давлатчилик» сиёсатига амал қилган рус тўралари маҳаллий аҳолини доим камситар, ҳақоратлар, қулликда ва асоратда сақлар, миллий зулмни авж олдирад эди.

Иктиносий ахвол

Ўрта Осиёning асосий сугориладиган ерларида пахта экила бошланди. Натижада Андижон Кўқон, Фарғона, Наманган, Амударё, Каттақўргон, Тошкент, Самарқанд, Жиззах каби волостларда илгари ўзлари учун нимаики керак бўлган бўлса, масалан, ғалла, гўшт, жўхори, ёғ, узум, полиз экинлари, боғдорчилик маҳсулотлари кабилар етиб, ортиб ётган бўлса, эндиликда сугориладиган ерларга пахта экилганилиги, тўқайзорлардан пахта учун янги ерлар очилгани, чорвадорларга карашли ўтлокзорлар йўқ қилиниб ёки тўғридан-тўғри босиб олинганлиги учун чорва молларига яйловлар қолмаганлиги сабабли бу районларда жуда кўп маҳсулотларга эҳтиёж ошиб кетди ва бошқа жойлардан киммат баҳода сотиб келтириладиган бўлинди. Хива хонлигига ҳам шундай ҳолат юз берди.

Баъзи бир тарихчилар пахта туфайли Ўрта Осиёда экин майдонларининг кўпайишини, уни қайта ишлаш учун дастлабки пахта заводларининг пайдо бўла бошлашини, 1865—1900 йилларда Самарқанд, Сирдарё, Фарғона волостларида 170 та, 1900—1910 йилларда 220 та, 1910—1914 йилларда 180 та саноат обьектларининг пайдо бўлишини, шунингдек маҳаллий ишчилар синфининг ҳам пайдо бўлганлигини, бинобарин, ишлаб чиқариш кучларининг нисбатан жонлана бошлаганлигини чоризм томонидан маҳаллий аҳоли манфаати учун қилинган хайрли иш эди деб, чоризм шаънига мадхиялар ўқиб, аюханнос солган эдилар. Бу волюнтаризм йўналиши ҳукмрон бўлиб турган, лаганбардорлик ва хушомадгўйлик фуқаролик ҳуқукини олган, тарихий далиллар текширилмасдан, чукур ва ҳар

тарафлама ўрганилмасдан, тепкиланиб ётган бир вактда виждон ва ҳақиқатга қарши бориб, давр талабига кўра мослашиш ана шу тарихчилар учун табиий бир ҳол эди. Бизнинг фикримизча, пайдо қилинган дастлабки саноат объектлари пахта хом ашёси ҳажмини, микдорини камайтириб олиб кетиш мақсадида фақат рус тўқимачилик саноати манфаати учун қилинган иш эди, холос. Иккинчидан, пайдо бўлган саноат объектлари ҳали капитализм эмас, у ўз ҳажми, ишлаб чиқариш куввати, ишчилар концентрацияси билан капитализмнинг ривожланишига ҳисса кўша олмас эди. Баъзилар даъво қилганидек, ҳали бу ерда капитализм ривожланди эмас, балки «капитализмнинг етарли ривожланмаганлиги» учун маҳаллий ҳалклар кўпгина қийинчиликларни бошидан кечирмоқда эди. Ўрта Осиёда пайдо бўлаётган капитализм мажрух капитализм эди. Чунончи, чоризм ўзи Европа мамлакатларига нисбатан қолоқ, ярим феодал, ярим қарам, ярим ривожланган капиталистик мамлакат бўла туриб босиб олинган Ўрта Осиёга капитализмни олиб келиши мумкин эмас эди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарга жавоб бериш керак?

1. Нима учун чор Россияси Ўрта Осиёни шу қадар осойгина босиб олди?
2. Туркистондаги иқтисодий аҳвол.

Нималарни ўқиши керак?

1. *Х. Зиёев.* Чоризм истилоси. Шарқ ўлдузи, 1990, 8-сон.
2. *А. Абдурасулов.* Ковун пўстида сирли план. Фан ва турмуш, 1984, 2-сон.
3. *М. Ганиева.* Дўст ва раҳнамо. Мехнат ва турмуш. 1974, 8-сон.
4. *И. Сулаймонов.* Йиллар. «Тошкент ҳақиқати», 1964 йил 22 ноябрь.

9- §. ТУРКИСТОН – МУСТАМЛАКА

1864—1876 йиллардаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида Қўқон хонлиги тугатилди. Бухоро ва Хива хонликлари чоризмнинг протекторатига айланди. Ҳар иккала хонликнинг 2/3 кисм ерлари, Қўқон хонлиги эса тамомила Россияга қўшиб юборилди. Энди босиб олинган янги ерларни қандай қилиб идора килиш масаласи келиб чиқди. Чоризм бу ерларда ўзининг ўрганган системасини, яъни ҳарбий чиновниклик, миллий бюрократик, мустамлакачилик, фронтил иловинистик, крепостнойлик сиёсатини жо-

рий қилишга қарор килди. Бунга кўра энг қўйидан энг олийга қадар бўлган ҳокимият рус ҳарбий офицерларига гина берилди. Шунингдек 1865, 1867, 1873 ва 1886 йилларда ишлаб чиқилган, ҳар бир қайта ишлашда тобора кўпроқ миллий зулм ўтказишга қаратилган «Туркистон ўлкасини идора қилиш ҳақидаги конун» пайдо бўлди. Конунга кўра Туркистонни ижтимоий, иқтисодий ва маданий қолоқликда ушлаб туриш, ўлканинг миллий бойликларини имкон борича Россияга олиб чиқиб кетиш, пахтачиликни кўпайтириш, бунинг учун бошқа экин майдонларини қисқартириш бошланди.

Туркистон халқларининг икки томонлама эзилиши

Туркистондаги рус мустамлакачилиги Украина, Белоруссия, Кавказ, Волга бўйи халқлари, Урал, Сибирь ерларида гидан фарқ килиб, бу борадаги ишлар

ички ишлар вазирлигига эмас, балки тўғридан-тўғри ҳарбий вазирликка тааллукли эди. Туркистон генерал-губернаторлиги кошида учта бўлим ташкил этилди: 1-бўлим идора ишлари, ўлка маъмуриятининг шахсий таркиби масалалари билан шуғулланади; 2-бўлим ер, солиқлар, курилиш, алоқа, ўкув ва санитария масалалари билан шуғулланади; 3-бўлим эса молия масалалари, вақф ерлари масаласи ва Туркистонда яшайдиган ажнабий фукароларнинг юриш-туриши масалалари билан шуғулланар эди. Булардан ташқари яна маҳсус дипломатик бўлим ҳам мавжуд бўлиб, у Бухоро ва Хива каби қўл ва оёқлари кирқиб ташланган давлатлар билан ҳар қандай масалаларни Россия фойдасига қаратиш мақсадида иш олиб борар эди.

Чоризм Туркистон ўлкасини қолоқликда сақлани мақсадида қолоқ суд системасини сақлаб қолди. Чунки кўчманчиларда бий, ўтроқ халқларнинг кози, суд системаси шариат, одат қондалари бўйича иш қилар, бойлар эса йиғилишда пора бериш, иғво, сотиб олиш йўллари билан уч йилга сайланар эди.

Кози, унинг мирзаси (иш юритувчи), ясовули (пристав) судга иши тушган ҳар қандай одамни тунар, шилар эди. Суд ҳукмининг асослари шариат асосида олиб борилар, жиноий ишлар ҳам, оддий маънавий ахлоқсизлик ҳам баб-баравар жазога тортилаверар, ёки аксинча, берилган пора хажмига қараб икки ҳолда ҳам окланиб юборилаверар эди. Бирорни калтаклагани учун бир куилик турма, кечаси бозор майдонида тентираб юрганлик учун уч ой турма жазоси белгиланар эди.

Тошкент шаҳри алоҳида идора қилинар эди. Шаҳар думасига сайланган депутатларнинг уч ёки икки қисмини руслар, қолган бир қисмини маҳаллий бойлар ташкил этарди. Думага сайланиш учун жуда катта пул сарф қилинار, ўтиб олингач, ўша пулларни қайтариб олиш учун порахўрлик, сотқинлик туфайли оддий халқ оммасининг териси юз марталаб шилинар эди.

Туркистон ўлкаси мустамлакага айлантирилгандан кейин бу ерда порахўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди, тарих кўрмаган пасткашликлар, андиша-сизликлар, очқўзликлар, осонгина бойиб олиш учун хушомадгўйлик, лаганбардорлик, иккюзламачилик, бузукчилик авж олди.

Босиб олингунга қадар Туркистон ўлкасида асосан дехкончилик ва чорвачилик хўжалик услублари мавжуд бўлиб, дехконлар ўз ҳосилининг ўндан бири микдорида, чорвадорлар эса бир йилда 3 сўм 50 тийин солик тўлар эдилар. Бу рус тўраларининг иштаҳасини қондирмади. Натижада соликлар кўпайтирилди. Масалан, 1869 йилда Сирдарё вилояти аҳолиси 288 минг сўм солик тўлаган бўлса, 1882 йилга келиб 505 минг сўм солик тўлади. Бу микдор кейинги ўн йилликларда сурункаснга кўпайиб борди. Шаҳар аҳолиси 1885 йилги буйруқка кўра хунармандчилик маҳсулотлари ҳисобидан ҳам солик тўлайдиган бўлди.

Туркистон ерларига кўплаб рус казаклари кўчирилиб келтирила бошланди. Уларга энг яхши суғориладиган ерлар бўлиб берилди.

**Пахта яккаҳо-
кимлигининг
бошланиши**

Босиб олингандан кейин ўлкада пахта-чиликка алоҳида эътибор берилди; экин майдонлари кўпайтирилди. Масалан,

1884 йилда 300 десятина майдонга америка пахтаси экилган бўлса, 1889 йилга келиб 44550 десятина ерга пахта экилди. 1890 йилда 924 минг пуд америка пахтаси олинган бўлса, маҳаллий пахтадан 358 минг пуд олинди. Четдан келадиган пахтага бож оширилди. Масалан, 1878 йилда ҳар бир пуд чет пахтаси учун 40 тийин тўланган бўлса, 1894 йилда 3 сўм 45 тийиндан тўланди. Эндиликда рус чиновниклари ёппаснiga «пахта касали»га чалинди. Маъмуриятга дахли бўлган ҳар бир офицер узининг пахта плантацияларига эга бўла бошлади. Шундай қилиб, 5000 десятина пахта майдонлари рус плантаторлари кўлига ўтиб қолди.

Чоризм Туркистон ўлкасида пахта олар эди, лекин

пахта навларининг яхшиланиши, экин майдонларини янги ерлар ҳисобига кўпайтириш, мелиорация системаларини яратиш, ирригация шохобчаларини қуриш соҳасида деярли ҳеч нарса килмас эди. 1880 йилда Туркистон ўлкасидаги ҳамма ерларнинг 2 фоизини сугориладиган ерлар ташкил этар эди. Бу кўрсаткич Фарғона вилоятида 7 фоизга тенг эди. Ўша ерлар ҳам рус пахтачилиги учун банд эди. Натижада, биринчидан, бошка экин майдонлари камайди. Илгари ўз галласини четга чиқариб сотадиган районлар эндиликда четдан ғалла келтира бошладилар. Иккинчидан, рус қўшинлари орқасидан Туркистон ўлкасига турли тоифадаги кишилар ҳам кўплаб келдиларки, улар қадимга шаҳарлар ёнида ўзлари учун янги шаҳарлар қура бошладилар. Янги шаҳарларда яшайдиган кишилар сабабли ҳар хил маҳсулотларга эҳтиёж ошиб борди. Демак, ана шу эҳтиёжларни кондириш учун шаҳарлар атрофида факат бозорлар учун маҳсулот етказиб берадиган районлар пайдо бўлди. Учинчидан, пахта майдонларининг ўсиб бориши чорва майдонларининг ва моллар учун озуқа етказиладиган майдонларнинг қискариб кетишига олиб келди. Натижада илгари чорва маҳсулотларини бозорларга чиқариб сотадиган районлар аҳолиси эндиликда бу маҳсулотларга зориқадиган бўлдилар.

Туркистон ўлкаси бойликларини тезрок ва кўпроқ ташиб кетиш учун 80-йиллардан бошлаб Закаспий темир йўлини қуришга киришилди. Агар 1888 йилда Россияга 873 092 пуд пахта олиб кетилган бўлса, 1748 км узунликдаги Тошкент — Красноводск темир йўлининг қуриб битирилишидан кейин 1893 йилда 3 588 025 пуд пахта олиб кетилди. Темир йўлнинг ишга тушиши билан ҳом ашёни марказга олиб кетмасдан дастлабки қайта ишлашни шу ернинг ўзида амалга ошириш, сўнгра яrim тайёр маҳсулотни олиб кетиш мақсадида ўлкада пахта заводлари, ёғ-мой экстракция заводлари, ғишт заводлари, мастерскойлар қурила бошланди.

Темир йўлларнинг ва саноат тармоқларининг қурилиши билан ўлкада дастлабки маҳаллий ишчилар синфи пайдо бўла бошлади. Масалан, 1890 йилда темир йўл қурилишларида маҳаллий миллат вакилларидан 798 та ишчи ишлаган бўлса, 1898 йилда уларнинг микдори 950 тага кўпайди.

Туркистон ўлкасида ташкил этилаётган саноат объекtlари биринчи навбатда чоризм манфаатлари мақсадида қурилган бўлса-да, улар Ўрта Осиёда маҳаллий

ишичиларнинг пайдо булишига сабаб бўлди. Агар 1880 йилга кадар Туркистонда жами 21 та саноат корхонаси мавжуд бўлган бўлса, 1880—1890 йилларда эса 63 та корхона курилди. Шундай килиб, XX аср бошларида Туркистонда 195 та турли саноат обьектлари, шу жумладан, 52 та пахта заводи, 3 та ёғ-мой заводи, 6 та босмахона, 19 та вино заводи ва бўшқа устахоналар бор эди.

1885 йилда Тошкентда хар биррида 10 та ишичини бўлган ва бир йиллик кирим даромади 20 минг сўмга борадиган 27 та саноат марказлари мавжуд эди. Гарчи бу саноат корхоналарида буг дзвигателлари деярли бўлмаса ҳам улар ўлкада мавжуд бўлган энг оддий техникага асосланган, кўл билан бажариладиган хунармандчилик усулига иисбатан анча илгор суръатда ишилаб чиқариш усули хисобланар эди.

Ишичилар харакати Мазъумотларга кўра, ўлкадаги барча саноат корхоналарида 10 минг ишичини ишилар, шундан 70,7 фоизни ўзбеклар, 22,8 фоизни руслар, 6,5 фоизни бошқа миллат вакиллари ташкил килар эди. Корхоналарда меҳнат фавқулодда машаққатли эди; техника хавфензилигига амал килинмас, тез-тез баҳтесиз ходисалар бўлиб турар, ўлган ёки мажрух бўлиб колган ишичилар заводдан чиқарилиб ташланаверар, уларни ҳеч ким химоя кильмас, ини вактлари 12—14 соат давом этар эди. Маҳаллий миллат ишичиларнинг бундай зўравонликка ва ҳакензликка қарши чиқишилари 80-йилларга тўғри келади. 1885 йилда Панжикент кўмирир конларида 90 ишичи, 1898 йил февраль ойида Кўконда 130 ишичи ана шундай чиқишилар килди. Ўша йиллари Самарканда ҳам дастлабки чиқишилар бўлиб, завод-фабрика жиҳозларини синдириши, деразаларни кунпаякун килиши, цех бошлиқларини калтаклаш воқеалари содир бўлди. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий пролетариат спёсий жиҳатдан заниф, колок, уюшмаган, уларда ҳали ини-лобий рух сингмаган эди. Хар ҳолда рус капитализми сабабли миллй пролетариатнинг пайдо булиши ва унинг рус пролетариати билан бирлашиб чоризмга қарши бош кўтариши Туркистоннинг бундан кейинги тарихий тарақ-киётида маълум даражада роль ўйнади.

Савдо 80—90-йилларда саноат марказлари-нинг пайдо булиши ўлкада маҳаллий миллй буржуазиянинг пайдо булишига ва кўпайишига сабаб бўлди. Туркистон ўлкасида савдо муносабатлари уч-

омил: ички савдо, Россия билан товар алмашинув ва құшни мамлакатлар билан савдо муносабатлари асосида ривожланиб борди. Ҳар учала савдо муносабатлари ичидә Россия билан товар алмашув савдоси бириңчи ўринда турар эди. Айникса, 1890 йиллардан кейин Ўрта Осиә темир йүлиниң үтказилиши билан қозоқ даштлари, жанубий Урал районларидан үтадиган қадимги карвон йүллари үз аҳамиятини йўкотди. Юк ва савдо товарлари темир йўллар орқали ташладиган бўлди. 1890 йилда 5 000 000 пуд юк ташилган бўлса, шундан 60 фонзи пахта, ҳул ва қуритилган мевалар, ипак хом ашёси, пахта ёғи, терилар, кунжара, кунжут ва бошқа нарсалар эди. Ўрта Осиёга асосан галла, ун, чой, курилиш материаллари, ип-газлама, жун газлама, қанд, темир, темир буюмлар, чўян, чиний идишлар олиб келинар эди.

Савдоининг тобора ўсигб бориши Ўрта Осиёдаги деярли ҳар бир шаҳарда бож пунктларининг пайдо булишига ва уларда назорат ўрнатилишига сабаб бўлди. Шаҳарлар савдо маркази ҳисобланар, улгуржи ва чакана савдо ҳам шаҳар бозорларида бажарилар эди. Етиштирилган пахтанинг аллақачонопок ҳақи тўланган бўлиб, рус пахтафуруш чайқовчиларнига даромад сувдай оқиб келаверар, пахта етиштирган хўжаликлар эса кузда хеч нарсасиз қолаверар эди.

Хунармандчилик иисбатан синган бўлса ҳам, аммо эгар, жабдуқ, зебу зийнат, кетмон, пойтеша, кийим, душни, гилам, шолча, сандиқ, пичоқ, арава, кулолчилик буюмлари ишлаб, чиқариш давом этар, бу товарларга иисбатан бозорларда ҳам талаб катта эди.

Маҳаллий судхўрлар үз капиталларини 10,20, баъзан 50 фонз ҳисобида бериб, улар ҳам капиталистик бойиш йулига кириб олган эди. Капиталистик ишлаб чиқариш элементлари пайдо булишидан катъи назар, Туркистонда ҳали қўл меҳнати маҳсулотларига эҳтиёж катта эди.

Нималар ҳақида ўйлаб куриш керак?

1. Чор Россияси томонидан Туркистон ҳалқлари босиб олининининг оқибатлари.

2. XIX асринг иккинчи ярмида Туркистон ҳалқларининг ижтимоий-иктисодий ахволи.

Нималарни ўқиши керак?

1. Ҳ. Зиёев. Ҳалқ ҳаракати. Гулестон, 1988, 9-сон.

2. Ҳ. Бобобеков. Нарх-наво, солиқ ва қўзголонлар. Фан ва турмуш, 1991, 2-сон.

3. А. Бердимуродов. Топталган мерос. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 йил 3 август.
4. Г. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Шарқ юлдузи, 1990, 4, 5, 6-сонлари.
5. И. Маҳмудов. Озодлик қаҳрамонларни ёд этайлик. Фан ва турмуш, 1990, 9-сон.
6. Х. Даврон. Тарих мезони — ҳакиқатдир. Шарқ юлдузи, 1989, 17-сон.

10- §. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКИСТОН ҲАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейни бу ерда юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб ўлка ҳалқлари маънавий ҳаётининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Шубҳасиз, чоризм Ўрта Осиёга ҳеч қандай илгор гояларнинг кириб келишини истамас эди. Лекин ҳар қандай таъкикларга, кийинчиликларга қарамасдан бу ерларга янги гоялар, илгор ижтимоий фикрлар кириб кела бошлади.

Аввало, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши сабабли ўлкада маҳаллий капиталистлар ва маҳаллий пролетариат пайдо бўла бошлади. Бу икки, бир-бирига душман синфлар ўртасидаги қарама-каршилик ижтимоий фикрларда ўз аксини курсатмай қолмас эди. Жамиятда рўй берәётган ўзгаришларни «Туркистон вилояти газетаси» ходими Мухаммад Олим Маҳмуд тўла кувватлаб чиқди. У чор Россияси маҳаллий ҳокимларнинг сиёсатини, миллӣ зулмни, ташкил этилаётган рус-тузем мактабларини кўкларга кўтарди, лекин шариат конунларини, Куръон талабларини ўзгартмаслик, уларни саклаб колишини талаб килди. Рус илгор демократик маданияти таъсири билан Ўзбекистонда ҳам Ўрта Осиёда рўй берәётгани каби илгор мағкура ривожлана бошлади. Бу мағкура ўз илдизлари билан ҳукмрон синфлар мағкурасидан тамомила бошка, меҳнаткаш ҳалқ оммасини химоя қиладиган Жомий, Навоий, Турди, Маҳтумкули каби илгор адабиёт вакилларининг анъаналарини давом эттириб, янги тарихий мураккаб шаронтда шакллана борди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳамза ва ҳоказоларнинг адабий фаолиятлари бу даврда муҳим ўринн тутди. Улар ўз гояларнда меҳнаткаш ҳалқ манфаатларини химоя қилди, илгор рус маданиятини

ижодий ўрганишга ва уни кенг ёйишга, Ўрта Осиёда хўжалик ва маданий ҳаётни ривожлантиришга қаратилган талаблар билан чиқди.

Машхур тоҷик мутафаккир ва публицисти Аҳмад Дониш (1827—1897) Бухорода яшаб ижод этди. У 1850 йилда амир Насрулло талаби билан Бухоро элчилари таркибида Москвага ва Петербургга боради, кейинрок яна икки марта Россияга саёҳат қиласи. Бу саёҳатлар жараёнида у Россия маданияти, фани, техникаси, илғор ижтимоий фикрлари билан атрофлича танишади. Айни вактда ўз юртини Россия билан солишириб туриб, унинг фан ва техника, бошқарув системаси жиҳатидан нақадар орқада колганлигини, чириб кетганлигини сезади ва бу қолоқликнинг бош айбори амирнинг олиб борган феодал, адолатсиз, ҳеч қандай қонун-қоида билан чекланмаган жиноий хатти-ҳаракатлари ва сиёсати деб тушунади. Диндорларнинг ўта реакционлигини, ҳар қандай эркин фикрларга йўл бермасликларини ҳам у қолоқликнинг сабабларидан бир деб ҳисоблади.

А. Дониш ўз юртини обод қилиш мақсадида ислоҳот лойиҳасини ишлаб чиқди. Унинг асосий талаблари Амударёдан Бухорога қадар канал қазиш, кум кӯчишиларини тұхтатиши учун воҳалар ташкил қилиш, үлканинг табиий бойликларини ўрганиш ва мамлакат ривожи учун ишлатиш, фан ва маърифатни ривожлантириш, уни аҳолига бериш, яқинлаштиришдан иборат эди. Лекин у бу лойиҳанинг амир замонида амалга ошмаслигига ишонар эди.

Бу давр демократик адабиётнинг яна бир вакили Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатдир. У 1858 йилда Қўконда туғилди. Фурқат ўз замонасининг ўта адолатсизликларига, Қўкон бойларининг жоҳилликларига, амалдорларнинг ваҳшийликларига, диндорларнинг ўта реакцион таълимотига, умуман үлкани қолоқликда, жаҳолатда ушлаб турган хукмрон синфларга карши битмас-туғанмас нафрат билан ижод қилди, подшони, унинг ҳамтоворқларини кўкларга кўтариб хушомадгўйлик қиласидиган сарой шоирларини танқид қилди. Унинг фикрича, шоир — бу объектив реаллик бўлиб, дунёни, воеа ва ҳодисаларни қандай бўлса шундайлигича одамларга тушунирувчи, уларнинг тушуниб олишлари учун ёрдам берувчи шахсдир. У илғор рус маданиятини, фан ва техникасини ўрганишни тарғиб қилди.

Чоризм томонидан миллий мустамлакачилик амалга

3. А. Бердимуродов. Топталган мерос. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил 3 август.
4. Г. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Шарқ юлдузи, 1990, 4, 5, 6-сонлари.
5. И. Маҳмудов. Озодлик қаҳрамонлариниң ёд этайлик. Фан ва турмуш, 1990, 9-сон.
6. Х. Даврон. Тарих мезони — ҳакиқатдир. Шарқ юлдузи, 1989, 17-сон.

10-§. XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКИСТОН ҲАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин бу ерда юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб улка ҳалқлари маънавий ҳаётининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Шубҳасиз, чоризм Ўрта Осиёга ҳеч қандай илгор гояларининг кириб келишини истамас эди. Лекин ҳар қандай таъкидларга, кийинчиликларга қарамасдан бу ерларга янги гоялар, илгор ижтимоий фикрлар кириб кела бошлади.

Аввало, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг пайдо бўлиши сабабли улкада маҳаллий капиталистлар ва маҳаллий пролетариат пайдо бўла бошлади. Бу икки, бир-бирiga душман синфлар ўртасидаги қарамакаршилик ижтимоий фикрларда ўз аксии кўрсатмай колмас эди. Жамиятда рўй берәётган ўзгаришларин «Туркистон вилояти газетаси» ходими Мухаммад Олим Маҳмуд тўла қувватлаб чиқди. У чор Россияси маҳаллий ҳокимларининг сиёсатини, миллӣ зулмни, ташкил этилаётган рус-тузем мактабларини кўкларга кўтарди, лекин шарнат конунларини, Қуръон талабларини ўзгартмаслик, уларни саклаб колишини талаб килди. Рус илгор демократик маданияти таъсири билан Ўзбекистонда ҳам Ўрта Осиёда рўй берәётгани каби илгор мағкура ривожлана бошлади. Бу мағкура ўз илдизлари билан хукмрон синфлар мағкурасидан тамомила бошқа, меҳнаткаш ҳалқ оммасини ҳимоя қиласидан ўзгаришларини давом эттириб, янги тарихий мураккаб шароитда шакллана борди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган Аҳмад Доңиш, Фуркат, Муқимий, Завкий, Ҳамза ва ҳоказоларнинг адабий фаолиятлари бу даврда муҳим ўрини тутди. Улар ўз гояларида меҳнаткаш ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилди, илгор рус маданиятини

ижодий ўрганишга ва уни кенг ёйишга, Ўрта Осиёда хўжалик ва маданий ҳаётни ривожлантиришга қаратилган талаблар билан чиқди.

Машхур тожик мутафаккир ва публицисти Аҳмад Дониш (1827—1897) Бухорода яшаб ижод этди. У 1850 йилда амир Насрулло талаби билан Бухоро элчилари таркибида Москвага ва Петербургга боради, кейинроқ яна икки марта Россияга саёҳат қиласди. Бу саёҳатлар жараёнида у Россия маданияти, фани, техникаси, илфор ижтимоий фикрлари билан атрофлича танишади. Айни вактда ўз юртини Россия билан солишириб туриб, унинг фан ва техника, бошқарув системаси жиҳатидан нақадар орқада колганлигини, чириб кетганлигини сезади ва бу колоқликнинг бош айбори амирнинг олиб борган феодал, адолатсиз, ҳеч қандай қонун-коида билан чекланмаган жиноий хатти-харакатлари ва сиёсати деб тушунади. Диндорларнинг ўта реакционлигини, ҳар қандай эркин фикрларга йўл бермасликларини ҳам у колоқликнинг сабабларидан бир деб хисоблади.

А. Дониш ўз юртини обод қилиш мақсадида ислоҳот лойиҳасини ишлаб чиқди. Унинг асосий талаблари Амударёдан Бухорога қадар канал қазни, кум кӯчишлигини тұхтатиши учун воҳалар ташкил қилиш, ўлканинг табиий бойликларини ўрганиш ва мамлакат ривожи учун ишлатиш, фан ва маърифатни ривожлантириш, уни аҳолига бериш, яқинлаштиришдан иборат эди. Лекин у бу лойиҳанинг амир замонида амалга ошмаслигига ишонар эди.

Бу давр демократик адабиётнинг яна бир вакили Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатдир. У 1858 йилда Қўконда туғилди. Фурқат ўз замонасининг ўта адолатсизликларига, Қўкон бойларининг жоҳилликларига, амалдорларнинг ваҳшийликларига, диндорларнинг ўта реакцион таълимотига, умуман ўлкани қолоқликда, жаҳолатда ушлаб турган ҳукмрон синфларга карши битмас-туғанмас нафрат билан ижод қилди, подшони, унинг ҳамтоворкларини кўкларга кўтариб хушомадгўйлик қиласдиган сарой шоирларини танқид қилди. Унинг фикрича, шоир — бу объектив реаллик бўлиб, дунёни, воқеа ва ходисаларни қандай бўлса шундайлигича одамларга тушунтирувчи, уларнинг тушуниб олишлари учун ёрдам берувчи шахсdir. У илфор рус маданиятини, фан ва техникасини ўрганишни тарғиб қилди.

Чоризм томонидан миллый мустамлакачилик амалга

оширилаётган, маҳаллий бойларнинг ўз халқи қўл-оёғини боғлаб чоризм оёғи остига ташлаб, бунинг эвазига янги янги имтиёзлар олаётган бир вақтда Фурқат томонидан маҳаллий халқларнинг рус халқи билан дуст бўлишга, улардан ўрганиш ва ўзи учун турмушда фойдаланиш гояларининг олға сурилиши жуда катта тарихий воқеа эди. Унинг бир қатор шеърларида рус фани, техникаси, санъати, ҳарбий ишлари, маданияти завқ билан кўйланади.

Фурқат 1909 йилда Ёркент шахрида вафот этди.

Муҳаммад Аминхўжа ўғли Мирзахўжа (Муқимий) (1850—1903) ўзининг адабий фаолиятида адабиётда мавжуд бўлган реакцион оқимларга, соҳтачиликка, Туркистандаги Аҳмад Яссавий, Бухородаги Баҳовуддин, Фарғонадаги Шоҳимардон, Самарқанддаги Хўжа Аҳрор мақбараларини «муқаддас» деб даъво қилиб, онг жиҳатдан колок бўлган кишиларни лакиллатиб, уларни соғиб ичаётган фирибгарларга, жаҳолатпастларга қарши кескин кураш олиб борди, аччик ҳажв шеърлар ёзиб, уларни тақиқ қилди. У ўзининг «Рӯза ҳақида», «Вексель», «Московчи бой», «Танобчилар» каби бир қатор шеърларида Туркистанда бўлаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришларни, капиталистик савдога аралашган бойларнинг нақадар олғир, очкўз эканликларини, дин пешволарининг халқ оммасига рўза тутишни тарғиб қилиб, ўзлари эса нақ тушлик пайтида кўй гўштидан тайёрланган шўрвани буғдой нон билан ичишларини, танобчиларнинг камбағаллар ерини ошириб, бойларнинг ерини эса камайтириб кўрсатаётганликларини аччик сўзлар билан, буюк ҳакиқат билан ифода этади.

Хуллас, А. Дониш, Фурқат, Муқимилярнинг адабий фаолиятини таҳлил қилас, уларнинг XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётга қўшган буюк хиссаларини таъкидлаб ўтар эканмиз, айни вақтда уларнинг жамиятдаги туб ўзгаришларга берган баҳолари маълум даражада чекланган эканлигини ҳам қайд қилишимиз керак, бу ўша вақтдаги Ўрта Осиёнинг сиёсий-иктисодий қолоқлигининг бевосита таъсири эди.

1905—1907 йилларда бўлиб ўтган инқилобий воқеалар Туркистон ўлкасида ҳукмрон синфлар ва дин пешволарининг рус халқи билан маҳаллий халқлар ўртасида ўзаро ишончсизлик уйғотиш учун ўн йиллар давомида олиб борган реакцион ҳаракатларининг пуч эканлигини кўрсат-

ди. Инқилюб вактида ва ундан кейин ҳам ҳар иккала халқ демократик кучлари феодал-патриархалчилик, буржуа-мустамлакачилик сиёсатини саклаб қолниш ва Туркистан халқларини янада күпроқ зулм гирдобига тортниң сиёсатига қарши бу ерда илгор ижтимоий фикрларнинг зудлик билан кенг тарқалишида кўп ишлар қилди. Ўлканинг илгор кишилари рўй берган вазиятда халқ оммасини чоризмга қарши яна қўзгатиш, рус демократик кучлари билан бирлашиш ғояларини тарғиб қилиб чоризмга қарши ўзига хос кураш усулига ўтди. Фурқат ва Муқимий ғояларини мана шу кураш билан боғлаган сатирик, публицист шоирлардан яна бири Убайдулла Завқий эди.

Шоир Завқий (1853—1921) ҳам ўз асарларида Қўқондаги рус, ўзбек фабрикантларини, сохта мулла ва эшонларни, чор амалдорларининг очқўзлигини, уларнинг абадий ейдиган, аммо абадий тўймадиган кишилар эканлигни танқид қилади. Унинг «Ажаб эрмас» шеърида чоризмни ағдариб ташлаш ва юртда энди тинчлик, фаровонлик ўрнатилиши узок эмас деган ғоялар илгари сурилади.

Шоира Анбарнисо Қўконда туғилди ва ижод этди. У ўз адабий фаолиятида демократик йўналишда туриб, бойларга, эшон ва козиларга қарши нафрат билан битилган шеърлар ёзди. Анбарнисо шеърларида байналмиалчилик ғоялари устун туради. У жануб ва шарқ халқлари — араблар, афғонлар, цейлонликлар, ҳиндлар, кашмирликлар юзидан кора бўлсалар ҳам, аммо уларнинг қалби оппоқдир деб, халқларни ирқларга бўладиган ва камситадиган айрим кишилар устидан кулади.

Анбарнисо аёллар хакида завқ ва ачиниш билан гапиради. «Она Аристотель ва Платонни, Улуғбек ва Жомийни, Саъдий ва Фирдавсийни, Увайсий ва кўпгина буюк кишиларни дунёга келтирди, уларга ҳаёт берди, лекин онанинг ўзига эса ҳеч кандай хурмат йўқ», — дейди у асарларининг бирида.

Демократик шоирлардан яна бири Аваз Ўтар ўғли (1884—1919) бўлиб, у илгор ғояли табиб оиласида Ҳивада дунёга келди. Унинг отаси жуда маданиятли бўлиб, ўша муҳитдаги шоирлар ва илгор фикрли кишилар билан яқиндан мулокотда бўлар, уйларида тез-тез мушоиралар ўюштирас, буларнинг ҳаммаси ёш Авазга ижодий таъсир килар эди. Ўз устида жуда кунт билан ишлаши оқибатида ёш Аваз аср бошидаёқ бутун Хоразмга танилган шоирга

айланди. Унинг шеърларида эзилган халқнинг мусибати, ҳақсизлик, адолатсизлик, зўравонлик, хон ва унинг амалдорлари томонидан халқ бошига ҳар қадамда ёғилиб турган зулм ғоялари барадла янгради. Хукмрон синфларни таңқид қилгани учун Муҳаммад Раҳимхон II нинг буйруғи билан Аваз 200 дарра калтакланади ва жинни деб эълон қилинади.

1915—1919 йилларда Аваз уламоларга, сипоҳийларга ва ҳаёт ваҳшийларига карши «Мактаб», «Тил», «Хуррият» каби шеърларида чуқур ижтимоий, сиёсий масалаларни кўтариб чиқди.

Садриддин Айний (1878—1954) ҳозирги Фиждуон районидаги Хўжа Сектар кишлоғида камбағал дехқон оиласида дунёга келди. У турли тахаллуслар билан шеърлар ёза бошлади. 1896 йилда Айний тахаллусини ўзига бутунлай қабул қилади. Аҳмад Дониш асарларини ўқиб, илгор йўлга кирганлиги учун амир ва диндорлар уни таъқиб қилади. У қочиб кетади ва 1915—1917 йилларда Туркистонда бўлади. Бухорога қайтгач, у амирнинг буйруғи билан ушлаб олинади, калтакланади ва зинданга ташланади. 1918 йилда уни рус солдатлари зиндандан озод қилади. Инқилоб ғалабаси ёш ёзувчи учун кенг ижодий имкониятлар яратиб берди.

XX аср бошларида Туркистонда илгор ғояларнинг тарқалишида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг (1889—1929) ҳам роли жуда каттадир. Ҳамза муаллимлик қилади. 1909 йилдан бошлаб халқ орасида унинг шеърлари ёйилди. 1913 йилда у чет элга кетади. 1915 йилда Ҳамзанинг «Янги баҳт» романи, 1916 йилда «Миллий қўшиқлар» шеърлар тўплами босмадан чиқади. У шеърларидан бирида «Уламолар, шайхлар, қозилар, эшонлар, бойлар, мингбoshiлар халқни умуман ўйламайди. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад билан — халқни талаш мақсади билан яшайди», — деб ёзган эди.

1917 йил Октябрь инқилоби ғалабасидан илхомланган Ҳамза ижодий ишларини кенг қўламда бошлаб юборади.

Нималар ҳақида ўйлаб қўриш ва нималарга жавоб топиш керак?

1. XIX асрнинг иккичи ярмида рус маданияти таъсирида Туркистон халқлари ижтимоний, сиёсий ва фалсафий фикрларининг ривожланиб бориши.

2. Мустамлака зулми илгор кишилар адабий ва фалсафий фаолиятида қандай акс эттирилган?

3. Мустамлакачилик олиб келган иқтисодий, сиёсий ва маданий салбий окибатлар.

Нималарни ұқшиш керак?

1. *Х. Зиёев*. Девор куршовидаги хаёт. Шарқ юлдози, 1983, 8-сон.
2. *А. Жұрабоев*. Биз киммиз. Халқ сүзи, 1990 йил 1 февраль.
3. *Т. Раҳимов*. Тарих садолари. «Ёш ленинчи», 1991 йил 14 июнь.
4. Хоразм хакида бир шингил. Фан ва турмуш, 1975, 10-сон.

11-§. XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

XIX аср охири ва XX аср бошларидан Россия империализм босқичига қадам қўйди. Қавказ, Ўрта Осиё, Сибирь ва Шимолий районлар билан темир йўл алоқаларининг ўрнатилиши натижасида ички бозорлар янада кенгайди. Империалистик муносабатлар хукмронлиги билан монополиянинг мустамлака ўлкаларга нисбатан иқтисодий муносабати хусусияти ўзгарди. Рус тўқимачилик саноатида империалистик бирлашмаларининг ташкил топиши билан Ўрта Осиё халкларига килинаётган мустамлакачилик зулми янада кучайтирилди. Ҳом ашёларни олиб чиқиб кетиш билан бир вактда Ўрта Осиёда хусусий банкларнинг айгоқчилари, фирмалари, идоралари, омборлари, ваколатхоналари кўпайди. Улар ўз эгаларининг топшириғи билан маҳаллий бозорлардан ва аҳоли қўлидан пахта, жун, ипак, кўн ва бошқа ҳом ашёларни энг арzon нархда кўплаб сотиб ола бошлидилар.

XX аср бошларига келгanda Туркистон кишилек хўжалиги рус тўқимачилик саноати учун пахта ҳом ашёсини етказиб бериб турадиган базага айлантирилди. 1900 йилда Россия саноатида тўқимачилик саноати маҳсулоти 350 млн. сўм бўлган бўлса, 1913 йилда 900 млн. сўмни ташкил қилди. Агар рус тўқимачилик саноати 1886 йилда 10 455 минг пуд пахта толаси ишлатган бўлса, 1910 йилда 25 870 минг пуд пахта толаси ишлатди.

Оренбург — Тошкент темир йўлининг қурилиши билан Ўрта Осиё миллий бойликларини талаш ва кўплаб олиб чиқиб кетиш янада авжига чиқди. Масалан, Тошкент — Красноводск темир йўли орқали 1900—1905 йилларда жами 9 825 000 пуд юк олиб кетилган бўлса, Тошкент — Оренбург темир йўлининг ишга тушиши билан биринчи йилнинг ўзида бу йўлдан 5592 000 пуд юк олиб чиқиб

кетилди. 1912 йилда 1900 йилга нисбатан Красноводск орқали 189,9 млн. пуд юк олиб ўтилган бўлса, Оренбург орқали 504,8 млн. пуд юк кўп олиб кетилди. Фақат 1912 йилнинг үзидагина Тошкент — Оренбург темир йўли орқали Тошкент — Красноводск темир йўлига нисбатан 13 303 000 пуд юк ортиқча олиб кетилди.

Пахтага бўлган эҳтиёж Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тузилмасини узгаририб юборди. Масалан, XX аср бошларида Фаргона вилоятининг 25 %, Тошкент вилоятининг 17 %, Бухоро амирлигининг 25 %, Хива хонлигининг 16 % сугориладиган экин майдонларини пахта банд қилар эди. 15 йил ўтгач бу вилоятларда бошқа экинларининг 50, 60, 70 фоиздан камайниши ҳисобига пахта экиладиган майдонлар ҳажми ортиб борди. Бинобарни, пахтанинг ялпи ҳосили ҳам кўпайдай, агар 1910 йилда 25 488 000 пуд ҳосил олинган бўлса, 1915 йилда бу кўрсаткич 93 918 000 пудни ташкил қилди.

Бошқа экинларининг сиқиб чиқарилиши натижасида Фаргона, Тошкент, Самарқанд вилоятларинда купчилик дехконлар ғалла ишлаб чиқарувчилардан ғалла сотиб оловчиларга айланди. Пахта майдонларининг ўсиши натижасида чорва учун ер ва чорвага озиқ-овқат берадиган майдонлар ҳам камайди. Фаргона, Хўжанд, Кўқон, Марғилон, Жиззах вилоятлари илгари четга чорва моллари ва маҳсулотларини чиқариб сотишар эди. Эндиликда чорва моллари камайиб кетди, озука етиштирадиган базалар йўколди, аҳолининг гўштга бўлган эҳтиёжи ортди. Чорва ва унинг маҳсулотлари Шимолий районлардан ва Еттисувдан, яъни Қозоқ ерларидан олиб келинадиган бўлди. Сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришида ҳам шундай аҳвол юз берди.

Кишлоқда капиталистик муносабатларнинг пайдо бўла бошлиши

XX аср бошларида капиталистик ишлаб чиқарниш муносабатларининг тараққий этишини, банк ва фирмаларининг, хусусий агентликларининг пайдо бўлиши, бўлимларининг ташкил этилиши ва ҳоказоларга қарамай, қишлоқларда ҳали ҳам феодал муносабатлар хукмрон эди. 1914 йилда ҳозирги Ўзбекистон ерларида 41 % хўжаликлар 2 десятинага қадар, 52 % хўжаликлар 1 десятинага қадар, 0,7 % хўжаликлар 5 десятина ва ундан кўпроқ ерга эга эди. Пахта экиладиган хўжаликларнинг йиллик даромади (1 ва 2 десятина ери борлар) уларнинг йиллик харажатини копламас, демак улар ярим оч яшайдиган ва қашшоқлашиб бораётган

кишилардан иборат эди. Ҳукумат пахтачиликни инқирозга учратмаслик максадида пахтакор хўжаликларга қарз беришни ташкил қилди. Аммо қарз судхўрлар, банк даллоллари, турли пахтафуруш чайковчилар кўлидан утиб пулга муҳтоҷ оиласаларга етиб боргунча унинг тўлаш даражаси 60% дан ҳам ошиб кетар эди. Бунинг устига пахтакор хўжаликларда янаги йилги хосил ҳақи бу йил кузда, яъни пахта арzon вактда ўша нарх билан тўланиб кўйилар эди. Кузда эса ўша ҳақ хисобидан хўжаликлар ҳеч нарса ололмай қолаверарди. Тарозибонлар ҳам деҳқон пахтасининг ҳақиқий микдорини яширас, уриб колар, ўғирлар эди.

XX аср бошларида ернинг бойлар қўлида тўпланаёт-ганлигини, жуда кўпчиликни ташкил қилган пахтакор хўжаликларнинг ерсизланиб боришини, уларнинг қашшоқлашиб қишлоқ пролетариатига айлана бораётганлигини, ҳатто қишлоқда яшашнинг иложи қолмагач ишсизлар сонининг кўпайиб бораётганлигини кўриш мүмкин эди. 1914 йилда факат Сирдарё вилоятида 41 653 хўжалик вайрон бўлиб, уларнинг Тошкентга иш қидириб кетганлиги маълум.

Шундай қилиб, пахтачилик ривожланишини улкада ижтимоий-иктисодий силжиштарга сабаб бўлди: ишлаб чиқарувчи кучлар тарақкий кила бошлиди, деҳқон хўжаликлари бозорлар билан янада бояланди, деҳқонларнинг капиталистик табақаланиши бойлар қўлида ернинг тўпланишига олиб келди, бу хол бойларнинг қишлоқ капиталистларига, деҳқонларнинг қишлоқ пролетариатига айланишини тезлаштириди.

Саноатнинг ўсиши Ўрта Осиё чоризм томонидан босиб олингандан то 1900 йилга қадар бу ерда 195 та, 1900—1910 йилларда 223 та, 1911—1915 йилларда 179 та саноат корхоналари курилди. Курилаётган саноат корхоналари асосан мустамлака хусусиятида бўлиб, ишлаб чиқилган маҳсулотлар Россияга олиб кетишга мўлжалланган эди.

Хозирги Ўзбекистон ерларида XX аср бошларига келганда жами 613 та саноат корхоналари мавжуд бўлиб, уларда 18 913 киши ишлар эди. Ҳар бир корхонада ўртача 30 тадан одам ишлар ва бир йиллик маҳсулот ишлаб чиқарилиши 211 037 сўмни ташкил қиласалар эди. Саноат корхоналари ичидаги пахта тозалаш, ёғ-мой экстракция қилиш саноати кўп бўлиб, кейинги ўринларда пилла ювиш, виночилик, кўнчилик, совун ишлаб чиқариш, ун тортиш,

темир буюмлар ишлаш, пиво пиширувчи корхоналари турар эди.

ХХ аср бошларида хусусий компанияларга темир йўллар қуриш рухсат этилди. Қўкон — Наманган, Наманган — Андижон — Жалолобод, Туркистон — Сибирь темир йўллари қурилиши мўлжалланди. Лекин бу йўллар узил-кесил Октябрь инқилобидан кейин қуриб битказилди. Темир йўллар асосий йўллар билан туташар ва хар бир район, вилоят албатта озми-кўпми улар орқали бозорлар билан боғланар эди. Темир йўллар ўлканинг узок-узок районларида пахта, куритилган мева, ипак, тери, кўн ва бошқа бойликларни олиб чиқиб кетиш учун асосий восита эди.

Маҳаллий ишчилар синфининг ва миллий буржуазиянинг ташкил топиши

Шаҳарлар савдо марказлари эди. Шаҳарларда пахта сотиб оладиган, уни марказга жунатиб турадиган, рус ва ажнабий давлатларда ишлаб чиқилган саноат маҳсулотларини келтириб сотадиган, дехқонлар билан шартномалар тузадиган турли акционерлик жамиятлари, фирмалар, уларнинг маҳаллий агентликлари кўпайди. 1912 йилда Фарғона вилоятидаги 157 та заводдан 50 таси, Самарқанд вилоятидаги 37 та заводдан 10 таси, Сирдарё вилоятидаги 42 та заводдан 27 таси, Бухоро амирлигидаги 20 та заводдан 12 таси рус ва ажнабий капиталистларга қарап эди. Колганлари маҳаллий капиталистларга қарам бўлиб, улар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни рус капиталистларига сотар, ёки айримларининг марказий районларда ўз базалари мавжуд бўлиб маҳсулотларини ўзлари олиб чиқиб кетар эди.

Пайдо бўла бошлаган маҳаллий буржуазия ҳали етарли капиталга ва тажрибага эга бўлмаганлиги сабабли аксарият ҳолда рус капиталистларига қарам эди. Ўрта Осиёда давлат ва хусусий банклар кўпая борди. Масалан, 1889 йилда Туркистонда Давлат банкининг битта бўлими мавжуд бўлган бўлса, 1912 йилда Давлат банкининг 7 та бўлими ва 40 та турли савдо банклари бўлимлари ишлаб турди. Банкларнинг ўзи кўп ўтмасдан пахтани дехқонлардан кепак баҳосида сотиб оладиган, йиғилган пахтани ўз омборларида сақлайдиган, дастлабки қайта ишлашдан сўнг уни Россияга олиб кетадиган бўлди.

Пахтачиликнинг ривожланиши пахта савдосини авж олдирди. Пахта билан савдо қиласиган Қўкон, Андижон, Наманган, Марғилон, Самарқанд, Тошкент, Каттакўрғон, Когон, Урганч каби

Шундай қилиб, 1914 йилга қадар ҳозирги Ўзбекистон ерларида 425 та йирик капиталистик корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар биттасида ўрта ҳисобда 42 тадан ишчи ишлар эди. Уларнинг жами микдори эса 18 минг кишини ташкил этар эди. Бу Туркистонда ўзининг ҳамма хусусиятлари билан капиталистик укладнинг пайдо бўлаётганлигидан, айни вактда ҳамма эзилган меҳнаткашларнинг раҳбар кучи ҳисобланган ишчилар синфининг шаклланаётганлигидан дарак берар эди. Шу билан бир вактда, пахта заводларига, ёғ-мой экстрация, совун, кўн, вино ишлаб чиқарадиган корхоналарга эга бўлган маҳаллий капиталистлар ҳам пайдо бўла бошлади. Кўпчилик маҳаллий капиталистлар ўлқада капиталистик муносабатларнинг тез ва кенг кўламда ривожланганлиги дан пайдо бўлмасдан, балки пахтафурушлик килганлигидан қисқа вакт ичida жуда бой капиталистларга айланиб олдилар.

Шаҳарларда хонавайрон бўлган ҳунармандлар ҳисобига маҳалий ишчилар синфи ҳам шакллана бошлади. Ишчилар асосан пахта заводларида, пилла заводларида, ўт тегирмонларда, ёғ-мой заводларида кўпроқ жойлашган эди.

Маҳаллий ишчилар темир йўл, трамвай депоси тармоқларида ишлайдиган рус ишчилари билан тезда бирлашиб кетдилар ва рус ҳамда маҳаллий капиталистларга қарши курашни бошладилар. Чунки инқилобий ҳаракатлашмарказига айланган Россия жаҳон ишчилар синфи билан, унинг инқилобий кучлари билан аллақачонларок дўстлашган ва ўзаро ҳамкорликка ўтган эди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарга жавоб бериш керак?

1. Мустамлака қилинган ерларда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ташкил топа бошлаши.
2. Маҳаллий пролетариатнинг пайдо бўла бошлаши.
3. Ижтимоий ва иктисодий муносабатларнинг кескинлашиб бориши.

Нималарни ўқиши керак?

1. *Бойтўраев. Ўлкамиз ўтмиши ҳақида. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил 22 июнь.*
2. *Э. Ҳожиев. Тошкентлик элчилар Петербургда. Фан ва турмуш, 1990, 3-сон.*
3. *Х. Гуломов. Дўстона муносабатлардан аввал. Фан ва турмуш, 1984, 6-сон.*

4. А. Акрамов, К. Авланеев. Рус шовинистлари ва миллий кадрлар. Фан ва турмуш, 1990, 6-сон.

5. К. Шониёзов. Ер-сув жамоатари. Фан ва турмуш, 1959, 12-сон.

12-§. XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ АҲВОЛ

ХХ аср бошларига келиб Туркистанда ижтимоий муносабатлар инхоятда кескинлашди. Маҳаллий халқлар янада мустамлака зулмига тортилди. Чоризм миллий бойилкларни кўироқ талаш ва олиб чиқиб кетиш йўли билан инқирозлардан келган заарлар ўринини тўлатмоқчи бўлди. Ўрта Осиё, Кавказ, Сибирь районларида бесаранжом казакларни оммавий равнишида кўчириш ишларини бошлаб юборди. Натижада маҳаллий халқ асрлар давомида яшаб келган ва ўрганигай ерларидан дехкончилик учун кулай бўлмаган тоғли районларга сикиб чиқарилди.

Рус-япон уруши Туркистондаги пахтакор хўжаликларнинг моддий аҳволини яна ҳам оғирлаштириди. Ўруш туфайли банклар ва хусусий фирмалар дехконларга қарзга нула бермай кўйди. Бозорларда пахта нархи тушиб кетди, деярли хеч ким пахта олмай кўйди, оч колган дехконлар ерини, жойини сотиб қишлоқдан чиқиб кетишга ва тирикчиликнинг бошқа турини кидириб топишга мажбур бўла бошлади. Ўлкада синифий кураш авж олди.

1905 йил 9 январдаги Конзи якшашба муносабати билан бошланиб кетган инқилоб биричи бўлиб Тошкент темир йўл ишчилари орасида ўзининг акс садосини кўрсатди. 12 январь куни Тошкентда большевиклардан бўлган ва бу ерга сургуни қилинган В. Д. Кориошин, Меньшиков ва Калашниковлар иштирокида ислоҳот ўтказиш масалаларига багишланган зиёфат катта сиёсий митингга айланди, унда инқилобий пурқлар сўзланди. Бу воеа Туркистон генерал-губернаторини чўчинтиб юборди. Тезда тергов ишлари бошланди, митингда сўзга чиқканларнинг уйларида тинтувлар ўтказилиди, уларнинг баъзилари қамалди.

Самарқандда ҳам норозилик митинглари бўлиб ўтди. Февраль ойида Оренбург — Тошкент темир йўлиниң Самарқанд, Черниевка, Қизил Арвот, Чоржўй, Қозонжиқ, Перовск депо ва устахоналарида ишчиларнинг норозиллик чиқишлиари бўлиб, улар 8 соатлик иш куни жорий қилинишини талаб қила бошладилар. Бунга жавобан темир йўл бошликлари ким митингда қатиашса ёки намойишлар

уюштириб инқилобий нутқлар сұзласа ишдан ҳайдалиши-
ни эълон қилди. Айрим корхоналарда ишчилар ишдан
бутунлай ҳайдаб юборила бошлади.

Инқилобий ҳаракатлар қишлоқларга ҳам ёйла бошла-
ди. 1905 йил февраль-апрель ойларида Наманган уездин-
инг Янгикүргон, Сарой, Багиш, Чадак, Чотқол, Тек-
пакүргон, Қирчин, Корасув, Олтиқайрағоч, Оқйұл каби
күпгина қишлоқларида қишлоқ оқсоколларини сайлашга
бағишиланган дәхқон галаёнлари бўлиб ўтди. Лекин подшо
амалдорлари сайланган қишлоқ оқсоколларини тан
олмадилар, айрим жойларда сайловлар бузилди. Андижон
уездининг бир неча қишлоқларида ҳам мана шундай
вокеалар бўлиб ўтди.

I Майни байрам қилиш муносабати билан Тошкент,
Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги депо ва устахона
ишчилари сиёсий митинглар ўтказдилар. Уларда «Битсин
мустабид ҳокимиият», «Яшасин жумхурият» шиорлари
янгради.

1905 йил ёз ойларида Фаргона ва Ўш вилоятларининг
бир қанча қишлоқларида оқсоколлар сайлаш жараёни
ҳақиқий синфий манфаатларининг тўқнашувига олиб
келди. Ўрмон хўжаликларида ҳалққа жибр қилган айрим
ўрмон хўжалик бошликларини калтаклани, уларни овул
лардан ҳайдаб юбориш воеалари содир бўлди.

Май-июнь ойларида Туркистан ҳарбий округи солдат-
лари орасида сифатсиз овқат берилганлиги учун ошхонани
бузин ташлаб, қозонларни синдириш, офицерлар буй-
ругига бўйсунмаслик ҳоллари бошланди. Натижада айрим
роталар куролсизлантирилиб, бир хафта давомида ка-
зармаларга камаб қўйилди.

Мана шундай инқилобий ҳаракатлар бирин-кетини
ривожланиб бораётган бир вақтда РСДРПнинг Тошкент
бюроси инқилобий кучлар орасида жуда катта ташки-
лотчилик ва тушунтириш ишларини олиб борди. 1905 йил
охирида Тошкентдаги корхоналарда 15 та тўгарак мавжуд
бўлиб, уларга 150—200 та тингловчи жалб қилинган эди.

Октябрь ойига келганда Тошкент, Ашхобод, Кўкон,
Чоржўй, Қозонжиқ, Самарқанд шаҳарларида оммавий иш
ташлашлар бошланиб кетди. Бунинг натижасида бутун
Ўрта Осиё темир йўлларида ҳаракат тўхтаб қолди. Иш
ташлашлар айниқса Тошкентда кучайиб кетди. 15 ок-
тябрда темир йўлчилар, депо ва устахона ишчилари
21 кишидан иборат Стачка комитетини сайлади. Паровоз
гулокларидан сўнг цехларда иш тўхтади, хамма ишчилар

стачка комитетлари раҳбарлигига кизил байроқ күтариб шаҳар марказига қараб юрдилар. Полиция ва казаклар бир неча бор байрокни олиб қўйишга ҳаракат қилди, лекин ишчиларнинг катъий ҳаракатлари сабабли байроқ саклаб колинди. Намойишчилар шаҳар марказидан вокзалга қараб юрдилар. Бу ерда кўп минг кишилик шаҳар меҳнаткашлари иштирокида митинг бўлди, унда сиёсий нутқлар сўзланди.

Октябрь охиrlарида иш ташлашлар, намойишлар яна хам даҳшатлироқ тус олди. Шаҳар сиёсий митинглар марказига айланди. Куролсиз ишчиларни тарқатиши ва кўркитиши мақсадида казаклар чакирилди ва намойишчиларга қаратада ўқ узилди. Оқибатда 24 киши ўлди, 26 киши ярадор бўлди. Чоризмнинг маҳаллий чиновниклари гўё ўқ билан инқилобни бўғиб ташламоқчи эдилар. Аммо бундай бўлмади.

22 октябрдаги ўлганларни кўмиш маросими ҳақиқатда хам чоризмга қарши туганимас нафрат қўзгатган жуда катта инқилобий тўлкиннинг бошланиб кетишига сабаб бўлди. Деярли хамма шаҳарларда 17 октябрь манифести ни рал қилиш, унинг ёлғон эканлигини фош килиш ҳаракатлари бўлди. Маҳаллий миллатларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси чоризмни агдариб ташлаш билан тобора кўпроқ кизиқа бошлади, улар катта намойишларда энди фаолроқ қатнаша бошладилар.

Подшо маъмурлари инқилобий кучларни бўғиб ташлаш, улар орасига нифоқ тарқатиши мақсадида турли ҳаракатлар кила бошлади. Халқ номидан подшога манифест учун ташаккурнома билдирилган телеграммалар юбора бошладилар. Баъзи жойларда инқилобий кучларни чалғитиши, уларнинг дикқатини инқилобдан четга буриш мақсадида корагурухчиларни ишга солиб яҳудийларга қарши қирғинлар уюштиришга ҳозирлана бошланди. Энг ваҳший рус савдо-саноат ва судхўр буржуазия элементлари инқилобга қарши бирлашиб, корагурухчилар билан биргаликда ўзларининг турли номлар билан аталувчи реакцион «партия»ларини тузса бошладилар. Подшо маъмурлари Туркистонга келган савдогар, судхўр, даллол каби ҳар хил текинхўр нусхаларнинг, маҳаллий халқни талашни касб қилиб олган қаллобларнинг, муттаҳамларнинг «хукуқ» ларини кўз корачигидек химоя килишга киришли. «Туркистон — русларники» шиори остида бу ердаги рус мустамлака маъмурлари яна хам очкўзрок, яна хам безбетроқ, ҳаёсизроқ, ҳаракатлар кила бошлади.

Инқилобий ҳаракатлар кучайиб бормоқда эди. Ноябрь ойининг бошларида Тошкент гарнизонида солдатларнинг ғалаёнлари бошланди. Аммо социал-демократлар хоинлиги билан уюшмаган ва яхши тайёрланмаган бу ғалаёнлар тезда бостирилди.

1905 йил сўнгги чорагидаги инқилобий ҳаракатлар социал-демократик ташкилотларнинг янада ривожланиши ва ташкилий жиҳатдан муайян расмийлашувига сабаб бўлди. Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Андижон, Янги Марғилон, Хўжанд, Ашхобод, Қизил Арвот, Марв, Чоржўй, Красноводск, Қозонжиқ, Перовск, Козалинск каби шаҳарларда социал-демократик ташкилотларнинг ячейкалари омма орасига кенг ёйилди. Улар орасида ягона раҳбарлик бўлмагани учун 1906 йил бошларида Тошкент РСДРП гурӯҳи умумий раҳбарлик вазифасини бажариб турди. Унинг таркибида 150 та ишли, 50 та солдат, инқилобчилар, хизматчилар, талабалар, маҳаллий зиёлилар вакиллари мавжуд эди. Унинг Самарқанд, Ашхобод, Қизил Арвот, Чоржўй, Марв каби шаҳарларда маҳфий босмахоналари ҳам бор эди.

1905 йил охирида чоризм инқилобга қарши ҳужумга ўтди. Туркистонга бирин-кетин «янчиш», «бостириш», «отиш», «ҳеч ким аялмасин», «қатъий ҳаракат қилинсин!», «маҳаллий ҳалқнинг салгина бўйсунмаслиги сезилса, ўз кучимизни кўрсатиш максадида аёвсиз янчиб ташлансин!», «маҳаллий ҳалқларнинг инқилобий ҳаракатларга кўшилишига йўл қўйилмасин!» мазмунидаги бири-биридан даҳшатлироқ телеграммалар юборилди Шаҳар ва қишлоқларда оммавий тинтувлар бошланди. Варака, таъқиқланган адабиёт ва қурол-яроғларни яширганлар сургун қилинди, қамалди, салгина шубҳали кишилар судга берилди. Темир йўлчилар оммавий равишда ишдан бушатилди, 8 соатлик иш куни бекор қилинди. Қонли якшанба йиллигини хотирлаганлар ҳам қамалди. Инқилобга қарши бошланиб кетган аксилинқилобга жавобан Чимён нефтчилари, Ковунчи қанд заводи ишчилари иш ташлади. Қўп ўтмасдан Тошкент темир йўлчилари уларга кўшилди. Ашхобод, Марв, Кўктепа, Тош ент гарнизонлари солдатлари ичida яна ғалаёнлар бўшланди. Кўқон, Самарқанд гарнизонлари солдатлари з офицерларига бўйсунмай, инқисодий ва сиёсий мазмундаги талабномалар қўйдилар. 1906 йил ўрталарида эса чоризмнинг ишонган казак полклари орасида ҳам ғалаёнлар бошланди.

1906 йилдан бошлаб Туркистоннинг жуда кўп қишлоқ-

ларида дәхқонлар солиқ тұлашдан бош тортдилар. Бугина эмас, дәхқонлар айрим ҳолларда подшо чиновникларини, айникса миршабларни үлдира бошладилар.

I Давлат Думасыга депутатлар сайлаш 1905 йил 11 декабря конунига күра бошланды. Бу конун 1906 йил 2 майда Тошкентта етиб келди. Сайловлар эса 1906 йил август ойига колдирилди. Подшонинг маҳаллий чиновниклари сайлов конунига кўпдан-кўп ўзгаришлар киритиб бунга кўра бир помешчик овози 3 та буржуа овозига, 15 та дәхқон ва 45 та ишчи овозига тенглаштирилди. Ишчилар учун сайлов тартиби 3 босқичли, дәхқонлар учун 4 босқичли қилиб тайинланды. Бунга кўра Тошкентдаги ҳар 46 минг русдан 1 та, 896 минг ўзбекдан 1 та депутат сайланадиган бўлди. Шундай қилиб чоризмнинг ўта пасткашлиги ўтказилган «демократик» сайловда яққол кўринди. Туркистондан мўлжалланган депутатлар I Дума ишига ҳатто етиб ҳам бора олмадилар.

II Давлат Думасыга факат Тошкент шаҳри Россия империяси билан бир кунда — 1907 йил 6 февралда депутат сайлади. Туркистондаги колган бешта вилоят 27 февралда, Еттисувда эса 3 апрелда сайлов ўтказилди. Бу сафар ҳам сайловлар II Дума иш бошлагандан кейингина ўтказилди. Сайловда демократик кучларни, инқилоб ғоясидагиларни, умуман ёт фикрлиларни ўтказмасликка, факат рус тилини биладиганларни, маҳаллий феодалларни, чоризм манфаатларини химоя киладиган ювиндихўрларни ўтказиш учун ҳамма пасткашликлар ишга солинди. Сайланган депутатларнинг синфи таркиби подшо ҳукуматига яна ёкмади. Дума яна тарқатилди. Туркистондан сайланган депутатлар Дума тарқатилган 3 июнь кунига қадар ҳам етиб бора олмадилар. III ва IV Думаларга Туркистондан ҳеч ким сайланмади.

1907 йил бошларидан чоризм аксилинқиlobий ҳарака тини янада авж олдирди. Йил охирига бориб РСДРП нинг Тошкент бюросида 500 кишидан атиги 100 кишигина колди, колганлари кўлга тушди, суд қилинди, сургунга юборилди. 1909—1910 йилларда ҳам бутун Туркистон ўлкаси фавқулодда ҳарбий холатда сакланди. Эндиликда эсерлар фаоллашдилар. Оммавий камаш бошланди. Қамоқхоналар кенгайтирилди, янгилари курилди. Қамоқ ички тартиб коидалари энг ваҳший коидалар билан «бойитилди».

Маҳаллий ахолига «кўз кулок» бўлиб туриш учун Марказий Россиядан Туркистонга рус казакларини, кулок

хўжаликларини кўчириш ишлари бошланди. Бундан мақсад инқилобий ҳаракатларнинг олдини олиш эди. Чорвадорларнинг, дехконларнинг асрий ерлари зўрлик билан тортиб олина бошландики, бу яна ҳалқ оммасининг норозилигига олиб келди.

Ўлкада яна инқилобий ҳаракатлар авж олди. 1912 йил ёзига келиб Туркистон сапёр полкларининг қўзғолони бошланди. Аммо яхши тайёрланмаган бу қўзғолон тезда бостирилди. Оқибатда 14 киши дорга осилди, 18 киши умрбод, 62 киши 15 йилдан сургун қилинди, қолганлари (288 киши) турли муддат билан қамок жазосини олиши. Сапёrlардан олинган қонли ўчга карши Тошкентнинг кўпгина корхоналарида иш ташлашлар бўлиб ўтди.

1913—1914 йиллардаги инқилобий ҳаракатларда маҳаллий пролетариат вакиллари анча фаоллашди. 1913 йил 1 майда варакалар тарқатилган намойишлар бошланди. Лекин ишличи раҳбарлар қамоққа олинди. Уларнинг уйларида тинтувлар ўтказилди. 1914 йил 1 май куни Тошкент корхоналаридаги ишчилар яна сиёсий талаблар билан чиқдилар. Маҳаллий буржуазия жадидизм номи билан Туркистонга Россиядан русларни кўчириб келтиришларни тұхтатиши, маҳаллий буржуазияни рус буржуазияси билан ҳуқуқан тенглаштириш, соликларни камайтириш, фавқулодда ҳолатни бекор қилиши, мусулмон бўлмаганларга Туркистондан ер олишини тақиқлаш, айрим ислохотлар ўтказиш, янги усул мактабларини ташкил этиш ва хоказо талаблар билан чиқдилар. Ислохотга карши бўлган дин пешволари билан жадидлар ўртасида ўзаро кураш авж олди. Жадидлар сиёсий партия сифатида дастурнига эга бўлишгина эмас, ҳатто бу ҳаракатга раҳбарлик киувчи бирорта ташкилий марказга ҳам эга эмас эди. Мавжуд мустабид ҳокимиятга қарши бўлган жадидлар янги усул мактаби, кироатхона, ўқиш хоналари атрофига бирлашиб, ўз фикрларини амалга ошириш йўлларини излар, ўзаро мунозаралар олиб борар, адабий публицистик мақолаларини ўzlари нашр қилаётган рўзномалар ва ойномаларда чоп этар эди.

Жадидчилик ҳаракатининг машхур раҳбарларидан бўлган Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Мунаввар кори Абдурашидовлар ўзларининг бир канча чиқишиларида янги усул мактабларини кўпайтиришни, эски мактаблардан воз кечинши, Туркистон мусулмонларига кенгроқ сиёсий ҳуқуқлар берилишини, уларнинг руслар билан ҳуқук жиҳатидан тенглаштирилишини, маҳаллий кадрларни

ҳамма соҳалар бўйича кўплаб тайёрлашни талаб килиб чиқдилар. Жадидларнинг умумий сиёсий чекланганлигига қарамай, уларнинг анча инқилобий нуктаи назарда турувчи чап қанотидан демократик ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилган, Октябрь инқилобини қизгин кутиб олган ва умумий инқилобий харакатларга умрини сарф қилган, меҳнаткаш халқ оммасининг моддий ва маданий хаётини яхшилашда, сиёсий хукуқларини тамомила кенгайтиришда фаоллик қилган Ф. Ҳұжаев, А. Мухиддинов, М. Мансуров, К. Пўлатов каби кўплаб ажойиб ташкилотчилар, давлат ва сиёсий арбоблар етишиб чиқдилар.

1905—1907 йиллардаги инқилобий харакатлар Октябрь инқилоби учун «бош репетиция» бўлган бўлса, 1916 йилги қўзғолон эса унинг муқаддимаси бўлиб, чоризмнинг мустамлакачилик ташки сиёсати учун ўлим зарбасини берган тарихий ходиса бўлди. 1916 йил 25 июнда фронтларда устма-уст зарбаларга учраётганлиги сабабли фронт оркаси ишларини бажариш учун Туркистоннинг рус бўлмаган аҳолисидан 250 000 кишини сафарбар қилиш хақида подшонинг манифести эълон қилинди. Бу хабар яшин тезлигида бутун Туркистонга ёйилди. Иккиёклама зулмдан сабр косаси тўлиб турган халқ бу манифестга миллий озодлик ҳаракати билан жавоб берди.

Биринчи галаён 4 июляда Ҳўжандда юз берди. Тахминан 3000 киши «Мардикорликка одам бермаймиз» деб полиция маҳкамасини ўраб олди. Натижада отишмада кўп одам ярадор бўлди, кўплари ўлдирилди. 7 июляда Самарқандда, 11 июляда Тошкент вилоятининг, 19 июляда Андижон ва Наманган вилоятларининг бутун шаҳар ва кишлoқларида мишлиблар билан аламзода халқ ўртасида қонли тўқнашувлар бошланди. Ҳар икки тарафдан ҳам кўп курбонлар бўлди.

1916 йилги қўзғолоннинг энг юкори нуктаси Жиззах қўзғолонидир. Бу ерда ҳам қўзғолон даҳшатли тус олди. Юборилган жазо отрядлари унинг қатнашчиларининг барчасини кириб ташлади. Кейинчалик қозоқ, туркман, тоҷик ва кирғиз ерларида ҳам манифестга жавобан кучли халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Бу қўзғолонлар чоризмнинг ҳалокатини яқинлаштириди, Октябрь инқилобининг ғалабасини нисбатан енгиллаштириди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриши ва нималарга жавоб берини керак?

1. XX аср бошларида Туркистонда инқилобий вазиятиниг пайдо бўлиши.
2. 1910 йиллардаги сиёсий ахвол.
3. 1916 йилги қўзғолон.
4. Инқилобнинг тарихий аҳамияти.

Нималарни ўқиши керак?

1. *Х. Зиёев.* Инқилоб дебочаси. Фан ва турмуш, 1976, 7-сон.
2. *М. Охунов.* Сабр косаси тўлгач. Фан ва турмуш, 1986, 12-сон.
3. *А. Абдулатипов.* Ўрта Осиёда 1905—1907 йиллар инқилоби. Ўзбекистон коммунисти, 1986, 1-сон.
4. *Х. Носиров.* Конли тўқишаувлар. Совет Ўзбекистони, 1967 йил 24 март.
5. *О. Эшонов.* Тарихий зарурнят. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 йил 28 август.
6. *О. Икромов.* Баррикадалар ва жангчилар. Мухбир, 1985, 2-сон.

13- §. XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДДНИЯТИ

XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларида кейин тармок олган диний мактаблар — ўрта ва олий диний матбуломот берадиган таълим марказлари мавжуд бўлиб, уларда мачит имомлари ёки ўқитувчилар диний таълимотдан ва ҳар бир мусулмоннинг бурчлари тўғрисидаги шариат конунларидан дарс берар эди. Ўқиш муддати 8 йил бўлиб асосан Куръон матнлари, баъзи бир шоирларнинг газаллари, ҳисоб ўргатилар эди. Ёзувга уч йил ўқигандан кейин ўтилар эди. Бу мактабларда 10—12 тадан бола ўқирди.

Мактабни битиргач, баъзи бир бадавлат оиласларининг болалари мадрасага кириб ўқир, баъзилари хаттотлик қиласлар ёки ҳисоб билан шуғулланар эди. Мадрасалар алоҳида, ажralиб турадиган ҳашаматли биноларда бўлар эди. 1898 йилги рўйхатга кўра Самарқанд вилоятида ўзбекларнинг 5,9 фоизи саводхон эди.

Ўртacha мадрасаларда биттадан мударрис бўлиб, улар мантиқ элементларидан, араб грамматикасидан, бошлангич илоҳият ва шариат асосларидан дарс берар эди. Дарслар ўзбек, араб, тоҷик, форс тилларида олиб борилар эди.

Туркистон Россия томонидан босиб олингач, ўлка мактаблари ҳаётида бир оз ўзгаришлар бўлди. Масалан, Қозонда чоп этилган Куръон, айрим дарсликлар, рус-тузем

мактаблари учун мўлжалланган баъзи бир ўқув материаллари кириб келди, айрим мактабларда рус тили ўргатила бошлади. Янги усул мактаблари пайдо бўлиб, улар маълум ислоҳот килинган мактаблар эди.

1897 йилда Андижондаги пахта заводи қошида биринчи бўлиб янги усул мактаби очилди. 1917 йилга қадар очилган 19 та шундай мактаблардан З таси бойларнинг пахта заводи қошида, 7 таси заводчи бойларнинг уйларида очилди. Нима учун? Чунки янги усул мактабларини битириб чиқувчилар биринчи навбатда бойларга иш боши (приказчик) бўлиб ҳисоб-китоб ишларини олиб борар эди. Улар заводчи бойлар учун жуда ҳам зарур эди.

1905 йилда янги усул мактаблари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Абдулла Авлоний томонидан ҳам очилди ва уларда халқ болалари ўқитила бошланди. Бу мактабларда алоҳида таълим ўрнига синфлар ташкил этилди, география хариталари, глобуслар ва бошқа кўргазмали қуроллар пайдо бўлди, ўқувчиларнинг парталарга ўтириши амалга оширилди, дарслараро танаффус берилди ва жисмоний жазо бекор қилинди.

Ўзбек адабий тили XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида ўлка маъмурлари хизматига кириб рус ҳукмронлигини қўллаб-куватлаган ёки йирик ер эгаларини, заводчи бойларни қўкларга кўтариб мактайдиган шоирлар билан бир вактда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда рўй берәётган ўзгаришларни тушунишга ҳаракат қилган, ўрта асрчилик қолдиқларининг емирилиб бориши ва янги муносабатларнинг пайдо бўлаётганлигини кўрган, тушунган ва халқнинг орзуистакларини ифода этишга ҳаракат қилган илғор ғояли шоирлар, ёзувчилар, мутафаккирлар етишиб чиқди. Улар ривожланиб келаётган демократик адабиёт классик шоирларимизнинг анъаналарини давом эттириб, адабиётни реал турмушга, воқеликка яқинлаштирилар. Муқимий, Фуркат, Завқий, Аваз Ўтар, Ҳамза каби шоирлар ўз асарларида ўзбек тилини содда ва нафис шаклларда жуда ихчам килиб, ўз фикрларини баён килишга уриндилар. Улар ўзбек тилидаги ўхшатма, киёс, муболаға ва хоказо тил воситаларидан ўзбек халқининг мустамлака зулми остида эзилишини, рус чиновниклари томонидан очкўзларча таланишини, маҳаллий буржуазия ва рус маъмурларининг ғайриконуний хатти-харакатларини фош этишда, ҳалол ва пок хунармандлар, дехконларнинг меҳнатини жўшқинлик билан ифода этишда фойдаландилар.

Ўрта Осиё чоризм томонидан босиб олингандан кейин рус олимлари бу ерда

табиий бойликларни, дарё ва кўлларни, чўлларни, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганиб чиқишга киришдилар. Н. А. Северцев, И. П. Семёнов-Тяньшанскийлар Туркистоннинг географиясини, А. П. Федченко Фарғона водийсини ва Олой тоғларини, И. В. Мушкетов Ўрта Осиё геологиясини, В. В. Докучаев тупроқларини ўрганди. Шунингдек В. И. Межов «Туркестанский сборник»ни тўплади, А. Л. Кун «Туркистон альбоми» тузди. Н. И. Веселовский ўлка археологиясини, В. В. Бартольд эса тарихини илмий жиҳатдан ўрганиб чиқди. Меъморлардан А. В. Шусев 1905 йилда Гўри Амир мақбараси ички ва ташки безакларини ўрганиб чиқиб, ажойиб альбом тузди. Фарғонанинг халқ хўжалигини ўрганишда А. Ф. Меддендорф, аҳолисини ўрганишда Н. А. Аристов, ҳунармандчилигини ўрганишда К. М. Обручевлар анча ишларни қилди.

Рус олимларининг олиб бораётган ишларини кўрган маҳаллий халқ орасидан ҳам турли фан соҳалари бўйича жонкуярлар етишиб чиқа бошлади. Булар ичida самарқандлик Мирза Абдулла алоҳида ўрин тутди. У археология ва нумизматикага оид жуда катта материал тўплади. Унинг бир қисми Эрмитажга юборилди. Ажойиб хаттот Мулла Қосим тарихчи олим Кун билан Искандар қўлига борган экспедицияда қатнашиб фан учун ажойиб кундалик колдирди. Тошкентлик Акром полвон Асқаров шарқшунос олим Н. И. Веселовскийнинг ажралмас ёрдамчиси эди. У қадимги моддий ёдгорликлар коллекциясини тўплади. Унда 15 000 дона танга бор эди. Археология фани олдидаги хизматлари учун А. Асқаров рус археология жамияти медали билан мукофотланди. 1890 йилдаги кўргазмада Асқаров ғўзанинг ва ипак куртининг янги навларини намойиш қилади. Бухоролик Мұҳаммад Вағфиқи гилам, кўлёзма ва сопол буюмлар коллекциясини тўплади. Олимхўжа Юнусов ва Мирза Ҳакимлар география фани ишқибозлари эди. Хўжандлик Мулла Сангин кўнгина минерал бойликлар, кўрошин ва қимматбаҳо топилар конларини кашф қилди. Сатторхон Абдуғаффоров Чимкентда биринчи рус-тузем мактабини, Қўконда эса шаҳар билим юртининг очилишини ташкил қилди.

Меъморчилик

Хива, Бухоро ва Қўкон хонликларининг ташкил топиши ҳар учала хонликда меъморчиликнинг ўзига хос кўринишда ва услубда разложенишига олиб келди. Ўша замон меъморларидан ичida

номи оламга ёйилганлардан уста Облоқул ва Иброҳим Ҳофизовлар, Мўминжон, Мажид Солихов, Курбон Ҳасанжонов, Ширин Муродов (Бухоро), Жамолиддин ва Қамолиддин (Қаттакўргон), Абдуқодир Боқиев, Саъдулла Юнус, Маҳмуд (Самарқанд)лар эдилар.

Инқилобга қадар сакланиб колган меъморчилик ёдгорликларидан Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарлардаги ёдгорликлар ўзбек халқи ўтмишидаги меъморчиликнинг ўзига хос усул билан ривожланиб борганлигини кўрсатади.

Тасвирий санъат Ўзбек халқининг турмуши, хўжалик услуби ва ҳаётини биринчи бўлиб ва ҳар тарафлама ифода этишга ҳаракат қилган мусаввир В. В. Верешагин эди. У бу ерга рус қўшини билан келган ва босиб олиш жараёнини ўз кўзи билан кўрган эди. Унинг асарлари Россия ва Европа учун, Ўрта Осиё халқлари ҳақида факат адабиётлардагина ўқиб юрганлар учун тамомила кашфиёт эди. Ўрта Осиёга ўз ихтиёри билан ёки хукумат топшириғи билан келган мусаввирлардан К. Коровин, Л. Бенуа, Р. Зоммер, С. Святославский, М. Микешин, Л. Дмитриев-Оренбургскийлар ҳам тарихий-этнографик, бадиий тасвирий асарлар яратдилар. Бу асарларда Туркистонинг босиб олинишининг айrim лавҳалари, маҳаллий этнографик этюдлар, Туркистон манзаралари, жанг кўринишлари ифодаланган эди.

Мусиқа **XIX** аср охиrlари ва **XX** аср бошларида Оға Жалол Носиров, Оға Фиёс Абдуғани, Абдулазиз Расулов, Леви Бобохонов, Матёқуб Харротов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Матпано Худойберганов, Шораҳим Шоумаров, Аҳмаджон Умрзоков, Абдусамад Ваҳобов, Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов ва бошқа кўпгина ижрочилар ўз қобилияtlари билан халқ орасида машҳур бўлиб кетган.

Мусиқа соҳасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кўп ишлар килди. У ўзбек миллий ашулаларини биринчи бор нотага солди. Шунингдек унинг ўзи ҳам бир қанча шеърлар ёзиб, уларга куй басталади.

Театр Инқилобга қадар Ўзбекистонда масҳарabolзлар, қизиқчилар, қўғирчоқ ўйнатувчилар, мусиқашунослар ўзларининг маҳсус касб жамиятларига бирлашган эдилар. Бирлашмага қобилияти ва тажрибали кишилар раҳбарлик килар эди. Бирлашмаларнинг ўз низомлари бўлиб, уларда ҳар бир аъзонинг

хукуқ ва бурчлари, юриш-туриши белгиланган эди. Улар асосан халқ сайилларида, түйларда, тантаналарда, очик майдонларда, халқ йиғинлари олдида ўз кобилияларини күрсатар эди. Бойларнинг, муллаларнинг, подшо чиновникларининг килмишлари уларнинг ҳар бир чиқишида каттиқ ҳажв қилинар эди. 1902 йилда рус цирк техникаси ни яхши ўрганиб олган ўзбек артистлари мустақил ўз труппаларини туздилар. Уларнинг цирк томошаларида рус артистлари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишар эдилар. Шакаржонов, Гоипов, Карим Зарипов кабиларнинг номлари халқ орасида шухрат козонди.

Халқ оммаси тур- мушидаги ўзга- ришлар

Рус ва маҳаллий садогарларнинг иш юзасидан учрашувлари, ҳар хил турли муносабатлар орқали халқ оммаси турмушида ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Аввало шаҳарлик ўзига тўқ бадавлат ўзбек оиласарида самовар, чинни ёки сирланган идишлардан фойдаланиш расм була бошлади. XX аср бошларига келиб граммофон, кўп ўтмасдан ўзбекча ашула пластинкалари ҳам пайдо бўлди. Завод ва фабрикаларда ишлаб чиқилган маҳсулотларни ола бошлаган бойлар ўз уй-рўзгорини қайта тузишга киришдилар, ўзаро ракобатлаша бошладилар. Улар ўз уйларини меҳмонлар кутиш учун кенг зал шаклида куришга, уни қандиллар ва осиб қўйиладиган керосин лампалар билан безатишга ҳаракат қила бошладилар. Томларни тунука билан ёпиш одатга айланди. Кийимлар ҳам, пойабзал ҳам ўзгариб борди.

Ўзбекистон ерларида синфий жамият пайдо бўлган вактдаёқ жамоа ерлари мавжуд бўлиб, ундан энг яқин кўни-кўшни, маҳалла ахли ўз тақсимотига кўра фойдаланиб келганлар. Жамоа ерларининг ишланмайдиган қисмida жамоа подаси бокилар ёки улар учун пичан тайёрланар эди. XX аср бошларига келганда ўша жамоа ерларининг жамоадан зўрлаб тортиб олиб қўйилаётганлигини ифода этган шикоятлар кўпайди.

Ўзбек оиласарининг анъанаси бу — бўлинмаган оила эди. Патриархал оиласи сўнгги кўриниши ҳисобланган бундай оиласарда бобоси, отаси, ўғли ва набиралари бирга яшар, бирга овқатланишар, харажатлар ҳам умумий оиласи ҳисобдан қилинар эди. Бундай оиласар асосан сугориладиган дехкончилик районларида истикомат килар, ўзига тўқ хонадонлардан иборат бўлар эди. Товарищ муносабатларининг ривожланиб бориши, ишчиларнинг завод ва фабрикаларга ёлланиб ишга кириши ҳамда

қишлоқ хўжалигида ҳам ёлланма меҳнатнинг тобора кўпайиб бориши сабабли ӯзбек ёшлари бундай катта патриархал оиласадан мустақил яшаш учун ажралиб чиқиб, завод ва фабрикаларга ишга кира бошладилар.

Нималарни ўйлаб кўриши ва нималарга жавоб топиш керак?

1. Туркистонда ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожланиб бориши.
2. Махаллий пролетар элементлари билан рус пролетариатининг ўзаро яқинлашуви.
3. Омма турмушидаги ўзгаришлар.

Нималарни ўқиши керак?

1. М. Ҳасанов. Тўсилган оқим. Ёш ленинчи, 1991 йил 15 январь.
2. Ш. Мунавваров, А. Аҳмедов. Тарихимизга эътибор. Совет Ўзбекистони, 1990 йил 14 июль.
3. Р. Муқминова. Шаҳарлар ва замонлар. Фан ва турмуш, 1974, 8-сон.
4. Ф. Озодаев. Рушнолик сарчашмалари. Фан ва турмуш, 1983, 9-сон.

14- §. ТУРҚИСТОН ИҚКИ ИНҚИЛОБ ДАВРИДА

1917 йил 28 февралда Петербургда ғалаба килган инқилоб хабари 1 марта Тошкентга етиб келди. Аммо генерал-губернатор Куропаткин бу хабарни сир сақлади ва 3 марта гина эълон қилди. Февралдан октябрга қадар бўлган давр ичida Туркистондаги воқеалар жуда чигаллашди. Мувакқат буржуа ҳокимиятининг Ўрта Осиёдаги вакиллари ҳокимиятнинг кўлдан кетишини истамади. Кенг меҳнаткаш ҳалқ оммаси эса эскича яшашни, нафратга сазовор бўлган эски ҳокимиятга бўйсунишини хоҳламади. Уларнинг талаблари демократик ҳуқуклар бериш, 8 соатлик иш куни жорий этиш, маҳаллий демократик давлат органларини тузиш, издан чиқкан хўжаликни қайта изга солиш, транспорт, алоқа воситаларини кўтариш ва ишга тушириш кабилардан иборат эди. Воқеалар ривожланиши шунга олиб келдики, гарчи подшо ағдарилган бўлса ҳам, мувакқат ҳукумат вакиллари ҳокимият тепасида колаверди, Февраль инқилоби натижаларидан факат ўшалар ва маҳаллий зодагонлар фойдаландилар, холос.

Подшонинг ағдарилганлиги тўғрисидаги хабардан кейин кўп ўтмасдан бутун Туркистон бўйича ишчи ва

дехқон депутатлари Советлари ташкил килиш бошланди. Худди Россияда бўлгани каби Туркистонда ҳам Советлар билан бир вактда маҳаллий буржуа мувакқат ҳукумати тузилди. Бу ҳукуматнинг вазифаси ўлкада эски ҳарбий мустамлака бошқариш системасини саклаб колишдан иборат эди.

Март-апрель ойларида ишчи ва дехқон Советлари талаби билан уезд губернаторлари ҳокимиятдан туширилди, айрим жойларда полиция бошликлари қамоқقا олинди, бу подшо ва буржуа мувакқат ҳукумати чиновникларига нисбатан ҳам татбик килина бошланди.

Тошкентда Туркистон генерал-губернаторлигининг ағдариб ташланиши инкилобий омманинг асосий талаби эди. Бу воқеа Туркистон ўлкаси учун буюк тарихий аҳамият касб этади. Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнига Туркистон комитети тузилди. Лекин кадетлардан иборат бўлган Туркистон комитети ҳалк учун ҳеч нарса бермади. Инкилоб мақсадлари бажарилмади. У ҳалкни куруқ сўз, ваъда, сафсата билан алдаб, уларни капиталист ва помешчиклар билан келишишга даъват эта бошлади. Бунга қарши Туркистонда ишчи, солдат, кейинроқ дехқон ва мусулмон депутатлари Советлари тузила бошланди. Булар келгусидаги инкилобий янги ҳокимият куртаклари эди.

Ишчилар, дехқонлар ўртасида большевикларнинг таъсири кучайиб бориб, 1917 йил марта Наманган (25 киши аъзо), Андижон (22 киши аъзо), Кўкон (100 киши аъзо) каби шаҳарларда социал-демократик партия ячейкалари тузилди. Апрелда РСДРП(б)нинг Тошкент гурухи расмий равишда тузилди ва унга бир неча йиллар олдин Туркистонга сургун қилинган рус инкилобчилари кирди. Май-июнь ойларида РСДРП(б)нинг Бухоро, Кўкон, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган шаҳар гурухлари янгидан тузилди ва кенгайтирилди. Улар оммани инкилобга қаратиш максадида брошюралар, варакалар, чакириклар, плакатлар нашр килиб кенг ёя бошладилар. Худди шу вактда Коммунистик партия Манифести, РСДРП(б) Низоми ва Даастури ҳам биринчи марта ўзбек тилида чоп этилди.

Оммани инкилобга кўпроқ тортиш, уларга инкилобнинг максад ва вазифаларини кенгрок тушунтириш максадида большевиклар партияси касаба уюшмаларини тузиш учун кураш бошлади. 1917 йил марта факат Тошкент саноат корхоналарида 2350 ишчини касаба уюшмалари бирлаш-

тириб турар эди. Тошкентнинг Эски шаҳаридаги курувчи ишчилар Бахром Нурмуҳамедов, Очил Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаев раҳбарлигида ўзларининг касаба уюшмаларини туздилар. Шунингдек Ҳолмуҳамедов раҳбарлигида, Илёсов, Шариф Қаюмов, Иброҳим Исмоилов раҳбарлигида турли хил кора хизматчилар ва ҳаммоллар касаба уюшмалари, Фозилжон Валидбоев раҳбарлигида иш юритувчилар (приказчиклар) ва ҳоказо уюшмалар ҳам тузилди. Касаба уюшмалари ишчиларнинг иқтисодий манфаатларинигина ҳимоя қилмасдан, балки уларнинг сиёсий талабларига ҳам эътиборини қаратди. Чимён нефтчилари, Наманган ёғ-мой экстракция заводи, Андижон пахта тозалаш заводи ишчилари ана шундай инқилобий касаба уюшмаларига бирлашдилар.

Маҳаллий буржуазия ҳам ҳаракатга тушиб қолди. Март ойида «Шўрои исломия», июнда эса «Шўрои уламо» ташкилотлари тузилди. Ҳар иккала ташкилот ҳам ўз дастури билан буржуазия ва дин пешволари манфаатларини акс эттираср эди. Улар Россия таркибида диний муҳторият ҳолида колишни максад қилиб, патриархал феодал идора усули шариат ва исломни ҳеч қандай ислоҳотларсиз саклаб колишни талаб қиласр эди.

Бу ташкилотлар ўз дастурларида ҳалққа нима бериш масаласини ва бошқа зарурий масалаларни ҳатто акс ҳам эттирамади. Ҳалқ оммаси ҳамон эзилаверди. Октябрь ойининг бошларига келганда мана шу сабабларга кўра Туркистонда янги инқилоб заминлари етилиб, пишиб келмоқда эди. 18 октябрда Тошкент Советининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчилардан, касаба уюшмаларидан, ҳарбий қисмлардан жуда кўп вакиллар қатнашди. Улар ўз қарорларида большевиклар партияси раҳбарлигида инқилобий талабларни бажариш учун курашни авж олдирган тақдирдагина ўлкани ва инқилобни саклаб колиш мумкин деб кўрсатдилар. Бу вазифани факат кенг меҳнаткаш ҳалқ оммасигина бажариши мумкин эди, бинобарин, буржуа ҳокимиётини улар ҳимоя қилмайди. Агар бу вазифаларни бажариш учун киришиш лозим бўлса меҳнаткашларнинг ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам Советлар съездини ҳимоя қилишга тайёр эканлиги мажлис қарорларида ўз аксини топди. Мажлис қарори 4 та карши, 6 та бетараф қолгани ҳолда 80 овоз билан қабул қилинди.

Октябрь бошларида бутун ўлка бўйлаб «Бутун ҳокимиёт Советларга» шиори остида кураш кучайиб борди.

Митингларда Мұваққат хукуматға ишончсизлик билдирилгандықтан қарорлар қабул қилина бошлади. Масалан, 11—12 октябрда Тошкентдеги бош устахоналарда, 23 октябрда бир қанча хусусий корхоналарда мана шундай воқеалар бўлиб ўтди. 2 октябрда 1-Сибирь захира ўқчи полки солдатларининг митингидаги генерал Коровиченкога ишончсизлик билдирилган, 13 октябрда эса Солдат Комитетларининг унга умуман бўйсунмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди. 16 октябрдаги митинг А. Першин раҳбарлигидаги ўтказилиб, у Тошкентдан инқилобий ҳарбий қисмларни олиб чиқиб кетиш режаларини барбод қилди.

Тошкент гарнizonининг тамомила инқилоб томонга ўтиши бошқа шаҳарлардаги ҳарбий қисмларга ҳам ижобий таъсир қилди. Маъмурлар «ҳамма ҳарбий қисмлар большевиклар тарғиботи таъсирида, ҳаммалари итизомсизланганлар» деб шикоят қила бошладилар.

Советлар жойларда большевиклашиб бормоқда эди. Масалан, октябрь ўрталарида Самарқанд Советларининг учдан икки қисми большевиклардан иборат эди. 17 октябрядаги мажлисда Кўқон Советларидан муросасизлар чиқариб ташланиб, уларнинг ўрнига Бабушкин раҳбарлигидаги большевик вакиллар киритилади.

25 октябрда Тошкент Совети ва гарнizon вакилларининг маҳфий мажлисида куролли кўзголон режаси ишлаб чиқилди ва комиссарлар тайинланди.

Аксилинқилобчилар ҳам жипслалиб борди. Улар Петербургдан артиллерия, пулемёт, снаряд ва ишончли казак ҳарбий қисмларининг зудлик билан юборилишини талаб қила бошладилар.

27 октябрь куни II Бутунrossия Советлари съездига делегат бўлиб борган икки вакилдан Самарқанд ишчи, солдат Советларига «Хокимият Советларга, ер деҳқон комитетларига берилди, бутун дунё ҳалқларига аннекциясиз (бировларнинг ерини босиб олмасдан) ва контрибуциясиз (товон тўламасдан) демократик сулҳ тузиш тўғрисида мурожаатнома эълон қилинди. Бу хабарни Советларга тездан етказинглар» мазмунида телеграмма олинди. Ўша куни шундай мазмундаги телеграмма Тошкентга ҳам етиб келди. Петербургдаги Октябрь кўзголони ғалабаси ҳалқнинг кайфиятини кўтарди. Мехнаткаш ҳалқ оммаси асрлар давомида озодлик учун олиб борган курашлари энди рўёбга чиқа бошлаганлиги хабарини буюк тантана ва шоду хуррамлик билан кутиб олди.

Ўлкада бошланиб кетган инқилобий тўлкинга карши

маҳаллий ҳокимият аҳолини чалғитиш учун бу хабар ёлғон, большевиклар бекорга ҳалқни оёққа турғазмоқда деб иғвогарлик қила бошлади. Улар рўзномаларда, большевиклар ҳеч қачон марказда ҳам, Туркистонда ҳам ҳокимиятни ўз қўлларига ололмайдилар, бунга йўл қўймаймиз ҳам деб ёза бошладилар.

Коровиченко буйруғи билан юнкерлар 27 октябрда 2-Сибирь захира ўқчи полкӣ аскарларига қўққисдан ҳужум қилиб уларни куролсизлантириди. 28 октябрда рўзномалар унинг аскарларга мурожаатини босиб чиқди. Унда исёнга қатнашган аскарларнинг қаттиқ жазоланиши, уларнинг ҳеч қачон большевиклар таъсирига тушиб колмасликлари айтилган бўлиб, уларга дўқ-пўписа қилинган эди. Самарқанд комиссарига юборган телеграммасида эса генерал: «Большевиклар қочиб кетмоқдалар ва асирга тушмокдадар»,— деб алдаган эди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарга жавоб топиш керак?

1. Ўзбекистонда Октябрь инқилобининг бориши.
2. Чекка ўлкалардаги инқилобий ҳаракатларнинг буржуа Мувакқат хукуматини ағдариб ташлашдаги ёрдами ва аҳамияти.

Нималарни ўқиши керак?

1. *Х. Содиқов.* Туркистон уч инқилоб даврида. Фан ва турмуш, 1991, 1, 2, 3-сонлари.
2. *С. Салиев, Т. Сайдқулов.* Туркистон ўлкасидаги биринчи ҳалқ инқилоби. Ўзбекистон коммунисти, 1984, 4-сон.
3. *Н. Султонова.* Инқилоб арафаси кундалиги. Фан ва турмуш, 1987, 8-сон.
4. *И. Ҳожихонов.* Туркистонда камбағаллар комитетлари. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1971 йил, 10-сон.

15- §. ОКТЯБРЬ ИНҚИЛОБИННИГ ҒАЛАБАСИ ВА ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Туркистонда ҳам худди Россияда бўлгани каби большевикларнинг бевосита раҳбарлигида ҳалқ оммаси инқилобийлашиб борди. Большевиклар Мувакқат буржуа хукуматининг маҳаллий ҳокимдари, уларга кўмаклашаётган хоин ва муросачи эсер, меньшевиклар ва реакцион миллатчи буржуазия вакиллари ҳалқка ҳеч нарса бермаслигини, бера олмаслигини ҳам, бу ҳокимият ўз моҳияти билан ҳалқка карши эканлигини фош қила бошлади. Бу

гапларнинг тўғри эканлигини маҳаллий халқ оммаси кўп ўтмасдан тушуниб олди.

Тошкентда Эски шаҳар мусулмонлари рус ишчилари билан 1 Май намойишига чиқди. Қизил байроқлар кўтариб олган намойишчилар орасида хотин-қизлар ҳам бор эди. Улар шаҳар Думаси биноси олдига келиб Мувакқат ҳукумат сиёсатини қораладилар, сўнгра 1916 йилги қўзғолончилар дафн қилинган қабристонга йўл олдилар. У ерда оташин инқилобий нутқлар сўзланди. Ўзбек аёли Тоифа Актучанова сўзга чикиб, аёлларнинг куллар каби ҳукуксиз эканлигини уқтириб ўтди ва уларга оддий демократик ҳукуқ ва эркинликлар берилиши кераклигини талаб қилди. Апрель ойининг охирларида Тошкент, Қўкон, Наманган, Самарқанд, Каттақўргон каби шаҳарларда иш ташлаш ҳаракатлари кучайиб кетди. Иш ҳақини 40 фоиз оширишни талаб қилиб Бухоро ва Когонда ҳам ишчилар иш ташлади. Май-июнь ойларида Туркистоннинг барча пахта заводларида ишчилар бу ҳаракатга қўшилди.

Армияда яна галаёнлар бошланди. Самарқанддаги 7-Сибирь заҳира полки солдатлари ўз офицерларига бўйсунмай қўйдилар. I Туркистон Советлари съездидаги масала муҳокама қилиниб, солдат ҳукуклари ва офицерлар билан муносабатлар масалалари бўйича карорлар қабул қилинди. Аксарият ҳолларда солдатлар фронтга боришдан бош торта бошладилар.

Эндиликда дехқонлар ўртасида ҳам галаёнлар авж олиб борди. Большевиклар таъсирида улар помешчиклар ерларини ўз ихтиёрлари билан тортиб олиб, экин экабошлади. Дехқонлар қишлоқ амалдорларини ва миршабларни ёппасига алмаштиришни талаб қилиб чиқа бошлади. Айрим жойларда бойлар камбагал дехқонларга ун, пул бериб, уларни ўзларига каратишга уриндилар. Дехқон галаёнлари бутун Туркистонда авж олиб кетди. Полвон ариқ, Қўр тепа, Бочкир, Қўнғирот, Самарқанд, Қува, Қўкон каби қишлоқ ва шаҳарларда дехқонларнинг отлик казаклар билан тўқнашувлари бўлиб ўтди.

1916 йилда фронт орқаси ишларини бажариш учун фронтга олинган халқ вакиллари у ерда рус ишчилари ҳамда РСДРП(б) вакиллари билан учрашиб улардан инқилобий ғояларни ўргандилар, кураш усуллари билан тапишдилар. Улар ўз юртларига қайтиб келгач, маҳаллий биродарларини инқилобий ғоя билан тарбияладилар, уларни фаоллаштиридилар, оммавий демократик ташкилотлар тузиб, маҳаллий халқни бойларга, муллаларга,

козиларга, элликбоши ва мингбошиларга умуман бўйсун-
масликка чакира бошладилар. Урушдан қайтиб келган
маҳаллий ишчилар таъсири ва раҳбарлигида ўлкада
мусулмон Советлари депутатлари (Муссовдеп) иттифоқ-
лари, уюшмалари тузилди. Ишчи ва деҳқон иттифоқлари
ҳам ташкил топди.

1917 йил 21—27 июнда Тошкентда бўлиб ўтган
Туркистон ўлкаси Советларининг II съезди маҳаллий ҳалқ
оммасининг нихоятда фаоллашиб бораётганлигини алохи-
да кайд килди.

Мувакқат буржуа хукумати олиб борган империалист-
ик уруш сиёсати Туркистон ўлкаси хўжалигини издан
чиқарди. Очлик бошланди. Август ойининг бошларида
йирик шаҳарларда аҳоли яна қўзғолон кўтарди. Сентябрга
келиб стачка ва намойишлар янада авж олди. Бу воқеалар
солдатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди, улар ўртасида
ҳам янгидан ғалаёнлар бошланиб кетди.

Тошкент Эски шаҳарида шаҳар Думасига сайлов
вактида даҳшатли ғалаён келиб чиқди. Сентябрь ойининг
бошларида Тошкент депоси ишчилари ва 300 дан ошик
йўловчилар тўпланган вокзал майдонида оташин инқи-
лобчи А. Першин ҳозирги аҳвол ҳакида нутқ сўзлади.
Сентябрь ўрталарида Туркистон муросачилари хисоблан-
ган эсер ва меньшевиклар партиясидаги сўл кучлар
ажралиб чиқди. Маҳаллий большевиклар рўй берган
вазиятни хисобга олиб ҳали ҳам ҳалқ оммасининг маълум
табакалари орасида ўз таъсирини саклаб турган эсер ва
меньшевикларнинг «байнамилалчилари» ва «сўллари»
билан бирлашди. 17 сентябрда Турккомитет раиси Тош-
кент Советидан ультиматум тарзида сўзсиз бўйсунишни
талаб килди. Марказдан армия чакирмасликка ваъда
берган Турккомитет омманинг инқилобийлашиб бора-
ётганлигидан ва большевиклар таъсирига тушаётганлиги-
дан қўрқиб ваъдасини бузди, армия чақирди. Бу аҳвол
Тошкентдаги корхоналарда ишнинг тўхташига, ишчи-
ларнинг кўчаларга чиқишлирага сабаб бўлди.

Коровишенко бошлиқ жазо экспедицияси 24 сентябрда
Тошкентга келди. У тартиб ўрнатиш учун ҳеч нарсадан
кайтмайман деб дўқ уриб ишчиларни қўрқитиш мақсадида
инқилобий комитет аъзоларини қамоқка ола бошлайди.
Келган жазо отрядлари ичida ҳам инқилоб томонга ўтган
қисмлар бор эди. Коровишенко уларга жазо бермаслиги
учун давом қилаётган стачкаларни вактинча тўхтатишига
карор қиласди.

Сентябрь воқеалари ишчиларнинг ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун тайёр эканлигини, ўз отрядларини тузганлигини, солдатлар ўртасида ҳам инқилобга хайри-хоҳлар борлигини, дехқонларнинг эса ер учун помешчикларга, бойларга қарши курашда янада чиникканликларни, бу курашни давом эттириш учун уларнинг тайёр эканликларини кўрсатди. Туркистон большевиклари, ишчилари, дехқонлари, хунармандлари, умуман, меҳнаткашлари сўнгги курашга — ҳокимиятни қўлга олиш учун бўладиган жангларга тайёрлана бошлади.

1918 йил 18 октябрда Тошкент Советининг кенгайтирилган мажлиси чакирилди. Бунга маҳаллий аҳолидан ҳам кўпгина вакиллар қатнашди. Маҳаллий ҳокимиятга куйидаги талаблар қўйилди:

1. Қамоқдаги инқилобчиларни тездан озод қилиш, ўлим жазосини бекор қилиш, халқа қарши қурол ишлатмаслик;
2. Ҳамма ерни Ер комитетларига топшириш;
3. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, истеъмол ва тақсимот устидан назорат ўрнатиш;
4. Бутун фронтларда уруши ҳаракатларини тўхтатиш, битимлар тузиш;
5. Махфий дипломатияни йўқ қилиш;
6. Таъсис мажлисини айтилган муддатда чакириш.

Мана шу талаблар бажарилсагина ўлкани ва инкилобни сақлаб қолиш мумкин эканлиги, мувакқат буржуа ҳокимиятига ишонч билдирамаслик, бутун ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш талаб қилинди. 11—12 октябрь кунлари Тошкентдаги бош устахоналар ва депо ишчилари, 23 октябрда яна ўнларча турли саноат корхоналари ишчилари сиёсий митинглар ўтказиб Мувакқат хукуматга умуман ишонмаймиз, ҳокимиятни советларга топшириш керак деб талаб қилинган резолюциялар кабул килдилар.

Ишчилар орасидаги бу инқилобий кайфият солдатларга ҳам таъсир қилди. 1-Сибирь захира ўқчи полки солдатлари генерал Коровиченкога ишончсизлик билдириган резолюциялар қабул қилганларида уларга 2-Сибирь захира ўқчи полки солдатлари ҳам қўшилди ва Солдат комитетларини Коровиченко буйруғига бўйсунмасликка чакирдилар.

Тошкент гарнизонининг инқилоб томонига ўтиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. 16 октябрда бўлган мажлисда Першин солдатлар олдида нутк сўзлади ва солдатларни

зийрак туришга, инкилобни ҳимоя қилишга чакирди. Мана шу митинг билан инкилобий ҳарбий кисмларни шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетишга йўл қўйилмади. Бу вактга келиб Советлар тобора кўпроқ большевиклашиб борди. Йирик шаҳарлардаги Советлар таркибидан муросачилар, эсер ва меньшевиклар чиқарилиб, уларнинг ўрнига большевик вакиллар киритила бошланди.

27 октябрда Тошкент ишчи, солдат ва дехқон Советлари Марказий Ижроия Комитетининг бюллетени эълон килиниб, унда Петроградда мувакқат буржуа ҳокимияти ағдарилганлиги, ҳокимият Петроград ишчи, солдат ва дехқон Советлари кўлига ўтганлиги айтилган эди. Бу хабар яшин тезлигига Туркистон шаҳар ва қишлокларига ёйилди. Халқ шоду хуррамлик билан инкилоб хабарини кутиб олди ва жойларда ҳокимиятнинг Советлар кўлига топширилишини талаб қила бошлади. 28 октябрь куни эрталабданоқ завод гудоклари садоси остида Тошкент депоси, темир йўл устахоналари ишчилари Эски шаҳар камбагал мусулмонлари билан биргаликда қизил байроклар кўтариб аксилинкилобга карши инкилобий кураш бошлаб юборди. 28, 29, 30 октябрь кунлари гарнizon қалъаси ёнида, вокзалга яқин жойларда каттиқ жанглар давом этди. Чимкент, Кушка, Ашхобод, Самарқанд, Каттакўргон шаҳарларидан Тошкент инкилобчиларига ёрдам кучлари кела бошлади. 31 октябрда асосий обьектлар олинди, аксилинкилобчиларга зарба берилди. 5 ноябрда инкилоб кунлари бўлган жангларда қурбон бўлган 79 кишининг жасадини кўмиш мотам митинги жуда катта сиёсий воқеага айланди. 8 ноябрда Туркистон Ўлка Ижрокоми бекор килинганлиги, ҳокимият ишчи, солдат ва дехқонлар Совети кўлига ўтиши муносабати билан 15—22 ноябрь кунлари бўлиб ўтган Туркистон ўлка Советларининг III съездидан ўлкада янги турмуш бошлаш, ҳокимиятни демократиялаштириш ҳакида қарор қабул килди.

Эсер ва меньшевиклардан узил-кесил ажralиб чиқкан Туркистон большевиклари декабрь ойи бошларида кўпгина шаҳар ва қишлокларда ҳокимиятни ўз қўлларига ола бошладилар. Фарғона, Қўкон, Наманган, Андижон, Дўрмон, Черняевка, Ниёзбек, Бухоро, Когон, Чоржўй, Керки, Чимбой, Нукус, Петро-Александровск, Ильяль, Қипчок, Мангит, Тошовуз каби шаҳар ва қишлокларда ҳокимият Советлар кўлига ўтди. Лекин ҳали жуда кўп жойларда корхона эгалари Совет ҳокимиятини тан олишни

истамас, буйруқларни бажармас, ишлаб чиқаришни издан чиқаришга уринишар, корхона анжом ва маҳсулотларини хусусий кишиларга сотар эди. Ишчилар ишлаб чиқариш ва таксимот устидан ўзлари назорат ўрната бошладилар. Бутун саноат корхоналари миллийлаштирилди, давлат ихтиёрига ўтди. Уларнинг ишини жойларда ҳам, марказда ҳам назорат қилиш учун Халқ ҳўжалиги Олий Кенгашни тузилди. Ерни сотиш, сотиб олиш тақиқланди.

Туркистонда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар, шубҳасиз аксилинқилобий кучлар томонидан қаттиқ каршиликка учради. 1917 йил 20 ноябрда Совет ҳукумати «Россия ва Шаркнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатномасини, 1918 йил 23 январда III Бутун Россия Советлар съезди «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳукуклари Декларацияси» эълон қилди. 22 апрелда В. И. Ленин Туркистон большевикларига телеграмма юбориб, унда ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва муҳторият тузиш ҳакидаги ишларингизни Марказий Комитет қўллаб-куватлайди деб таъкидлаган эди. Ўша ҳужжатлар асосида 30 апрелда Туркистон Муҳтор Совет Социалистик жумхурияти РСФСР таркибида ташкил қилинди. 7 кишидан иборат Марказий Ижроия Комитети, 4 кишидан иборат Халқ Комиссарлари Совети тузилди. 1 Май куни шу муносабат билан Туркистон шаҳар ва қишлоқларида намойишлар, митинглар бўлиб ўтди. Турк. МССЖ таркибида 5250 минг аҳоли бўлиб, шундан 41,4 фоизи ўзбеклар, 19,3 фоизи қозоқлар, 10,8 фоизи қирғизлар, 7,7 фоизи тоҷиклар, 4,7 фоизи туркманлар, 1,4 фоизи қорақалпоқлардан иборат эди.

Нималарни ўйлаб қуриш ва нималарга жавоб бериш керак?

1. Октябрь инқилобини тайёрлаш ва уни амалга оширишда Тошкент пролетариатининг роли.

2. Совет ҳокимиятининг мустаҳкамлана бориши.

Нималарни ўқиш керак?

1. *М. Ҳасанов.* Туркистон муҳторияти: ҳақиқат ва ўйдирма. Фан ва турмуш, 1990, 9-сон.

2. *Н. Норқулов.* Муҳториятининг тугатилиши, 1990, 8-сон.

3. Туркистонда сентябрь воқеалари. Партия турмушки, 1977, 3-сон.

4. *С. Мурод.* Туркистонда халқ жумхурияти. Фан ва турмуш, 1986, 7-сон.

5. *Ф. Абдуллаев.* Уйғонган Шарқ. Партия турмуш, 1980, 4-сон.

Мамлакатимизда бошланиб кетган фуқаролар уруши бу Октябрь социалистик инқилоби сабабли сиёсий хокимиятни ўз қўллариға олган ишчилар ва дехқонларнинг ташки империалистик кучлар ва ички оқ гвардиячилар атрофига тўпланган реакцион антисовет кучларга қарши Совет хокимиятини сақлаб қолиш учун олиб борган қаҳрамонона кураши әди.

Улуғ Октябрь социалистик инқилобидан кейин ажнабий империалистлар Туркистонга кўплаб ўз айгоқчилари ни юборар, саботажлар уюштирас, буржуа аксилик инқилобий кучлар қолдикларини уюштирас, уларга молиявий ёрдамлар кўрсатар, ўлкада Туркистон большевикларига қарши иттифокларни тузиб, Советларга қарши кураш бошламоқда әдилар. Аксилинқилобий харакатларга раҳбарлик қилинши мақсадида, гўё «янги Совет Туркистон хокимияти билан дўстона муносабатлар ўринатиш» никоби остида ажнабий давлатлар Туркистонга кўпорувчи гурухлар юбориб турди. 1918 йил баҳорида Тошкентга янги «дипломатик миссия» билан айгоқчилар юборилди ва ажнабий дипломатик ходимларнинг Советларга қарши умумий кураш режалари ишлаб чиқди.

Дехқонларнинг заводсизлиги ва сиёсий жиҳатдан жуда колок бўлганилиги сабабли турли кўрбошилар уларга таъсир кўрсатиб, аксарият холларда мажбуран, айrim холларда ихтиёрий равишда уларни ўзларининг тўдалари га кўша бошладилар. 1918 йил бошларида ёқ Кўкон атрофларида Эргаш бошчилигида, Ўш атрофларида Холхўжа бошчилигида, Фарбий Фарғона районида Мадаминбек бошчилигида босмачи тўдалари ташкил топди. Улар тинч ахолига зулм ўtkазиб, партия, совет ва комсомол фаолларини ўлдира бошладилар, Совет хокимиятини ағдариб, эски хокимияти тиклай бошладилар. Аксарият холда улар социал-инқилобчилар кириб олган Советлар сиёсатидан, буюк давлатчилик сиёсатини юритган менышевиклардан, мувакқат хукumat ҳокимларидан норози бўлган кишилар әдилар.

1918 йил ёзида Фарғонада жуда кескин вазият пайдо бўлди. Босмачи тўдалари бирлашиб Тошкентга қарши юриш режаларини ишлаб чиқдилар. Бунга қарши Фарғона фронти ташкил этилди. 1918 йил ёз ойларида гарбий ва шимоли-шаркий Қозоғистонда чехлар, оқ гвардиячилар маҳаллий қозоқ зодагонлари билан биргаликда ҳокими-

ятни ўз құлларыга олдилар, совет органлари йүқ килина бошланди, фаоллар отилди. Буларга қарши курашимоқ учун Еттисув фронти ташкил қилинди. Туркистон ички ва ташки душманларнинг Совет Россиясига қарши бошлаган умум курашининг таркибий кисмiga айланди.

13 июлда чақирилган мажлиседа Туркистон МИК ва ХҚС үлкада рўй берган кескин вазиятни таҳлил килди, мудофаа тадбирлари белгиланди. 23 июлда Туркистон ишчилари, дәхқонлари ва меҳнаткаш халқ оммасига мурожаат қилиниб, «Социалистик Ватан хавф остида, ҳамма қўлига курол олсин!» деган чақирик эълон қилинди.

Босмачиларга ва ажнабий босқинчиларга қарши Фаргона шаҳарларида маҳаллий аҳолидан ҳарбий кисмлар ташкил этила бошланди. Бу отрядлар партия, комсомол вакиллари билан кучайтирилди, М. Миршаропов, А. Раҳмонов, А. Султонов, Н. Ризаев каби кобилятли ва оммани бирлаштира оладиган, оёққа турғиза оладиган ташкилотчи ҳарбийлар билан тўлдирилди. 1918 йил охирида босмачиларга қарши курашда маҳаллий ҳарбий кисмлар билан 2,5 минг кишилик байналмилчى жангчилар ҳам ёнма-ён туриб жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Шаҳар ва қишлоқларда кўнгилли дружиначилар отрядлари тузилди.

Англия империализми Совет хокимиятига қарши бўлган кучларга ёрдам бериш билан чекланмасдан 1918 йил августида Советларга қарши очиқ босқинчилик ҳаракатларини бошлади ва бутун Закаспий темир йўлнини, босиб олди. 15 сентябрда Тежен шаҳри босиб олниб, унинг бутун аҳолиси, хатто чоллар, болалар ва хотин-кизлар ҳам битта қолмай отиб ташланди, шаҳар эса галанди, ёндирилди, йўқ қилинди. 26 Боку комиссари отиб ташланди.

Бу орада Тошкентда инглиз айгоқчилари раҳбарлигида ўюнтирилган аксилиңқилобий ташкилот фош қилинди. Кочиб кетган айгоқчилар Бухоро амирлигидан бошпана тондилар.

Петро-Александровск ёнида Жунаидхон тор-мор қилинди. Бошка жойларда ҳам душманга зарба бериш режалари ишлаб чиқилди. Маҳаллий идора органларини советлаштириш, уларда ишлаш учун аҳоли ўртасида түшунтириш ишларини олиб бориш, дәхқон хўжаликларини кутариш, камбағаллар комитетлари ташкил қилиш, улар орқали дәхқонларга ғалла, қишлоқ хўжалик инвентарлари ҳамда бойларнинг вакф ерларидан тортиб

олинган ерларни бўлиб бериш, уларни саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ва ҳоказо ишлар бажарилди, ахоли фаоллаштирилди.

Бу тадбирларга қарши бўлган Туркистон жумхурият ҳарбий комиссари К. Осилов бошчилигидаги сўл эсерчи аксиликлобий кучлар ҳам фаоллашди. Улар муваккат комитет тузиб, унинг байроғи остида янгидан янги антисовет кучларни тўплай бошладилар. 1919 йил 19 январь куни кечаси исёнчилар ҳарбий кисмларини Тошкентга киритадилар, хоинона кўлга туширилган 14 Туркистон МССЖ комиссарлари отиб ташланади, шахар кўлга олинади. Аммо шахар ахолисининг ғазабига учраган исёнчилар уша куни соат 12 да тор-мор килинди.

Туркистонда ажнабий босқинчиларга карши кураш, миллий масала, дехкон хўжаликлари, советлар, маданий қурилиш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган зарурий ишларга ҳамда партияга раҳбарлик қилиш мақсадида 1919 йил 29 сентябрда РСФСР ва РКП(б) нинг Турккомиссияси ташкил этилди. Турккомиссия большевикларга, совет, хўжалик раҳбарларига амалий ёрдам бериши, миллатчилик элементларини узил-кесил тугатиши, Закаспий фронтида эгалик қилиб турган инглизларга зарба бериши, ҳарбий кисмларга энг яхши чиниккан командирлар ва сиёсий хизматчилар юбориши, озод килинган районларда Советларни тиклаш, ишга тушириш каби сон-саноксиз вазифаларни ҳал қилишга киришди.

Кизил Армия кисмлари энг оғир шароитда йўл босиб, душманинг асосий техника базаси хисобланган Айдан станциясини ишғол килди. У ҳужум ҳаракатларини кучайтириб 1920 йилнинг 6 февраляда Красноводск шахрини озод килди. Душман жуда катта ҳарбий анжом колдириб, денгизга чекинди. Закаспий фронти тугатилди. Туркман ерлари яна Совет Туркистони билан қўшилди. Бу ахвол Еттисувда ҳужум ҳаракатларини кучайтириш имкониятини яратди. 1920 йил март-апрель ойларида Еттисувда оқ гвардиячиларга, казак миллатчиларига қақшаткич зарба берилди.

Закаспий ва Еттисув фронтлари тугутилгани билан хали Фаргонада ахвол-мураккаблигича қолмокда эди. Совет ҳокимиятига қарши бўлган барча кучлар бирлаштирилиб, Мадамин бошчилигига «Муваккат Фаргона ҳукумати» тузилиб, у инглизлар билан бевосита мулокотда бўлар, курол-аслаҳа олиб ўз қўшинини кучайтиrmокда эди. Фаргона босмачиларига қарши яна амалий тадбирлар

белгиланди. 1920 йил январь ойининг ўрталарида Эргаш кўрбошига зарба берилди. Ўша йилнинг февраль ойида Мадамин, октябрь-декабрь ойларида Кўршермат, Мухиддин, Холхўжа, Жонибек, Козоқбой, Кулибойларнинг босмачи тўдалари тор-мор килинди. Уларнинг колган-кунгутган тарқоқ кучлари Олой водийсига чекинди. Босмачилардан озод бўлган Фаргона аҳолиси урушлар сабабли вайрон бўлган хўжаликни тиклашга киришди.

**Туркистонда миллий сиёсатни амалга ошириш учун
кураш**

Туркистонда босмачиларнинг асосий кучларига зарба берилиши, ТМССЖ нинг Совет жумҳурияти билан алокасининг тикланиши хўжалик ишларини тиклаш учун катта имконият яратди.

Фронтлар ҳалқасининг йўқ килиниши, темир йўл алоқаларининг тикланиши билан РСФСР ҳукумати Туркистонга моддий ва техник ёрдамлар уюштириди. Туркистондан ҳам Россияга пахта, жун, қуритилган мевалар, вино, балиқ каби маҳсулотлар кўплаб юборилиб турилди. 1920 йил январда Россияга Туркистондан 1660 вагон юк олиб кетилган бўлса, май ойида 2116 вагон, авгуистда 5412 вагон юк олиб кетилди.

Туркистоннинг Совет Россияси билан алоқасининг қайта тикланиши бу ерда меҳнат кўтаринкилигини бошлиб юборди. Шанбаликлар авж олди. Уларда иштирок этувчиларнинг микдори ошиб борди. Ўлкада ғозик-овқат развёрсткасини амалга ошириш учун кураш бошлианди. Развёрстка гўшт, сабзавот, қуруқ мевалар ва пичан (беда) га ҳам ёйилди. Развёрсткани амалга ошириш учун 400 та камбағал комитетлари ташкил килиди. Пахтачиликни кўтариш тадбирлари белгиланди. Дехқонларга салкам 800 000 пуд уруғлик ғалла, 1346 та сўқа, 42 169 та белкурак, 32 308 та кўл ўрок, 9714 та кетмон, 2900 та ҳаскаш юборилди. Қилинган амалий ишлар оқибатида 1918 йилга нисбатан 1919 йилга келиб экин майдонлари 20 фоизга (1,6 млн. десят.), 1920 йилда эса 2 млн. десятинага кўпайди. Пахта майдонлари 1919 йилда 80 000 десятинадан 101 000 десятинага, 1920 йилда эса 109 000 десятинага кўпайди.

Турккомиссия таклифи билан жойларда вилоят ҳокимияти яна тикланди, миллатчиларга қарши кескин кураш бошлианди. Маҳаллий миллатчилар «Турк компартияси» ва «Турк жумҳурияти» тузиш керак, маҳаллий ҳокимият органларида факат маҳаллий миллат вакиллари иштирок ичин деб даъво килдилар. В. И. Ленин бош бўлган

РСФСР ХКС бу таклифларни инкор қилди. В. И. Лениннинг таклифи билан РКП(б) Марказий Комитетида «Туркистонда РКП(б) нинг асосий вазифалари» деб аталган тарихий резолюция қабул қилинди. Бунга кўра Турккомиссия ТКП Ўлка комитетини тарқатди, янгидан ТКП Мувакқат Марказий Комитети тузилди. Айни вақтда маҳаллий идора органларини халқка яқинлаштириш, советлаштириш, халқ вакилларини кутариш ишлари бошланди. Советларга кириб қолган бой, қулоқ элементлари ёки яширин синфий душманлар улардан ҳайдалди. Хотин-қизларнинг фаоллиги ошиб борди.

1920 йилда бўлиб ўтган ТКП нинг V съезди миллатчиларга қарши курашни бўшаштирмаслик, деҳқонларни мушумзўрлар таъсиридан кутқариб олиш учун курашни давом этириш хақида қарорлар қабул қилди. Совет курилишлари авж олди. Мактабларни ислоҳ килиш бошланди. Хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар очилди. Турли соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш, жумладан ўқитувчи кадрлар тайёрлашга киришилди.

1918—1920 йилларда Туркистонда маданий-маърифий ишлар йўлга қўйилди. Ўлкада 177 кутубхона, 97 клуб, 76 қизил чойхона, 172 ўкув хоналар фуқаролар уруши якунида ишлаб турди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Маннон Уйғур раҳбарлигига миллий театр ташкил этиш ишлари бошланди. Қобилиятли ўзбек ёшларидан биринчи артистлар, бастакорлар етишиб чиқа бошлади. Ҳамза, Айний, Завқий каби шоирларнинг асарлари кенг тарқалди. Маҳаллий тилда рўзнома, ойномалар, бюллетенлар нашр этила бошланди.

Нималар ҳақида ўйиш кўриш ва нималарга жавоб топиш керак?

1. Фуқаролар урушининг бошланиш сабаблари.

2. Ажнабий босқинчилар ҳамда аксилинқилобий кучларнинг тор-мор қилинниши.

3. Уруш йилларида миллий сиёsat.

Нималарни ўқиши керак?

1. Назаров М. А. Туркистон интервенция ва фуқаролар уруши даврида (1918—1920). Т., 1961.

2. К. Ҳасанов. Зафарли йиллар, зафарли йўллар. Фан ва турмуш, 1984, 8-сон.

3. Б. Каримов. Пантуркизм — машъум тамға. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 6-сон.

4. Л. Азиззода. Янги ҳаёт курашчилари. Тошкент, «Фан», 1976.

Россиядаги социалистик инқилоб ғалабаси, амирликнинг Туркистондаги собиқ ерларидаги инқилоб ғалабаси, дастлабки социалистик қайта куришлар шубҳасиз Хива ва Бухоро амирликлари ахолиси онгига чукур таъсир килмоқда эди. Яхши кўшничилик муносабатларини ўрнатиш мақсадида 1917 йил 29 ноябрда Туркистон ХС ўз вакилларини Бухорога юборди. Аммо амир ҳеч қандай халқ ҳокимиятини тан олмади. Бунинг устига 30 000 кишини маҳсус тайёргарликдан ўтказиб, жанговар ҳолатга келтириб қўйди. У хоҳлаган вактда темир йўлни бузиб ташлаши мумкин эди. Амирликда ички реакция авж олди, ҳар қандай демократик ҳаракатларга, шу жумладан, Ёш бухороликларга қарши кураш бошланди.

Ёш бухороликлар халқ орасида машхур эмас эди. Уларнинг таянчи ҳам йўқ эди. Улар айрим ислохотлар ўтказилишини, демократик эркинликлар берилишини талаб қиласи ҳар килар эди. Ўз кучлари билан мақсадига эришишга ишонмаган Ёш бухороликлар Туркистон Мухтор Совет Социалистик жумхуриятига мурожаат қилиб ёрдам беришни илтимос қиласи. Бухорода вазият қандайлигини текшириб чиқмаган Ф. И. Колесов унга қарши юрниш қиласи. Аммо тўла мағлубиятга учраб чекинади.

Бу ахвол амирга реакцияни янада авж олдириш учун бир баҳона бўлди. Бухородан коммунистлар, Ёш бухороликлар Тошкентга кочиб кела бошлайдилар. 1918 йил 25 сентябрда Тошкентдаги бухоролик коммунистлар ўзларининг мувакқат Марказий Комитетини тузадилар. Унга Ёш бухороликларнинг чап қаноти ҳам қўшилди.

Бухорода инқилобий ҳаракатларнинг кучайиб бориши натижасида халқ ҳўжалиги, савдо, хунармандчилик издан чиқди, пахта майдонлари 20 бараварга камайди. 1 пуд пахта 11 сўмдан 1 сўм 80 тийинга тушиб қолди. Коракўл терисининг нархи 10, жунники 6 бараварига арzonлашди. Озиқ-овқатнинг нархи ошиб кетди. Зўр бериб урушга тайёрланилар экан, амир халқ қўлидаги ғаллани армия учун тортиб олди, бу эса халқнинг нафратини қўзғатиб юборди.

1919 йил февралида Шаҳрисабзда, кўп ўтмасдан Вобкент, Фиждувон, Коракўл районларида деҳконлар қўзғолонлари бошланди. Юборилган жазо отрядлари деҳконлардан қаттиқ ўч олди, бутун-бутун қишлоқлар сидирилди. 1919 йил 2 майда Бухоронинг 15 000 ахолиси қўзғолон кўтариб, армияга сафарбарликни тўхтатиши,

РСФСР ХКС бу таклифларни инкор қилди. В. И. Лениннинг таклифи билан РКП(б) Марказий Комитетида «Туркистанда РКП(б) нинг асосий вазифалари» деб аталган тарихий резолюция қабул қилинди. Бунга кўра Турккомиссия ТКП Ўлка комитетини тарқатди, янгидан ТКП Мувакқат Марказий Комитети тузилди. Айни вақтда маҳаллий идора органларини халқка яқинлаштириш, советлаштириш, халқ вакилларини кўтариш ишлари бошланди. Советларга кириб қолган бой, кулоқ элементлари ёки яширин синфий душманлар улардан ҳайдалди. Хотин-қизларнинг фаоллиги ошиб борди.

1920 йилда бўлиб ўтган ТКП нинг V съезди миллатчиларга карши курашни бушаштирмаслик, деҳконларни муштумзўрлар таъсиридан қутқариб олиш учун курашни давом эттириш ҳақида қарорлар қабул қилди. Совет қурилишлари авж олди. Мактабларни ислоҳ қилиш бошланди. Хотин-қизлар учун алоҳида мактаблар очилди. Турли соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш, жумладан ўқитувчи кадрлар тайёрлашга киришилди.

1918—1920 йилларда Туркистанда маданий-маърифий ишлар йўлга қўйилди. Ўлкада 177 кутубхона, 97 клуб, 76 қизил чойхона, 172 ўқув хоналар фуқаролар уруши якунида ишлаб турди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Маннон Уйғур раҳбарлигига миллый театр ташкил этиш ишлари бошланди. Қобилияти ўзбек ёшларидан биринчи артистлар, бастакорлар етишиб чиқа бошлади. Ҳамза, Айний, Завкий каби шоирларнинг асарлари кенг тарқалди. Маҳаллий тилда рўзнома, ойномалар, бюллетенлар нашр этила бошланди.

Нималар ҳақида ўйлаш кўриши ва нималарга жавоб топши керак?

1. Фуқаролар урушининг бошланиш сабаблари.
2. Ажнабий босқинчилар ҳамда аксилинқилобий кучларнинг тор-мор қилиниши.
3. Уруш йилларида миллый сиёsat.

Нималарни ўқиши керак?

1. Назаров М. А. Туркистан интервенция ва фуқаролар уруши даврида (1918—1920). Т., 1961.
2. К. Ҳасанов. Зафарли йиллар, зафарли йўллар. Фан ва турмуш, 1984, 8-сон.
3. Б. Каримов. Пантуркизм — машъум тамга. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 6-сон.
4. Л. Азиззода. Янги ҳаёт курашчилари. Тошкент, «Фан», 1976.

17- §. БУХОРО ВА ХОРАЗМДА ХАЛҚ ИНҚИЛОБЛАРИ

Россиядаги социалистик инқилоб ғалабаси, амирликнинг Туркистондаги собиқ ерларидаги инқилоб ғалабаси, дастлабки социалистик қайта куришлар шубҳасиз Хива ва Бухоро амирликлари аҳолиси онгига чуқур таъсир килмоқда эди. Яхши қўшичилик муносабатларини ўрнатиш максадида 1917 йил 29 ноябрда Туркистон XКС ўз вакилларини Бухорога юборди. Аммо амир ҳеч қандай халқ ҳокимиятини тан олмади. Бунинг устига 30 000 кишини маҳсус тайёргарликдан үтказиб, жанговар ҳолатга келтириб қўйди. У ҳоҳлаган вактда темир йўлни бузиб ташлаши мумкин эди. Амирликда ички реакция авж олди, ҳар қандай демократик ҳаракатларга, шу жумладан, Ёш бухороликларга қарши кураш бошланди.

Ёш бухороликлар халқ орасида машхур эмас эди. Уларнинг таянчи ҳам йўқ эди. Улар айрим ислоҳотлар үтказилишини, демократик эркинликлар берилишини талаб килар эди. Ўз кучлари билан максадига эришишга ишонмаган Ёш бухороликлар Туркистон Мухтор Совет Социалистик жумхуриятига мурожаат килиб ёрдам беришни илтимос килади. Бухорода вазият қандайлигини текшириб чиқмаган Ф. И. Колесов унга қарши юрши килади. Аммо тўла маглубиятга учраб чекинади.

Бу ахвол амирга реакцияни янада авж олдирини учун бир баҳона бўлди. Бухородан коммунистлар, Ёш бухороликлар Тошкентга қочиб кела бошлийилар. 1918 йил 25 сентябрда Тошкентдаги бухоролик коммунистлар узларининг муваққат Марказий Комитетини тузадилар. Унга Ёш бухороликларнинг чап қаноти ҳам қўшилади.

Бухорода инқилобий ҳаракатларнинг кучайиб бориши натижасида халқ ҳўжалиги, савдо, хунармандчилик издан чиқди, пахта майдонлари 20 бараварга камайди. 1 пуд пахта 11 сўмдан 1 сўм 80 тийинга тушиб колди. Коракўл терисининг нархи 10, жунники 6 бараварига арzonлашди. Озиқ-овқатнинг нархи ошиб кетди. Зўр бериб урушга тайёрланилар экан, амир халқ қўлидаги ғаллани армия чуни тортиб олди, бу эса халқнинг нафратини кўзғатиб юборди.

1919 йил февралида Шахрисабзда, кўп үтмасдан Вобкент, Фиждувон, Коракўл районларида деҳқонлар кузголонлари бошланди. Юборилган жазо отрядлари деҳқонлардан қаттиқ ўч олди, бутун-бутун қишлоқлар сиприлди. 1919 йил 2 майда Бухоронинг 15 000 аҳолиси кўнголон кўтариб, армияга сафарбарликни тўхтатиш,

ТМССЖ билан яхши муносабатларни ўрнатишни талаб қилди. Бунга жавобан 2000 киши зиндан қилиниб, 63 киши Регистон майдонида дорга осилди.

Ёш Совет жумхурияти Хива хонлигига ҳам мурожаат қилиб яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишни таклиф қилади. Хивада феодал-патриархалчилик муносабатларининг устунлиги, аҳолининг жуда ҳам қолоқлиги, шунингдек ишчилар синфининг (0,1 %) мутлақо бўшлиги сабабли инқилобий харакатларга етарли даражада раҳбарлик қилинмади. Фақатгина Туркистон жумхуриятидан вакиллар юборилгач, бу ерда ҳам дехқонларнинг, ҳунармандларнинг, шаҳар майда ва ўрта буржуазиясининг, миллий зиёлиларнинг инқилобий харакатлари авж олиб кетди. Яккаю ягона оппозициячи партия ҳисобланган Ёш хиваликлар хондан шариат асосида ҳалққа эркинлик беришни талаб қилди. Ҳон бу талабни инкор қилади. Дин пешволари ва бойлардан ташкил топган «мажлис» ҳам, Ёш хиваликлар ҳам тарқатилади. Солдатлар орасида ғалаёнлар бошланади.

**Бухоро ва Хива
хонликларида Со-
ветларга қарши ҳа-
ракатлар**

Бухоро ва Хива хонлари инқилобий харакатларни қон билан бостирад экан, айни вактда Совет Туркистонига қарши душманлик харакатларини авж олдириди. 1919 йил апрель-май ойларида 28 минг милтиқ, шунга яраша ўқдори билан куролланган амир қўшинлари ТМССЖ чегараларини тез-тез бузиб тураг эди. 400 ҳарбий инструктор, 150 турк офицерлари амир лашкарларини кечаю кундуз урушга ўргатар эди. Амир Колчак билан ёзишмалар олиб бориб, ТМССЖга хужум килиш тўғрисида ўзаро режа тузди.

1920 йил январида Турккомисия аъзолари тинчлик муносабатларини саклаш мақсадида амир билан учрашди. 30 марта Фрунзе ҳам амир ҳузурида бўлади. Бу учрашувлардан амир яхши муносабатларни саклашга кўндингина эмас, аксинча инглиз қўмондонлиги билан яна ҳам яқинлашди, аффон реакцияси билан иттифоқ тузди, яна инглиз инструкторлари, офицерлари кўплаб кела бошлади. 1920 йил ёзида унинг қўшини ва ҳалқ лашкарлари 50 000 кишига етказилди. Бухоро аксилиникилобчилар, оқ гвардиячилар ва жаҳон империализми учун карбонсаройга айланди.

Хивада ҳам реакция авж олди. Инқилобий харакатлардан кўркиб колган Асфандиёрхон Жунаидхон билан ўзаро келишиб, уни армия бошлиғи қилиб тайинлай-

ди. Кўп ўтмасдан Асфандиёрхон Жунаидхон одамлари томонидан ўлдирилади, тахта Саид Абдулла ўтказилади. Кўшин 10 000 кишига етказилиб қайта қуроллантирилади, ҳарбий харажатларни коплаш учун соликлар кўпайтирилади. Жунаидхон Тўрткўлдаги Совет идораларига хужум уюстириб, атрофдаги ўзбек, корақалпок, туркман бойларини Советларга қарши оёққа турғизади. Шаҳар гарнизонлари кўпайтирилади, инглизлардан кўплаб қуроласлаҳа сотиб олинади. Вазият кескинлашгач, Закаспий фронти қўмондонлиги қўйи Амударёга отряд юборади ва каттиқ жанглардан кейин Чимбой, Мўйнок, Нукус шахарлари озод килинади.

**Хивада ҳалқ инқи-
лобининг ғалабаси** Хивада бўлаётган воқеалар туфайли хў-
жалик издан чиқди, хунармандчилик, савдо инкиrozга учради, нарх-наво ошди, бу эса ҳалқ оммасининг моддий ахволини оғирлаштири-
ди, мамлакат боши берк кўчага кириб қолди.

1919 йилнинг бошларида Ёш хиваликлар ўзларининг комитетларини тузиб, дастурларини ишлаб чиқдилар. Унда феодал-патриархал тартиби ағдариб ташлаш, бойларнинг ер-мулкларини мусодара қилиш, аҳолига сиёсий эркинлик, туркманларга миллий тенглик бериш каби талаблар кўйилди. Бу дастур бўржуазиянинггина эмас, балки аҳоли бошқа қатламларининг манфаатларига ҳам мос келар эди.

Хон хукмронлигидан уруғ, қабила бошликлари ҳам норози эди. Ҳар бир синф, ижтимоий груп яқинлашиб келаётган инқилобдан ўз манфаати учун фойдаланмоқчи бўлди. Агар қўйи табака дехқонлар, хунармандлар Хива инқилобининг ҳаракатга келтирувчи кучларига айланиб, инқилоб ёрдами билан феодал зулмдан озод бўлишини, мамлакатда ижтимоий, иктисадий ва сиёсий ўзгаришлар бўлишини умид қиласа, миллий буржуазия, ўрта ва қўйи ин аҳллари эса бу инқилобдан Ёш хиваликлар ёрдамида Жунаидхонни ва хонни ағдариб ташлашни ҳамда мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартирмасдан ўз хукмронлигини бранишни мақсад қиласади.

Хивада инқилобий ҳаракатлар кучайиб борган мана шундай бир даврда Туркистон коммунистлари Хива аҳолисига ёрдамга келди. Ўзбеклар, ёвмуд туркманлари, корақалпоклар уларга келиб кўшилдилар. 22—23 январьги каттиқ жанглардан сўнг Жунаидхон қочиб кетди, Саид Абдуллахон эса тахтдан воз кечди. Хивада биринчи сенкххукумати — инқилобий Мувакқат Хукумат тузилди.

Хива инқилоби — халқ инқилоби эди. Чунки инқилобда ишчилар, дәхқонлар, дин аҳллари, ўрта ва қуий миллий буржуазия вакиллари, турли қабила, уруғ, аймоклар қатнашди. 1920 йил апрелда Бутунхоразм халқ вакилларининг I курултойи чакирилиб, Хоразмни халқ совет жумҳурияти деб ёълон қилди. Битимлар тузиш учун вакиллар сайланди ва улар Москвага юборилди. Конституция қабул қилиниб, унга кўра хусусий мулкчилик, шариат судлари сақланиб қолди, ҳукмрон синфлар ҳам сайлов ҳукуқини олди. Иттифоқ ҳукумати чоризмга қарашли завод ва фабрикаларни, ерларни Хоразм Совет Халқ жумҳуриятига қайтариб берди. Керосин, оёқ кийимлари, ҳарбий курол-аслаха ва ҳоказолардан ёрдамлар уюштирилди. ТМССЖ билан ХСХЖ ўртасида яқиндан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ёрдамлар бериш тӯғрисида муносабатлар ўрнатилди, аграр ислоҳотлар ўтказилди, эски давлат машинаси ўрнига янги давлат аппаратлари барпо килина бошланди, комсомол, касаба уюшмалари ишлари жонлантирилди.

Бухоро Халқ Совет жумҳурияти-нинг ўрнатилиши Хоразмда халқ инқилобининг ғалабаси, ХСХЖ нинг ташкил топиши, ТМССЖ билан ўзаро иқтисодий ва маданий ёрдамлар тӯғрисида ишларнинг амалий равишда бажарилиши, дастлабки демократик ўзгаришлар, шубҳасиз Бухоро меҳнаткашларига таъсир кўрсатмасдан қолмас эди. 1920 йил бошларига келганда Бухорода инқилобий вазият етила бошлади. Инқилобга ёрдам бериш мақсадида ҳарбий инқилобий бюро тузилди. 1920 йил августида чакирилган БКПнинг IV съезди Бухорода коммунистик ҳаракат кучайиб бораётганлигини, 5000 коммунистни бирлаштирган 43 ячека мавжудлигини ҳисобга олиб, оммани инқилобга тайёрлаш зарурлигини қайд этди.

Амир ҳам реакцияни кучайтириб борди. Қўлга тушган инқилобчилар, коммунистлар ўлдирилди, зинданларга ташланди. Бунга жавобан съезд Бухоро халқининг хошишини ифода этиб, ТМССЖ га мурожаат қилиб ёрдам беришни илтимос қилди. 1920 йил 28 августда бошланиб кетган инқилоб туфайли ТМССЖнинг ҳарбий қисмлари Бухоро аҳолисига шошилинч ёрдам берди. Қисқа вақт ичida Бухоронинг ҳамма шаҳарларида амир ҳокимлари ағдарилиди. Ҳокимиятни инқилобий комитет ўз қўлига олди. 2 сентябрь куни 4 кунлик қаттиқ жанглардан кейин аксилик инқилобчилар қаршилиги тұхталиди. Амир қочиб кетди. Регистон устига Қизил Байрок

үрнатилди. Халқни инқилобга бошлаган Бухоро коммунистик партияси раҳбарлигига Бухоро Халқ Совет жумхурияти тузилганлиги эълон қилинди.

1921 йил февралда чакирилган Бухоро коммунистик партиясининг I съездин «Ер меҳнаткашларга» шиори остида ўтди. «Ер ҳакида декрет» кабул қилиниб, унга кўра ер кишиларга бериладиган бўлди, амир вактидаги ҳамма соликлар бекор қилинди, маҳаллий бошқармаларга меҳнаткаш халқ вакиллари сайланга бошланди.

ХСХЖ нинг социалистик жумхуриятга айланиши Дастлабки тузилган ҳукумат айнан ҳукмрон синф вакилларидан, миллатчилардан, ёш хиваликлардан ташкил топиб, улар кўп ўтмасдан аксиликни лобчилар лагерига очикдан-очик ўтиб олдилар. Улар хон ва вакф ерларини ўзаро таксим қила бошладилар. Ер-сув ислохотини ўтказишга, идораларни демократиялаштиришга қаршилик қила бошладилар, миллий адвокатини кучайтирилар. Рўй берган вазиятни ҳисобга олган РКП(б)нинг Туркбюроси ва Турккомиссия Хоразм коммунистларига ёрдам бериш учун ўз вакилларини юборди. Бутун Хоразм Советлари II қурултойига тайёргарлик жараёнида ҳукумат ички реакцияни яна ҳам кучайтириди. Бунга жавобан шаҳар ва қишлокларда митинглар бошланди, унинг қатнашчилари ҳокимиятни халқ қўлига топширишни талаб қила бошладилар. 1921 йил 5 марта Хивада Хоразмдан тўпланган вакилларнинг жуда катта митинги чакирилди. Митингда Хоразм халқининг хоҳини-иродаси ифода этилиб, ёш хиваликлар ҳокимиятининг ағдарилганлиги, ҳокимият Мувакқат инқилобий комитет қўлига ўтганлиги таъкидланди. Хоразм эса Совет Социалистик жумхурият деб эълон қилинди.

БХСЖнинг социалистик жумхуриятга айланиши Бухородан чекинган Сайд Олимхон Бойсун атрофида Англияниң ҳарбий ва молиявий ёрдамида яна Советларга карши бўлган барча кучларни бирлаштира бошлади. 1921 йил февралда Қизил Армия қисмлари, халқ қўнгиллилари амирга қарши ҳужум харакатларини кучайтириб, бутун Шарқий Бухоро ерларини озод қилди, харакат қилаётган босмачи тўдаларига қарши қақшаткич зарба берилди. Идора органларидағи эски чиновниклар халқ вакиллари билан алмаштирилди, ҳокимият демократиялаштирилиб борилди, комсомол, касаба уюшмаси, хотин-қизлар ташкилотлари, маданий-маърифий ишлар жонлантирилди, халқ маорифи йўлга қўйилди, кадрлар

етказишига алоҳида эътибор берила бошланди. 1924 йил 19 сентябрда Бухоро Советларининг V съезди тантанали равишда БХСЖни БССЖ деб эълон қилди.

Шундай килиб Хоразм ва Бухоро Совет Халқ жумҳуриятларининг социалистик жумҳуриятлар даражасига ўсиб чиқиши, РКП(б)нинг, Турккомиссия ва Туркбюронинг олиб борган тўғри миллий сиёсати, ўлкада амалга оширилган зўр тайёргарлик ишлари натижасида бўлиб Хоразм ва Бухоро меҳнаткашлари манфаатларига мутлақо мос келар эди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриши ва нималарга жавоб бериш керак?

1. Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликларнинг сиёсий қарашлари, уларнинг синфий чекланганлиги.
2. Бухоро ва Хива хонликларида Советларга қарши харакатлар.
3. Бухоро ва Хоразмда халқ инқилобининг ғалаба қилиши.

Нималарни ўқшиш керак?

1. *X. Ҳамдамов.* Хива хонлигининг ағдарилиши ва ХСХР нинг тузилиши. Тошкент, Ўздавнашр, 1960.
2. *O. Эшонов.* Шарқдаги биринчи демократик давлатлар. Ўзбекистон коммунисти, 1970, 9-сон.
3. *Ж. Оташер.* Хива жангиги. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 1970, 8-сон.
4. *M. Маҳмудов.* Шарқдаги биринчи инқилоб. Совет Ўзбекистони, 1990 йил 2 февраль.

18- §. ТУРҚИСТОН 1920—1924 ЙИЛЛАРДА

Фуқаролар урушининг тугаши билан мамлакат тинч қурилишга, вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга киришди. Лекин бу иш жуда мураккаб халкаро вазиятда олиб борилди. Чунки тирик қолган аксилинқилобий кучлар Советларга қарши курашни яширин ҳолатга ўтказиб, тиклаш харакатларимизга зиддан жуда катта зарар бера бошлаган, партия, совет, хўжалик, комсомол фаолларини ўлдира бошлаган эди. Бунинг устига яна айрим жойларда оз миқдорда яшириниб қолган ва аҳолини безовта қилаётган босмачи қолдикларига қарши курашиш ҳам керак эди.

Уруш натижасида Туркистон хўжалиги тамомила издан чиққан эди. Экин майдонлари камайган, каналлар бузиб ташланган, озиқ-овқат маҳсулотларига нарх ошган, бошка районлар билан иқтисодий алокалар тўхтаганлиги

сабабли четдан мол кириши ҳам, четга мол чиқариш ҳам тамомила тұхтаган эди. Чорвачилик бундан ҳам оғирроқ ахволда эди. 24 млн.бош йирик шохли мол эндиликда 8 млн. бошга тушиб колган эди. Дәхқонларнинг күпчилигіда ҳеч қандай мол қолмаганди. Саноат тамомила вайрон бўлиб, пахта заводлари, кўнчилик, кончилик умуман ишламас эди. 95 млрд. сўм микдорда кофоз пуллар чиқарилди, лекин бу ҳам вазиятни тикламади.

Тикланиш арафасида Туркистонда ярим натурал хўжалик усули кўчманчи, ярим кўчманчи қабилаларда айрим регионларда сакланиб колган эди; феодал хўжаликлар ҳали капиталистик ишлаб чиқаришга умуман мослашмаган эди. Пахтакор районларга, пахта заводлари га якинроқ жойлашган феодал хўжаликлар ва рус қулоқ хўжаликлари капиталистик айрбошлишга мойил эди. Бу хўжаликларда ёлланма меҳнатдан фойдаланиларди. Банклар, саноат обьектлари, ерлар миллийлаштирилгач, Туркистон МССЖ ҳалқ хўжалигига социалистик сектор пайдо бўлди. Аммо у жуда заиф эди.

Тикланиш арафасида ТМССЖ аҳолисининг таркиби ҳам, унинг хўжалик усули ҳам турлича эди. 80 % аҳолини дехқонлар, 10 %ни ҳунармандлар, 4 %ни саноат инчилари, колганларни бойлар, хизматчилар ташкил этар эди. Ўлкада ўзбеклар, қозоклар, киргизлар, тоҷиклар, туркманлар, корақалпоклар, уйгурлар, татарлар, руслар яшар, улар ўртасида турли миллий муносабатларни ўрнатиш, салгина бўлса ҳам миллатчилик алломатларига йўл кўймаслик зарур эди. Мана шундай ўта мураккаб бир шароитда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) бошланди. Капитализм боскичини четлаб феодализмдан тўғри социализмга ўтганлиги, чор Россиясининг собиқ мустамлакаси сифатида сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий жихатдан ўта қолок ҳолда сакланганлиги, кўп миллатли ўлка бўлганлиги сабабли Туркистондаги бу сиёсат бошқалардан фарқ қилиб, миллий масалани тўғри ҳал қилишдан янги иқтисодий сиёсатнинг ютуқлари катта бўлишини, ёки, аксинча, янги иқтисодий сиёсатга ўтиш жараёнида кўшимча тадбирларни амалга ошириш зарурлигини хисобга олишга тўғри келди.

Туркистонда НЭП ни олиб бориш масалалари «Миллий масалада партияning навбатдаги вазифалари» деб кўрсанылган РКП(б)нинг X съездиде материалларида ўз аксини гонди. Маҳаллий дехқонлар озиқ-овқат развёрсткасидан озиқ-овқат солиғига ўтишни қизғин кувватладилар.

Туркистонда НЭП ўзига хос йўл билан бориб, солик олинган ҳосилга қараб эмас, балки экилган майдонга ва молнинг сонига қараб олинар эди. Техник экинлар экиладиган майдоннинг учдан бир кисми соликлардан бекор қилинган эди.

Саноатни тиклаш қийинчиликлари

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш билан «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан воз кешиш, саноатда ҳақиқий ишлаб чиқаришни демократик усулда таъминлаш вазифаси келиб чиқди. Илгари мавжуд бўлган саноат тармоқларини тиклаш, янгиларини куриш ва ишга тушириш учун кураш олиб борилди. Махаллий аҳолининг саводсизлиги ва сиёсий ўзгаришларга тайёр эмаслиги назарда тутилиб, 1919—1922 йиллардаги эски қози ва бой судларини қайтадан тиклаш, вақф ерларини қайтадан ўз эгаларига ёки мачитларга қайтариш ҳақида қарорлар эълон қилинди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида халқнинг фаоллиги ошиб борди, хўжаликнинг ҳамма тармоқларида жонланиш сезила бошланди.

Саноат ва савдонинг йиллик кирими 59 млн. сўмдан 133 млн. сўмга кўпайди. Нефть қазиб чиқариш 1923 йилда олдинги йилга нисбатан 60% га, ун ишлаб чиқариш 60% га ошиди. Вино, қанд ва пахта махсулотлари ишлаб чиқаришда бу кўрсаткич 70,90, 60% ни ташкил этди.

Кишлоқ хўжалиги-ни тиклаш учун кураш Ер ҳақидаги декрет Россия шаронтида аллақачонлароқ амалга ошган бўлсада, Туркистонда ер-сув муносабатлари ҳали эскича давом этмоқда эди. 1918—1920 йилларда рус капиталистлари кўлидан ерлар тортиб олинган бўлса ҳам, аммо муштумзўрлар, кўчириб келтирилган қулоклар, йирик феодаллар қўлида ер сакланиб қолмоқда эди. Еттисув, Олма-ота, Пржевальск, Авлиёта, Тошкент, Фарғона, Андижон, Жалолобод, Ўш, Конибодом, Қўқон уездларида подигоғ ва ушинг амалдорларига қарашли ерлар 182 минг десятина, яъни умумий экин майдонининг 18 фоизини ташкил этарди.

Ана шу ерларни собиқ эгаларидан тортиб олиш ва ерсиз ахолига бўлиб бериш ишлари ахоли сиёсий фаоллигининг ошиб бориши ва «Кўшчи» ўюшмаларига оммавий равишда аъзо бўлиб бирлашиш ишлари билан қўшиб олиб борилди. Еттисув уездида 70 та қулоқ посёлкаси, 255 та хутор, 639 та йирик қулоқ хўжалиги тугатилди, 241755 десятина суфориладиган ва яйлов ерлари тортиб олини. Самарқанд уездида 350 қулоқдан 13 000 десятина

ер тортаб олинди. Закаспийда 18 000 десятина ер тортаб олиниб, ерсиз туркманларга берилди. 1922 йилда ер курилиши, тузиш ишлари ҳам олиб борилиб, хўжаликлардаги ер микдорлари тенглаштирилиб борилди.

Хўжаликни кўтариш ва ривожлантириш мақсадида ВСНХ (Халқ хўжалиги Олий Қенгаши) ва Главхлопок ташкил этилди. 1923 йилда Туркистонда ирригация ишлари бошланди, дастлабки қишлоқ хўжалиги ширкатлари ташкил қилинди. БХСЖ ва ХХСЖ даги пул белгилари бекор қилиниб, умумиттифок пул белгилари жорий қилинди, молия, савдо, транспорт, почта, телеграф ишлари умумий иттифок тармоқлари билан тенглаштирилди.

Тикланиш даврида маданий курилиш 1923 йил мартағи ТКПнинг VII съездидан 1924 йил январь ойида бўлган Туркистон Советларининг XII съездидан НЭПнинг дастлабки ютуқларини муҳокама қилди. Съездда ўлкада маҳаллий халқларни хўжалик қурилишида фаол катнаштириш мақсадида маҳаллий тилда рўзнома ва ойномалар чиқариш, уларни адабиётлар билан таъминлаш зарурлиги қайд қилинди. Деҳқонларга қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари кўплаб келтирила бошланди, у ерларга партия хўжалик кадрлари юборилиб турилди. Ўлкада «Қўшчи» уюшмаси билан биргаликда ҳар хил ширкатлар кўпайди. Қишлоқларда мактаблар, техникумлар, юридик курслар, мусика мактаблари, саноат, қишлоқ хўжалиги курслари очилди. Уларни ўн минглаб маҳаллий ўғил-қизлар битириб чиққач, халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишга тушдилар.

Туркистонда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши

Ўзбек халқи тарихининг муҳим босқичларидан бири — Туркистонда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши натижасида Ўзбекистон Жумхурияting ташкил этилиши бўлди.

ТМССЖда аҳолининг 51,4 %ини, БХСЖда — 50,1 %ни, ХХСЖда — 61,1 %ни ўзбеклар ташкил қиласар эди. Ўзбеклар Самарқанд, Тошкент, Сирдарё, Чимкент, Бухоро, Бойсун, Қарши, Кармана, Нурота, Шахрисабз, Шеробод, Сариосиё, Урганч, Хива уездларида истиқомат қиласарди. Ана шу тарқоқ халқни бирлаштириш ва ягона жумҳурият ташкил қилиш зарурияти келиб чиқкан эди. Мана шу мақсад қозокларга, қирғизларга, тоҷикларга, туркманларга, корақалпокларга ҳам тегишли эди. Миллий чегараланиш Туркистон халқлари моддий ва маънавий кучларининг ривожланиши учун, социализм қурилишини

тезлаштириш учун, маҳаллий ўзбек, козок, ва ҳоказо миллиатларнинг ташкил топиши учун уларнинг миллий тил, маданият, давлат, хўжалик курилишларини таъминлашда ўз таъсирини ўtkазар эди, атбатта.

1924 йил февралда Бухоро Совет Социалистик Жумхуриятининг партия ва совет фаоллари кенгашида, марта Хива партия-совет фаолларининг йиғилишида, апрелда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросида миллий давлат чегараланиши масаласи кўриб чиқида ва маъқул деб топилди. Май ойида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси яна бу масалани ўрганиб чиқди ва туркман ерлари хисобидан Туркманистон ССЖни, ўзбек ерлари хисобидан Ўзбекистон ССЖни тувишни, Ўзбекистон ССЖ таркибида Тожикистон Мухтор Жумхуриятини, РСФСР таркибида Козогистон Мухтор Жумхуриятини тувиш масаласини тавсия этди. Туркиетонинг шаҳар ва қишлокларида аҳолининг кўтаринки руҳдаги митинглари, конференциялари ўта бошлади, ҳалқ оммаси бу воқеага бефарқ карамади, четда турмади.

ССЖИ МИК Туркистонда миллий давлат чегараланишини ўтказиш тўғрисида карор қабул қилгач, янги жумхурият ва муҳтор жумхурият идораларини тувиш ишлари бошланиб кетди. Туркистон МССЖ ерларида Ўзбекистон ва Туркманистон иттифоқдош жумхуриятлари, Ўзбекистон ССЖ таркибида Тожикистон муҳтор жумхурияти (1929 йилдан иттифоқдош жумхурият), Кирғизистон Мухтор Совет Социалистик Жумхурияти таркибида Коракалпок муҳтор вилояти ташкил қилинди.

Ўзбекистон ССЖ ерларида ҳокимият мувакқат иккилоғий комитет ихтиёрига ўтди. Бу таъсис мажлиси чакирилганга қадар бўлган биринчи ўзбек жумхурияти ҳукумати эди. Унинг ранслингига Ф. Ҳўжаев тайинланди. Ўзбекистон ССЖ таркибига: собиқ Туркистон МССЖ ерларидан 41 волость, Жиззах, Каттақўргон, Ҳўжанд, Самарқанд, Сирдарё, Андижон, Қўкон, Наманган, Фаргона, Шоҳимардон, Водил районлари; собиқ БСХЖ ерларидан Бойсун, Бухоро, Гузор, Карши, Кармана, Нурута, Шаҳрисабз, Сариосиё районлари; собиқ ХХСЖ ерларидан Гурлан, Урганч, Хива районлари кирди. Ўзбекистон таркибида Тожикистон Мухтор Жумхурияти ҳам мавжуд эди. ЎзССЖнинг умумий ер майдони (Тожикистондан ташқари) 312394 кв. км. бўлиб, аҳолиси 3 млн. 963 минг 285 кишидан иборат эди. Миллий таркиби: ўзбеклар — 74,2 фоиз, тожиклар — 7,8 фоиз.

руслар — 5,6 фоиз, қозоқлар — 2,4 фоиз, қирғизлар — 2,04 фоизни ташкил қылар, колганлари бошқа миляттардан иборат эди. Ўзбекистон ССЖ ташкил топган вақтда Самарканд пойтахт шахар эди. 1930 йилдан босилаб Тошкент жумхурият пойтахтига айланди. Ўзбекистон халқ хўжалигининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, бу тармоқда аҳолининг 85 фоизи банд эди. Ўзбекистон ССЖ I 195 000 десятина суюғориладиган ер олди. Туркистондаги 10321000 бош қорамолдан 2.590.000 боши Ўзбекистонга берилди. Шунингдек 185 та завод-фабрика, 981 та ўрта ва бошланғич мактаб, 24 та техникум, 8 та ўрта профессионал-техникум, 8 та фабрика-завод ўкув юртлари, Ўрта Осиё Дорилфунуни, Ўрта Осиё коммунистик дорилфунуни ва бошқалар мавжуд эди. Хуллас, 1924 йилда Ўзбекистон ССЖнинг ташкил топишни Ўзбек халқи учун, унинг давлат ва маданий курилиши учун маълум даражада аҳамият касб қилди, албатта.

Лекин миллый давлат чегараланишининг ўтказилиши жуда катта нуксонлар билан олиб борилди. Масалан, минг йиллар давомида ўзбеклар яшаган конуний ерлар бошқа жумхуриятларга ўтиб кетди, чегаралар жуда ноаниқ қилиб белгиланди, ягона иктисодий, маданий, тарихий илдизга эга бўлган бир бутун минтақа эндиликда «Туркистон» ва «Шарқий Туркистон» ерларига булиб юборилди. Туркистоннинг ўзи яна ўз наубатина турт жумхуриятга бўлинди. Янгида иайдо қилинган жумхуриятларда янги «адабий тиллар» ўйлаб тошлиди, ҳар бир жумхурият олдинги тарихини ўзларича бузиб, кечалина бирга яшаган қўшинисининг тарихидан фарқ қиласган ҳолда янгича «тарих» яратса бөшлади. Минг йиллар давомида бирга яшаб, бир-бирини тушунган турк халклари эндиликда бирни иккинчисини тушунмайдиган, ўқий олмайдиган ёзувларни ўйлаб топдилар. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ўзбекларнинг, ёки Қирғизистон ҳудудида яшаётган ўзбекларнинг, ёки Ўзбекистонда яшаётган қирғизларнинг ота-боболари, авлод-аждодлари ўша ерларда минг йиллар давомида шағанлар, биргалашиб ўз тарихини, маданиятини, санъатини яратганилар, душманларга қарши биргаликда кураш олиб борганлар, ўз давлатларининг мустақиллигини биргалашиб саклаганлар. Бир-бирларига қиз беришиб, ҳуда-андада бўлиб, борини ҳам, йўғини ҳам бирга тотиб ўрганлар, хурсандчиликни ҳам, мусибатларни ҳам бирга тортганлар. Эндиликда ўша ҳар тарафлама ягона ҳисоб-

ланган минтақада миллій давлат чегараланишининг ўтка-
зилиши натижасида ягона бир халқ бўлган турк халқлари
орасига ўзаро ишончсизлик, душманлик уруғини сочиб
кўйдилар. Мана шу уруғ 64—65 йил ўтгандан кейин
Фарғона, Марғилон, Кўкон, Ўш, Ўзган фожиалари
сифатида кўкариб чиқди. Бу воқеалардан Туркистон
халқларининг келажак авлод-аждодлари тўғри хulosса
чиқариб олишлари лозим.

1925 йил 8 февралда Бухорода Ўзбекистон Коммунистик партиясининг I съезди очилди. Съездга 16570 коммунист номидан 294 ҳақиқий, 95 маслаҳат овози билан делегатлар қатнашди. Съезд жумхурият халқ хўжалигини тездан кўтариш, дехконларнинг иқтисодий ва маданий ахволини тубдан яхшилаш, комсомол, касаба уюшмалари ишларини, дехкон ташкилотларини йўлга солиш, жадаллаштириш, жойларда Совет идораларини ташкил килиш, уларни миллӣ таштириш, оқсоқоллар ҳокимиятини бекор килиш, босмачи тўдалари колдикларини тезда тутгатиш, идораларни миаллий кадрлар билан таъминлаш каби масалаларни мухокама килди ва тегишли карорлар қабул килди. Съезд жумхурият МИКни, ҳукуматини сайдади. 1925 йил 13 майда чакирилган ССЖИ Советларининг III съезди Ўзбекистон ССЖ ва Туркманистон ССЖларининг ССЖИ таркибига ихтиёрий равинида кўшилиш масаласини мухокама килди ва тегишли карорлар қабул килди.

Бундай ташкилий ишлар Тожикистон Мухтор Совет Социалистик Жумхуриятида ҳам бошланди. Гарм, Бадаҳшон, Шугнан, Рушон ерларида ҳали ҳам давом этётган босмачиллик харакатларини тездан тұхтатиши, хўжаликни кўтариш, дехконларни фаоллаштириш, маҳаллий идоралар ишнин жонлантириш, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш ишлари олиб борилди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарга жавоб топиш керак?

1. Туркистондаги ижтимоний-иқтисодий ахвол.
2. Саноатни тиклаш вазифалари.
3. Кишлөк хўжалигини тиклаш учун кураш.
4. Маданий қурилиш.
5. Ўрта Осиёда миллій давлат чегараланиши ўтказилишинин оқибатлари.

Нималарни ўқиш керак?

1. Ш. Түрдиев. Туркистон мустакиллiği ҳақида. Фан ва турмуш 1989, 11-сон

2. Т. Нажмидинов. Хуррият сабоқлари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1987 йил 23 октябрь.
3. О. Сирожов. Кураш ва ғалабаларнинг шонли йўли. Ўзбекистон ғитатори, 1984, 7-сон.
4. Бўлиннишни нимадан бошлаган. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил 7 май.
5. С. Зиёдуллаев. Иктисадий ва социал тараққиёт йўлидан. Совет Ўзбекистони, 1984, 1-сон.

19- §. ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ ҲАЁТ САРИ: 1924—1938 ЙИЛЛАР

Ўзбекистон меҳнаткашлари ВКП(б)нинг XIV съезди қарорларини амалга ошира бориб ҳалқ хўжалигини ривожлантириш учун кураш бошлади. Тез орада 149 та саноат объектлари ишга туширилди. 1925 йилда жумҳурият саноати 21 та тармоқка эга эди. Шундан цемент, металл ишлаш, қурилиш, кимё-фармацевтика, консерва ишлаб чиқариш тармоқлари янгидан ташкил этилди. Жумҳурият ҳалқ хўжалигида саноат 38,4 %ни, қишлоқ хўжалиги 61,6 %ни ташкил этар эди. Ўзбекистон ҳали тиник аграр жумҳурият эди. 1928 йилда саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши 1926 йилга нисбатан 126,7 %га, бюджет — 124,4 %га, юк ташиш — 117,8 %га, ишчиларнинг умумий микдори эса 117,3 %га кўпайди. 1926—1928 йилларда ССЖИ да саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши 47 %га ўсган бўлса Ўзбекистонда 57 %га кўпайди. Социалистик индустрлаштириш ССЖИда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам каттиқ синфий кураш остида олиб борилди. Шундай бўлса-да, энергетика, нефть, кўмир, кимё, металл ишлаш, қурилиш материаллари, енгил ва оғир саноат турлари ривожланиб борди. Жумҳуриядаги округлар бекор қилиниб, районлар ташкил этилди. Бу жуда катта воқеа бўлиб, жойларда ҳалқ оммасининг фаоллигини оширди.

**1925—1929 йиллар-
даги ер-сув исло-
хоти**

1925 йилда ҳам Ўзбекистонда ер масаласи жуда мураккаб масала сифатида колаверди. Суғориладиган ерларнинг 30 фоизи ҳали ҳам шаҳар ва қишлоқ бойлари қўлида қолмоқда эди. Фарғона вилоятида 3,4 %. Самарқандда — 2,1 %, Тошкентда — 12,5 %, Зарафшонда — 28,4 % дехқонлар умуман ерсиз эди, ҳолбуки айrim вилоятларда йирик бойлар қўлида 250, 500, 800 танобдан бор эди. 1925 йил ноябрь ойида бўлган ЎзКП(б) II съезди жумҳуриядаги ер-сув ислохоти ўтказиш тўғрисида карор қабул килди. Бундан мақсад, қишлоқларда ишлаб

чиқарувчи кучларни жадал тараккӣ эттириш, чорикор, мардикор, батрак каби энг камбағал қатламларни ер билан таъминлаш, ер олган хўжаликларга асбоб-ускуна, иш ҳайвонлари, иш қуроллари бериш эди. Ер-сув ислоҳоти камбағал дехконларнинг фаол иштирокида олиб борилди ва каттиқ синфий кураш остида ўтди. Ислоҳотнинг ўтказилиши натижасида қишлоқларда сиёсий вазият кескин ўзгарди. Ер, ишлаб чиқариш қуроллари ва иш ҳайвонлари олган дехкон қатламлари фаоллашди, Шуро ҳукумати ўтказаётган ҳар қандай сиёсатга қизиқадиган, унда иштирок этадиган, уни амалга ошириш учун курашадиган кишиларга айланди. 1925—1927 йилларда ер-сув ислоҳоти биринчи босқичининг Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятларида муваффакиятли ўтиши 1928—1929 йилларда Қашқаларё, Сурхондарё ва Хоразм ил юргизида унинг иккинчи босқичини ўтказиш учун шароит яратди. Бу вилоятларда 1929 йили ер-сув ислоҳоти ўтказилиши. Бу срларда ҳам ер, иш ҳайвонлари, иш қуроллари олган дехконлар янада фаоллашдилар, вазият Шуро ҳукумати фойдасига қаратилди.

Кохозчилик ҳаракатининг ўсиши Ҳалқ хўжалигини тиклаш, социалистик индустранини ўтказиш ва бошқа амалга оширилган тадбирлар асосида Ўзбекистонда хўжаликлар аҳволи яхшидана борди. Лекин жамоалаштириш арафасида жумхурнят қишлоқ хўжалигининг асбоб-ускуналар билан таъминланиш даражаси Россиядагидан 11 марта кам эди. Агар Россияда камбағаллар умум аҳолининг 35 %ини ташкил қилган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 43 %ни ташкил этди. Кооперацияларга бирлашиш жиҳатидан Ўзбекистон дехконлари ССЖИда энг юкори кўрсаткичда туар эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товар хусусиятлиги, маҳсулотларни сотиш дехконларни кооперацияларга бирлашиш заруриятини келтириб чиқарар эди. Шунинг учун ҳам 1923—1926 йилларда жойларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот хусусиятига кўра кооперациялар тузилди. Масалан, пахтачилик, чорвачилик, мевачилик, ипакчилик, мелиоратив, кредит ва хоказо кооперациялар дехкон хўжаликларини кўтаришда, маҳсулотларни сотишда жуда катта роль ўйнади. Дехкон хўжаликларини фаоллаштиришда, уларни шуроларга тортишда, идора органларига қатнаштиришда «Қўшчи» уюшмаларининг роли ҳам каттадир.

Хужум

Ўзбекистоннинг ўзига хос турмушни, хўжалик таркиби, оила ва хуқук хусусиятларига кўра инқилобга қадар хотин-қизлар ахолининг хуқуксиз, хўрланган қисми хисобланиб, уларга буюм сифатида қаралар, шариат ва одат нормаларига карши салгина норозилик билдирганлар каттиқ тан жазосига, ҳатто ўлимга ҳам ҳукм қилинар эди. Асрлар давомида яшаб келган бидъат, хурофот инқилоб ғалабасидан кейин ҳам давом этаверди. Хотин-қизларни озод қилиш масаласини бошқа хўжалик ва сиёсий масалалар билан боғланмаган ҳолда ҳал қилиш мумкин эмас эди. Бу масала миллий масала билан боғлиқ бўлиб, ижтимоий муносабатларни қатъий синдириш, жадаллик билан маданий, миллий, хўжалик масалаларини ҳал қилмок лозим эди.

1924 йил декабрда ВКП(б) МҚ Ташкилий бюроси, 1925 йил февралда ССЖИ Марказий Ижроня Комитети Президиуми Шарқ жумхуриятларида хотин-қизлар ахволи, уларни озод қилиш, бунга қаршилик килаётганларга қарши кескин кураш олиб бориш масалаларини кўриб чиқди. 1926—1927 йилларда бутун Ўзбекистон шахар ва кишлоказларида хотин-қизларни озод қилиш учун сиёсий фаоллик кучайиб борди. 1927 йил «Хужум» номи билан тарихга кирди. Паранжи, чочвон, хотин-қизларнинг ўй қулига айлантирилишига қарши оммавий митинглар бўлиб, паранжиларни кўйдириш, озод бўлган хотин-қизларни артелларга, кооперацияларга тортиш, алоҳида бригадалар ташкил этиш, тикиш цехлари, мактаблар очини оммавий тус олди. Хотин-қизларнинг озод бўлшинга қаршилик кўрсатган ҳар қандай унсурлар алоҳида суд қилинадиган бўлди. «Хужум»нинг муваффакиятни боришида ЎЗКП МҚ қошида ташкил этилган маҳсус комиссия жуда катта роль ўйнали.

Хотин-қизларни озод қилиш шарт эди. Чунки ахолининг ярмидан кўпроғини ташкил қилувчи хотин-қизлар ўй чўриси бўлиб қололмас, яратилаётган янги жамиятнинг афзалликларидан улар ҳам ўз улушларини олишлари, ўз ўринларини топишлари керак эди. Кўпчилик жойларда хотин-қизларни паранжи, чочвондан қуткариш, уларни фаол равишда янги ҳаётга иштирок эттириш учун кураш ҳар ҳолда тушунириш йўли билан, зарурий шарт-шароитларни яратиш йўли билан олиб борилди. Лекин хотин-қизларни эски турмуш қуллигидан қуткариш ва янги турмушга фаол иштирок эттириш учун олиб борилган бу курашда айрим партия, шўро, комсомол раҳбарлари-

нин. шошма-шошарлиги, фоизлар орқасидан қувиш, юкорига муддатидан олдин ҳисоб бериш йўли билан сохта обру орттириш учун қилган харакатлари, айrim ҳолларда бу ишга бириктирилган кишиларнинг сиёсий жиҳатдан саводхон бўлмаганлиги сабабли бу муҳим сиёсий ишда баъзан бузилишлар, қўпол хатоликлар, аҳолини ранжишиш, унга дўк-пўписа қилиш, буйруқбозлиқ ҳоллари юз берди. Юзини очган ва фаол турмуш чорраҳаларида ишонч билан қадам ташлаётган айrim хотин-қизларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишлар сабабли баъзан «хужум» харакатига шубҳа билан қараш, ёки қайтадан паранжи ёниш ҳоллари рўй берди.

Умуман олганда берилган қурбонлар, кўрсатилган қаршиликларга қарамай, «Хужум» муваффакият билан давом этди. Факат 1927 йилнинг ўзидағина 100 мингларча хотин-қиз паранжисини ташлади ва янги ҳаёт сари шонилди. Очилган хотин-қизлар зудлик билан турли кооперацияларга, касаба уюшмаларига, қишлоқ, район шўро бошқарни жамоаларига жалб қилинди, қисқа курсларда савод чиқариб турли ишлаб чиқариш корхоналарида ижтимоий-фойдали меҳнат қилишда катнаша бошлади.

Биринчи беш йиллик режанинг қабул килиниши 1929 йил апрелида ВКП(б) МК ва МҚК Пленумидан кейинок XVI Бутунитти-фок партия конференцияси биринчи беш йиллик режани тасдиқлади. Май ойида эса ССЖИ Советларининг V съезди режани иккни вариантда: қулай ички ва ташқи вазиятларни ҳисобга олган оқилона ва анча мураккабликлар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган минимал варианtlарни қабул қилди. Ҳар иккала вариантда ҳам мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, қишлоқда социалистик укладни кенгайтириш, якка дехқон хўжаликларининг 18—20 %ини жамоа хўжаликлирига, 85 %ини қишлоқ хўжалик кооперацияларига жалб қилиш мўлжалланди. Аммо қўп ўтмасдан ҳар иккала вариант қўшиб юборилди, баъзи бир кўрсаткичлар жадаллаштирилди. Давом этаётган индустрлаштириш жараёнини маблағ билан таъминлаш мақсадида хусусий секторни, саноатдаги буржуа эксплуататор синфларни, қишлоқдаги қулоқларни иқтисодий босим остига олиш мақсадида уларнинг тўлайдиган солик миқдорлари кўпайтирилди. Нархлар оширилди. Айrim норозилларга қарамасдан дехқонларнинг соликлари яна оширилди.

Ички заёмларни доимий равишда чиқариш ва уларга

ёзилиш ҳоллари ихтиёрийликдан мажбурийликка ўтди. Қоғоз пуллар яна ҳам кўпайтирилди ва бошқа мамлакатлар пулига алмашиш мумкин бўлган валюта ва олтин пуллар эндиликда муомаладан чиқариб олинди. Мана шу йўл билан давлат аҳолидан 40- йилларга кадар 50 млрд. сўмни шилиб олди. 1928 йилда озиқ-овқатга ҳамда саноат молларига жорий қилинган карточка системаси 1935 йилларга келиб тугатилди.

1929—1933 йилларда, капиталистик мамлакатларни иқтисодий таназзуллар қоплаган бир вактда, бизда ўта каттиккўллик билан амалга оширилаётган индустрлаштиришнинг, қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришининг дастлабки натижалари аник кўрина бошлади. Масалан, беш йиллик бошларига келиб мамлакат ишчилар синфи урушдан олдинги микдоридан ошиб кетди. 1940 йилга келганда улар 8,3 млн. кишини ташкил қилди. Бу ўша вактда мамлакатимиз учун қиёс килиб бўлмайдиган буюк иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик воеа эди. Биринчи бени йиллик режанинг қабул қилинини билан Ўзбекистон меҳнаткашлари олдига ҳам ҳалқ хўжалигини реконструкция қилиш, кўп тармокли саноат корхоналарини барпо этиш, ўенб бораётган қишлоқ хўжалигини янги техника билан жиҳозлани ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш каби вазифалар кўйилди. Қатрия, Нифайрамсой, Янгиарик, Даргом, Тошкент, Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Шаҳрисабзда замонавий гидро ва иесиклик электростанциялари қуриш, эски корхоналарни кенгайтириш ва янги жиҳозлар билан қайта куроллантириш ишлари олиб борилди. Бу вазифалари бажарни учун мавжуд маҳаллий ишчилар микдорини 10 мингдан 40 мингга кўпайтириш, унинг резервларини тайёрланиш ишларини бажариш, ишлаб чиқаришга хотин-қизларни жалб этиш, уларнинг микдорини 12 фонздан 43 фонзга кўтариш вазифалари кўйилди.

Жамоалаштиришнинг ўтказилиши

1929 йилдан бошланиб кетган колхозчилик ҳаракати ҳали қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш деган сўз эмас эди. Гарчи 1927—1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти қишлоқда феодал муносабатларни кескин камайтирган бўлса ҳам, ҳали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, унинг куроллар, асбоб-ускуналар, иш ҳайвонлари билан таъминланиши жуда паст эди. Қишлоқда ҳали қулоқ хўжаликлари мавжуд эди. Ўзбекистонда колхозчилик ҳаракатини муваффакиятли олиб бориш

учун бу ерга Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенск, Орехово-Зуево, Калуга каби шаҳарлардан 25 минг партия ходимлари, дурадгорлар, темирчилар, табобат ходимлари, слесарлар, сиёсий ходимлар юборилди. Колхозчилик харакати «оммавий» тус олди. 1929 йил баҳорида жамоа хўжаликларига 3,4 фоиз дехқонлар бирлашган бўлса, 1930 йил баҳорига келиб 27,7 фоиз дехқонлар бирлашиди. Айrim ҳолларда дехқонларни тайёрламасдан, уларга ҳеч нарса тушунтирилмасдан маъмурӣ-бўйруқбозлиқ асосида жамоа хўжалиги тузиш ишларида сўл оғмачилик, партия сиёсатини бузиш ҳоллари рўй берди.

1930 йилдан бошлаб МТСлар қуриш, жамоа хўжаликларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, кадрларни жойларга кўйиш ишлари кўшиб олиб борилди. Суғорида-диган районларда жамоалаштириш ишлари 1933 йил бошларида тутади. Жумхуриятнинг 79 районидан 61 тасида 74,9 фоиз дехқонлар жамоа хўжаликларига бирлашди. Экин майдонлари 530 000 гектардан 928 000 гектарга, пахта етириш 5 000 дан 75 300 тоннага кўпайди. 1932 йилда ССЖИ да етиштирилган пахтанинг 60 фоизи Ўзбекистон меҳнаткашларининг зиммасига тўғри келди.

1930 йилларда «Пахта мустакиллиги учун қураш» ниқоби остида пахта яккаҳокимлигининг ўрнатилиши ва унинг тобора кучайиб бориши сабабли экиндор ерлар камайиб кетди.

30- йилларга келиб мамлакатимизда маъмурӣ-бўйрукбозлиқ, соҳта дабдабабозликлар, шахсга сифиниш каби социализмга ёт бўлган номақбул ҳолат узил-кесил қарор топди. Кўплаб меъморчилик ёдгорликлари, мачитлар бузиб ташланди. Ўзининг тўғри сўзлиги, жасурона харакати билан кимларгадир тегиб кетган, партия сиёсатига карши чиққан кишилар катагон қилина бошлиди.

1946 йилда «Ленинград» ва «Звезда» ойномалари тўғрисида ҳукуматининг адолатсизликка, зўравонликка асосланган қарори эълон қилиниб зиёлиларга қарши янгидан юриш бошлиди. Жуда кўплаб адабиёт, санъат, маданият арбоблари шахталарда, камоқхоналарда, сургуналарда кириб ташланди. Бу мудхиш воқеаларнинг акс садоси Ўзбекистонда айниқса даҳшатлирок кўринди.

Қатагон йилларида гуноҳсиз кишиларни жисмоний жиҳатдан йўқ қилиш шу дараҷага бориб етдики, масалан, ВКП(б) МҚга сайланган 139 аъзодан 98 тасининг, ёки партия XVII съездига келган делегатларнинг съезддан

кейин кўп ўтмасдан деярли ҳаммасининг «халқ душмани» никоби остида отиб ташланишини қайси виждон мезони билан оқлаш мумкин?

Ўзбек халқининг севимли фарзандлари, давлат ва партия арбоблари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, машхур ўзбек адиллари Абдулла Кодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитратлар ҳам шахсга сифиниш даврининг курбони бўлдилар. Бугунги кунда ноҳақ жазолангандар окланди, уларнинг номларидан қора доғлар олиб ташланди. Бир қанча мактаблар, боғлар, кучалар, хиёбонлар, районларга уларнинг номлари берилди.

Иктисолий ҳаёт 1929 йилга қадар тузилган жамоа хўжаликлари «очиқ» бўлиб, унга ҳамма истовчилар, шу жумладан, қулоклар ҳам кириши мумкин эди. Аммо Лениннинг тавсияси билан ташкил этилган бу «эркин кооперация» эндиликда «казарма социализм» билан алмаштирилди. Шубҳасиз, бу ахвол уша вактда партия Марказий Комитетида А. В. Чаянов, Н. Д. Кондратьев каби айрим мутахассисларда порозилик келтириб чиқарса ҳам уларнинг эътиrozлари инобатга олини мади.

Сиёsat илмий ва ахлоқий асосларининг йўқ қилинини объектив равишда зўравонликка ва субъективизмга йўл очиб берди. 1929 йил баҳорида мамлакатни мизда «Ёппасига жамоалаштириш» бошланди. Лепин узининг «Кооперациялиз тўғрисида» асарида дехконларнинг жамоа хўжаликлари га киришлари ихтиёрий деб белгилаган булса, эндиликда бу конда ўзгартирилиб, жамоа хўжаликтарига кириш мажбурий деб эълон қилинди. Ким жамоа хўжалигига кирмаса қулок деб белгиланди ва у сургун қилинадиган бўлди. Мана шу «мажбурият» остида 1930 йилнинг дастлабки уч ойида мамлакатнинг 60 % дехконлари жамоа хўжаликлари га кирди. Социализм усив борган сари синфий кураш қучайиб боради деган нотўғри қоидага кура «қулок», «синифий душман», «халқ душмани» каби никоблар остида хўлу-куруқ аралашига кадрларни қатағон қилиш авж олди. 1929 йилда қулоклар аҳолининг 3 % ни ташкил қилас эди. 1930 йилда 15 % аҳоли қулок никоби остида қатағон қилинди. Энг яхши партия, совет, хўжалик кадрлари, мутахассислар суриштирилмасдан, суд қилинмасдан, «учлиқ» ёки «бешлиқ» деб аталган машъум шахслар томонидан отишга ҳукм қилинаверди. «Ёппасига жамоалаштириш» га ўтган жойларда тушунтирмаслик оқибатида ва айрим нотўғри ташвиқот асосида чорва моллари, айниқса иш ҳайвонлари оммавий равишда кириб

юборилди. 1933 йилларга келганд мамилакатда гүшт ва гүшт маҳсулотлариға нисбатан эҳтиёж жуда ошиб борди, иқтисодий қийинчиликлар, очарчилик келиб чиқди.

Маданий ҳаёт Маъмурӣ-буйруқбозлиқ бошкарув системаси ҳамма нарсага, шу жумладан маданий ҳаётга ҳам салбий таъсир кўрсатди. 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган Конституцияда гарчи ССЖИ ахолиси 9 ёшдан 60 ёшгача ёппасига саводхон дейилган бўлса ҳам, амалда 50 ёшдан юқори бўлган 25 млн. ахоли ҳали саводсиз эди. 40 йилларга келганд ҳалқ маорифига бериладиган маблағ жуда ҳам қисқартирилди, ўқитувчиларнинг иш ҳақи оз эди. Чоризм вактида ҳар бир синфда 15—17 та талаба ўқиган бўлса, эндиликда уларнинг сони 30—40 тага етказилди, бу эса таълим ва тарбия сифатининг пастлашувига олиб келди.

Ахволнинг оғирлигига қарамай, жумхураниятимизда ўша йиллари 336 та бино мактабга мослаштирилди, ўкувчилар миқдори кўпайди, қиска муддатли курслар ташкил қилиниб, катта ёшдаги саводсизлар ўқитила бошланди. Педагогика ва табобат институтлари, коммунистик дорилфунун, илмий текшириш институтлари ва бошқа ўкув юртлари ташкил қилина бошланди. Бу даврда бир қанча адабиёт ва санъат намояндалари етишиб чиқди. Уларнинг ажойиб, ҳалқчил, реалистик асарлари ҳақиқий маънода ҳалқ қалбидан жой олди.

Жумхурият иккинчи беш йилликда Иккинчи беш йиллик ҳалқ хўжалигини ривожлантириш давлат режасининг вазифаларидан бири чекка ўлкалар ҳалқлари хаётидаги мустамлакачилик қолдиқларини, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият, фан ва техника қолоқлигини тутгатиш, улардаги тараккиёт даражасини марказ билан тенглантириш эди. Инқилобдан олдин ахолининг 4/5 қисми жойлашган Ўрта Осиёда саноатининг 1/3 қисми жойлаштирилган эди. Еки марказ, Украина, Озарбайжон каби районларда жон бошига 273 сўмлик саноат маҳсулоти тўғри келса, Ўрта Осиёда 46 сўмдан тўғри келар эди. Иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи маҳсулоти 2,1 марта, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарниш 97,2 % кўпайиши мўлжалланди. Ўзбекистонда кора ва рангли металлургия саноати тармоқларини ташкил қилиш максадида Тошкентда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Чирчик кимё, Олмалиқ мис комбинатларини куриш, Октепа ва Қадрия электростанциялари кувватини

ошириш, шунингдек Тошкент ва Фарғонада тўқимачилик. Марғилонда ипак фабрикаларини ишга тушириш мўлжаланди. Хуллас, иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда 14 та саноат обьектларини қуриш ва ишга тушириш режалаштирилди.

Янги саноат марказларида миллий ишчилар синфи ташкил топа бошлади. Ташсельмаш, Таштекстильмаш, Чирчикхиммаш жамоалари мутахассислар тайёрлаш максадидаги ўз ишчиларини ўқита бошладилар. Бу даврда 537 000 ишчининг 37 фонзи ўзбек миллатига мансуб эди. Бу кўрсаткич тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати тармокларида 55 % ни, пойабзал ва ипакчилик саноати тармокларида 58 % ни ташкил килар эди.

Колхозчилик ҳаракати натижасида 1934 йилда 80,1 % деҳкон хўжалиги, 90,8 % экин майдонлари жамоа хўжаликтарига бирлаштирилди. МТСлар ва давлат хўжаликлари кошида 1769 та сиёсий бўлимлар ташкил қилиниб, улар жамоаларни сиёсий, хўжалик, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришни тўғри ўюштиришга, давлат режаларининг бажаридини тарьминлашга қаратилган ишларни бажардилар. МТСлар, улардаги тракторларининг миқдори кўнайиб борди. Масалан, 1934 йилда 15 та, 1935 йилда 25 та, 1936 йилда 26 та, 1937 йилда 25 та МТС тузилди. 1935 йилда унarda 12500 та трактор бўлган бўлса, 1937 йилда 18300 та трактор ишлаб турди.

Жумхуриятда индустрлаштириш ва жамоалаштириш билан айни бир вақтда ҳалқнинг ижтимоий ва маъданий даражаларини кўтаришга ҳам ҳаракатлар қилиниди. 1937 йилда 1930 йилга нисбатан ишчиларнинг иш ҳақлари бирмунча кўпайди, жамоа хўжаликларининг ва колхозчиларнинг даромадлари ҳам нисбатан ошди. Бу ижобий силжишлар маориф ишларини яхшилашга туртки бўлди. 1934 йилда жумхуриятда 15 000 та ўқитувчи бўлиб, улардан 8300 таси ёки 55,3 % и ўзбеклар эди. Иккинчи беш йиллик давомида бир қанча қарорлар қабул қилиниб, маорифчиларнинг иш ҳақларини ошириш тадбирлари белгиланди. 1937 йилга келганда жумхурият аҳолисининг саводхонлиги 67 %га кўтарилди. 1933 йилда Самарқандда дорилфунун ташкил қилиниши, И. М. Мўминов, Я. Фуломов, У. Орифов, С. Умаров, Х. Олимжон унинг биринчи талабалари бўлганлиги диккатга сазовордир. Ўрта Осиё давлат дорилфунуни айrim факультетлари базасида Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва иррига-

ция мұхандислари институти, Тошкент тұқимачилик институти, Тошкент темир йүл мұхандислари институти, Тошкент табобат институти каби олий үкув юртлари ташкил қилинди.

Нималарни билиш ва нималар ҳақида үйлаб қуриш керак?

1. Социализмнинг иктисадий асосларини қуриш учун зарурый шартшароитлар.
2. Ижтимоий, иктисадий ва маданий ҳаётда социалистик мұноса-баттарнинг ташкил топа бошлаши.
3. Социализмнинг иқтисодий асосларини яратиш учун кураш йилларида йүл қўйилган хатоликлар.

Нималарни үқииш керак?

1. Р. Жұраева, Г. Жұраева. Ўзбекистонда «Хужум» ҳаракати тарихидан. Ёш ленинчи, 1960 йил 8 март.
2. Г. Ризаев. Ер-сув ислохоти. Совет Ўзбекистони, 1967 йил 15 март.
3. С. Гиёсов. Ўзбекистонда колхоз тузумининг галабаси. Ўзбекистон коммунисти, 1987, 7-сон.
4. Ш. Тұлаганов, Г. Цой. Инсоншарварларларнинг илдизлари қаерда. Ёш күч, 1990, 9-сон.
5. А. Алиев. Хўрзик кўргани буюклар. Ёш ленинчи, 1991 йил 4 май.

20-§. ЎЗБЕКИСТОН 1938—1940 ЙИЛЛАРДА

Саноат

Иккинчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда 189 та саноат корхонаси құрıldı. 1937 йилда саноатнинг жумхурият халқ хўжалиги-даги салмоғи 67,1 фоизга етган бўлса, дехқон хўжаликлигининг 95 фоизи жамоа хўжаликларига бирлашган эди. Жумхуриятимизда қишлоқ хўжалигини жамоалаشتарищ туфайли пахта етишириш йил сайин кўпайиб борди ва бу кўрсаткич 1937 йилда 1 миллион 527,5 минг тоннага етди. Трактор паркларида 18 минг 267 та машинаси бўлган 163 та МТСлар ўша йили жамоа хўжалиги пахта майдонларининг 99,5 фоизига хизмат кўрсатди.

ВКП(б) нинг 1939 йил март ойида бўлиб ўтган XVIII съезді ССЖИ халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1938—1942 йилларга мўлжалланган учинчи беш йиллик режасини тасдиқлади. Бу режада 1942 йилда барча саноат маҳсулотларининг ҳажмини 92 фоизга (1913 йилга нисбатан 15 марта кўп), қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажмини 52 фоизга кўпайтириш мўлжалланган эди.

Шунингдек режада иттифоқдош жумхуриятларнинг иктисадиётини ривожлантира бориш кўзда тутилди.

Мамлакатнинг шарқий районларида индустрияни юксалтиришга, Совет давлатининг иккинчи саноат базасини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилди. Чирчиқда азот-ўғит комбинати, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида нефтни қайта ишлаш заводлари, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида янги кўмир шахталари, Олмалиқда мис эритиш комбинати қуриш мўлжаллаб қўйилди.

Беш йиллик ичидаги саноат ҳамда маҳаллий саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш мўлжалланди. Шу мақсадда тўқимачилик ва пахта тозалаш саноатларининг бир қанча навбати, тўртта пахта тозалаш заводи ва шу каби корхоналар қуриб битказилиши режалаштирилди.

Халқ хўжалиги манфаатлари ва аҳолининг маданий-майиший эҳтиёжларини кондирмок учун электроэнергетика саноатини ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур эди. Шу мақсадда Чирчиқда иккита электростанцияси, Кувасой ва бошқа электростанцияларини қуриб битказиш кўзда тутилди.

1939 йил декабрида ВКП(б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Чирчиқ ГЭС ини ва азот-ўғит комбинатининг биринчи навбатини қуриб биткашиб, уни 1940 йилнинг сентябрьда шунга тушуниш тўғрисида ҳамда шу йилнинг январида Чирчиқ электрохимия комбинатини қуриш тўғрисидаги карорига жавобан Тошкент шаҳар партия қўмитаси бу қурилишга 1100 ишчи ва муҳандис-техник ходимларнинг катта гурӯхини, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан 9 минг колхозчини юборди. Москва, Ленинград ва бошқа саноат марказларидағи 200 га яқин фабрика ва заводлар қурилишга металл, ёғоч, машина ва ускуналар етказиб бериб турди. Шу даврда жумҳуриятимизда 134 та янги саноат корхонаси ишга туширилди. Бошқа иттифоқдош халқлар сингари Ўзбекистоннинг индустриал тараққиёти мамлакатнинг моддий-техника базасини яратишга имкон берди.

Қишлоқ хўжалиги ВКП(б) XVIII съезди директиваларида ва Ўзбекистон К(б) П (1938 йил 19 июль) карорларида жумҳурият қишлоқ хўжалиги олидига ҳам катта вазифалар қўйилди. 1942 йилгача пахта етиштиришни 1,8—1,9 миллион тоннага, дон етиштиришни 1,5 миллион тоннага, пилла етиштиришни 1,7 минг тоннага, шинклиарни 39,1 минг бошга, қорамолларни 68,9 минг тошни кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Бу вазифалар ахамоа хўжаликларини ташкилий жиҳатдан янада мустаҳ-

ция мұхандислари институти, Тошкент тұқимачилик институти, Тошкент темир йүл мұхандислари институти, Тошкент табобат институти каби олий үкув юртлари ташкил қилинди.

Нималарни билишін және нималар ҳақыда үйлаб күрши керак?

1. Социализмнинг иқтисодий асосларини куриш учун зарурый шартшароитлар.
2. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда социалистик мұносабатларининг ташкил топа бошлаши.
3. Социализмнинг иқтисодий асосларини яратып учун кураш йилларида йүл қойылған хатоликлар.

Нималарни үқиши керак?

1. Р. Жұраева, Г. Жұраева. Үзбекистонда «Хужум» харакаты тарихидан. Еш ленинчи, 1960 йил 8 март.
2. Г. Ризаев. Ер-сүв ислохоти. Совет Үзбекистони, 1967 йил 15 март.
3. С. Гуссов. Үзбекистонда колхоз тузумининг галабаси. Үзбекистон коммунисти, 1987, 7-сон.
4. Н. Тұлаганов, Г. Цой. Иисошпарварларникіннің плдизлари қаерда. Еш күн, 1990, 9-сон.
5. А. Алиев. Хұрлық күргаң буюклар. Еш ленинчи, 1991 йил 4 май.

20- §. ҮЗБЕКИСТОН 1938—1940 ЙИЛЛАРДА

Саноат

Иккінчи беш йиллик даврида Үзбекистонда 189 та саноат корхонасы қурилды. 1937 йилда саноатнинг жумхурият халқ хұжалигидаги салмоги 67,1 фонзга етган бұлса, дегенде хұжаликпен 95 фонзи жамоа хұжаликларига бирлашған эди. Жумхуриятимизда қишлоқ хұжалигини жамоалаشتырыш туфайли пахта етиштириш йил сайин күпайнб борди ва бу күрсаткыч 1937 йилда 1 миллион 527,5 минг тоннага етди. Трактор паркларида 18 минг 267 та машинаси бұлған 163 та МТСлар үша йили жамоа хұжалиги пахта майдондарининг 99,5 фонзига хизмат күрсатди.

ВКП(б) нинг 1939 йил март ойида бўлиб үтган XVIII съезді ССЖИ халқ хұжалигии ривожлантириштің 1938—1942 йилларга мүлжалланған учинчи беш йиллик режасини тасдиклади. Бу режада 1942 йилда барча саноат махсулотларининг ҳажмини 92 фонзга (1913 йилга нисбатан 15 марта кўп), қишлоқ хұжалик махсулотларининг ҳажмини 52 фонзга кўпайтириш мүлжалланған эди.

Шунингдек режада иттифоқдош жумхуриятларининг иқтисодиётини ривожлантира бориш кўзда тутилди.

Мамлакатнинг шарқий районларида индустрияни юксалтишишга, Совет давлатининг иккинчи саноат базасини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилди. Чирчикда азот-ўғит комбинати, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида нефтни қайта ишлаш заводлари, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида янги кўмир шахталари, Олмаликда мис эритиш комбинати қуриш мўлжаллаб қўйилди.

Беш йиллик ичидаги саноат ҳамда маҳаллий саноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш мўлжалланди. Шу мақсадда тўқимачилик ва пахта тозалаш саноатлари нинг бир қанча навбати, тўртта пахта тозалаш заводи ва шу каби корхоналар қуриб битказилиши режалаштирилди.

Халқ хўжалиги манфаатлари ва аҳолининг маданий-маший эҳтиёжларини қондирмоқ учун электроэнергетика саноатини ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш зарур эди. Шу мақсадда Чирчикда иккита электр стансияси, Қувасой ва бошқа электр стансияларини қуриб битказиш кўзда тутилди.

1939 йил декабрида ВКП(б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг Чирчик ГЭС ини ва азот-ўғит комбинатининг биринчи навбатини қуриб битказиб, уни 1940 йилнинг сентябринда ишга тушириш тўғрисида ҳамда шу йилнинг январида Чирчик электрохимия комбинатини қуриш тўғрисидаги қарорига жавобан Тошкент шаҳар партия қўмитаси бу қурилишга 1100 ишчи ва муҳандис-техник ходимларнинг катта гурухини, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан 9 минг колхозчини юборди. Москва, Ленинград ва бошқа саноат марказларидаги 200 га яқин фабрика ва заводлар қурилишга металл, ёғоч, машина ва ускуналар етказиб бериб турди. Шу даврда жумҳуриятимизда 134 та янги саноат корхонаси ишга туширилди. Бошқа иттифоқдош халқлар сингари Ўзбекистоннинг индустриал тараққиёти мимлакатнинг моддий-техника базасини яратишга имкон берди.

Кишлок хўжалиги ВКП(б) XVIII съезди директиваларида ва Ўзбекистон К(б) П (1938 йил 1—9 июль) қарорларида жумҳурият қишлоқ хўжалиги олидига ҳам катта вазифалар қўйилди. 1942 йилгача пахта етиштиришини 1,8—1,9 миллион тоннага, дон етиштиришини 1,5 миллион тоннага, пилла етиштиришини 1,7 минг тоннага, шинклиарни 39,1 минг бошга, корамолларни 68,9 минг бошга кўпайтириш мўлжаллаб қўйилди. Бу вазифалар жамоа хўжаликларини ташкилий жиҳатдан янада мустаҳ-

камлаш, сув-хўжалик қурилишини кенгайтириш ва янги ерларни ўзлаштириш хамда жамоа хўжалиги ва давлат хўжаликларининг бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришдан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон шароитида пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада юксалтириш сув муаммоларининг ҳал этилиши билан чамбарчас боғлик эди. Аввало Фарғона, Зарафшон водийларидағи, Мирзачўл ва Хоразм воҳасидаги унумдор ерларни сув билан таъминлашни тартибига солиш керак эди.

Учинчи беш йиллик даврида Ўзбекистонда катта ирригация ишлари олиб борилди. 1938 йилдаёқ Поп райони меҳнаткашлари ўз ташаббуслари, ўз кучлари ва маблаглари билан 10 километрлик Лангар каналини қазидилар. Бу канал суви билан 600 га ер суғориладиган бўлди. 1939 йил 12 марта Исфайрамсой сувини кам сувли Шоҳимардонсонга ўтказиш учун канал қурилиши ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистон К(б) П Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети халқ ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-кувватлаб 1938—1940 йилларда «Ўзбекистон ирригация органларининг тузилмасини тасдиклаш тўғрисида», «Катта Фарғона каналини қуриш тўғрисида» ва яна бошқа маҳсус қарорлар қабул қилди.

Катта Фарғона канали қурилиши урушдан олдинги йиллардаги энг катта умумхалқ қурилиши бўлиб қолди. Ўзбекистон меҳнаткашларининг Катта Фарғона канали қурилишига рухсат сўраб Марказий Комитетга қилган мурожаатига жавобан Совет ҳукумати бу иш учун 20 миллион сўм пул, 200 автомашина, 60 трактор, 15 минг куб метр ёғоч ва бошқа қурилиш материаллари ажратди. Бундан руҳланган қурувчилар бир ғайратга ўн ғайрат кўшиб ишладилар. Натижада узунлиги 270 километр, эни 25—30 метр бўлган У. Юсупов номли Катта Фарғона канали қурилиши 45 кунда бажарилди. Бунинг оқибатида 500 минг гектардан кўпроқ ердаги суғориш ишларини яхшилаш ва 60 минг гектар ерни ўзлаштириш имкони яратилди. 2 минг жамоа хўжалигининг еридан ўтган бу канал Ўзбекистондаги 32 пахтакор районни ва 5 шахарни, шунингдек қардош Тожикистоннинг тўртта районини сув билан таъминлади. Бу ғалабалар кишиларнинг чинакам байналмилал ўзаро ёрдами, қардошлигининг бетакрор намунаси эди.

Ўзбек дехқонларининг меҳнатлари ўз самарасини

кўрсатди, яъни янги ерларнинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилиши қишлоқ хўжалигидан мўл ҳосил олиш имконини берди. 1941 йилда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 17,4 ц дан пахта ҳосили олиниб, давлатга жами 1 миллион 645,8 минг тонна пахта топширилди. Ўзбекистон пахтанинг ҳосилдорлиги жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Шоли, ипак, каноп, дон экинлари етиштириш ҳам тез суръатлар билан ривож топди.

Шундай қилиб, «социалистик» жамият асосларини барпо этиш учун кураш даврида Ўзбекистон ССЖИнинг пахта базасига айланади. Бу ҳолнинг ўзбек ҳалқи учун жуда кимматга тушишини гарчи ўша йиллардаги марказий ҳокимият тепасида турган раҳбарлар сезсалар-да, аммо сезмасликка ҳаракат қилдилар, жумхурият раҳбарлари эса қаршилик қилишга ботина олмадилар. Натижада «пахта мустақиллиги» ҳар йили янги-янги ерларни ўзлаштириши, бу ерлар эса Амударё ва Сирдарёдан кўплаб сувларни олишни, бошқа экинлар учун ерларнинг ҳар йилига камайиб боришини талаб қилдики, бу ҳолат оқибатда жумхуриятда етиштирилаётган озиқ-овқат, чорва маҳсулотларининг муттасил камайиб боришига, ҳосилдорликни ошириш мақсадида инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган заарли моддаларни йилдан-йилга купроқ ишлаб чиқаришга, бу эса ерларни кучсизлантиришга, сувни, ҳавони ифлослашга олиб келди. Не-не машиқатлар билан етиштирилаётган пахтанинг давлатга прizon баҳода сотилиши аҳолининг тобора қашшоқлашувига сабаб бўлди.

Иқтисодиёт Ишсизликка чек кўйилиши билан шаҳар ва қишлоқларда қашшоқлик пайдийиб борди. Одамнинг одам томонидан эксплуатациянини каби социализмга ёт иллатлар ўтмишда колиб бетди. Лекин инсонни давлат томонидан эксплуатацияни мөддийлашиб борди. Социалистик ишлаб чиқарининг режали ҳарактери қарор топди. Ишчи ва меҳнатчиларнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариниңдаги меҳнат унумдорлигининг ошиб бориши натижасида қишиларнинг турмуш шароити ҳам нисбатан ишчиликниб бора бошлади.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш оғир, мураккаб шароитда олиб борилди. Совет наслумати оғир индустря билан бир вактда енгил саноатни озиқ-овқат ва маҳаллий саноатни ҳам бирдай

ривожлантириб борди. Миллий даромаднинг кўпайиб бориши кишилар турмуш шароитларининг нисбатан яхшиланиб боришидан далолат берувчи кўрсаткичга айланди.

Бу вактга келиб жамоа хўжаликларининг иктисадий, ижтимоий ва маданий имкониятлари анча ошди. Ҳар бир меҳнатчи хўжалигига тўғри келадиган ўртача пул даромади 1934 йилдаги 529 сўмдан 1939 йилда 3063 сўмга етди, меҳнат кунига тўланадиган ҳак эса ўрта ҳисобда 8 баравар кўпайди.

Урушдан олдинги тўққиз йил ичидаги Ўзбекистондаги айрим кўримсиз кишлоқлар ўрнида шинам посёлкалар пайдо бўла бошлади. Жамоа хўжаликларида правления биноси, театр, болалар боғчалари, ҳаммоллар, туғруқхона ва касалхоналар курила бошланди. Жамоа хўжаликларининг даромадлари ҳам кўпайиб борди. Уруш бошланишидан олдин Ўзбекистонда 600 га яқин миллионер жамоа хўжалиги мавжуд эди.

Фан ва маданият Учинчи беш йиллик даврида маориф, фан ва маданият соҳасида айрим ютуклар қўлга киритилди. 1937 йилдан 1940 йилгача Ўзбекистонда 224 та мактаб курилди ва уларнинг сони 5504 тага етди. Бу мактабларда 1 миллион 315 минг бола ўқиди.

Ўзбекистонда олий ва ўрта маҳсус таълим тараккий этди, илмий муассасалар тармоғи кенгая борди. 1940 йилда жумҳуриятда 30 та олий ўқув юрти, 98 та техникум ва бошқа ўрта маҳсус ўқув юртлари бор эди. Бу вактга келиб 100 минг ўзбек халқ зиёлилари етишиб чиқкан эди.

1940 йилда Тошкентда жумҳурият ўқитувчиларининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Съезд миллий педагог кадрлар ўсганлигини, улар ёш авлодни имкон қадар тарбиялаш ва ўқитишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшаётганлигини қайд килди.

1939 йил 1 сентябрдан бошлаб мактабларда рус тилини ўқитиш кучайтирилди. Илм-фан муваффақиятли ривожланиб борди. 1940 йилда жумҳуриятимизда 109 та фан доктори, 510 та фан номзодлари бор эди. Етарли илмий потенциалга эга бўлган жумҳуриятимизда 1940 йилда ССЖИ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали ташкил этилди. Мазкур филиал жумҳуриятда фаолият кўрсатаётган 55 хил илмий-текшириш муассасаларининг ишига раҳбарлик килиб турди.

Учинчи беш йилликда ўзбек алфавитини ислоҳ қилиш амалга оширилди. Лотинлаштирилган ўзбек ёзуви рус

графикаси асосидаги янги алфавитга күчирилди. Бу билан бутун тарихимиз, маданиятимиз ўз ифодасини топган сувимиздан маҳрум булиш онлари бошланди.

Бу йилларда ўзбек совет адабиёти ва санъати ривож топа борди. Адабиёт ва санъат арబблари ўз асарларини яратиш билан бирга ўзбек китобхонлари ва томошабинларини рус ва жаҳон адабиёти намуналари билан яқиндан танишириди. 30—40- йилларда Ойбек, Ҳамид Олимжон, Гафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Амин Умарийлар кенг китобхонлар орасида шухрат қозонди. Айни вактда халқ оғзига тушган, унинг муҳаббатини қозонган машҳур адибларимиздан Абдулла Қодирий Ҳисмон Носир, Чўлпон ва Фитрат ҳамда бошқа ёзувчиларимиз ва шоирларимиз қатағон қилинди.

Жумҳурият кинематографияси ҳам бу йиллар ичida янги фильмлар билан бойиди. Тошкент киностудияси ўзбек тилидаги дастлабки овозли фильмларни яратди. Ўзбек ҳалқининг ер ва сув учун курашга бағишлиланган «Қасам», янги тузум тўғрисида ҳикоя қилувчи «Азамат», илғор тўқувчилар ҳаётини акс эттирган «Асал» фильмлари шулар жумласидандир.

Ўзбек мусиқа ва театр санъати жиддий муваффакиятларга эришди. Бастакор Мухтор Ашрафий билан С. Н. Василенко ижодий ҳамкорликда ишлаб, К. Яшин тибреттоси асосида биринчи ўзбек операси — «Бўрон» операсини ёздилар. 1940 йилда Р. М. Глиэр билан Т. Содиковнинг «Лайли ва Мажнун» музикали драмаси яратилди. Ўзбек давлат опера ва балет театрининг ходимлари «Шоҳида» номли биринчи миллый балетни тайёрлаб, муваффакиятли равишда сахналаштириди. Урушдан олдинги йилларда Ҳалима Носирова, Манион Үйгур, Етим Бобоҷонов, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтураева, Карим Зокиров, Мукаррама Турғунбоева ва бошқа кўпгина ажойиб саҳна усталари етишиб чиқди.

Ўзбекистонда матбаа ишлари ҳам ривожланди. Ўзбек ҳалқи марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўз она тилида ўрганиш имкониятига эга бўлди. 1941 йилда Ўзбекистонда 52 та ойнома ва 183 та рўзнома чиқарилди.

Сиёсий-тарбиявий
ишлар

Партия ва ҳукуматимиз урушдан олдинги йилларда барча совет кишилирида, айниқса ёшларда совет ватан-парварлиги ва байналмилаллиги, социалистик Ватанини фидокорона ҳимоя қилишга тайёр туришдан иборат юксак туйғуларни тарбиялашнинг таъсирчан шакл ва усуллари-

ни топа олди ва кенг күллай билди. Кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилди; шаҳар, район ва етакчи саноат корхоналари ҳузурида партия кабинетлари ишлай бошлади. Уларда К. Маркс, Ф. Энгельс ва В.И.Лениннинг турли мавзудаги назарий фикрлари ўргатилар эди.

Инқиlobий ҳарбий хушёрик, империалистик боскинчиларга қатъий зарба беришга донмо тайёр бўлиб туриш, мамлакат бутун куч ва воситаларини инқиlobий мудофаа ишига сафарбар этиш, совет кишиларида ўз ҳалқининг тарихий ўтмишига чукур ҳурмат билан караш, ўз ватандошларининг жаҳон фани ва маданияти хазинаси га жуда катта ҳисса қўшғанлигидан фахрланиш руҳида тарбиялашдан иборат ишлар кенг йўлга қўйилди. Ўзбекистон партия ташкилотлари ўзи олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишларда матбуот ва радио эшииттиришдан хам кенг фойдаланди.

Бу тадбирларга қарамай, жумхуриятда хотин-қизларга инебатан бой-феодалларча муносабатда бўлиш хали давом этар эди. Шунинг учун корхона, муассаса ва агитпунктларда куплаб хотин-қизлар иштирок этган йиғилишлар бўлиб турди. Уларда Шарқ хотин-қизларининг инқиlobдан олдинги ва Совет ҳокимияти давридаги ҳаёти тўғрисида гапирилиб, паранжини тамомила йўқотишга даъват этиларди. 1940 йил 30 январда Свердлов номли театрда шаҳар хотин-қизлари фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда хотин-қизлар орасида тушунтириш ишларини кучайтириш ва уларни ҳўжалик, давлат хамда маданий қурилишга кенг тортиш чоралари масаласи мухокама қилинди.

1940 йилининг январида чакирилган Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг VI Пленуми карорларини амалга ошира бориб кўпгина мачитлар, черковлар, қабристонлар ёпилди. Бу фактлар атеистик таргиботнинг гўё «тасирчанлиги», одамларининг онгги ва феъл-атворидаги «утмишнинг диний ва бошқа саркитлари»нинг зўрма-зўраки бартараф килинаётганилигини кўрсатса, айни вактда, шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, худди мана шу вактдан бошлаб, Совет давлатининг динга, динга ишонувчи фукароларга, динни муассасаларга нисбатан олиб бораётган сиёсатида кўпсл бузилишлар пайдо бўлди, тушунтириш ишлари, аксарият ҳолда зўравонликка, диний туйгу, ҳиссиётлар устидан кулишга, уни камситишга алмаштирилди. Баъзан диндорларни қамаш ҳоллари бўлди.

1918 йил 23 сентябрда В. И. Ленин имзоси билан эълон килинган «Черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратиш ҳакида Декрет»га кўра фуқароларга берилган инждан эркинлиги тамомила поймол қилинди. РСФСР Конституциясининг 117-моддасида берилган хукуклар **хам** бекор қилинди.

Нималарни билиш ва нималар ҳақида ўйлаб кўриш керак?

1. Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистонда социализм асосларини иратиш — бугунги кайта куриш нигоҳида.
2. Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар.

Нималарни ўқшиш керак?

1. Абдуллаев Х. М. Ўзбекистонда совет фанининг 40 йиллиги. Т., Үздавнашр, 1958.
2. Абдуллаев Ш. Ш. Ўзбекистон халқларининг ўтмишдаги мавжуд тарихсизлигини тугатиш тарихидан. Т., Ўздавнашр, 1959.
3. Кориниёзов Т. Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. Т., Ўздавнашр, 1955.
4. А. Уваров. Ишчилар синфи тарихи. Ўзбекистон маданияти, 1965 йил 6 январь.

21-§. ҲАММА НАРСА ҒАЛАБА УЧУН

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси бир-бирига ҳужум китмаслик ҳақидаги 1939 йилда тузилган шартномани хиёнаткорона бузиб Совет Иттифоқига босқинчи-тарча ҳужум қилди. Мамлакатимиз халқларининг тинч олиёдкорлик меҳнати тугади. Совет халқининг Улуғ Ватан уруши бошланди. ССЖИ халқлари ўз социалистик Ватанини бир жон, бир тан бўлиб ҳимоя қилишга отландилар.

Совет ҳукумати олиб борилаётган бу урушнинг **автолатли** уруш эканлигини, Ватанин ҳимоя қилиш, социализмнинг ғалабаларини саклаб қолиш ҳар бир совет кинесининг муқаддас бурчи эканлигини халқка тушунтириб берди, фронтда мардлик ва қаҳрамонлик билан жанг сиптишга, армия билан халқнинг яхлит бирлигини таъминлашга чакирди.

Ўзбек халқи ҳам гитлерчилар Германиясини тор-мор сиптишга муносиб ҳисса қўшиш учун куч-ғайратини ямади. Урушнинг биринчи кунларида ёқ жумҳурияти-милийнинг барча йирик шаҳар ва қишлоқларида кўп минг ғанилилк митинглар бўлиб ўтди. Митингларда ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган сўзлар янгради. Ишчилар синфи Ватан истаган вақтда станокларни — пулемётлар-

га, болғаларни — мильтикларга алмаштиришга тайёр эканликтарини билдирилар. Корхоналарнинг ишчилари: «Бизлар ўзимизни сафарбар килинган деб хисоблаймиз ва ўз топширикларимизни бажармагунча ўз жойимиздан жилмаймиз!» деган шиор остида меҳнат киёдилар.

Уруш бошланган куннинг эртасида ёқ Октябрь инкилоби номидаги завод ишчилари смена бошланмасдан 2 соат один тўпландилар. Улар гудокни кутмасданоқ ўз дастгоҳлари одига келиб ишни бошлаб юбордилар ва ўша куни 12 соат сурункасига ишладилар.

Жумхуриятимиз дехконлари хам барча Совет халки билан ҳамфир ва ҳамдард эканликларини изхор этиб, фашизмни қаҳр-газаб билан лаънатладилар, душманни тор-мор килишга ўзларининг тайёр эканликларини билдирилар. «Биз колхозчилар,— дейилади Тошкент вилояти Корасув район XVII партия съезди номидаги жамоа ҳужалиги митингининг карорида,— ишчилар, меҳнаткаш зиёдилар билан бирга Ватанимиз құдратини мустахкамлаш учун барча кучимизни беришга тайёрмиз, құлимизга курол олиб кўп миллатли Ватанимизни химоя килишга тайёрмиз ... Пахтадан мўл-хосил етиштирамиз! Фашизмни битта қўймай кирамиз! »

Жумхуриятимиз хотин-қизлари хам Ватан мудофааси учун жонбозлик билан меҳнат киёдилар. Улар фронтга кетган эркакларнинг ўринини босиш учун станокларни эгаллашди, дала ишларига чиқдилар. Тошкент шаҳар Октябрь районининг ўзидағина уй-рўзгор ишлари билан шуғулланувчи икки мингдан ортиқ аёл фабрика ва заводларга бориб қиска муддат ичида ишлаб чиқариш касбларини эгаллади. Уруш бошланганидан кейин бир йил ичида 12 мингдан ортиқ хотин-қизлар автомашина ва трактор хайдашин ўрганиб олди.

Уруш йилларида Ўзбекистон меҳнаткашларининг ватанипарварлиги хилма-хил кўринишларда намоён бўлди. Совет халқларининг ўзи тўплаган шахсий маблагларини армия ва давлатга ёрдам тарикасида бориб турғанилиги уруши вақти учун характерли бўлган оммавий ватанипарварлик кўринишларидан бири бўлди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг ташаббусини яқдиллик билан кувватлаб, урушнинг биринчи кунларида ёқ мудофаа фондига жами 30 миллион сўм пул, кимматбаҳо буюмлар ва заём облигацияларини топширди. 1943 йилда эса мудофаа фондига 316 миллион сўм пул тушибди. Бундан ташкари, жумхурият меҳнаткашлари

мудофаа фондига 2389 центнер дон, 1808 центнер гүшт, 325 центнер курук мева ва шу кабилар берди.

Шунингдек одамлар ўз ихтиёри билан рангли ва кора металл парчаларини тўплаб берди. Қўкон комсомоллари айникса яхши меҳнат килиб, 160 тонна кора металл ва 2800 кг рангли металл тўплаб беришли. Жумхураниятизмнинг ёші ватанипарварлари завод ва фабрикаларда, пахтазорларда, темир йўлларда фидокорона ишладилар. Улар ишлаб топган 2,5 миллион сўм пул танк куриш фондига берилди.

Ўзбек халки кўчириб келтирилган завод ва фабрика ишчиларини ҳамда уруш бўлаётган районлардан келтирилган фукароларни меҳрибонлик билан кутиб олди, уларни туар жой, озиқ-овқат билан таъминлади. Ўзбекистон ота-онасиз колган 200 мингдан ортиқ болани ғамхўрлик билан ўз бағрига олди. Бу борада кўплаб онлалар ва меҳнат жамоалари чинакам инсонпарварлик намуналарини кўрсатди.

Иктисадиётнинг харбий изга кўчи- риши

Душман устидан галаба килиш учун Ўзбекистон меҳнаткандари жуда киска муддат ичидаги янги завод ва фабриклар, шахта ва нефть конлари, ГЭСлар ва янги сугориш нишоотлари барча этишлари зарур олди. Чунки уруш фронтини жуда кўп микдордаги курол яронлар, инжоматлар ва озиқ-овқатлар билан узтукеиз таъминлаштиришни талаб киларди. Мудофаа эҳтиёжлари учун зарур микдорда пӯлат, чўян, прокат, кўмир, нефть ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарни, жуда киска муддатларда Ўзбекистонни Совет Армиясига курол-ярог, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берадиган энг катта базалардан бирига айлантириш зарур эди.

Жумхурият халқ хўжалигини қайта куриб ҳарбий изга болиш билан алоказадор асосий масалаларни хал қилишда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг 1941 йил 16-кабрь ойнда бўлиб ўтган V Пленуми катта роль ўйнади. Пленум Ўзбекистонда оғир саноатни вужудга келтирмоқ учун барча ички ресурсларни сафарбар килишга доираник тадбирларни белгилаб берди. Шунингдек унда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аввало пахта ҳосилдорлигини ошириш, дон етиштиришни кўпайтириш, тарбачилик ва пиллачилик маҳсулдорлигини ошириш читан боғлиқ бўлган масалалар хам кўриб чиқилди.

Партия чакириғига жавобан Тошкент тўқимачилик

комбинати, Наманган ёғ заводи, Самарқанд тикувчилик фабрикаси ва бошқа кўпгина корхоналар 1941 йил ноябрь ойининг охиридаёқ йиллик режани муддатидан олдин бажарди. Чирчик гидростанцияларининг иккинчи навбати курилиб тугалланди. Мис, кўроғошин, вольфрам, молибден қазиб чикарадиган янги корхоналар қиска муддат ичида ишга туширилди. «Узбекуголь» кўмир конларида иккита шахта фойдаланишга топшириш учун тайёрлаб қўйилди ва Тошкентни шу шахталар билан туташтирадиган темир йўл курилиб бўлди. «Калининуголь» трести 1941 йилда топширикни қарийб икки баравар ошириб бажарди. Нефть қазиб чикариш режаси 120 фоиз килиб адо этилди.

1942 йилнинг охирларида бир қатор саноат корхоналарида электр энергиясининг тақчиллиги сезилиб колди. Бунинг натижасида Тошкент тўқимачилик комбинати шу йилнинг охирги кварталида 553 минг тонна калава ипни кам ишлаб чиқарди. Тошкентдаги 1- пахта заводи уч ой ичида давлатга 3 минг тоннага яқин толани, 9 минг тонна техникавий чигитни кам берди ва ҳоказо.

Янги гидростанциялар вужудга келтириш энг муҳим ҳарбий хўжалик ва сиёсий тадбир бўлиб колди. 1942 йил ноябрьда (18) Давлат Мудофаа Комитети Ўзбекистонда Салор, 1- Куйн Бўзсув (биринчи навбатини), 2- Оқковок (иккинчи навбатини) ва Фарҳод ГЭСларини куриш учун 1 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ажратди.

1943 йилнинг февралида Ўзбекистон К(б) П Марказий Комитетининг VII Пленуми ГЭС курилишига доир бир қанча аник чораларни белгилаб берди, Партия ташкилотлари энг ажойиб ташкилотчи ва мутахассисларни Фарҳод ГЭСи курилишига юборди. Ўзбекистонда гидростанциялар куриш тезкорлик усули билан амалга оширилди. Натижада жумҳуриятда электр энергияси ишлаб чиқариш 1940 йилдаги 322,9 миллион киловатт-соатдан 1943 йилда 1 миллиард 40,8 миллион киловатт-соатга етди.

1945 йилнинг бошларига келиб 15 та янги электр станцияси, шу жумладан Ўрта Осиёдаги энг йирик ГЭСлардан бири бўлган Фарҳод ГЭСи курилиб фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида кимё маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,5 бараварга, нефть ишлаб чиқариш 3 бараварга ошди.

Йирик саноат корхоналарининг Ўзбекистонга кўчириб келтирилганлиги жумҳурият иктисадий қувватини ёппасига кучайтиришга, саноат маҳсулотининг ўсишига, ишлаб чиқариш техникавий маданиятининг ошишига ҳам ёрдам

берди. Бу корхоналарнинг кўплари уруш тамом бўлгандан кейин жумҳуриятда қолиб кетди.

Уруш йилларида Ўзбекистонга 93-та йирик завод ва фабрикалар кўчириб келтирилди ва ҳаммаси бўлиб 280 та корхона ишга туширилди. Жумҳурият ҳукумати ана шу корхоналарни тезроқ ишга тушириш учун бу ишга бутун ҳалқни отлантириб, барча ички ресурсларни сафарбар қилди. Саноатда қурол-яроғ, ўқ-дори, станоклар, электр ускуналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўрта Осиёда кора металлургиянинг тўнғичи хисобланган Бекободдаги металлургия заводи 1944 йил марта дастлабки маҳсулотни бера бошлиди.

Улуғ Ватан уруши қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари учун ҳам қаттиқ синов бўлди. Уруш Ўзбекистон дехкончилги тузилмасига ҳам катта ўзгаришлар киритди. Жумҳурият учун янги бўлган техника экинларини (қанд лавлаги, каноп ва шу кабиларини) ўзлаштириши, шунингдек сабзавот ва полиз маҳсулотларини кўпайтириши вазифаси қўйилди. Жамоа чорвачилигини юксалтиришга ҳам аҳамият берилди. Бироқ пахтачилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий тармоги бўлиб қолаверди.

Ўзбекистон К(б)И Марказий Комитетининг V Пленуми (1941 йил 5—7 декабрь) қишлоқ хўжалик экинлари экиласидиган майдонларни кўпайтириши, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва пиллачиликни янада ривожлантириши муаммоларини кўриб чиқди. 1941 йилда жумҳурият жамоа хўжаликлари давлатга 1657,2 минг тона ёки 1940 йилда Караганда 200 минг тона кўн пахта тошинирди. Жамоа хўжаликларида ҳосилдорлик гектар бошига ўрта хисобда 29,7 центнерни, давлат хўжаликларида 33,7—35 центнерни таникли қилди. Дон етишириш бўйича ҳам улкан ютуқлар кўлга киритилди. 1942 йилда жумҳурият давлатга 241,5 минг центнер ёки 1941 йилдагига Караганда 34,7 % кўп дон берди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг VI Пленуми (1942 йил сентябрь) пахтачилик жумҳуриятнинг асосий экини бўлиб қолаверишини таъкидлади. Бироқ 1942—1943 йилларда пахта ҳосилдорлиги кескин камайиб кетди, давлатга режадагидан I миллион тоннага яқин кам пахта топширилди. Бунга аввало экин майдонлари тузилмасининг ўзгариб кетганлиги, иш кучи, техника, минерал ўғитлар етишмай қолганлиги, шунингдек кўпгина раҳбар ташкилотлар қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни уруш вактининг вазифаларига мувофиқ қайта қура

олмаганларни сабаб бўлди. 1944 йилда Ўзбекистон меҳнаткашлари Кизил Армиянинг ғалабаларидан руҳлашиб, 1820 минг тонна ёки 1942 йилдагига қараганда 325 минг тонна кўп пахта етишитирди. Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армиясини таъминловчи асосий ўлкалардан бирни бўлган Ўзбекистон Урал, Кузбасс, Қозогистон билан бир каторда фронтни қурол-яроғ, озик-овқат ва кийим-бош билан таъминлаб турди.

**Жангү-жадаллар
мардликни талаб
қиласи**

Урушининг биринчи кунлариданоқ соvet кишилари дарҳол фронтга, ҳаракатдаги Кизил Армия ва Флот сафларига юборишини сўраб ҳарбий комиссарликларга ариза бера бошладилар. Бу аризалар Ватанга меҳр-мухаббат ва душманга иисбатан чексиз нафрат руҳи билан суворилган эди. Жумҳуриягимизда ҳам мингминглаб оддий меҳнаткашлар ўз ихтиёrlари билан кўнгилли бўлиб фронтга жўнаб кетдилар. Бағдод ноҳиясидаги 2-МТС комсомоллари ҳамда Фарғона вилоятининг Киров районидаги Киров ва Карл Маркс номли жамоа хўжаликларининг ҳамма комсомоллари фронтга отланди.

1941 йил 22 июндан 8 июлга қадар Самарқанд вилоятидаги ҳарбий комиссарликларга кўнгиллилардан 1316 та ариза тушди. Жумҳуриятимиз хотин-қизлари ҳам Ватан мудофаасига кўнгилли бўлиб отланниди. 1941 йил 4 августига қадар тушган 2988 та аризанинг 613 таси хотин-қизларга тегишли эди. Ота-оналар ўзларининг ўғил ва қизларини фронтга жўнатар экан, уларга: факат қаҳрамон бўлиб қайт, бизнинг элнимизда қўрқоқларга ўрин йўқ, дер эди. Уларининг бу сўзларига жавобан юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар Улуғ Ватан уруши фронтларида Ватанимиз озодлиги ва мустакиллиги учун қаҳрамонона жанг қиадилар. Ўзбек ўғлонлари Ленинград мудофаасида, Москва остоналарида, Волга соҳилию Днепр бўйларида барча совет халқлари катори улар билан елкама-елка туриб фанизмни кон қақиатди. Сталинград ёнида сон жиҳатидан ўттиз марта ортиқ бўлган душман йўлини тўғсан Шарқнинг ўи бир фарзанди (тўққизта ўзбек, битта қозоқ ва битта татар) кўреатган қаҳрамонлик кенг шуҳрат қозонди. Лекин жангчилардан бир кишигина тирик қолади. Хозирги кунда ушбу жой «Шарқнинг ўи бир қаҳрамони тепалиги» деб аталади.

Уруш ҳаракатлари бошлангандан кейин орадан салвакт ўтмай ўзбекистонлик жангчиларининг ботирлиги ва шижаоти тўғрисида жумҳуриятга ҳабарлар кела бошлади.

Брест қалъасини ҳимоя килувчилар орасида Н. Содиков, А. Абдуллаев, А. Арслонбеков, С. Бойтемиров, А. Алиев, Г. Хидиров, У. Ўтаев ва бошқа шулар каби ўзбек ҳалкининг шавкатли фарзандлари ҳам бор эди.

Жанглар оловида истеъдодли ўзбек командирлари етишиб чикди. Генерал-майор Собир Раҳимов қўмондонлик қилган ўзбек дивизияси Сталинград ёнида, Донбассда ва Кубань далаларида, Кавказ тоғлари тизмаларида муваффакият билан жанг қилди, Белоруссия ва Польшани озод қилишда катнашди, Шаркий Пруссияда фашистларни тор-мор келтирди. Гданск шаҳрини штурм қилиш вактида Собир Раҳимов оғир яраланиб ҳалок бўлди.

Уруш даврида Роза Иброхимова, Зебо Фаниева, Ҳоснит Усмонова, Сора Шукрова, Ҳоснит Миркаримова, Собира Мажидова ва бошқа кўпгина ўзбек аёлларининг номлари адабий шухрат қозонди.

Разведкачи Сайдусмон Қосимхўжаев Днепр дарёсидан ўтишда мислесиз мардлик кўрсатди. У дунман ўклари остида дарёнинг ўнг кирғогига биринчилар каторида сузиб утди ва хамма сузиб ўтишига сигнал бериб, у ерда байрок тикиди. Жасур разведкачига Совет Иттифоки Қаҳрамони узвони берилди.

Ўзбек ҳалкининг довюрак фарзанди, белорус ерида душман қуршовига тушиб қолган Мамадали Топиболдиев партизанлар отрядини тузиб, душманга кетма-кет зарбалар берди. Жасорати ва ботирлиги учун унга Совет Иттифоки Қаҳрамони деган юксак узвон берилди.

Ўзбек офицерлари Совет Иттифоки Қаҳрамонлари Ботир Бобоев, Солих Умаров ва бошқалар қўмондошлиқ қилган ҳарбий қисмлар душманнинг каттиқ қаршилигини сенгип, Берлин томон силжиб борди. Берлинни штурм қилишда катнашгандик учун гвардия полковники, кенинрок эса генерал-майор М. К. Узоков Ленин ордени билан мукофотланди. Юзлаб ўзбек жангчилари Москва ва Сталинграддан Берлингача бўлган жанговар йўлни босиб утдилар.

Душманга қарши шиддатли курашда ўзбек ҳалки мамлакатимизнинг барча ҳалклари билан биргаликда узининг Ватан олдидаги ватанпарварлик бурчини шараф билан адо этди. Фашизмга қарши курашда қаҳрамонлик курсатган 282 та ўзбекистонлик жангчига Совет Иттифоки Қаҳрамони деган юксак узвон берилди, 120 мингдан ортиқ тинни орден ва медаллар билан мукофотланди.

Уруш йилларида фан ва маданият Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон зиёлилари ўзларининг барча моддий ва маънавий кучларини сафарбар килишда анча ишларни бажардилар.

ССЖИ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали урушнинг биринчи кунларидан бошлаб жуда муҳим халқ хўжалик ва мудофаа муаммоларини ҳал килишда фаол қатнашди. 1941 йилнинг кузидаги ССЖИ Фанлар академиясининг Шарқшунослик, Тарих, Жаҳон адабиёти ва бошқа илмий тадқикот институтлари Тошкентга кўчиб келди. Бу муассасалар Ўзбекистонда фан ва маорифнинг ривожланишига муносаб ҳисса кўшди.

Улуғ Ватан урушининг энг қизғин пайтида, 1943 йил 27 сентябрда, ССЖИ Халқ Комиссарлари Совети Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясини ташкил этиш түғрисида карор қабул қилди. Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси таркибига жами 23 та илмий тадқикот институти кирди. Фанлар академиясининг ташкил этилиши жумҳурият фан ва маданият тараққиётидаги давр очди. Янги илмий муассасалар: физика-техника институти, математика ва механика, тупроқшунослик, тарих ва археология, иқтисодиёт ва шарқшунослик институтлари вужудга келтирилди.

Уруш даврида Урганч, Нукус, Наманган ва Марғилонда педагогика институтлари, 8 та педагогика билим юрти очилди. Бу даврда жумҳуриятимизда жами 41 та олий ўкув юрти, 52 та техникум ишлар эди.

Уруш кийинчиликларига қарамай совет мактаблари ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдан иборат ўз вазифасини бажариб турди. Ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган киска муддатли курслар ташкил этилди. Бу курсларда 1941 йилдан 1943 йилгача 10 минг киши мутахассисликни ўрганди. Бошқа ишларга кетиб қолган ўқитувчилар мактабларга кайтариб юборилди. Масалан, 1944—1945 ўкув йили бошлангунча факат Бухоро вилоятининг ўзидағина 55 минг ўқитувчи мактабларга қайтиб келди. Шундай ишлар килганлиги натижасида 1945 йилда жумҳурият мактабларининг педагог кадрлар билан таъминланиши 94,8 фоизга етди, бу эса халқ маорифи ташкилотларининг жиддий ютуғи эди.

Совет мактаблари ёш авлодни Ватанга, ўз халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялади. Ўқувчилар, педагоглар госпиталларда даволанаётган ярадор жангчиларни оталикка олар, ҳарбий хизматчиларнинг, Улуғ

Ватан уруши ногиронларининг оиласларига ёрдамлашар, фронт учун соввалар тайёрлар, металл парчалар тўйлар, кишлоқ хўжалик ишларида катнашар эдилар.

Уруш йилларида шоир ва ёзувчилар катта иш олиб борди. Улар совет кишиларининг қаҳрамонлигини, ватанпарварлигини, партия, Ватанга садоқатини, ҳалклар дўстлигини, партия мислий сиёсатининг тантанасини ўзларининг асарларида тараннум этдилар. Ойбекнинг «Кутлуг қон», «Навоий» романлари, Хамид Олимжоннинг «Ўлим босқинчиларга», Комил Яшиннинг «Қасое» каби асарларни жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Фафур Гулом ҳалкларининг қардошларча дўстлиги ҳақида «Мен Шарқдан келаётирман» номли шеърлар тўплами билан майдонга чиқди. Ўзбек ёзувчилари рус, украин, белорус ёзувчилари билан ҳамкорликда «Биз галаба козонамиз» деган альманах ва «Ўзбекистон шоирлари – фронтга» номли антология чиқардилар. Ўша йилларда Тошкентда ишлаган Алексей Толстой, Борис Лаврёнов, Якуб Колас, Всеволод Иванов ва бошқа атоқлиқ совет ёзувчилари ўзбек ёзувчиларига ёрдам берди.

Уруш йилларида Ўзбекистонда 37 та маҳаллий, 11 та кўчиб келтирилган театр ишлаб турди. Уларда чукур совет ватанпарварлиги билан сугорилсан, дунимаша ишсаган чексиз нафрат уйғотган бир кинча опера ва спектакльлар кўйилди. Уруш йилларида ўзбекистонлик санъаткорлар ҳаммаси бўлиб ҳарбий килемларда 15 миндан ортик концертлар кўйиб берди.

Совет ижтимоий ва давлат тузуми Улуғ Ватан уруши йилларида қаттиқ синовдан ўтди. Улуғ Ватан уруши галаба билан тугагандан кейин ўзбек ҳалки Совет Иттифокининг барча ҳалклари билан биргаликда хўжалик ва маданийтини ривожлантиришнинг янги, тинч даврига кадам қўйди.

Нималарни билиш ва нималар ҳақида ўйлаб кўриш керак?

1. Иктисолиётнинг ҳарбий изга кўчирилиши.
2. Урушдаги қаҳрамонликлар.
3. Уруш йилларида фан ва маданият.

Нималарни ўқиш керак?

1. *T. Турдиев*. Ўт ичидаги ўт очганлар. Фан ва турмуш, 1985, 5-сон.
2. *Ўзбекистонлик Совет Иттифоки Қаҳрамонлари*. Ўзбекистон коммунисти, 1985, 5-сон.
3. *С. Мирвалиев, Н. Бекмирзаев*. Буюк жасорат солномаси. Шарқ юлдузи, 1985, 4-сон.

4. И. Саломов. Катта синов ғалабалари. Саодат. 1985, 5-сон.
5. Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларидағи меҳнат ва ҳарбий жасорати. Т., «Фан», 1980.
6. Зинченко И. Истеъдодли ўзбек саркардаси. Т., «Ўзбекистон», 1978.

22- §. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЮҚСАЛИШИ

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагандан сўнг ССЖИ нинг барча жумҳуриятлари каби Ўзбекистон ҳам халқ хўжалигини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш йўлида тинч ижодий меҳнат қилишга киришди. Совет давлати урушдан кейинги даврда мамлакат олдида турган вазифаларини совет халқининг ўсиб бораётган меҳнат ғайратига ва ижтимоий-сиёсий фаоллигига таяниб муваффакиятли равишда ҳал этишни таъминлади.

Уруш тамом бўлмасданок, 1945 йилнинг баҳоридан бошлаб халқ хўжалигини тинч қурилиш изларига астасекин ўтказиш бошланди. Ўзбекистонда бу ишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Агар мамлакатнинг озод қилинган районларида биринчи навбатда вайрон бўлган хўжаликларни тиклаш керак бўлган бўлса, Ўзбекистонда бу вазифа саноатни тинчлик йўлида қайта қуришдан ва жумҳурият иқтисодиётини янада ўстиришдан иборат бўлди.

1945 йилнинг охирларида ёқ машинасозлик заводлари энди қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқарадиган бўлди. Трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар, ирригация эҳтиёжлари учун ускуналар, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтира борди. Жумҳурияданда уруш йилларида ёқ бошланган янги қурилишлар — Фарҳод ГЭСи, Ўзбекистон металлургия заводи ва бошқа шу каби қурилишлар авж олдириб юборилди. Оҳангарон ҳавзасида жуда катта янги кўмир разрезини қуриш бошланди.

Шу билан бир вактда Ўзбекистон озод қилинган районларни қайта қуришга ёрдам бериб турди, у ерларга ишлини кадрлар, саноат ускуналари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, чорва маҳсулотлари ва шу кабиларни юбориб турди.

ССЖИ Олий Совети 1946 йил 18 марта «ССЖИ халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришининг 1946—

1950 йилларга мұлжалланған беш йиллик режаси тұғрисида» қонун қабул қилиб, тұртингі беш йиллик режа лойиҳасини тасдиқлады. Тұртингі беш йилликнинг асосий вазифаси вақтінча босиб олинишдан заарланған ғарбий районларни қайта тиклашдан, саноат ва қишлоқ хұжалик ишлаб чиқариши ҳажмини урушдан олдинги даражага етказиш ва ошириб юборышдан иборат әди.

Ўзбекистон халқ хұжалигини янада ривожлантириш нинг 1946—1950 йилларга мұлжалланған беш йиллик режаси тұғрисидаги қонун Ўзбекистон ССЖ Олий Совети нинг 1946 йил 30 августда очилған саккизинчи сессиясида тасдиқланды. Үнга биноан, Ўзбекистон ССЖ қишлоқ хұжалигининг ҳамма тармоқларига сарфланадиган капитал маблағтарнинг умумий ҳажми бутун беш йил ичіда 3900 миллион сүмга етказилиши, шу жумладан, маҳаллий саноат тармоқлари бүйіча бу құрсаткіч 1266 миллион сүмни ташкил этиши лозим әди. Оғир саноатта сарфланадиган капитал маблағтар жәми қилинадиган сарфларнинг кариіб 50 фоизини ташкил этиши зарур әди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши беш йилликнинг охирги йилига бориб 1940 йилдагига нисбатан 89 фоизга күпайтириш мұлжалланды. Режага мувофик 1950 йилнинг үзидагина Ўзбекистонда 86 минг тонна пұлат әритилиши лозим әди.

Беш йил ичіда саккизта катта ва үрта гидростанцияларни, биринчи навбатда жами 303 минг киловатт-соат кувватга эга бүлган Фарҳод ГЭСини қуриб битказиш режалаштирилди. Шу тарика Тошкент, Фарғона, Андіжон ва Самарқанд вилоятларнинг саноаттің янада үстірмөк учун, жумладан, минерал үгітлар ва қишлоқ хұжалик машиналари ишлаб чиқармок учун мустаҳкам-энергетика базаси таъминланадиган бүлди.

Нефть қазиб чиқариши 1940 йилдагига нисбатан 7 баравар күпайтириш режалаштириб қойилди. Бунда Фарғона водийсидаги конларни үзлаштиришга биринчи галда эътибор берилди. Шу билан бир вактда, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида жуда катта газ захираплари мавжудлиги аникланды. Бу беш йилликда Андіжон газ кувурини кенгайтириш ва Полвонтош билан Ленин райони үртасида газ қувури қуриш белгиланди.

Ўзбекистоннинг транспорт хұжалигини янада юксалтиришга ҳам катта эътибор берилди. Биринчи навбатда узунлиги 615 километрга етадиган Чоржүй — Кўнғирот темир йўлини қуришиш керак әди. Беш

йиллик режада барча алоқа воситаларини ривожлантириш ҳам кўзда тутилди. Жумладан, 1950 йилгача 422 та қишлоқ Совети, МТС ва жамоа хўжалигини телефонлаштиришни тугаллаш режалаштирилди. Телефон станцияларининг қуввати кариб икки баравар ошди. Тўртинчи беш йилликнинг охирига келиб саноат маҳсулотининг ялпи микдори 1940 йилдагига қараганда 83 фоизга кўпайди. 150 дан ортиқ янги саноат корхоналари ишга туширилди. Шу вакт ичидаги кўмир қазиб чиқариш уч баравардан зиёд, электр энергияси ҳосил қилиш ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кариб икки баравар, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш маълум даражада кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини, аввало пахтачиликни қайта тиклаш ишига тоят катта эътибор берилди. 1946 йил 2 февралда Халқ Комиссарлари Советининг «1946—1950 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш режаси ҳамда тадбирлари тўғрисида» қарори эълон қилинди. Бу қарорда Ўзбекистонга катта моддий-техника ёрдами кўрсатиш назарда тутилди. Икки йил ичидаги пахтачиликни урушдан илгариги даражага етказиш ва пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун зарур шароитлар яратиш мўлжалланди.

Жумхурият қишлоқ хўжалиги техника билан мунтазам равишда куроллантириб борилди. 1950 йилнинг охирига бориб МТСлар 2752 та бульдозер, 758 та скрепер, 606 та грейдер ва бошқа минглаб қишлоқ хўжалик машиналари олди. Пахтачилик ишини механизациялаш бўйича мавжуд машиналар такомиллаштирилди.

Ўзбекистонда машина-трактор станциялари тўртинчи беш йиллик охирида 245 тага етди. 1950 йилнинг ўзидаёт жумхурият қишлоқ хўжалиги кариб ярим миллиард сўмлик трактор олди. Шу вактнинг ўзида механизация мактаблари ва курсларини 19,5 минг тракторчи, яъни 1940 йилда жумхуриятда бўлган тракторчилардан 3,5 баравар кўп тракторчи битириб чиқди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг 1947 йилнинг мартада XVI Пленуми ва ундан кейин жумхурият пахтакорларининг бўлиб ўтган IV Қурултойи ВКП(б) Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларини муҳокама килди ҳамда барча қишлоқ хўжалик ходимларига мурожаат қилиб, уларни мусобақани кенг авж олдиришга, пахта учун умумхалқ юришини бошлашга чақирди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини юксалтириш

учун умумхалқ харакати бошланиб кетди. Пахтакорларнинг ўзаро мусобақаси, шунингдек Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Жанубий Қозогистон ва Озарбайжон пахтакорлари ўртасидаги мусобака бу харакатда муҳим роль ўйнади. Улар ўртасида ҳар йили ўтказилиб туриладиган ўзаро текширишлар ва тажрибаларни ўртоқлашиш пахта далаларидаги ишларнинг сифатини яхшилашга ёрдам берди. Жумҳуриятнинг ўзида ҳам районлар, жамоа хўжаликлари, бригада ва звенолар ўртасида мусобака авж олиб кетди.

Вилоятлар ўртасидаги мусобақада Андижон вилояти биринчи ўринни олди. Бу вилоят 112 минг гектар майдонда пахта ҳосилдорлигини кариб бир ярим баравар кўпайтириди, ҳосилдорлик гектар бошига 12,5—18,6 центнерни ташкил этди. 1946 йилда Ватанга жумҳурият бўйича 1 миллион 428 минг тонна пахта топширилди.

Ўзбекистон жамоа хўжаликларини ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун 1949 йил январда бўлиб ўтган Ўз КПнинг XII съезди 20 минг кишини Мирзачўл, Сирдарё, Бекобод ва Бўка районларига кўчириб келишга, уларнинг микдорини янада кўпайтиришга қарор қилди. Амалга оширилган ана шу ва шунга ўхшаш тадбирлар туфайли 1948 йилдан бошлаб пахтачилик урушдан олдинги даражага етказилди. Жумҳуриятимиз Ватанга 1949 йилда 1 миллион 703 минг тонна пахта берган бўлса, 1950 йилда 2 миллион 222 минг тонна пахта топшириди. Давлат режаси 77 минг тоннага ошириб бажарилди. Жумҳуриятда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 20,7 центнерга етди.

Тўртинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг бошка тармоқлари ҳам муваффакият билан ривожланди. Пилла етиштириш бир ярим баравар, сув экинлари ҳосили уч баравар, ҳўл мева уч баравар, узум бир ярим баравардан зиёд, сут етиштириш ярим баравар кўпайди. Шундай қилиб, 1946—1950 йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳалқ хўжалиги урушдан олдинги даражасидан анча ўзиб кетди, унинг Совет Иттифоқи иктисадиётидаги роли янада ортди.

**Социализмнинг
яратувчи кучлари** Тўртинчи беш йиллик режанинг кабул килинганлиги совет ҳалкининг тайрати ва меҳнатдаги фаоллигини янада юқсалтириди.

Урушдан кейинги биринчи беш йиллик режа топширикларини муваффакиятли бажариш учун жумҳуриятимиз

ишилар синфи бутун мамлакатда саноат ва кишлөк хұжалиги мәннаткашлари оммавий мусобақасининг ташаббускори сифатида майдонга чыкди.

Ўзбекистон металлургия заводида 1946 йил 30 августда 300 прокат стани ишга туширилғанлиги жумхурият ишилар синфининг катта ғалабаси эди. Бу завод жумхуриятимиз саноати учун юкори сифатли пұлат етказиб берувчи асосий корхона бўлиб колди. Завод учун керакли ускуналарни Урал ва Украина корхоналари тайёрлаб берди. Кўпгина ўзбек ёшлари Урал ва Сибирь заводларига бориб пұлат қўйиш ва прокат килишнинг юксак маҳоратини ўрганиб келдилар.

1947 йил февралда Тошкент тўқимачилик комбинатининг 800 га яқин ишчи ва мухандис-техник ходимлари йиллик режани муддатидан олдин бажариб оширилган мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар. XVI партия съездидеги Бухоро тикувчилик фабрикасида 500 ишчи мусобақага қўшилди.

Мусобақа давомида илғорлар сафи кўпая борди. 1947 йилда Тошкентнинг ўзидағина ишлаб чиқариш илғорлари 10 минг кишидан 20 минг кишига етди.

Ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш ва хом ашёни тежаш ҳаракати кенг кулоч ёди. 1947 йилда Тошкент тўқимачилик комбинатининг ўзидағина 200 дан кўпроқ рационализаторлик таклифлари тушди, Ўзбекистон бўйича эса бу кўрсаткич 3228 ни ташкил қилди. Бу таклифларни жорий килиш натижасида 15759 минг сўм тежалди.

1948 йил урушдан кейінги беш йиллик режани бажариш учун курашда хал килувчи йил бўлди. Ўзбекистондаги ҳар бир ишлаб чиқариш жамоаси, ҳар бир ишчи давлат режасини бажариш учун курашди. Натижада жумхурият саноатининг турли тармокларидағи юзлаб ва минглаб новатор илғор машинасозлар, кимёгарлар, төмирийўлчилар, тўқимачилар, озиқ-овқат корхоналарининг пешқадамлари 1948 йилда 1949 йилги ва ҳатто 1950 йилги режа топшириклари хисобига ишлай бошладилар.

Курилиш индустрияси корхоналарининг мусобақасида Қувасой цемент заводининг жамоаси мамлакатда биринчи ўринни олди, бу заводга ССЖИ Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғи 7 марта берилди.

Ўзбекистон металлургия заводида мартен цехининг пұлат эритувчиси Ҳофиз Фаниев кундалик топширикни 140 фоизга, «Шарикоподшипник» заводи силлиқловчиси

Үуломов, демонтажчи Шаҳобиддинова нормани 250—280 фоиз килиб бажариб борди.

Ўзбекистон саноати 1949 йил режасини 101 фоизга бажариб, ишлаб чиқариш ҳажмини 1948 йилдагига нисбатан 10 фоизга оширган бўлса, 1950 йилда жумҳурият саноатининг деярли ҳамма тармоқлари ўзларининг беш йиллик режаларини бажарди. Режадан ташқари 345 минг тонна кўмир, 33 минг тонна пўлат, 24 минг тонна прокат, 56 минг тонна цемент олинди.

Ишчилар синфиининг етакчилик роли туфайли ССЖИ халқ хўжалигини ривожлантиришининг умумдавлат режасига мувофиқ жумҳурият меҳнаткашлари шундай ютуқларга эришдиларки, бунинг натижасида Ўзбекистон саноати факат ўз эҳтиёжларинигина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг бошқа районлари эҳтиёжларини ҳам таъминлайдиган бўлиб қолди. Айни вактда қишлоқ хўжалик, транспорт, алоқа, савдо, соғлиқни саклаш, маориф, комсомол, касаба уюшмалари, маданият ходимлари ўзларининг меҳнатлари билан мамлакатимизда иктисолдиётни, фан ва техникани, маданиятни янада ривожлантириш учун курашар эканлар, худди ўша ижтимоий табакалар ҳам ўзларининг яратувчилик ролини бажармокда эдилар.

Ижтимоий ва маданий ҳаёт

Урушдан кейинги биринчи беш йиллик даврида халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантиришининг кенг дастури амалга оширила бориб, совет халқи турмуш даражасини юксалтиришида ҳам айрим муваффакиятларга эришилди.

Жумҳуриятмизда ҳам меҳнаткашларининг моддий фаровошлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик килиб турилди. Чунончи, Тошкент партия фаолларининг 1946 йил 14 майда бўлиб ўтган йиғилишида партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг дикқат ва эътибори «ишчилар, хизматчилар, муҳандис-техник ходимлар ва уларнинг оиласаларига моддий, майний ва маданий хизмат кўрсатишни кескин равишда яхшилаш,... уларни навбатда уйжой билан таъминлаш» зарурлигига қаратилади.

Тўртинчи беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг даромадлари анча купайди. 1946 йилда ёқ паҳтакор жамоа хўжаликларининг пул даромадлари анча ўсиdi.

1947—1950 йилларда партия ва хукумат зарур молларнинг ва озик-овқат маҳсулотларининг чакана пархларини

бир неча марта камайтириди. Нархлар пасайтирилганлиги туфайли Ўзбекистон меҳнаткашлари жами 5 миллиард сўм чамаси манфаат кўрди. Натижада саноат ва озик-овқат молларига, айниқса, гўшт, балиқ ва сабзавот консервала-рига, газламаларга бўлган талаб анча ошди.

Ўзбекистонда табобатнинг янги тармоқлари ривожланди. Завод ва фабрикаларда, қишлоқ жойларда табобат муассасаларининг шоҳобчалари кенгайтирилди, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланди, табобат ходимларининг малакаси оширилди. Хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилашга, меҳнат гигиенаси, хавфсизлик техникаси қоидаларига қаттиқ риоя қилинишига алоҳида эътибор берилди. Даволаш-санитария ва профилактика муассасалари тармоғи 1950 йилда урушдан илгариги даражага нисбатан 56 фоизга кўпайди. Врачлар сони қарийб икки бараварга, болалар боғчалари ва яслилари сони ҳам икки бараварга кўпайди. Янги санаторий, курортлар ва дам олиш ўйлари очилди. Наманган вилоятида Чорток курорти сувлари, Тошкент минерал сувлари бутун мамлакатда машҳур бўлди.

Тўртинчи беш йиллик даврида маданий қурилиш соҳасида ҳам муваффакиятлар кўлга киритилди. Мактабларни, илмий, маданий-маърифий муассасаларни ва соғлиқни саклаш ташкилотларини ривожлантириш, олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари ва маҳсус ўрта ўқув юртлари орқали мутахассислар тайёрлаш соҳасида беш йиллик режанинг асосий топшириклари бажарилди. 1950 йилда жумхурият умумий таълим мактаблари сони 5056 тага ва шу мактаблардаги ўқувчилар сони 1 миллион 331 минг кишига етди.

Олий ўқув юртлари ва техникумларга маҳаллий миллатлардан бўлган, айниқса узок районлардан келган ёшлар тобора кўпроқ жалб қилинди. Жумхурият олий ўқув юртларига 1950 йилда 1940 йилга нисбатан 3,5 баравар кўп талаба қабул қилинди. Техника ва қишлоқ хўжалик ўқув юртлари анча кенгайтирилди. Улар пахтачилик эҳтиёжлари учун керакли мутахассисларни, мухандислар, механизаторлар, зоотехниклар ва агрономлар кўпроқ тайёрлаб берадиган бўлиб қолди.

Тўртинчи беш йилликда маданий-маърифий муассасалар анча кўпайди ва кенгайди. Кутубхоналар сони 5 баравар, уларнинг китоб фонди 6 баравардан зиёдрок, клублар сони 1,6 баравар, киноустановкалар сони 3 баравар кўпайди.

Матбуот ҳам анча ривожланди. 1940 йилда жумхуриятда нашр этилган китоблар нусхаси 11,2 миллионга, 1950 йилда эса 15,8 миллионга етди.

Ўзбекистон ёзувчилари ишчилар, меҳнаткашлар ва зиёлилар ҳаётига бағишиланган кўпгина юксак бадиий асарлар яратдилар. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романлари ва бошқа кўпгина асарлар шулар жумласидандир. Драма, мусика ва опера театрларининг репертуари А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Комил Яшиннинг «Офтобхон» сингари замонавий пьесалари ва мусиқали асарлари билан бойиди.

Ўзбекистонда бу йилларда ижтимоий-иктисодий, маданий соҳалардаги айрим ютуқлар билан турмушдаги ҳақиқий манзарани таққослаб бўлмас эди. Ҳали иктиносий қийинчиликлар ошиб-тошиб ётар эди. Чунки уруш туфайли давлат ва жамоа хўжаликларидан армия учун кўплаб транспорт воситалари, иш ҳайвонлари, арава ва бошқа воситалар олиб қўйилган эди. Бу ҳолат албатта кўп қийинчиликлар келтириб чиқармоқда эди. Эркакларнинг урушга кетганлиги сабабли меҳнатнинг барча оғирлиги хотин-қизлар зиммасида тураг эди. Иш кучлари етишмас эди. Ҳар бир кишининг кундалик иктиносий аҳволида урушнинг машъум жароҳати якқол кўриниб тураг эди. Умуман олганда бу даврда жумхуриятимиз ҳам, бошқа регионларда бўлаётганидек, аста-секин ижобий силжишлар томон қадам ташламоқда эди.

Нималарни билши ва нималар ҳақида ўйлаб кўриши керак?

1. Урушдан кейин қишлоқ хўжалигидаги ахвол.
2. Саноатдаги ижобий силжишлар.
3. Ижтимоий ва маданий ҳаёт.

Нималарни ўқиши керак?

1. Н. Обламуродов. Ўзбекистоннинг фашистлар оккупациясидан зарар курган районларга ёрдами. Тошкент, «Фан», 1985.
2. К. Матёқубов. Фожиаларга кўнишиб қолмайлик Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 йил 1 июнь.
3. Тарих ва экология. Давра сұхбати. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990 йил 25 май.
4. Х. Исматуллаев. АҚШ пахтазорларида, Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил 29 март.

23- §. ЎЗБЕКИСТОН 1951—1960 ЙИЛЛАРДА

Саноат

Ўзбекистон тўртинчи беш йиллик режа топширикларини бажариб, ўз халқ

хўжалигини қайта тиклабгина колмай, балки, шу билан бирга айрим соҳаларда маълум даражада ютуқларга ҳам эришди.

1951 йилда совет халқлари каби жумҳуриятимиз меҳнаткашлари ҳам ССЖИ халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1951—1955 йилларга мўлжалланган бешинчи беш йиллик режасини бажаришга киришди. Бу беш йилликнинг контрол ракамлари 1952 йилнинг октябрь ойида партиянинг XIX съезди кўрсатмаларида белгилаб берилди.

Беш йилликда ўнлаб саноат корхоналари курилди. Саноатнинг ўсиш суръатлари нисбатан жонланди. Халқ хўжалигига сарф килинадиган маблағтар микдори 1950 йилдагига караганда қарийб иккى баробар ошди. Ишлаб чиқариш кувватларини ошириш суръатлари тезлашди, кўмир, нефть, ранги ва нодир металлар, курилиш материалларининг янги заҳиралари аникланди. 1955 йилда жумҳуриятда кўмир кўпроқ қазиб чиқарилди, машинасозлик маҳсулотлари, электр энергиясини ишлаб чиқариш, кимё саноати ва бошқа саноат турларининг ривожланиши маълум даражада давом этди.

Бешинчи беш йилликда ишчилар синфи сон ва сифат жиҳатидан ўсиб борди. Ўзбек ишчилари 1950 йилдаги 19,7 фоиз ўрнига 1955 йилда 21 фоизга етди, уларнинг микдори 38,9 минг нафарга кўпайди. Гарчи ҳар бир Пленумда, ҳар бир съездда маҳаллий ишчи кадрларни ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармокларига кўплаб жалб қилиш ҳакида жуда кўп гапирилса ҳам, кулич-кулич карорлаб қабул қилинса ҳам, аммо бу масала ҳамиша коғозда қолиб кетаверди. Бу муаммо бугунги кунда ҳам ҳал бўлмаяпти.

Беш йилликда жумҳуриятимиз олий ўкув юртлари ва техникумларида 16,2 минг мухандис ва техник ходимлар саноатимиз учун тайёрлаб берилди. Ракамлардан кўриниб турибдики, саноат обьектларида ишлаш учун ўзбек миллатига мансуб кадрларни кўплаб етиштириш ҳали ҳам оқсаноқда, ҳали ҳам бу масалага етарли даражада эътибор берилмаяпти. Маҳаллий хотин-қизларни саноат обьектларига тортиш масаласида маълум ишлар килинган бўлса-да, 1955 йилда уларнинг умум ишчилар хисобида

тутган ўрни қарийб 38 фоизни ташкил қилган бўлса ҳам, айтиш керакки, бу соҳада ҳам бажарилиши шарт бўлган ишлар ҳали бажарилмаган эди.

Жумхурият рационализаторлари ва ихтиорчилари беш йиллик режани бажаришда маълум даражада ўз хиссаларини кўшдилар. Уларнинг микдори кўпайди. Ишлаб чиқаришга жорий қилинган рационализаторлик таклифлари саноат ишлаб чиқаришида миллион сўмлик маблағни тежаб қолишги имкон берди.

Ўзбекистон саноатининг ишчи ва муҳандис-техник ходимлари беш йиллик режани муддатидан олдин бажариш мажбуриятини олдилар. «Подъёмник» заводи ишчилари 1956 йил хисобига, улардан 17 киши эса 1957 йил хисобига ишлади. Бу ишчилар маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ҳам ошира борди. «Электрошит» заводининг ишчилари ҳам кунлик нормани 2—3 бараварига бажариб борди.

1956 йил февралда бўлиб ўтган партияниң XX съезди ССЖИ ҳалқ хўжалигини ривожлантиришининг олтинчи беш йиллик режасини тасдиқлади. Съезд ҳозирги замонининг энг муҳим муаммоларини — ҳалқаро муносабатларни, Совет Йиттифоқининг ҳалқаро ахволи, ҳалқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатларининг ривожланиб бориш жараёнларини таҳлил қилиб берди. Съезд ўз қарорларида ССЖИдаги миллатларниң ўзаро ҳамкорлигини ошириш, миллий жумхуриятлар суворенитетини янада мустаҳкамлаш, марказлантирилган раҳбарликни жумхуриятлар хўжалик, маданий қурилишларига мосланитириш, уларга ҳуқуклар бериш каби муаммоларни олга сурди, лекин бу гаплар одатдаги дабдабавозликдан, соҳта демократиядан нарига ўтмас, бинобарин, көғозда колиб кетаверар эди. Амалда ҳам шундай бўлди. «Казарма»даги социализм ва занжирбанд демократия тобора мустаҳкамланмоқда, инсон ҳуқуклари кўпроқ поймол этилмоқда эди.

Бу йилларда жумхуриятимизда ип-газлама, чарм-пойабзал, ўсимлик мойлари ва бошка оммавий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, транспорт соҳасида шаҳарлар ва қишлоклараро катновларни йўлга кўйиш, авиация алокаларини янада тартибга келтириш, радио ва телевидение хизматларини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Бу беш йилликда конструкторлар, ихтиорчилар, илмий-техник ходимлар анча фаоллашдилар, ҳалқ хўжалигимиз учун кўпгина самара келтирдилар. Қишлоқ хўжалигини

янада ихчамлаштириш, ишлаб чиқаришни янада ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, резервларни, кадрларни, техникани, умуман, қишлоқ хўжалигидаги ҳамма иштирокчилар меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида жамоа хўжаликларини йириклиштириш ишлари амалга оширилиб борилди, янгидан давлат хўжаликлари тузилди. У ерларга амалий ёрдам бериш мақсадида партия, совет хўжалик раҳбарлигига ишлаб турган қишилар раҳбар қилиб юборилди. Ўзбекистон шароитида улар 938 қишидан иборат бўлиб, бу ҳаракат ўттизмингчилар ҳаракати деб аталади.

Жумхуриятимизда пахтачиликни янада ривожлантириш, суғориш системаларини тартибга келтириш, сувни тежаш, қишлоқ хўжалигини техника билан янада кўпроқ таъминлаш бўйича Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1954 йыл февралида қабул қилинган қарори жуда катта роль ўйнади. Бунинг самарасини 1955 йилда қишлоқ хўжалиги ходимлари томонидан давлатга 2 млн. 482 минг тонна пахта етказиб берилганлигига кўрамиз. 1956 йил 6 августда қабул қилинган қарорда Ўзбекистонда пахта майдонларини яна 200 минг гектарга, Козофистонда эса 10 минг гектарга кўпайтириш айтилган эди.

1956 йилда жумхуриятимиз пахтакорлари давлатга 2 млн. 857 минг тонна пахта берганлиги, пахтачиликни ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун 1956 йил 5 декабрда иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалар бўйича жумхуриятимиздан 16 минг ишлаб чиқариш илфорлари, пахта усталари орден ва медаллар билан мукофотланди.

Мехнаткашларнинг Урушдан кейинги дастлабки йиллар-
моддий аҳволи даёқ хукуматимиз томонидан совет
кишиларининг турмуш даражасини ошириш тадбирлари белгиланди. Қишлоқ хўжалигига силжишлар рўй берганлиги, саноат ривожланиб, ижти-
моий меҳнат унумдорлиги нисбатан ўсиб борганлиги ва
моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан бевосита банд
бўлган қишилар сонининг кўпайиб борганлиги натижасида
мехнаткашларнинг турмуш даражаси оша борди. Буни
миллий даромаднинг ўсиб боришидан ҳам кўриш мумкин.

Партияниң XX съезди кўрсатмаларига мувофик иш ҳакини ошириб бориш тадбирлари ўтказилишига ҳаракат килинди. 1957 йил 1 январдан бошлаб кам иш ҳаки олаётган барча ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳаки

70 сўмгача кўпайтирилди ҳамда уларнинг солиқ тўланишлари бекор қилинди.

Иш кунини қисқартириш, 15—18 ёшдаги ёшлар учун 6 соатлик иш куни белгилаш, 1958 йилдан бошлиб эса болали аёлларнинг ҳаммасидан боласизлик солигини олиш бекор қилинди. Нафакалар тўғрисидаги конуини қабул қилиш, ижтимоий суғурта ва табобат хизматини йўлга қўйиш, санаторий ва профилактика шохобчаларини йилдан-йилга кенгайтириб бориш — бу йилларда қилинишга мўлжалланган ишлар эди.

Маориф, фан ва маданият

Ўзбекистон Коммунистик партияси XI съездининг ҳалқ маорифини яхшилашга доир кўрган чора ва тадбирлари жумҳурият мактабларининг сон ва сифат жиҳатдан ўсими учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1958—1959 ўкув йилда жумҳурият мактаблари сони 7044 тага, шу мактаблардаги ўкувчилар сони эса 1 миллион 399 мингта еди.

1959 йилнинг бошида Ўзбекистон Олий Совети сессияси «Ўзбекистонда мактабнинг турмуш билан қўзаклини мустаҳкамлаш ва ҳалқ маорифини инада ривожлантириш тўғрисида»ги Конуини тасдиклди. Конуини тасдикларни мактабларни оталикка олиб, уларни зарур оббор ўкувлар билан таъминлаб, мактаб биноларини куриб, кенгайтириш ва тузатишга, устахона на ўкув кабинетлари ташкил этишга ёрдам бериб турдилар. Мактаблардаги физика, кимё, биология, машинасозлик, электротехника бўйича ўкув кабинетлари, металл ва ёғоч бўйича ўкув устахоналари, теплица ва ўкув-тажриба участкалари ташкил этилди.

1956 йилнинг охирларида илмий муассасаларда 6 мингга яқин илмий ходим, шу жумладан, 187 та фан докторлари ва 2000 та фан номзодлари бор эди. Улар фаннинг турли соҳаларида баракали ижод қилиб, кўпгина илмий кашфиётлар килдилар.

Ижтимоий фанларни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилди. К. Маркснинг ва Ф. Энгельснинг бир канча асарлари ўзбек тилида босилиб чиқди. Бу жумҳуриятнинг сиёсий ва илмий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Ўзбек адабиётида чукур ватанпарварлик оҳанглари тағин ҳам кучлироқ янгради. Шоирлар Ватан, ҳалқлар дўстлиги, кишиларнинг меҳнатдаги каҳрамонлиги шаънига айтилган ажойиб асарлар яратдилар.Faфур Ғулом, Зулфия, Уйғун, Ҳ. Ғулом, М. Шайхзода, Т. Бобоев,

Мирмуҳсин, Т. Фаттоҳ каби шоирлар ўзларининг кўпгина асарлари билан тинчликни, инсонни, дўстликни тараннум этдилар. И. Раҳимнинг «Чин мұхаббат», Ойбекнинг «Қуёш кораймас» романлари ўзбек фарзандларининг Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳаётига бағишиланди. коракалпок ёзувчилари Ж. Оймирзаев, А. Бегимов, А. Жапаков, И. Юсупов ва бошқалар совет вокелигига бағишиланган янги асарлар яратдилар. 1959 йилда Москвада ўтказилган адабиёт ва санъат ўн күнлигидаги ўзбекистонлик зиёлилар 21 та роман, 27 та қисса, 36 та шеърлар тўплами ва ҳаммаси бўлиб 400 га яқин янги асарлари билан иштирок этишиди.

Театр санъати ҳам анча ривожланди. У Етим Бобожонов, А. Гинзбург, Т. Хўжаев, М. Уйғур каби қобилиятли режиссёrlар туфайли муваффакиятларга эришиди. 1959 йилда жумхуриятдаги 28 та театр ва концерт ташкилотларида З мингдан кўпроқ ижодий ходим ишлади. Улар ўзларининг бутун куч ва истеъоддларини театр санъатини ривожлантиришга бағишилади.

Мусаввиrlар, ҳайкалтарошлар, ҳалқ оммавий санъати усталари ҳам жумхуриятнинг маданий ҳаётига катта ҳисса кўшдилар. Улар совет вокелигини акс эттирувчи ёркин асарлар яратдилар.

Бу даврда кино, радио, телевидениенинг ҳам хизмати катта бўлди. Ўзбекистонда 1953 йилда 1259 та киноустановка (шулардан 984 таси қишлоқларда), 1958 йилда эса 2910 та киноустановка ишлаб турди.

Матбуот ҳам анча ривожланди. 1953 йилда Ўзбекистонда 46 номда ойномалар ва 181 номда рўзномалар нашр килинди. 1958 йилда эса ўзбек, рус, тоҷик, коракалпок, козоқ, уйғур ва бошқа тилларда 294 номда рўзнома, 141 номда ойнома ва бошқа вақтли нашрлар чоп килинадиган бўлди.

Жумхуриятда маданий-маърифий муассасалар — кутубхоналар, клублар, маданият уйлари ва саройлари, парклар меҳнаткашларнинг ҳордик чиқаришларинда катта роль ўйнади. Ўзбек ва бошқа ҳалқлар ўртасидаги ижодий алоқалар кенгайди, маданиятларнинг байналмила негизи мустаҳкамлана борди.

Нималарни билиш ва нималар ҳақида ўйлаб кўриш керак?

1. Бешинчи беш йилликда Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хужалигининг ривожланиш хусусиятлари.

2. Мехнаткашларнинг моддий аҳволи.

3. Маориф, фан ва маданият.

1. Ш. Отабоев. Тарих — энг олий ҳакам. Совет Ўзбекистони. 1990 йил 22 февраль.
2. Халқ моддий мулкини асройлик. Совет Ўзбекистони, 1987 йил 14 июнь.
3. Яхшининг чироги ўчмайди. Тошкент ҳақиқати, 1979 йил 24 июль.
4. Н. Ҳайитқулов. Эртага нима бўлади. Совет Ўзбекистони, 1990 йил 28 апрель.

24- §. ЎЗБЕҚИСТОН 1961—1985 ЙИЛЛАРДА

ССЖИ халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—1965 йилларга мўлжалланган контролъ ракамларини тасдиқлаган партияниң XXI съездиде (1959 йил 27 январь) Ватанимиз хаётида рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар таҳлил қилинди. Бу борада сиёсий соҳада социалистик тузумни, совет халқларининг бирлигини мустаҳкамлаш, социалистик демократияни янада ривожлантириш, партияниң ташкилотчилик ва тарбиявий ролини янада ошириш вазифалари кўйилади.

1961 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съезди томонидан партия янги дастурининг қабул қилиниши, 1966, 1971, 1976 йилларда бўлиб ўтган партияниң XXIII, XXIV, XXV съездлари ҳамда ўша йилларда чакирилган Ўзбекистон КП нинг XVI, XVII, XVIII, XIX съездлари жумхурият ижтимоий-сиёсий ҳаётида маълум даражада из қолдирди. Бу съездларнинг ҳужжатларида меҳнаткашларни, айниқса, совет ёшларини тарбиялаш ишларини янги погонага кўтариш, социалистик тузумни янада мустаҳкамлаш соҳасида маълум ишлар қилиш тавсия қилинди. Советлар ролининг камситилиши, ҳамма нарсани партия ташкилотларининг ўз қўлларига олиб қўйганлиги, Советлар учун ўнинчи, йигирманчи масалаларгина қолганлиги бу йилларда ҳам давом этаверди. Гарчи мамлакатимизда ўтказилаётган сайловларда меҳнаткашлар иштирок этаётган бўлсалар ҳам, аммо шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Советларда ҳеч кандай ҳукук қолмаган эди. Депутатлар бир сайлов округидан якка ҳолда, ҳеч кандай ракобати бўлмаган ҳолда ўтар, демак, уни депутатликка кўрсатдими, бас, у албатта, ҳеч кандай каршиликсиз депутат бўлиб олар эди. Депутат бўлиб олгандан сўнг эса берилган халқ наказларини бажариш

ёки бажармаслик типик расмий масала булиб колаверар, сайловчилар томонидан халқ наказларини бажармади, деган сўзлар билан ҳеч қандай депутат чақирилиб олинмас эди. Бу йилларда саноат ривожи маълум даражада жонланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 1959—1965 йилларда олдинги беш йилликдагига нисбатан анча кўпайди, миқдор ўзгаришлар билан бир вақтда маълум даражада сифат ўзгаришлар ҳам содир бўла бошлади. Саноатда техника тараққиётини белгилайдиган электроэнергетика, машинасозлик, кимё, рангли металлургия соҳаларида бирмунча ўсишлар рўй берди.

Ангрен, Тошкент ҳамда Тахиатош ГРЭСлари янги агрегатларининг ишга туширилиши натижасида жумхуринят электростанцияларининг қуввати 25 маротаба ортди.

Жумхуриятда газ ва нефть саноати ривожланиб борди. Фарғонада нефть, Бухорода газ конларининг топйлиши Ўзбекистонни Ватанимизнинг энг йирик ёқилғи базасига айлантирди. Агар жумхуриятимизда 1958 йилда 126 млн. куб метр газ олинган бўлса, 1965 йилга келиб бу ракам 16 миллиард 474 миллион кубометрга етди. Натижада Ўзбекистон газ билан Козогистон, Тожикистон, Урал саноат районлари, Болтиқ бўйи жумхуриятлари, Ленинград, Москва шаҳар ва вилоятларини газ билан таъминлай бошлаган бир вақтда минг-минглаб ўзбек қишлоқлари, посёлкалари ҳали газлаштирилмаган, электрлаштирилмаган эди.

1959—1965 йилларда жумхуриятимиз пахтакорлари Ватанга 4,5 млн. тонна пахта етказиб бердилар ва бу миқдор олдинги беш йилликка нисбатан 578 минг тонна кўп эди. Бу йилларда пахтачиликни комплекс механизациялаш ишлари бирмунча жонланди. Партия МК нинг 1965 йил март Пленумида комплекс механизация ташкилотчилари Ойим Қамолова, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Меликўзи Умрзоковларнинг номлари алоҳида санаб ўтилди.

Бу йилларда Иттифоқимизда бўлгани каби бизнинг жумхуриятимизда ҳам «турғунлик даври» деб аталган давр бошланди ва давом этди. Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик бошқариш усули ўрнатилди, порахурлик, юлғичлик, таъмагирлик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик каби социализмга ёт бўлган, унинг моҳиятига, принципига, характерига зид бўлган воқеа ва ҳодисалар авж олиб кетди. Юқоридан берилган, аммо реал бўлмаган режаларни бажариш учун барча мансабдор шахслар

давлатни алдаш йўлига кирди, ёлғон рақамлар рўкач қилиб, бажарилмаган режаларни сохта ҳолда бажарнб, бунинг учун давлат кассасидан миллион-миллион сўмларни ўмардилар.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларидағина олдинги беш йилликдаги айрим ютуқлар зўр-базўр сакланиб турилди, айни вақтда ишлаб чиқаришнинг кўпгина тармоқларида орқага қайтиш, ёки ишлаб чиқаришнинг секинлашуви, ҳам микдор жиҳатидан, ҳам сифат жиҳатидан пасайиб кетиши оммавий тусга кирди. Ана шундай бир шароитда жумхуриятимиз меҳнаткашлари беш йилликка мўлжалланган паҳта тайёрлаш режасини бажарди. Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам ана шу ахволда режалар зўрма-зўраки бажарилган эди.

Тўққизинчи беш йилликда жумхуриятимизда паҳтачиликни янада ривожлантиришга қаратилган реал бўлмаган тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу йилларда дон, маккажўҳори, шоли, сабзавот, полиз маҳсулотларини, картошка, ҳўл мева, узум, тамаки, каноп, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш нисбатан кўпайди. Бу расмий рақамлар, шубҳасиз, қофозда бажарилган бўлиб, амалда аҳолининг яшаш даражаси тобора пастлаб бормоқда эди. Магазинлар бўм-бўш, бозорларда нарх-наво ошиб борди, хеч нарса топиб бўлмайдиган вазият вужудга келди. Мана шундай шароитда ҳам биз яхши яшаяпмиз деб аюҳаннос солинар, айрим капиталистик мамлакатлардаги аҳолининг яшаш даражаси атайн камситиб кўрсатилиб биздаги ёлғон рақамлар билан солиштирилар ва дабдабавозлик килинар эди.

Партия XXV съезди кўрсатмаларида 1980 йилда Ўзбекистонда саноат обьектлари жами 1300 тага етиши, машинасозлик, рангли металлургия, электроника, газ, кимё саноати тармоқлари маълум даражада янада ривожлантирилиши тадбирлари белгиланган эди. Миллий кадрлар тайёрлаш ва уларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли жабхаларига жойлаштириш масалалари ҳам факат қофозларда ҳал килинар эди.

Бу даврда жумхуриятимиз хўжалиги замонавий техника билан таъминлаши учун айрим тадбирлар белгиланди. Давлат ва жамоа хўжаликларида 150 минг трактор, юз минглаб бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб турди. Биргина Мирзачўлнинг ўзида 300 минг га ерни ўзлаштириш учун етарли микдорда техника бўлса-да, барибири ишлаб чиқариш даражаси ҳали жуда паст эди.

Бу йилларда Ўзбекистонда 4,1 млн. га суғориладиган экин майдонлари мавжуд бўлиб, бундан 3,1 млн. га майдонга пахта экилар эди. Демак, жумхурият қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги узил-кесил ўрнатилди. Ҳамма нарса, шу жумладан, инсон ҳам пахтага бўйсундирildи. Пахта яккаҳокимлиги сабабли чорвачилик учун яйлов ерлар қолмади, бу ўз навбатида, чорва молларини бокиш, кўпайтириш, аҳолини чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб боришнинг ҳар қандай имкониятлари ни йўқотди. Жумхуриятимизда эса бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ошиб бораверди.

Пахтакор районларда аҳолининг яшаш шароити, санитария ҳолати ҳаддан ташқари ёмонлашди. Ичимлик сувлари камайди, ёки йўқолиб кетди, оқибатда турли касалликлар кўпайди. Болалар касаллиги ва ўлими жиҳатидан Ўзбекистон дунёда биринчи ўринга чиқиб олди.

Пахта яккаҳокимлиги сабабли минг йиллар давомида мавжуд бўлган, Ўрта Осиёning ўзига хос иқлимини яратиб турган Орол денгизи йўқ қилинди. Оқибатда Орол бўйларида яшаётган 5 млн. аҳолининг моддий, маданий, гигиеник аҳволи ўта ёмонлашди. Орол бўйнда жойлашган тўртта вилоят аҳолисининг бу ерларда яшаб қолиши масаласи шубҳа остида қолди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жумхуриятимизда бу йилларда пахтачиликни ривожлантириш ишлари бир томонлама олиб борилди, оқибатда табиатга нисбатан, аҳолига нисбатан кечириб бўлмайдиган даражадаги нохушликларги йўл қўйилди. Ҳозирги кунда биз бу каби камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф қилиш йўлларини топишимиз зарур.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарни билиш керак?

1. Маъмурий-буйруқбозлик усулининг вужудга келиш сабаблари.
2. Иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви.
3. Пахта яккаҳокимлайгининг ўрнатилиши.

Нималарни ўқиши керак?

1. С. Усмонов, И. Муродов. Қўшиб ёзиш илдизлари. Шарқ юлдузи. 1989, 9-сон.
2. М. Мұхаммаджонов. Сув омборлари ва экология. Шарқ юлдузи, 1989, 10-сон.
3. Орол яшамоги керак. Шарқ юлдузи, 1990, 3-сон.
4. 1984 йил якунлари ҳамда Ўзбекистон КП МҚ XVI Пленуми карорлари асосида 1985 йилги режалар. ҶШ ленинчи, 1985 йил, 5 март.

Қайта қуриш жараёнини амалга ошириши соҳасида бажарилган ижобий ишлар якунларини мустаҳкамлаши, уларни доимий харакатга айлантириш, аҳолининг жуда катта маънавий потенциалини тўла ҳолда ишга солини, иқтисодиётни ва меҳнаткашлар турмуш шароитларини янада барқарор таъминлаш ҳозирги вақтнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди.

1986 йил июлда бўлиб ўтган жумҳурият Олий Советининг 12-чакирик З-сессиясида Ўзбекистоннинг ўн иккинчи беш йилликдаги режалари тасдиқланди. Бу йилларда 200 дан кўпроқ саноат обьектлари ишга туширилди, уй-жой қуриш ишлари жадаллашди. Беш йилликда аграр секторга 15 миллиард сўм миқдорда маблағ сарф қилиниди, давлат ва жамоа хўжаликларига кўплаб минерал ўғитлар, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етказиб берилди. Жумҳуриятда ингичка толали пахта етиштириш ишларига, пилла тайёрлаш ва харид қилиш, сабзавот маҳсулотларини етказиши ишларига ҳам эътибор оширилди. Фан ва маданият бирмунча ривожланди, меҳнаткашларнинг моддий дарожалари, маданий талаблари нисбатан ўсиб борди.

Ўзбекистон, умуман олганда, ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликларда белгиланган марраларга чиқа олмади. 1985 йилнинг январь-февраль ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон КП XXI съездига қилинган ҳисобот маъruzада айтилганидек, ўтган даврда жумҳурият иқтисодиётида нохуш ҳолатлар вужудга келди. Ҳалқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги қўпол хатолар, янглишишлар, дабдабавозлик, соҳта уйғунлик ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасининг анча пасайишига олиб келди. Жумҳурият саноати беш йиллик режа вазифаларини бажармади. Қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик ялпи маҳсулоти ҳажми топшириқдаги 17 фоиз ўрнига 10 фоизга кўпайди. Давлатга 1 млн. тонна пахта, кўп миқдорда дон, гүшт, сут, тухум, картошка, бодгорчилик ва полиз экинлари маҳсулотлари берилмади. Бу камчиликлар Ўзбекистон КП МК нинг 1984 йил июнь ойида чакирилган XVI Пленумида, 1986 йил бошларида чакирилган XXI съездида таҳлил қилинди.

Асримизнинг сўнгги 15 йили жумҳуриятимиз учун қўлга киритилган ёки қўлга киритилмаган мавжуд имкониятларни мустаҳкамлаш даври бўлди. Бу ишда

1986—1990 йилларга мүлжалланган ўн иккинчи беш йиллик жуда мухим роль уйнади. Унинг асосий вазифаси фан-техника тараккиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариши қайта тиклаш, ундан оқилона фойдаланиш, бошқарув усулини ва хўжалик механизмини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва шу асосда ҳалқ фаровонлигини юксалтиришдан иборат эди.

Ушбу ҳужжатда жумхуриятимиз миллий даромадини 24 миллиард сўмга ёки 27,3 фоизга кўпайтириш ҳамда 1986—1990 йилларда саноатни юксалтириш учун кимё, электротехника, енгил саноат, асбобсозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш каби саноат обьектлари ташкил қилиш айтилган эди. Беш йиллик режаларида Советобод кабель заводи, Урганч пичан ўрадиган машиналар заводи, Жиззах қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи каби обьектларни ишга тушириш, Ангрен, Таллимаржон, Тахиатош ГРЭСларида катта қувватларни ишга тушириш, кўмир, табиий газ қазиб чиқариш, рангли металлургияни янада ривожлантириш мүлжалланди.

Беш йилликда жумхуриятимизда енгил саноат турларини янада ривожлантириш, ип-газлама, пойабзal, чинни идишлар, мебель ишлаб чиқариши купайтириш тадбирлари белгиланди. Мамлакатимиздаги энгилгор корхоналарнинг тажрибасидан фойдаланиб, маҳсулотларнинг янги, замонавий турларини ишлаб чиқариши йўлга кўйиш, истеъмол буюмлари сифатини кескин кўтариш, маҳаллий саноат тармокларини ривожлантириш, болалар учун товарлар, айникса спорт товарларини кўплаб ишлаб чиқариш, Андижон ип-газлама комбинати, Нукус, Бухоро, Тошкент, Фарғона тўқимачилик комбинатларини, Тошкент ва Самарқанд чинни заводларини қайта тиклаш ва уларнинг қувватларини янада ошириш мүлжалланди.

Жумхуриятимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, айникса пахтачиликда 1990 йилдан бошлаб пахта толаси ишлаб чиқариши купайтириш, бунинг учун пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта теримини 70—75 фоиз механизациялаш, пахта яккаҳокимлигига барҳам берган ҳолда пахтадан бушаган ерларда боғлар, узумзорлар барпо этиш режалари тузилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини купайтиришнинг мухим шартларидан бири янги ерларни сифатли ўзлаштиришdir. Мана шу максадда бу йиллар ичida Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилди.

Бу йилларда жумхуриятимиз фани ва маданияти ҳам

маълум даражада ўси. Мактаб ёшидаги болалар сони карийб 5 млн. га етди. 43 та олий ўкув юртларида ва бошқа маҳсус ўкув юртларида 70 000 талаба таълим олиб турди Илмий-текшириш даргоҳларида 1200 та фан докторлари, 15 000 та фан номзодлари жумхурият халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат килди.

Иқтисодий аҳвол Жумхуриятимизда беш йиллик давомида уй-жой қуриш ишлари давом эттирилди, аҳолига майший хизмат кўрсатиш ҳажми кўпайди, касалхоналар, поликлиникалар қурилди. Аҳолининг пул даромадлари кўпайиши ҳисобига чакана товар айланиши ошиб борди, аҳолининг иш жойларида умумий овқатлашишга бўлган эҳтиёжларини қондириш соҳасида маълум ишлар қилинди.

Туямўйин сув омборидан Нукус ва Урганч шаҳарларига сув келтириш ишларини жадаллаштириш тадбирлари белгиланди, Дамхўжа — Бухоро водопроводини қуриш режалаштирилди, бунга кўра Коракалпоғистон жумхурияти, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари аҳолисини чучук сув билан таъминлаш ишлари яхшиланар эди. Шунингдек транспорт ишларини яхшилаш, Тошкент метрополитенини янада узайтириш, шахар ва қишлоқ жойларда хонадонларни телефонлаштириш, аҳолининг майший меҳнатини енгиллаштириш, бўш вактларини кўпайтириш ва хоказо вазифаларни бажариш каби режалар хам белгиланди.

**Беш йиллик режани
бажариш учун
кураш** Жумхуриятимизнинг ишчилар синфи ўзининг яқин иттифоқчиси бўлган дехконлар ва знёлилар билан ҳамжиҳатликда фаол ҳаракат қилиб уй-жой, ижтимоий, маданий-майший обьектларнинг қурилишида йил охирига қадар ҳақ олмасдан 4 кундан ишлаб беришга чакирди. Андижондаги «Ирмаш», Чирчик трансформатор заводи ва Фарғона пиллакашлик фабрикаси жамоалари икки, уч сменали иш кунига ўтиш ҳаракатини бошлаб берди. Тошкентдаги Чкалов авиакорхонаси йиғувчи слесари Социалистик Мехнат Қаҳрамони Назрулла Маннапов, Тошкент ГРЭСи машинисти Социалистик Мехнат Қаҳрамони Йўлдош Муслимов, Наманган аврли газламалар комбинати тўкувчиси Аҳад Тошбоев кабиларнинг зафарли меҳнатлари туфайли жумхуриятимизда саноат ишлаб чиқариш суръатлари нисбатан жонланди

Кўмир, газ, электроэнергия ҳосил қилиш, машинасозлик, кимё, бинокорлик материаллари, енгил саноат, озиқ-

овқат саноати ва маҳаллий саноат маҳсулотларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш бу йиллар ичидага анча кўпайди. Кўлга киритилган айрим ютуклар ҳали жумхурятимизда ахвол яхшиланди деган холосага олиб келмайди. 1986—1990 йилларда қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида иктиносидий ахвол яхшиланмади, ижобий йўналишлар деярли сезилмади, аксинча бозор иктисиодиётига ўтиш муносабати билан оддий меҳнаткаш ҳалқ оммасининг моддий ахволи янада оғирлашди. Умуман олганда, 1985 йил Апрель Пленуми билан бошланган қайта қуриш ишлари ижтимоий-иктиносидий тараккиётни жадаллаштириш соҳасида ҳали жуда кўп ва самарали ишларни бажариш лозим эканлигини кўрсатар эди.

Шубҳасиз, бу йиллар сермазмун йиллар бўлди. Чунончи, саноатимизда кераксиз маҳсулот ишлаб чиқардиган обьектлар бугунги кунга келиб деярли тугади. Эндиликда саноатнинг кўпгина тармоқлари янги жиҳозлар билан қуролланди, меҳнат унумдорлиги ошди, ҳар бир корхона ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри ва эркин, мустақил равишда сотадиган бўлди. Бундан ишчилар ҳам, давлат ҳам иктиносидий жиҳатдан манфаатдор. Айрим саноат корхоналари чет эл фирмалари, корпорациялар билан ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш устида келишиб олмокда ва бу амалда ўз натижасини бермокда. Жуда кўпчилик жойларда ишлаб чиқариш пудрат асосида олиб бориладиган бўлди.

Қишлоқ хўжалигига давлатдан қарзга ботиб яшаб келган рентабел бўлмаган давлат ва жамоа хўжаликларида оила, звено, бригада пудрати қад кўтарди. Пудрат кучи билан одамларни ўз меҳнатидан манфатдорлигини ошириш, ерни, сувни, ҳавони экологик ҳалокат ёқасидан қайтариш ва саклаб қолиш, ҳалқ оммасини қашшоқликдан қуткариш, мамлакатни эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз равишда таъминлаб туриш, саноатни хом ашё каби маҳсулотлар билан таъминлаб туриш имкониятлари чора ва тадбирлари кўрилмоқда. ССЖИ ҳалқ депутатларининг I, II, III съездлари кўрсатмаларига асосан дехқонларга ер берила бошланди.

Жумхурятимиз шароитида ўтган 70 йил давомида дехқон кўлидаги ер аста-секин турли конун ва қарорлар туфайли пахта яккаҳокимлиги талаби билан давлат кўлига ўтиб кетган эди. Айрим районларда, вилоятларда, маълумотларга кўра, дехқонлар қўлида 2—3 сотихдан ер қолган эди, холос. Бу миқдор ер билан дехқоннинг яшаши мумкин

эмас эди. Бунинг устига, ўша дәхқонларда чорва моллари умуман йўқ эди. Чорва молларини бокиши учун унинг озука базаси йўқ қилинган эди. Ҳамма сұғориладиган экин майдонлари пахтага берилган бўлиб, раҳбарлар факат пахтани билар, пахтани кўрар, пахтани тушунар эди. Ҳомиладор аёллар ҳам, чоллар ҳам, мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти ва техникумларнинг талабалари, олимлар ва артистлар, мусаввиrlар ва ишчилар, хуллас, ҳамма пахтага буйсундирилган эди. Жумхурият раҳбарлари съезд ваplenум минбарларидан туриб: «Биз ҳаммамиз пахтакормиз» деб айтишни жуда яхши кўрар эди. Лекин ўша пахтакорлар кандай яшяпти, кандай муаммолар уларни ташвишга соляпти, бу муаммолар уларни қизиктирмас эди.

Эндиликларда буларга чек кўйилди. Жумхуриятимиз президентлик бошқарув усулига ўтди. Ўзбекистон КП нинг 1990 йил июнда бўлиб ўтган XXII съезди материалларнда яқин вакт ичида (1990—1992) жумхуриятимизнинг иктисолдий ва сиёсий мустақиллигига эга бўлиш, етиштирилган маҳсулотни унинг ўзида қайта ишлаш ва чет эл бозорларида мустақил равишда сотиш тартибига ўтиш ҳақида жуда қимматбаҳо, ҳамманинг орзусига айланган, ҳамманинг дарду истаги бўлиб қолган масала ўртага ташланди ва буни амалга ошириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш айтилди.

Турғунлик йилларида жумхуриятимизда етиштирилган пахтанинг 8 фоизи бу ерда қайта ишланар, 92 фоизи эса ўрокда йўқ, машқода йўқ, хирмонда ҳозирлар томонидан текинга олиб кетилар, шу билан бирга молга озука бўлувчи бошқа ем-хашаклар ҳам бизда қолмас эди.

Бу муаммолар аста-секин инсон фойдасига ҳал қилинмоқда. Жумхуриятимиз Президентининг 1990 йил май ойида чиқарган Фармонида ҳар бир жамоа хўжалиги оиласининг чорва молларини бокиши, давлат ва жамоа хўжалиги раҳбарлари эса ўша хўжаликлар қўлидаги моллар миқдорига қараб уларни ем-хашак ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаши кўрсатилди.

Турғунлик йилларида жумхуриятимизда ўзбек тили, яъни миллат тили деярли таъқиқланган эди. Ёзилмаган конунлар асосида мактаб ўқув режасидан бошлаб, олий ўқув юртларида ўқиладиган лекциялар, завод ва фабрикаларда, илмий муассаса ва ташкилотларда, савдо, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, умуман ижтимоий, иктисолдий, сиёсий, маданий жабҳаларда фактат битта тил — рус

тили ишлатилар эди. Эндиликда бу ғайриконуний холатга ҳам чек кўйилди. Тил, анъаналар, маънавиятга, қадриятга оид фойдали расм-руслар, одатлар қайта тикланди. Ўзбек тилига давлат тили макоми берилди.

Турғунлик йилларида жумхуриятимиз тарихи мактаб ўкув режасига кўра 6 соат ССЖИ тарихи дастури ичидаги келиб, дастурдаги мавзуулар ўтилган вактда даврига қараб 6 соатлик «Ўзбекистон ССЖ тарихи» материаллари ҳам ўтилар эди. 28 соати факультатив соатлар хисобидан ўтилиши назарда тутилар эди. Бу ахвол мактаб иммий мудири томонидан ўқитувчига эҳсон қилинадиган соат микдорига боғлиқ эди. Ҳозир эса «Ўзбекистон ҳалклари тарихи» «ўгайлик» ҳолатидан чиқиб, мустақил фан сифатида мактаб ўкув режасига 153 соатлик предмет сифатида кирди, мактаб журналидан мустақил сахифа ажратиладиган бўлди. «Ўзбекистон ҳалклари тарихи»дан замон талаблари асосида V синф учун, VIII, IX синфлар учун ва X — XI синфлар учун алоҳида-алоҳида дарсликлар ишлаб чиқилиши кутилмоқда. Бу дарсликларнинг баъзи бирлари ҳозир ўкувчилар қулида.

Турғунлик йилларида Наврӯз ҳам таъқиқланди. У диний маросимлар қаторига қўшилиб, ҳалқдан узоклаштирилди. Наврӯз байрамининг ва байрам муносабати билан пишириладиган, ҳамма севиб истеъмол қиласиган сумалак ва ҳалим сингари овқатларнинг динга ҳеч қандай алокаси йўқ. Наврӯз байрамини Ўрта Осиё ҳалклари ҳатто араблар бу ерга келмасларидан олдин ҳам жуда катта тантана, шоду ҳуррамлик билан ўтказар эди. Бу янги йил байрами, баҳор байрами, янги меҳнат даврининг бошлиниш байрами сифатида ўтказилар эди. Наврӯз кунлари ўзаро душман бўлган кишилар ёки қабилалар ярашар, ўзаро қадрдонлик муносабатларини ўрнатар, хайриялар қилинар, касаллардан, бева-бечоралардан хабар олинар, уларга ёрдамлар уюштирилар эди. Бу кунларда ҳар бир инсон фактат яхшиликни ўйлар, эзгулик учун ҳаракат қилар, ҳеч ким бирор инсон томонидан хафа қилинмас, оммавий ҳашарлар уюштирилар, биринчи галда камбағалларга ёрдам берилар эди. Туркистон ҳалкларидаги бу удум ва расм-руслар дин ва хурофот билан алмаштирилди ва тақиқланган эди. Қайта қуриш шарофати билан ҳалқдан тортиб олинган унинг энг яхши анъаналари қайтариб берилди. Ҳамма ҳалклар каби жумхуриятимиз ҳалклари ҳам ўзларининг маънавиятига ва қадриятига тўла эга

бўлди. Жумхуриятимиз президентининг фармонига кўра 21 март дам олиш куни деб эълон қилинди ва бу куни Наврўз байрами кенг нишонланадиган бўлди.

Нималар ҳақида ўйлаб кўриш ва нималарни билиш керак?

1. Якка партиявий раҳбарлик — ҳар кандай таниддан четда туришдир.
2. Партия диктатурасининг үрнатилиши — маъмурӣ-буйруқбозлик системасининг олий шаклидир.
3. Йўл кўйилган хатоликларни тузатиш учун кураш.
4. Жумхуриятимиз сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги айrim ўзгаришлар. Бозор иқтисодиётига ўтишга ҳозирлик.

Нималарни ўқиш керак?

1. *Б. Аҳмедов.* Тарих авлодлар тақдиринда. Шарқ юлдузи, 1987, 9-сон.
2. *Б. Аҳмедов.* Тарихни соҳталаштириб бўлмайди. Шарқ юлдузи, 1989, 6-сон.
3. *Э. Юсупов.* Ҳақиқат зиёси ва ёлғон-ёшиқлар. Шарқ юлдузи, 1986, 1-сон.
4. Тил ва миллӣ ифтихор. Ёш куч, 1990, 12-сон.
5. Ўзбекистон КП XXI съезди. «Совет Ўзбекистони», 1986 йил, 31 январь.
6. *К. Матёқубов.* Прокурор қоралашдан воз кечди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991 йил, I март.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДАГИ ЭНГ МУХИМ ВОҚЕАЛАР

Эрамиздан олдинги 40 мингинчи — тахминан 12 мингинчи йиллар — юкори палеолит даври ёки уруг жамоалари даври.

Эрамиздан олдинги 12 мингинчи — 5 мингинчи йиллар — мезолит даври.

Эрамиздан олдинги 5 мингинчи йиллар — неолит — янги тош даврининг бошланиши.

Эрамиздан олдинги 3 мингинчи йиллар — хозирги Ўзбекистон ерларида мисдан фойдаланишнинг бошланиши.

Эрамиздан олдинги 2 мингинчи йиллар — дехкончиликнинг янада ривожланиши, утрок чорвадорларнинг пайдо булиши, олтин ва бошка металлардан уй-рўзгор ва зебу зийнат буюмларининг ишлаб чиқарила бошланиши.

Эрамиздан олдинги VI — IV асрлар — кулдорликнинг пайдо булиши.

Эрамиздан олдинги 329—327 йиллар — Искандар Зулқарнайн бош бўлган юонон босқинчиларига карши Ўрта Осиё халкларининг кураши.

Эрамиздан олдинги 323 йил — Искандар Зулқарнайнининг ҳалок булиши.

Эрамиздан олдинги 312—64 йиллар — Салавкийлар давлати.

Эрамиздан олдинги III — II асрлар — Юон-Бактрия давлати.

Эрамиздан олдинги 100 йил — Ўрта Осиёдан юононларининг ҳайдаб чиқарилиши.

Эрамиздан олдинги II аср — Қанғ давлати.

Эрамиздан олдинги II — I асрлар — Фаргона (Паркан) давлати.

Эрамиздан олдинги II — I асрлар — Бактрия давлати.

Эрамизнинг I — IV асрлари — Кушон подшолиги.

Эрамизнинг V — VI асрлари — Эфталитлар давлати.

Эрамизнинг VI — VIII асрлари — Турк хоқонлиги.

704—706 йиллар — арабларнинг Ўрта Осиёга дастлабки юришлари.

709 йил — Бухоронинг олиниши.

710 йил — Кеш, Шуман, Насаф шаҳарларининг олиниши.

712 йил — Самарканд, Шош, Фаргона шаҳарларининг босиб олиниши.

706—756 йиллар — Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши.

769—783 йиллар — араб зулмига карши Муқанна бошчилигидаги кўзголон.

795—796 йиллар — Ҳамза Ибн Атрок бошчилигидаги халқ құзғолон лари.

797—810 йиллар — Рафи ибн Лайс бошчилигидаги халқ ҳаракатла-ри.

874—907 йиллар — Испаныл Сомоний ҳокимият тәпасида.

795—857 йиллар — Ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти.

873—950 йиллар — Ал-Форобийнинг ҳаёти ва фаолияти.

973 йил — Абу Райхон Беруний туғилған йил.

992 йил — Үрта Осиёда корахонийлар сулоласининг бошланиши.

980—1037 йиллар — Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти.

1069 йил — Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билик» асари ёзилди.

943—944 йиллар — Наршахий томонидан «Бухоро тарихи» ёзилди.

1072—1092 йиллар — Хоразм таҳтида Маликшоҳ.

1127—1156 йиллар — Хоразм таҳтида Отсиз.

1156—1172 йиллар — Хоразм таҳтида Ил Арслон.

1200—1220 йиллар — Хоразм таҳтида Мұхаммад.

1206 йил — Темучиннинг Чингизхон деб ном олиши.

1209 йил — Чингизхоннинг тонгутларни босиб олиши.

1211 йил — Чингизхоннинг Хитойга юриши.

1219 йил — Чингизхон томонидан Олтойда корликларнинг, Етти-сувда пайманларнинг тор-мор килиниши.

1221 йил — Чингизхон құшинлари томонидан Самарқанд, Сигнок, Барчинликент, Бенакент, Жанд, Хұжанд шаҳарларининг босиб олиниши.

1220 йил — Темур Маликнинг Урганчға келиши.

1221 йил — Жалолиддин Мангубердиннинг Урганчға келиши.

1221 йил — Чингизхон томонидан Балх, Марв шаҳарларининг босиб олиниши.

1229—1241 йиллар — Чингизхоннинг вориси Уғадой.

1251—1259 йиллар — Чингизхоннинг вориси Мунқаҳон.

1231 йил — Курдистон тоғларыда Жалолиддиннинг фожиали үлми.

1227 йил — Чингизхоннинг вафот этиши.

1238 йил — Маҳмуд Ялавочининг Чигатай улусы ионблигидан олиниши ва Пекинга губернатор қилиб тайинланиши.

1337—1381 йиллар — Мовароуннахрда сарбадорлар ҳаракати.

1238—1289 йиллар — Маҳмуд Ялавочининг ўғли Маъсудбек Үрта Осиё ионби.

1361—1365 йиллар — Темурнинг амир Ҳусайн билан яқинлашуви.

1365 йил — Чиноз яқинидаги «лой» жанги.

1370—1405 йиллар — Амир Темурнинг якка ҳокимлік йиллари.

1372 йил — Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши.

1373—1374 йиллар — Амир Темурнинг Хоразмга иккінчи юриши.

1388 йил — Амир Темурнинг Хоразмга учинчи юриши.

1379 йил — Темур томонидан Тұхтамишнинг Оқ Үрдага хон қилиб құтарилиши.

1389, 1391 ва 1394—1395 йиллар — Тўхтамишга қарши Темурнинг юришлари.

1386—1399 йиллар — Амир Темурнинг Эронга юришлари.

1398—1399 йиллар — Амир Темурнинг Хиндистонга юришлари.

1391—1397 йиллар — Волга бўйлари, Дон бўйлари Крим ерлари, Азов, Шимолий Кавказ, Сурия ерлари, Арманистон, Гуржистон, Озарбайжон ерларининг босиб олиниши.

1402 йил — Анқара ёнидаги жангда султон Боязид I нинг асир олиниши.

1404 йил — Хитой юришининг бошланиши.

1405 йил 18 февраль — Ўтрорда Амир Темурнинг вафот килиши.

1394 йил 22 март — Улугбекнинг туғилиши.

1449 йил 27 октябрь — Улуғбекнинг хоинона ўлдирилиши.

1469—1494 йиллар — Ўрта Осиё ва Хуросонда Абу Санд ҳукмронлиги.

1441—1501 йиллар — мутафаккир, давлат ва сиёсий арбоб, ўзбек халқининг буюк шоپри Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти.

1425—1428 йиллар — Борокхон томонидан козоқ кўчманчиларининг бирлаштирилиб, козоқ давлатига асос солиниши.

1428—1468 йиллар — Абулхайрхоннинг Сибирдан то Сирдарёга қадар бўлган ерларда ўзбек давлатини тузиши.

1510 йил — Марв ёнидаги жангда Эрон шоҳи Исмоилнинг Шайбонийхон устидан ғалаба козониши.

1605 йил — Балхда халқ қўзғолони.

1611—1642 йиллар — Бухоро тахтида И момқулихон.

1642—1645 йиллар — Бухоро тахтида Нодир Муҳаммад.

1645—1680 йиллар — Бухоро тахтида Абдулазизхон.

1680—1702 йиллар — Бухоро тахтида Субҳонқулихон.

1702—1711 йиллар — Бухоро тахтида Убайдуллахон.

1711—1747 йиллар — Бухоро тахтида Абулфайзхон.

1681 йил — Зарабшон воҳасида халқ қўзғолонлари.

1708 йил — Бухорода халқ қўзғолонлари.

1712 йил — Самарқандда халқ қўзғолонлари.

1718 йил — Балхда халқ қўзғолонлари.

1644—1720 йиллар — Шарқнинг машҳур файласуфи Мирза Абдуходир Бедилнинг яшаб ижод килган даври.

1623—1643 йиллар — Хоразм тахтида Исфандиёрхон.

1643—1663 йиллар — Хоразм тахти атрофидаги феодал можаролар.

1663—1687 йиллар — Хоразм тахтида Анушаҳон.

1687—1702 йиллар — Шоҳниённинг Бухоро амири Субҳонқулихон номидан нонблик қилиб турган вакти.

1702—1714 йиллар — Хоразм тахтида Араб Муҳаммад.

1710 йил — Қўкон хонлигининг ташкил топиши.

1715—1728 йиллар — Хоразм тахтида Шерғозихон.

1714—1717 йиллар — князь Бекович-Черкасский экспедициясининг Хоразмда тор-мор килиниши.

1722 йил — коракалпокларнинг рус фуқаролигига қабул килишлари ни сұраб мурожаат килиніши.

1728—1740 йиллар — Хоразм таҳтида Илбарсхон.

1747—1752 йиллар — Бухоро таҳти учун бұлған феодал мажаролар.

1753—1758 йиллар — Бухоро таҳтида Мұхаммад Раҳим.

1758—1785 йиллар — Бухоро таҳти учун бұлған феодал мажаролар.

1785—1800 йиллар — Бухоро таҳтида Шох Мурод.

1811 йил — Орол бүйлари ва Коракалпок ерларининг Хива хонлигига құшиб одиниши.

1800—1826 йиллар — Бухоро таҳтида Амир Ҳайдар.

1826—1860 йиллар — Бухоро таҳтида Амир Насрулло.

1800—1809 йиллар — Құқон таҳтида Олимхон.

1809—1822 йиллар — Құқон таҳти учун бұлған феодал мажаролар.

1822—1842 йиллар — Құқон таҳтида Мұхаммад Али.

1815 йил — құқонликлар томонидан Оқмачит қалъасининг курилиши.

1841 йил — Құқонда Мадалихонга (Мұхаммад Али) кариин құзғолон.

1842 йил — Амир Насруллонинг Құқонга бостириб кириши.

1847 йил — Раим қалъасининг тикланиши.

1847 йил — Қопал истехкомининг курила бошланиши.

1853 йил — Оқмачит қалъасининг руслар томонидан босиб олиниши.

1854 йил — Верное қалъасининг курила бошланиши.

1856 йил — Аҳмад Донишнинг Москва ва Петербургга биринчи саёхати.

1862 йил — Пишик ва Тукмокнинг руслар томонидан босиб олиниши.

1864 йил 4 февраль — Черніев томонидан Авлиётанинг босиб олиниши.

1864 йил 12 апрель — Верёвкин томонидан Туркистаннинг босиб олиниши.

1864 йил 22 сентябрь — Дерх томонидан Чимкентнинг босиб олиниши.

1865 йил 17 май — Тошкентнинг босиб олиниши.

1866 йил 11 июнь — Жиззахнинг босиб олиниши.

1867 йил 11 юль — Туркистан генерал-губернаторлигининг ташкил килиниши.

1868 йил 2 июнь — Зирабулок жангыда Бухоро амирининг енгилниши. Каттақурғоннинг құлдан кетиши.

1868 йил 11 июнь — Кауфман ва Насрулло үртасыда битим имзоланиши.

1868 йил — Самарқанднинг босиб олиниши.

1873 йил 28 сентябрь — Россия ва Бухоро ўртасида «Шаҳар дўстлик битими»нинг имзоланиши.

1873—1884 йиллар — туркманларга қарши кураш.

1873—1876 йиллар — Қўкон хонлигига ҳалқ қўзғолонлари.

1876 йил 19 февраль — Қўкон хонлигининг тугатилиши.

1881 йил 12 январь — Гуектепа шаҳарининг штурм билан олиниши.

1873 йил 12 август — Хива хони билан тузилган битим.

1888—1895 йиллар — Рушон, Шугна, Бадахшон, Помир, Вахан ерларининг босиб олиниши.

1895 йил 11 март — Англия ва Россия ўртасида битим тузилиши ва чоризмнинг жанубга томон силжишининг тұхтатилиши.

1865—1917 йиллар — Ўрта Осиё чоризмнинг мустамлакаси.

1850—1903 йиллар — Мұхаммад Аминхұжа Мұқимиининг ҳәти ва фаолияти.

1858—1909 йиллар — Зокиржон Холмуҳаммад үгли Фурқатнинг ҳәти ва фаолияти.

1853—1921 йиллар — Абдулла Солих (Завкий) нинг ҳәти ва фаолияти.

1905—1907 йиллар — Ўрта Осиёда биринчи инкилобий ҳаракатлар.

1916 йил — Ўрта Осиёда миллий озодлик ҳаракатлари.

1917 йил февраль — Ўрта Осиёда иккинчи инкилобий ҳаракатлар.

1917 йил октябрь — Ўрта Осиёда учинчи инкилобий ҳаракатлар.

1918—1922 йиллар — Туркистанга ажнабий хуруж ва фуқаролар уруши.

1920 йил апрель — Хоразм Ҳалқ Совет Жумхуриятининг эълон қилиниши.

1920 йил октябрь — Бухоро Ҳалқ Совет Жумхуриятининг эълон қилиниши.

1924 йил март — XXЖнинг Хоразм Совет Социалистик Жумхуриятига айлашиши.

1924 йил октябрь — БХСЖнинг Бухоро Совет Социалистик Жумхуриятига айлашиши.

1925—1929 йиллар — Ўзбекистонда ер-сув ислоҳогининг ўтказилиши.

1927 йил — «Хужум» ҳаракати.

1929—1933 йиллар — биринчи бешйилликда пахта мустақиллиги учун кураш.

1929 йил — жамоалаштиришнинг бошланиши.

1933—1937 йиллар — иккинчи бешйилликда ҳалқ ҳўжалигини қайта тиклаш учун кураш.

1941—1945 йиллар — Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон урушидаги галабага қўшган ҳиссаси.

1946—1950 йиллар — урушдан тицликка ўтиш. Озод қилинган жумхуриятларга Ўзбекистоннинг иктисадий ва техникавий ёрдами.

1951—1960 йиллар — партия диктатурасининг тұла үрнәтилиши. Түргүнлик сари бурилиш.

1961—1985 йиллар — пахта яккахокимдигининг тұла үрнәтилиши, жумхурият экологиясыннан бузилиб бориши, ақоли мөддій ва мағаний ахволининг ёмоналашуви.

1986—1990 йиллар — қайта қуриш, таназзулдан чикиш учун харакат, мустакиллик учун кураш.

1989 йил — үзбек тилига давлат тили макомининг берилүүши.

1990 йил 21 март — Жумхурият Президенті фармоны билан Навruz байрамининг дам олиш куни деб белгиләниши.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми	5
2-3. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	10
4-§. Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	20
5-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	25
6-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	31
7-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	34
8-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	42
9-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	48
10-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	54
11-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	59
12-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	64
13-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	71
14-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	76
15-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	80
16-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	86
17-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	91
18-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	96
19-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	103
20-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	112
21-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	119
22-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	128
23-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	136
24-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	141
25-§. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ибтидоий жамоа тузуми ниши	145

На узбекском языке

ДЖУМАБАЕВ ФАЗИЛ

ИСТОРИЯ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА

Учебное пособие для учащихся
вечерних школ

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

Таҳририят мудири А. Ҳасанов
Муҳаррир И. Шоймурданов
Кичик муҳаррир М. Маҳмудова
Тех. муҳаррир Т. Золотилова
Мусаххих Ш. Тўллаганов

ИБ№ 5942

Теришга берилди 04.11.91 Босишига руҳсат этилди 27.01.92 Формати 84 × 105 $\frac{1}{16}$ Литера-
турная гарн. Юкори босма усулида босилди. Шартли б. л. 840 Шартли кр. оғл. 8-66. Напри-
л. 7,84. Тиражи 50 000. Зак. № 2411 Бахоси 7 с 20 т

«Ўқитувчи» нашриёти. 700 129. Тошкент, Навоийй кўчаси, 30. Шартинома 07 – 101 – 91

Ўзбекистон Матбуот давлат кўмитасининг Тошкент полиграфия комбинатида терилиб, 3- бос-
махонасида босилди. Тошкент, Муродова кўчаси, 1 1992.

Набрано на Ташполиграфкомбинате, отпечатано в тип. № 3 НПО «Китоб» Госкомпечати Рес-
публики Узбекистан. Ташкент, ул. Муродова 1

Ж 87

Жумабоев Ф. Б.

Ўзбекистон халқлари тарихи: (Кечки сменали ишчи ёшлари мактабларининг VII — XII синфлари учун ўқув қўлл.) — Т.: Ўқитувчи, 1992,—160 б.

Джумабаев Фазыл. История народов Узбекистана: Учебное пособие для учащихся вечерних школ.

ББК 63. З (2У) я 75

•ҮҚИТУВЧИ•